

У.И.ИНОЯТОВ, Н.А.МУСЛИМОВ,
М.УСМОНБОЕВА, Д.ИНОҒОМОВА

**ПЕДАГОГИКА:
1000 та саволга 1000 та жавоб**

Методик қўлланма

Тошкент – 2012

УДК:

ББК:

П -

Педагогика: 1000 та саволга 1000 та жавоб / Методик қўлланма. У.И.Иноятов, Н.А.Муслимов, М.Усмонбоева, Д.Иноғомова. – Тошкент: Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, 2012. – 193 бет.

Методик қўлланма педагогика олий таълим муассасаларида “Педагогика назарияси” фанини ўқитиш учун ёрдамчи манба сифатида яратилган бўлиб, унда Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги давлат сиёсати ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”, педагогиканинг умумий моҳияти, шахсининг ижтимоий ривожланиши, тарбия назариясининг устувор ғоялари, мактаб, таълим ва тарбия тизимларининг тарихий тараққиёти, ўқувчилар жамоаси ва унинг шаклланиши, ижтимоий тарбия турлари, оила тарбияси, дидактика (таълим назарияси), таълим менежменти ва махсус (коррекцион) педагогика асосларига оид 1000 та савол ва 1000 та жавоб жамланган.

Мазкур қўлланма педагогика олий таълим муассасаларининг талабалари, узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида фаолият юритаётган педагоглар, илмий ходимлар, аспирантлар, тадқиқотчилар ҳамда педагогик билимлар билан қизиқувчилар учун мўлжалланган.

Тақризчилар: педагогика фанлари доктори, профессор **У.И.Маҳкам**
педагогика фанлари номзоди, доцент **Г.А.Султонова**

Методик қўлланма Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Илмий кенгашнинг 2012 йил “__” _____даги __-сонли қарорига мувофиқ нашрга тавсия этилган

© Низомий номли Тошкент давлат педагогика университети, 2012 йил

Педагогика: 1000 ответов на 1000 вопросов / Методическое пособие. У.И.Инояттов, Н.А.Муслимов, М.Усмонбаева, Д.Инагамова. – Ташкент: Ташкентский государственный педагогический университет имени Низами, 2012. – 193 с.

В методическом пособии, созданном в качестве дополнительного источника в обучении предмета «Теория педагогики» в высших учебных заведениях, собраны 1000 вопросов и 1000 ответов, касающихся государственной политики Республики Узбекистан в сфере образования и «Национальной программе по подготовке кадров», общей сущности педагогики, социального развития личности, высших идей теории воспитания, исторического развития школы, образования и воспитания, социальных видов воспитания, воспитания в семье, дидактики (теория образования), образовательного менеджмента, а также специальных (коррекционных) педагогических основ.

Данное пособие создано для студентов высших учебных заведений, педагогов, ведущих деятельность во всех этапах системы непрерывного образования, научных сотрудников, аспирантов, исследователей и для личностей, заинтересованных педагогическими знаниями.

Рецензенты:

Доктор педагогических наук, профессор
Кандидат педагогических наук, доцент

У.И. Махкамов
Г.А.Султанова

Pedagogy: 1000 questions and 1000 answers / Methodological manual. U.I.Inoyatov, N.A.Muslimov, M.Usmonbaeva, D.Inagamova. – Tashkent: Tashkent state pedagogical university named after Nizami, 2012. – P. 180.

The methodological manual created as an supplementary source in teaching the discipline “Pedagogy theory” in institutions of higher education includes 1000 questions and 1000 answers concerning state policy of Uzbekistan republic in the sphere of education and “National program regarding education”, general matter of pedagogy, social development of a person, upbringing theory ideas, historical development of school, education and upbringing, social types of upbringing, upbringing in the family, didactics (education theory), education management and specific (correctional) pedagogical fundamentals.

This particular manual is created for higher education institutions students, pedagogues working in all stages of continuous educational systems, scientists, postgraduate students, researchers and all those interested in pedagogical science.

Reviewers:

Doctor of pedagogical sciences, professor
Candidate of pedagogical sciences, associate professor

U.I. Makhkamov
G.A.Sultanova

СЎЗБОШИ

Илм-фан, техника ишлаб чиқариш, технология соҳаларида эришилаётган ютуқлар узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида фаолият юритаётган таълим муассасалари учун янги авлод адабиётлари ва ўқув-услубий мажмуаларни яратишни тақозо этмоқда. Бу каби ўқув манбаларининг яратилишига қўйилаётган талаблардан энг муҳими – уларнинг мазмунида тегишли фан соҳасида тўпланган илмий билимлар, замонавий педагогик назариялар, шунингдек, мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида таълим соҳасида олиб борилаётган давлат сиёсати моҳиятининг ёритилиши саналади.

Педагогика олий таълим муассасалари учун мўлжалланган ушбу методик қўлланма амалдаги “Педагогика назарияси” ўқув дастурида кўрсатилган талаблар инобатга олинган ҳолда яратилган. Методик қўлланманинг мақсади педагогика фанининг назарий-методологик асосларини очиб бериш, педагогик билимларни талабалар онгига сингдиришга қаратилган фаолият моҳиятини ёритиш, талабалар томонидан касбий билимларни пухта ўзлаштирилишига эришиш, уларда таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этиш кўникма ва малакаларини шакллантиришдир.

Методик қўлланмада берилган савол ва жавоблар “Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги давлат сиёсати ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, “Тарихий тараққиёт ва педагогик фаолиятнинг такомиллашуви”, “Халқ педагогикаси ва унинг устувор ғоялари”, “Педагогиканинг умумий асослари”, “Шахснинг ижтимоий ривожланиши”, “Тарбия назариясининг асослари”, “Ўқувчилар жамоаси ва унинг шаклланиши”, “Ижтимоий тарбия турлари”, “Оила тарбияси”, “Дидактика (Таълим назарияси)”, “Таълим муассасаси менежменти” ҳамда “Махсус (коррекцион) педагогика асослари” каби бўлимларда ўз аксини топган.

I БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИ ВА “КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ”

1. Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг бош ғояси нимадан иборат?

Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг бош ғояси таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, миллий таълим тизимини жаҳон таълим стандартларига тенглаштириш, кадрлар тайёрлаш миллий моделига мувофиқ замонавий билимларни пухта эгаллаган, эркин, мустақил фикрловчи, ҳар томонлама ривожланган комил инсон ва малакали мутахасисни тарбиялаб вояга етказишдан иборат.

2. Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг моҳияти қандай ҳужжатларда ўз ифодасини топган?

Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг моҳияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида”ги Қонунларида, шунингдек, Республика Вазирлар Маҳкамаси, тегишли вазирлик ҳамда идораларнинг таълим мазмунини ёритувчи ҳужжатларида ўз ифодасини топган.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни қачон қабул қилинган?

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни 1992 йил 2 июлда қабул қилинган бўлиб, 1997 йил 29 августда мазкур Қонунга ўзгартиришлар киритилган.

4. 1997 йилда қандай заруриятга кўра Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунига ўзгартиришлар киритилди?

1997 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунига кадрлар тайёрлаш тизимининг демократик ўзгаришлар ва бозор ислохотлари талабларига жавоб бера олишига эришиш, ўқув жараёнини моддий-техника, ахборот базасини мустаҳкамлаш, юқори малакали педагог кадрларни тайёрлаш, сифатли ўқув-услубий, илмий адабиёт, дидактик материалларни яратиш, таълим тизими, фан, ишлаб чиқариш ўртасида мустаҳкам ўзаро ҳамкорлик ва фойдали интеграцияни қарор топтириш заруриятига кўра ўзгартиришлар киритилди.

5. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни қандай таркибий тузилмага эга?

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни қуйидаги таркибий тузилмага эга:

- I. Умумий қоидалар (8 та модда).
- II. Таълим тизими ва турлари (11 та модда).

III. Таълим жараёни қатнашчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш (5 та модда).

IV. Таълим тизимини бошқариш (5 та модда).

V. Яқунловчи қоидалар (5 та модда).

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни жами бешта бўлим, 34 та моддадан иборат.

6. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунининг мақсади нима?

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунининг мақсади – фуқароларга таълим-тарбия бериш, касб-хунар ўргатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаш, ҳар кимга билим олишдан иборат конституциавий ҳуқуқини таъминлашдан иборат.

7. Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари қайсилар?

Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари қуйидагилардир:

- таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги;
- таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;
- умумий ўрта, шунингдек, ўрта махсус, касб-хунар таълимининг мажбурийлиги;
- ўрта махсус, касб-хунар таълимининг йўналиши, академик лицейда ёки касб-хунар коллежида ўқишни танлашнинг ихтиёрийлиги;
- таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги;
- давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги;
- таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув;
- билимли бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш;
- таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш.

8. Ўзбекистон Республикасида кимлар билим олиш ҳуқуқига эга?

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жинси, тили, ёши, ирқий ва миллий мансублиги, эътиқоди, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, хизмат тури, мавжуд ижтимоий мавқеи, турар-жойи, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қанча вақт яшаётганлигидан қатъий назар ҳар кимга билим олишда тенг ҳуқуқлар кафолатланади.

9. Бошқа давлатларнинг фуқаролари Ўзбекистон Республикасида билим олиш ҳуқуқига эгамилар?

Бошқа давлатларнинг фуқаролари Ўзбекистон Республикасида халқаро шартномаларга мувофиқ билим олиш ҳуқуқига эгадилар.

10. Республикада истиқомат қилаётган, бироқ, фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасида билим олиш ҳуқуқига эгамилар?

Республикада истиқомат қилаётган, бироқ, фуқаролиги бўлмаган шахслар

билим олишда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари билан тенг ҳуқуқга эгалар.

11. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунига кўра кимлар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга?

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ тегишли маълумот, касб тайёргарлик ва юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эгадирлар.

12. Педагог ходимларни олий ўқув юртларига ишга қабул қилиш қандай тартибда амалга оширилади?

Педагог ходимларни олий ўқув юртларига ишга қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган Низомга мувофиқ танлов асосида амалга оширилади.

13. Таълим муассасаси нима?

Таълим муассасаси юридик шахс бўлиб, у қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда барпо этилади ва фаолият олиб боради.

14. Таълим муассасасини аккредитациялаш нима?

Таълим муассасасини аккредитациялаш (лотинча “accredo” – ишонмоқ, ишонч билдирмоқ) таълим муассасасига ўқув ва тарбиявий ишларни олиб бориш ҳуқуқи, ваколатининг берилишидир.

15. Таълим муассасасини аккредитациялаш ваколати қандай тартибда амалга оширилади?

Таълим муассасасини аккредитациялаш ваколати тегишли давлат органи томонидан аттестация натижаларига асосан амалга оширилади.

16. Қайси давлат органи таълим муассасасини аккредитациялаш ваколатига эга?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таълим муассасасини аккредитациялаш ваколатига эга.

17. Таълим муассасаси фаолиятини аттестациядан ўтказиш нима?

Таълим муассасаси фаолиятини аттестациядан ўтказиш – бу таълим муассасаси фаолиятининг қонун талабларига мувофиқ изчил, тизимли, узлуксиз амалга ошириётганлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш саналади.

18. Таълим муассасаларининг фаолияти қандай муддатда аттестациядан ўтказилади?

Таълим муассасаларининг фаолияти муайян давр (ҳар 5 йил)да аттестациядан ўтказилиб борилади.

19. Таълим муассасаси фаолиятини аттестациядан ўтказиш муддати

қандай белгиланади?

Таълим муассасаси фаолиятини аттестациядан ўтказиш муддати Республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

20. Республика таълим тизими қандай субъектлар томонидан бошқарилади?

Республика таълим тизими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари (тегишли вазирликлар ва идоралар), маҳаллий давлат ҳокимияти органлари каби субъектлар томонидан бошқарилади.

21. Таълим тизимини бошқаришда яна қандай субъектлар иштирок этишлари мумкин?

Таълим тизимини бошқаришда, яна шунингдек, муассис ташкилотлар, савдо-саноат доиралари, жамоат ташкилотлари, жамғармалар, ҳомийларнинг вакиллари ўз ичига олувчи васий ва кузатув кенгашлари ҳам иштирок этадилар.

22. Таълим муассасаси фаолиятини аттестациядан ўтказиш натижалари қандай характер касб этади?

Таълим муассасаси фаолиятини аттестациядан ўтказиш натижаларининг ижобий ёки салбий характерга эга эканлиги асосида таълим муассасасининг фаолияти бутунлай тўхтатилади ёки қайта аттестациядан ўтказиш имкониятини бериш асосида маълум муддатга қолдирилади.

23. Таълим муассасасининг фаолияти қайси ҳужжат талабларига мувофиқ ташкил этилади?

Таълим муассасасининг фаолияти амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган Устав асосида ташкил этилади.

24. Қандай ҳолатларда таълим муассасаси давлат аккредитациясидан маҳрум бўлиши мумкин?

Таълим муассасаси давлат аккредитациясидан миллий қонунчилик, тегишли қонунлар талабларига риоя этмаганда; миллий мафкуравий қарашларга зид, бузғунчи ғояларни тарғиб этганда; қўпоровчилик ҳаракатларида иштирок этганда; диний ва миллий ахлоқ меъёрларига зид қарашларни тарғиб қилганида маҳрум этилади.

25. Ўқув-тарбия мажмуалари, ўқув ишлаб чиқариш бирлашмалари ва уюшмалари қандай муассасалардан таркиб топади?

Ўқув-тарбия мажмуалари, ўқув ишлаб чиқариш бирлашмалари ҳамда уюшмалари таълим муассасалари ва уларнинг бирлашувидан таркиб топади.

26. Пулли таълим хизматлари нима?

Пулли таълим хизматлари – бу Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни талабларига мувофиқ шахсга билим бериш, уни тарбиялашга доир масалалар юзасидан пулли хизматларни ташкил этиш, унинг сифати учун жавобгарликни юкловчи лицензия асосида таълим муассасаси томонидан олиб бориладиган фаолият турлари саналади.

27. Пулли таълим хизматлари қандай шаклларда кўрсатилади?

Пулли таълим хизматлари қуйидаги шаклларда кўрсатилади:

- қўшимча таълим дастурлари асосида ўқитишни йўлга қўйиш;
- болаларни мактабга тайёрлаш, мактаб шароитига кўниктириш курсларини ташкил этиш;
- ўқув предметларини чуқурлаштириб ўргатишга йўналтирилган машғулотларини ташкиллаштириш;
- ўқув фанлари бўйича махсус курсларни уюштириш;
- репетиторлик таълимини йўлга қўйиш;
- мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;
- спорт-соғломлаштириш йўналиши бўйича машғулотларни йўлга қўйиш;
- бадий-эстетик йўналиш бўйича машғулотларни ташкил этиш;
- маслаҳат, методик ва эксперт хизматларни жорий қилиш.

28. Пулли таълим хизматлари қандай юридик шахс томонидан кўрсатилади?

Пулли таълим хизматлари таълим муассасалари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида кўрсатилади.

29. Таълим муассасалари қандай ҳолатларда пулли хизмат кўрсатиш ва тадбиркорлик фаолиятининг бошқа турлари билан шуғулланишга ҳақли?

Таълим муассасалари уставда белгиланган вазифаларга мувофиқ пулли хизмат кўрсатиш ва тадбиркорлик фаолиятининг бошқа турлари билан шуғулланишга ҳақлидирлар.

30. Давлат таълим стандартлари нима?

Давлат таълим стандартлари (инглизча “standard” – меъёр, намуна) – узлуксиз таълим босқичларининг асосий таълим дастурлари мазмунининг зарурий минимумини, ўқувчиларга юкланадиган ўқув юкланмаларнинг максимал ҳажмини, таълим муассасаси битирувчиларининг тайёргарлик даражасини, таълим жараёнини таъминлаш (унинг моддий-техник, ўқув-лаборатория, ахборот-методик, кадрлар таъминоти)нинг асосий талабларини аниқлаб берадиган меъёр ва талаблар саналади.

31. Давлат таълим стандартлари ўзида нималарни акс эттиради?

Давлат таълим стандартлари ўзида таълим дастурлари мазмунининг минимуми, ўқувчилар томонидан бажариладиган ўқув ишларининг максимал ҳажми, ўқув фани бўйича якуний таълимнинг якуний натижалари ҳамда таълим

олиш шаклидан қатъий назар битирувчилар эришишлари керак бўлган таълим даражасини акс эттиради.

32. Давлат таълим стандартлари қандай таркибий тузилмага эга?

Давлат таълим стандартлари қуйидаги таркибий тузилмага эга бўлади:

1. Таълимнинг янги ёки аниқлаштирилган мақсадлари, фаннинг ўрганиш объектлари ва асосий мазмунли йўналишлари кўзда тутилладиган ўқув фанининг умумий таърифи.

2. Ўқув фанининг мазмуни, таянч (инвариант) даражасини тасвирлаш.

3. Таълимнинг мажбурий натижаларини ифодалаш, яъни ўқувчиларнинг ўқув тайёргарликлари зарур бўлган минимал даражасига қўйилладиган талаблар.

4. Билим, кўникма ва малакаларга қўйилладиган талаблар (бу уларнинг мажбурий тайёргарликлари даражасининг “ўлчами” бўлиб, текшириш ишлари, тестлар, алоҳида топшириқларни бажаришларига қараб ўқувчилар томонидан талабларнинг мажбурий даражасига эришилганлиги ҳақидаги хулосага келинади).

33. Давлат таълим стандартларининг мажбурийлик характериға эғалиғини қандай изоҳлаш мумкин?

Давлат таълим стандартларининг мажбурийлик характериға эғалиғи – бу уларнинг Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимининг тегишли таълим муассасаларида мажбуран, бирдек қўлланилиши билан изоҳланади.

34. Республика таълим муассасаларида ўқитиш ишлари ташкил этиладиган тил қандай белгиланади?

Таълим муассасаларининг таълим бериш тилидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили тўғрисида”ги Қонуни билан тартибға солинади.

35. Таълим тизими нима?

Таълим тизими – бу ёш авлодға таълим-тарбия бериш йўлида давлат тамойиллари асосида фаолият юритаётган барча турдаги ўқув-тарбия муассасалари мажмуи.

36. Республика таълим тизими қандай субъектлардан таркиб топади?

Республика таълим тизими давлат таълим стандартларига мувофиқ таълим дастурларини амалға оширувчи давлат ва нодавлат таълим муассасалари; таълим тизимининг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлаш учун зарур бўлган тадқиқот ишларини бажарувчи илмий-педагогик муассасалар; таълим соҳасидаги давлат бошқарув органлари, шунингдек, уларға қарашли корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар каби субъектларни ўз ичига олади.

37. Республика узлуксиз таълим тизими нима?

Республика узлуксиз таълим тизими – бу шахсға таълим бериш, унда маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантиришға йўналтирилиб, ўзаро мантиқий

изчиллик асосида, оддийдан мураккабга томон ривожланиб борадиган бир-бири билан боғланган босқичларни ифодаловчи таркибий ва ташкилий элементлар мажмуаси ҳисобланади.

38. Ўзбекистон Республикасининг узлуксиз таълим тизими қандай муассасаларни ўз ичига олади?

Ўзбекистон Республикасининг узлуксиз таълим тизими мактабгача таълим; умумий ўрта таълим; ўрта махсус, касб-ҳунар таълим; олий таълим; олий ўқув юртидан кейинги таълим; кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, мактабдан ташқари таълим муассасаларини, уларнинг фаолиятини назорат қилувчи ва тартибга солувчи бошқарув органларини ўз ичига олади.

39. Ўзбекистон Республикасида таълим қандай турларда амалга оширилади?

Ўзбекистон Республикасида таълим:

- 1) мактабгача таълим;
- 2) умумий ўрта таълим;
- 3) ўрта махсус, касб-ҳунар таълими;
- 4) олий таълим;
- 5) олий ўқув юртидан кейинги таълим;
- 6) кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;
- 7) мактабдан ташқари таълим кабиларни ўз ичига олади.

40. Мактабгача таълим қандай мақсадни кўзлайди?

Мактабгача таълим боланинг соғлом, ҳар томонлама камол топиб шаклланишини таъминлаш, унда ўқишга интилиш ҳиссини уйғотиш, уни мунтазам таълим олишга тайёрлаш мақсадини кўзлайди.

41. Мактабгача таълим қаерларда ташкил этилади?

Мактабгача таълим оилаларда, мактабгача таълим муассасаларида ва мулк шаклидан қатъий назар бошқа таълим муассасаларида олиб борилади.

42. Умумий ўрта таълим қандай босқичларда амалга оширилади?

Умумий ўрта таълим:

- 1) бошланғич таълим (I-IV синфлар);
- 2) умумий таълим (V-IX синфлар) каби босқичларда ташкил этилади.

43. Бошланғич таълим қандай мақсадни амалга оширишга йўналтирилган?

Бошланғич таълим 6-7 ва 10-11 ёшли болаларда умумий ўрта таълим олиш учун зарур бўлган саводхонлик, билим ва кўникма асосларини шакллантириш мақсадини амалга оширишга йўналтирилган.

44. Умумий ўрта таълимнинг мақсади нимадан иборат?

Умумий ўрта таълимнинг мақсади ўқувчиларга фанлар асослари бўйича

мунтазам билим бериш, уларда ўқув-илмий, умуммаданий билимларни, миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган маънавий-ахлоқий фазилятларни, меҳнат кўникмаларини, ижодий фикрлаш қобилиятини, атроф-муҳитга бўлган онгли муносабат шакллантиришдан иборат.

45. Бугунги кунда республикада фаолият олиб бораётган умумий ўрта таълим мактабларининг сони қанча?

Бугунги кунда республикада фаолият олиб бораётган умумий ўрта таълим мактабларининг сони 9779 тани ташкил этади.

46. “2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури” талабларини амалиётга жорий этиш йўлида қандай ишлар бажарилди?

“2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури” талабларини амалиётга жорий этиш жараёнида 8500 дан зиёд мактаб қурилди ва капитал таъмирланди. Ушбу мақсадлар учун 1,4 триллион сўм маблағ сарфланди. Таълим муассасаларининг 6887 таси қишлоқ ҳудудларида, 288 таси эса республикамизнинг бориш қийин бўлган ҳудудларида жойлашганлиги инобатга олинадиган бўлса, бажарилган ишлар салмоғи тўғрисидаги тасаввурлар янада ойдинлашади. Биргина 2011 йилнинг ўзида 46 минг 300 дан ортиқ ўқувчига мўлжалланган 166 та янги мактаб барпо этилди, 151 та мактаб капитал таъмирланди, 852 та мактабда замонавий ўқув-компьютер синфлари ташкил этилди.

47. “2009-2014 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури”га кўра қандай ишлар амалга оширилмоқда?

“2009-2014 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури”га кўра, махсус ишлаб чиқилган замонавий лойиҳалар асосида республиканинг барча ҳудудларида 278 та болалар мусиқа ва санъат мактаблари, 2 та республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейида қурилиш-таъмирлаш, моддий-техник базасини халқаро стандартларга мос равишда ташкил этиш ишлари давом эттирилмоқда. 2009-2011 йилларда 119 та янги болалар мусиқа ва санъат мактаблари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

48. Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг дарсликлар билан таъминлаш даражаси қандай?

Мактаб ўқувчиларининг дарсликлар билан таъминланиш даражаси республика мустақилликка эришгандан кейин ўтган йигирма йил давомида 55,4 фоиздан 99,4 фоизга ортди. Кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари эса давлат томонидан дарсликлар билан бепул таъминланмоқдалар.

49. Умумий ўрта таълим мактабларининг замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари билан таъминланиши қандай аҳволда?

Республикада фаолият кўрсатаётган умумий ўрта таълим мактабларининг

деярли барчаси янгитдан қурилган ва капитал таъмирланган қарийб 9,5 мингта мактаб замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари билан жиҳозланди.

50. Умумий ўрта таълим мактаблари халқаро Интернет тизими хизматидан фойдаланиш имкониятига эгами?

Ҳозирги вақтда 9 минг 400 дан зиёд мактаб ёки жами мактабларнинг 96 фоизи Ziyonet электрон-ахборот тармоғига уланган.

51. Умумий ўрта таълим мактабларининг замонавий электрон дарслик ва визуал материаллар билан таъминланганлик даражаси қандай?

Халқ таълими вазирлиги ҳузурида ташкил этилган “Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш” марказининг самарали фаолият олиб бораётганлиги туфайли бугунги кунга қадар 20 та электрон дарслик, 40 та визуал лаборатория ишлари, 113 та турли мультимедиали ресурслар яратилиб, умумий ўрта таълим мактабларининг амалиётига муваффақиятли жорий этилди.

52. Умумий ўрта таълим мактаблари Ахборот-ресурс марказларининг фаолияти бугунги кун талабларига жавоб берадими?

Ҳа, албатта, мустақиллик йилларида республика умумий ўрта таълим мактабларида 1074 та Ахборот-ресурс марказлари ташкил қилиниб, зарур техник жиҳозлар билан тўлиқ таъминланди. Мактаблар Ахборот-ресурс марказларининг китоб фонди 7. 960.840 нусхани ташкил этади. Бунга қўшимча равишда Ахборот-ресурс марказларида 95.645 дона электрон нашрлар мавжуд.

53. Республика умумий ўрта таълим мактабларида таълим неча тилда олиб борилади?

Республика умумий ўрта таълим мактабларида таълим 7 тилда – ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, туркман ва тожик тилларида олиб борилади.

54. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими қандай мақсадни қўзлайди?

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг мақсади ишлаб чиқаришнинг биринчи бўғинидаги ташкилотчи ва иш бошқарувчиларни, олий тоифали мутахассисларнинг ёрдамчиларини, юқори кўникма, малакаларни талаб қилувчи маълум бир турдаги ишни мустақил бажара оладиган, ўз ишининг усталарини бўлган – техник, агроном, бошланғич синф ва жисмоний тарбия фани ўқитувчилари, фельдшер, стоматолог, концертмейстер каби мутахассисларни тайёрлашдан иборат.

55. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг мажбурий-ихтиёрий характерга эгаллиги қандай изоҳланади?

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг мажбурий характерга эгаллиги умумий ўрта таълим мактабларининг битирувчилари академик лицей ёки касб-ҳунар коллежларида таълим олишга мажбур эканликларини англатади.

Ўрта махсус, касб-хунар таълимининг ихтиёрий характерга эгаллиги эса умумий ўрта таълим мактаблари битирувчиларининг ўз хоҳишларига биноан ўқиш йўналишини – академик лицей ёки касб-хунар коллежларида таълим олишни ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эгалликларини билдиради.

56. Академик лицейлар қандай таълим муассасалари саналади?

Академик лицейлар ўқувчиларнинг имкониятлари, қизиқишларига кўра уларнинг жадал интеллектуал ривожланиши чуқур, соҳалаштирилган, табақалаштирилган, касбга йўналтирилган таълим олишларини таъминлаш мақсадида давлат таълим стандартларига мувофиқ ўрта махсус таълим берадиган, юридик мақомга эга таълим муассасасидир.

57. Академик лицейлар қаерларда ташкил этилади?

Академик лицейлар олий таълим муассасалари қошида ташкил этилади.

58. Бугунги кунда республикада қанча академик лицей фаолият кўрсатмоқда?

Бугунги кунда республикада 141 та академик лицей фаолият кўрсатмоқда.

59. Касб-хунар коллежлари қандай муассасалар саналади?

Касб-хунар коллежлари ўқувчиларнинг касб-хунарга мойиллиги, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантирувчи, танлаб олинган касб-хунар бўйича бир ёки бир неча ихтисосни эгаллаш имконини яратиш мақсадида тегишли давлат таълим стандартлари доирасида ўрта махсус, касб-хунар таълимини берадиган юридик мақомга эга таълим муассасасидир.

60. Касб-хунар коллежлари нимага асосланиб ташкил этилади?

Касб-хунар коллежлари ҳудудларнинг демографик ва географик шароитлари, тегишли соҳа мутахассисликларига бўлган маҳаллий эҳтиёжларга асосланиб ташкил этилади.

61. Айни вақтда республикада қанча касб-хунар коллежлари фаолият кўрсатмоқда?

Айни вақтда республикада 1396 та касб-хунар коллежлари фаолият кўрсатмоқда.

62. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари хорижий мамлакатлар учун мутахассис тайёрлашлари мумкинми?

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари белгиланган тартибда хорижий шериклар билан тузиладиган битимларга мувофиқ хорижий мамлакатлар учун мутахассислар тайёрлашлари мумкин.

63. Ўрта махсус касб-хунар муассасалари ташкил этилгандан буён уларда қанча ўқувчи таҳсил олди?

Ўрта махсус касб-хунар муассасалари ташкил этилгандан бошлаб, бугунги

кунга қадар уларда 2 миллион 300 мингдан зиёд ўқувчилар таҳсил олди.

64. Ҳозирги кунда ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларида қанча ўқувчи таҳсил олмоқда?

Ҳозирги кунда ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларида 1,7 миллион нафар ўқувчи таҳсил олмоқда.

65. Жорий (2012) йилда академик лицей ва касб-хунар коллежларини неча нафар ўқувчи тамомлайди?

Жорий йилда академик лицей ва касб-хунар коллежларини 516 минг нафардан ортиқ ўқувчи тамомлайди.

66. Касб-хунар коллежлари билан ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида ҳамкорлик алоқалари ўрнатилганми?

Республикада фаолият кўрсатаётган касб-хунар коллежлари билан ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида “Корхона – коллеж” ҳамкорлик алоқаси йўлга қўйилган.

67. Республика касб-хунар коллежлари ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида “Корхона – коллеж” ҳамкорлик алоқасининг мавжудлиги нималарда акс этади?

Айни вақтда республика бўйича 127,4 минг ишлаб чиқариш корхоналарида 15,3 мингта ўқув-амалий машғулотлар олиб бориладиган аудиториялар ташкил этилган бўлиб, бу ҳолат касб-хунар коллежлари ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида “Корхона – коллеж” ҳамкорлик алоқасининг мавжудлигини яққол ифдалайди.

68. Олий таълим тизимида қандай вазифа ҳал қилинади?

Олий таълим тизимида турли йўналишлар бўйича юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш вазифаси ҳал қилинади.

69. Айни вақтда республикада қанча олий ўқув юртлари фаолият кўрсатмоқда?

Айни вақтда республикада 59 та олий ўқув юртлари фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, республикада Тошкент шаҳрида жойлашган олий таълим муассасаларининг 11 та ҳудудий ва хорижий мамлакатлар етакчи олий ўқув юртларининг 6 та филиаллари фаолият олиб бормоқда.

70. Республикада хорижий мамлакатлар қайси етакчи олий ўқув юртларининг филиаллари фаолият олиб бормоқда?

Айни вақтда республикада хорижий мамлакатлар қуйидаги етакчи олий ўқув юртларининг филиаллари фаолият олиб бормоқда:

1. Халқаро Вестминстер университети.
2. Турин политехника университети.
3. Сингапур менежментни ривожлантириш институти.

4. М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети.
5. Г.Плеханов номидаги Россия давлат иқтисодиёт университети.
6. И.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети.

71. Олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш қайси муассасаларда амалга оширилади?

Олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш олий ўқув юртлари (университет, академия, институт ва олий мактабнинг бошқа таълим муассасалари)да амалга оширилади.

72. Олий таълим қандай босқичларда ташкил этилади?

Олий таълим икки босқич (бакалаврият ва магистратура)да ташкил этилади.

73. Бакалаврият нима?

Бакалаврият (лотинчадан “bachelor's degree” – биринчи академик даража) олий таълим йўналишларидан бири бўйича пухта билим берадиган, ўқиш муддати камида тўрт йил бўлган таянч олий таълимдир.

74. Бакалавр ким?

Бакалавр (инглизчадан “bachelor's” – бўйсунувчилар) ўзи танлаган соҳа бўйича олий маълумотга ҳамда давлат классификаторида белгиланган лавозимда ишлаш ҳуқуқига эга мутахассис.

75. Магистратура нима?

Магистратура (лотинчадан “magistratus” – иккинчи академик даража) аниқ мутахассислик бўйича бакалаврият негизида камида икки йил давом этадиган олий таълим.

76. Магистр ким?

Магистр (лотинчадан “magistr” – бошлиқлар, мураббийлар, амалдорлар) маълум ихтисослик бўйича таълим олган юқори малакали, аспирантурага кириш ҳуқуқи ҳамда илм-фан соҳасида, ишлаб чиқаришнинг масъулиятли лавозимларида фаолият кўрсатиш имкониятига эга мутахассис.

77. Республика фуқаролари иккинчи ва ундан ортиқ олий маълумотга эга бўлишлари мумкинми?

Республика фуқаролари иккинчи ва ундан ортиқ олий маълумотни шартнома асосида олишга ҳақлидирлар.

78. Олий ўқув юртидан кейинги таълим қандай мақсадда ташкил этилади?

Олий ўқув юртидан кейинги таълим жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида ташкил этилади.

79. Олий ўқув юртидан кейинги таълим қайси муассасаларда ташкил этилади?

Олий ўқув юртидан кейинги таълим олий ўқув юртлари ва муайян йўналишларда фаолият олиб борувчи илмий-тадқиқот муассасалари (аспирантура, адъюнктура, докторантура)да ташкил этилади.

80. Илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, илмий даража ва унвонлар бериш қандай тартибда амалга оширилади?

Илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, илмий даража ва унвонлар бериш тартиби тегишли қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

81. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизими қандай мақсадни кўзлайди?

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизими касбий билимлар, кўникма ва малакаларни янгилаш ҳамда чуқурлаштириш мақсадини кўзлайди.

82. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тартиби қайси субъект томонидан белгиланади?

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

83. Мактабдан ташқари таълим қандай мақсадда амалга оширилади?

Мактабдан ташқари таълим болалар, ўсмирларнинг таълимга бўлган, яқка тартибдаги, ортиб борувчи талаб-эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақти ва дам олишини ташкил этиш мақсадида амалга оширилади.

84. Мактабдан ташқари таълим қайси субъектлар томонидан йўлга қўйилади?

Мактабдан ташқари таълим давлат ва нодавлат таълим муассасаларида давлат органлари, жамоат ташкилотлари, юридик ва жисмоний шахслар томонидан йўлга қўйилади.

85. Мактабдан ташқари таълим қандай йўналишларда ташкил этилади?

Мактабдан ташқари таълим маданий-эстетик, илмий, техникавий, спорт ва бошқа йўналишларда ташкил этилади.

86. Мактабдан ташқари таълим муассасалари сирасига қандай муассасалар киради?

Мактабдан ташқари таълим муассасалари сирасига қуйидаги муассасалар киради:

- болалар ва ўсмирлар ижодиёти саройлари;
- болалар ва ўсмирлар уйлари;

- болалар ва ўсмирлар клублари;
- болалар ва ўсмирлар марказлари;
- болалар-ўсмирлар спорт мактаблари;
- санъат мактаблари;
- муסיқа мактаблари;
- студиялар;
- кутубхоналар;
- соғломлаштириш муассасалари.

87. Республикада фаолият олиб бораётган “Баркамол авлод” болалар марказларининг сони қанча?

Айни вақтда Тошкент ва Нукус шаҳарлари, барча вилоятлар ва туманларнинг марказларида жами 211 та “Баркамол авлод” болалар марказлари фаолият олиб бормоқда.

88. Республика “Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси” қачон тузилган?

Республика “Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси” Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида”ги (2002 йил 24 октябр) Фармониға мувофиқ 2002 йилда тузилган.

89. Республика “Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси” фаолияти натижаларини нималарда кўриш мумкин?

Республика “Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси” фаолияти натижаларини жамғарма маблағлари ҳисобидан қарийб 1500 та замонавий, қулай болалар спорт объектларининг қурилганлиги, ҳар бир умумий ўрта таълим мактаби, касб-ҳунар коллежи ва академик лицейларда очик ҳамда замонавий спорт анжомлари билан жиҳозланган ёпиқ спорт заллари, сузиш ҳавзаларининг барпо этилганлигида кўриш мумкин.

90. Мактабдан ташқари таълим муассасаларининг фаолияти қандай тартибда амалга оширилади?

Мактабдан ташқари таълим муассасаларини ташкил этиш ва фаолият кўрсатиш тартиби тегишли қонун ҳужжатларида белгилаб берилади.

91. Республика қонунчилигига кўра оилада ва мустақил равишда таълим олиш мумкинми?

Республика қонунчилигига кўра оилада ва мустақил равишда таълим олиш мумкин. Бу жараён тегишли таълим муассасаларининг дастурлари бўйича амалга оширилади.

92. Шахснинг оилада ва мустақил равишда таълим олишида давлат муассасаларининг иштироклари кўзга ташланадими?

Шахснинг оилада ва мустақил равишда таълим олиши учун ваколатли

давлат муассасалари томонидан услубий, маслаҳат ва бошқа турдаги ёрдамлар кўрсатилади.

93. Таълим муассасаларининг битирувчилари қандай ҳужжатга эга бўладилар?

Аккредитация қилинган таълим муассасаларининг битирувчилари давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжат (шаҳодатнома, диплом, сертификат, гувоҳнома)га эга бўладилар.

94. Оилада таълим ёки мустақил билим олган шахслар давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжат (шаҳодатнома, диплом, сертификат, гувоҳнома)га эга бўлишлари мумкинми?

Оилада таълим ёки мустақил билим олган шахслар ҳам давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжат (шаҳодатнома, диплом, сертификат, гувоҳнома)га эга бўлишлари мумкин. Бунинг учун улар аккредитация қилинган таълим муассасаларининг тегишли таълим дастурлари бўйича экстерн тартибда имтиҳонни муваффақиятли топширишлари лозим.

95. Таълим муассасаларининг битирувчилари қандай ҳужжатга эга бўладилар?

Аккредитация қилинган таълим муассасаларининг битирувчилари давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжат (шаҳодатнома, диплом, сертификат, гувоҳнома)га эга бўладилар.

96. Оилада таълим олиб, экстерн тартибда имтиҳон топширган шахслар давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжатга эга бўла оладиларми?

Оилада таълим олиб, экстерн тартибда имтиҳон топширган шахслар давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжатга эга бўладилар. Бироқ, бунинг учун улар аккредитация қилинган таълим муассасаларининг тегишли таълим дастурлари талабларини бажарган бўлишлари лозим.

97. Олий маълумот тўғрисидаги диплом иловага эгами?

Ҳа, олий маълумот тўғрисидаги диплом фанлар рўйхати, уларнинг ҳажмлари ва битирувчининг фанлар бўйича олган якуний баҳолари ёзилган иловага эга.

98. Номзодлик ёки докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган шахслар қандай ҳужжатга эга бўладилар?

Номзодлик ёки докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган шахслар белгиланган тартибда муайян фан соҳалари бўйича фан номзоди ёки фан доктори илмий даражаларига ҳамда давлат томонидан тасдиқланган намунадаги дипломга эга бўладилар.

99. Хорижий мамлакатларда таҳсил олган Ўзбекистон фуқаролари олий маълумот ёки илмий даражага эгаллик тўғрисидаги диплом асосида ишга жойлашиш ва касбий фаолиятни ташкил этиш ҳуқуқига эгамилар?

Хорижий мамлакатларда таҳсил олган республика фуқароларининг олий маълумот ёки илмий даражага эгаллик тўғрисидаги дипломлари Ўзбекистон Республикаси билан хорижий давлатларнинг ҳукуматлари ўртасида имзоланган икки томонлама битимлар асосида нострификация (немисча “nostrifikation”, лотинча “nostrum” – бизники, бизга тегишли, ўзимизники, маҳаллий + “facere” – қилмоқ, ижро этмоқ) қилинади.

Нострификация жисмоний шахслар эга бўлган хорижий мамлакатларда таҳсил олганлик тўғрисидаги диплом, илмий унвон ёки илмий даражанинг у фуқароси саналадиган давлат томонидан тан олиниши, мамлакатдаги таълим муассасалар томонидан бериладиган диплом, илмий унвон ёки илмий даражага муқобил, тенг деб ҳисобланишидир.

100. Хорижий мамлакатларда таҳсил олган Ўзбекистон фуқароларининг олий маълумот ёки илмий даражага эгаллик тўғрисидаги дипломлари қайси муассаса томонидан нострификация қилинади?

Хорижий мамлакатларда таҳсил олган Ўзбекистон фуқароларининг ўрта махсус, касб-ҳунар ёки олий маълумотга эгаллик тўғрисидаги дипломлари Республика Тест маркази томонидан нострификация қилинади.

Хорижий мамлакатларда диссертация ҳимоя қилган ёки илмий унвон олган Ўзбекистон фуқароларининг илмий даража ёки илмий унвонга эгаллик тўғрисидаги дипломлари Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси (ОАК) томонидан нострификация қилинади.

101. Тегишли босқичдаги таълимни тугалламаган шахслар қандай ҳужжатга эга бўладилар?

Тегишли босқичдаги таълимни тугалламаган шахслар белгиланган намунадаги маълумотномага эга бўладилар.

102. Тегишли босқичдаги таълимни тугалламаган шахслар ўзлари эга бўлган белгиланган намунадаги маълумотнома асосида кейинги босқич таълимини давом эттириш ёки ишлаш ҳуқуқига эгамилар?

Ҳа, тегишли босқичдаги таълимни тугалламаган шахслар ўзлари эга бўлган белгиланган намунадаги маълумотнома асосида кейинги босқич таълимини давом эттириш ёки тегишли ихтисослик бўйича ишлаш ҳуқуқига эгалар.

103. Таълим олувчилар ижтимоий ҳимояланиш ҳуқуқига эгамилар ва бу қандай тартибда амалга оширилади?

Таълим олувчилар ижтимоий ҳимояланиш ҳуқуқига эгалар. Улар конун ҳужжатларига ва норматив ҳужжатларга мувофиқ муайян имтиёзларга эга бўладилар, стипендия ва ётоқхонада жой билан таъминланадилар.

104. Таълим олувчиларга бериладиган стипендия нима?

Таълим олувчиларга бериладиган стипендия (лотинча “stipendium”) – бу олий ва айрим касб-хунар коллежларининг ўқувчилари, аспирантлар, докторантлар, махсус курсларнинг тингловчиларига ҳар ойда бериб туриладиган нафақа, пул.

105. Таълим муассасаларининг ходимлари ижтимоий ҳимояланиш ҳуқуқига эгамилар?

Таълим муассасаларининг ходимлари ижтимоий ҳимояланиш ҳуқуқига эгалар, бундай эгалик уларга иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланганлиги, ҳақи тўланадиган йиллик узайтирилган таътиллар ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзларнинг берилишида акс этади.

106. Таълим муассасалари мустақил равишда ходимларини рағбатлантириш ҳуқуқига эгамилар?

Таълим муассасалари мустақил равишда ходимларини рағбатлантириш ҳуқуқига эгалар. Бунда улар иш ҳақиға мўлжалланган мавжуд маблағлар доирасида мустақил равишда ставкалар, мансаб окладларига табақалаштирилган устама белгилашга, меҳнатга ҳақ тўлаш ва рағбатлантиришнинг турли шакллари (дам олиш масканларига бепул ёки имтиёзли йўлланма бериш, бепул саёҳатлар уюштириш ва бошқалар)ни қўллашга ҳақлидирлар.

107. Республикада ижтимоий ва биологик етим болаларга таълим бериш кафолатланганми?

Республикада ижтимоий ва биологик етим болаларга таълим бериш кафолатланган. Уларни ўқитиш ва боқиш давлатнинг тўла таъминоти асосида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

108. Республикада жисмоний ёки руҳий ривожланишда нуқсони бўлган болалар ва ўсмирларни ўқитишга эътибор қаратиладими?

Республикада нафақат жисмоний ёки руҳий ривожланишда нуқсони бўлган, шу билан бирга узоқ вақт даволанишга муҳтож болалар ва ўсмирларни ўқитиш ҳамда даволашга ҳам жиддий эътибор қаратилади. Уларни ўқитиш ва даволаш ишлари ихтисослаштирилган таълим муассасаларида олиб борилади.

109. Жисмоний ёки руҳий ривожланишда нуқсони бўлган болалар ва ўсмирларни ўқитиш ва даволаш учун ихтисослаштирилган таълим муассасаларига жалб этиш ёки улардан чиқариш қандай тартибда амалга оширилади?

Жисмоний ёки руҳий ривожланишда нуқсони бўлган болалар, ўсмирларни ўқитиш ва даволаш учун ихтисослаштирилган таълим муассасаларига жалб этиш ёки улардан чиқариш ота-оналарнинг ёки бошқа қонуний вакилларнинг розилиги билан психологик-тиббий-педагогик комиссиянинг ҳулосаси асосида амалга оширилади.

110. Ижтимоий ёрдамга муҳтож болалар ва ўсмирлар қандай муассасаларда таълим олишлари мумкин?

Ижтимоий ёрдамга муҳтож болалар ва ўсмирлар уларнинг билим олишлари, касбий тайёргарликка эга бўлишлари ва ижтимоий тикланишларини таъминлайдиган ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларда таълим олиш имкониятига эгалар.

111. Белгиланган жазони ўтаётган болалар ва ўсмирларнинг таълим олишлари қандай йўлга қўйилади?

Озодликдан маҳрум қилинган ҳамда белгиланган жазони ўтаётган болалар ва ўсмирларнинг таълим, шунингдек, мустақил билим олишлари учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шароитлар яратилади.

112. Таълим тизимини бошқариш нима?

Таълим тизимини бошқариш таълим соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш, таълим муассасаларининг фаолияти устидан раҳбарлик қилишдир.

113. Республика таълим тизимини бошқарувчи етакчи масъул муассаса қайси?

Республика таълим тизимини бошқарувчи етакчи масъул муассаса Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси саналади.

114. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим соҳасидаги ваколатларига нималар киради?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим соҳасидаги ваколатларига қуйидагилар киради:

- таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;
- таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органларига раҳбарлик қилиш;
- таълимни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- таълим муассасаларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартибини белгилаш;
- таълим муассасаларини аккредитациядан, педагог, илмий кадрларни аттестациядан ўтказиш тартибини белгилаш;
- бошқа давлатнинг таълим муассасаларига Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида таълим фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини таъминловчи рухсатномаларни бериш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ хорижий давлатларнинг таълим тўғрисидаги ҳужжатларини тан олиш ва бу ҳужжатларнинг эквивалент эканлигини қайд этиш тартибини белгилаш;
- давлат таълим стандартларини тасдиқлаш;
- давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжатларни тасдиқлаш ва уларни бериш тартибини белгилаш;
- давлат грантлари миқдорини ва таълим муассасаларига қабул қилиш тартибини белгилаш;

- давлат олий таълим муассасасининг ректорларини тайинлаш;
- таълим олувчиларни аккредитация қилинган бир таълим муассасасидан бошқасига ўтказиш тартибини белгилаш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларга эгалик қилиш.

115. Қайси органлар таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари саналади?

Ўзбекистон Республикасининг Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими Вазирлиги, Халқ таълими Вазирлиги, Республика Таълим маркази республикада таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари саналади.

116. Таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари қандай ваколатларга эга?

Таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари қуйидаги ваколатларга эгадилар:

- таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини рўёбга чиқариш;
- таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва услубий масалаларда уларга раҳбарлик қилиш;
- давлат таълим стандартлари, мутахассисларнинг билим савияси ва касб тайёргарлигига бўлган талаблар бажарилишини таъминлаш;
- ўқитишнинг илғор шакллари ва янги педагогик технологияларни, таълимнинг техник ва ахборот воситаларини ўқув жараёнига жорий этиш;
- ўқув ва ўқув-услубий адабиётларни яратиш ва нашр этишни ташкил қилиш;
- таълим олувчиларнинг якуний давлат аттестацияси ва давлат таълим муассасаларида экстернат тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;
- давлат олий таълим муассасасининг ректорини тайинлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш;
- педагог ходимларни тайёрлашни, уларнинг малакасини оширишни ва қайта тайёрлашни ташкил этиш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларга эгалик қилиш.

117. Таълим тизимини бошқаришда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳам иштирок этадиларми?

Ҳа, таълим тизимини бошқаришда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳам иштирок этадилар.

118. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг таълим тизимини бошқаришдаги ваколатлари нималардан иборат?

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг таълим тизимини бошқаришдаги ваколатлари қуйидагилардан иборат:

- таълим муассасалари фаолиятининг минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш эҳтиёжларига мувофиқлигини таъминлаш;
- таълим муассасаларини ташкил, қайта ташкил этиш ва тугатиш

(республика тасарруфида бўлган муассасалар бундан мустасно), уларнинг уставларини рўйхатга олиш;

- ўз ҳудудларидаги таълим муассасаларини ваколат доирасида молиялаш миқдорлари ва имтиёзларини белгилаш;

- таълим сифати ва даражасига, шунингдек, педагог ходимларнинг касб фаолиятига бўлган давлат талабларига риоя этилишини таъминлаш;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

119. Таълим муассасаси ким томонидан бошқарилади?

Таълим муассасаси унинг узлуксиз таълим тизимининг қайси босқичида фаолият юритаётганлигига кўра қуйидаги шахслар томонидан бошқарилади:

1) мактабгача таълим муассасаси – мудира томонидан;

2) умумий ўрта таълим мактаби, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва муайян турдаги институтлар (ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари, илмий-тадқиқот институтлар) – директор томонидан;

3) олий ўқув юртлари (университет ва академия) – ректор томонидан.

120. Ота-оналар ёки қонуний вакилларнинг таълим соҳасидаги вазифалари нималардан иборат?

Ота-оналар ёки қонуний вакилларнинг таълим соҳасидаги вазифалари боланинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг тарбияси, шунингдек, мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини олишлари учун жавобгарликни ҳис этишдан иборат.

121. Давлат таълим муассасаларини молиялаш қандай маблағлар ҳисобига амалга оширилади?

Давлат таълим муассасаларини молиялаш республика ва маҳаллий бюджет маблағлари, шунингдек, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

122. Республикада таълимни ривожлантириш фонд (жамғарма)ларини ташкил этиш мумкинми?

Албатта, республикада таълимни ривожлантириш фонд (жамғарма)ларини ташкил этиш мумкин. Улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан, чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобидан ташкил этилади.

123. Республика таълим муассасалари таълим муаммолари юзасидан халқаро ҳамкорликда ташкил этиладиган анжуманлар ва лойиҳаларда қатнаша оладиларми?

Ҳа, албатта, республика таълим муассасалари таълим муаммолари юзасидан халқаро ҳамкорликда ташкил этиладиган анжуман ва лойиҳаларда қатнаша оладилар. Улар хорижий давлатларнинг тегишли ўқув юртлари билан бевосита алоқалар ўрнатиш, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда улар

билан қўшма ўқув юртлари ташкил этиш ҳуқуқига эгадирлар.

124. Таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузиш жавобгарликка тортилишга сабаб бўладими?

Албатта, таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузиш жавобгарликка тортилишга сабаб бўлади. Таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузишда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

125. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” қачон қабул қилинган?

Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” 1997 йил 29 августда қабул қилинган.

126. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қандай мақсадни илгари суради?

Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берадиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратиш мақсадини илгари суради.

127. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талабларини рўёбга чиқариш неча босқичда амалга оширилади?

Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талабларини рўёбга чиқариш уч босқичда амалга оширилади.

128. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талабларини рўёбга чиқаришнинг биринчи босқичида қандай мақсад амалга оширилди?

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талабларини рўёбга чиқаришнинг биринчи босқичи (1997-2001 йиллар)да мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг ижобий салоҳиятини сақлаб қолиш асосида ушбу тизимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий, кадрлар жиҳатидан, илмий-услубий, молиявий-моддий шарт-шароитлар яратиш мақсади амалга оширилди.

129. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талабларини рўёбга чиқаришнинг биринчи босқичи (1997-2001 йиллар)да қандай вазифалар ҳал қилинди?

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талабларини рўёбга чиқаришнинг биринчи босқичида қуйидаги вазифалар ижобий ҳал қилинди:

- “Таълим тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ таълим тизими мазмунини таркибий қайта қуриш ва тубдан янгилаш;
- педагог ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишни замон талабларига жавоб берадиган даражада ташкил этиш;

- таълим олувчиларнинг юксак тайёргарлик даражаси, малакаси, маданий ва маънавий-ахлоқий савиясининг сифатига нисбатан кўйиладиган зарур талабларни белгилаб берувчи давлат таълим стандартларини яратиш ва жорий этиш;

- ўқув-услубий мажмуаларнинг, таълим жараёни дидактик ҳамда ахборот таъминотининг янги авлодини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- ўрта махсус, касб-ҳунар таълими учун зарур моддий-техника, ўқув-услубий ва кадрлар базасини яратиш;

- таълим ва кадрлар тайёрлашга бюджетдан ташқари маблағлар жалб этишнинг механизмларини такомиллаштириш, давлат таълим муассасалари билан бир қаторда нодавлат таълим муассасаларини ривожлантиришни ҳам назарда тутган ҳолда таълим хизмати кўрсатиш соҳасида рақобатга асосланган муҳитни вужудга келтириш;

- таълим муассасалари фаолиятига баҳо беришнинг рейтинг тизимини, кадрлар тайёрлаш сифати ва уларга бўлган эҳтиёжнинг мониторингини олиб бориш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- халқаро алоқаларни кенгайтириш ва кучайтириш, кадрлар тайёрлашда халқаро донорлик ташкилотлари ва фондлари фаолиятига тегишли шароитлар яратиш, республика таълим соҳасига чет эл инвестицияларини жалб этиш бўйича реал чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш;

- “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” талабларини рўёбга чиқаришнинг мониторингини олиб бориш.

130. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талабларини рўёбга чиқаришнинг иккинчи босқичида қандай мақсад кўзланган эди?

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талабларини рўёбга чиқаришнинг иккинчи босқичи (2001-2005 йиллар)да Миллий дастурни тўлиқ рўёбга чиқариш, меҳнат бозорининг ривожланиши, реал ижтимоий-иқтисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда унга аниқликлар киритиш мақсади кўзланган эди.

131. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талабларини рўёбга чиқаришнинг иккинчи босқичида қандай вазифалар ижобий ҳал қилинди?

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талабларини рўёбга чиқаришнинг иккинчи босқичида қуйидаги вазифалар ҳал қилинди:

- мажбурий умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига, ўқувчиларнинг қобилиятлари ва имкониятларига қараб, табақалаштирилган таълимга ўтишни тўлиқ амалга ошириш;

- таълим муассасаларини махсус тайёрланган малакали педагог кадрлар билан тўлдиришга эришиш;

- уларнинг фаолиятида рақобатга асосланган муҳитни вужудга келтириш;

- таълим муассасаларининг моддий-техника ва ахборот базасини мустаҳкамлашни давом эттириш;

- ўқув-тарбия жараёнини юқори сифатли ўқув адабиётлари ва илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш;

- узлуксиз таълим тизимини ахборотлаштиришни амалга ошириш;
- таълим хизмати кўрсатиш бозорини шакллантириш механизмларини тўлиқ ишга солиш.

132. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талабларини рўёбга чиқаришнинг учинчи босқичида қандай мақсад амалга оширилади?

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талабларини рўёбга чиқаришнинг учинчи босқичи (2005 йил ва ундан кейинги йиллар)да тўпланган тажрибани таҳлил этиш, умумлаштириш асосида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш мақсади амалга оширилади.

133. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талабларини рўёбга чиқаришнинг учинчи босқичида қандай вазифалар ҳал қилинади:

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талабларини рўёбга чиқаришнинг учинчи босқичида қуйидаги вазифалар ҳал қилинади:

- таълим муассасаларининг ресурс, кадрлар ва ахборот базаларини янада мустаҳкамлаш;
- ўқув-тарбия жараёнини янги ўқув-услубий мажмуалар, илғор педагогик технологиялар билан тўлиқ таъминлаш;
- миллий (элита) олий таълим муассасаларини қарор топтириш ва ривожлантириш;
- касб-хунар таълими муассасаларининг мустақил фаолият юритиши ва ўзини ўзи бошқариши шаклларини мустаҳкамлаш;
- таълим жараёнини ахборотлаштириш, узлуксиз таълим тизимининг жаҳон ахборот тармоғига уланадиган компьютер тармоғи билан тўлиқ қамраб олинишига эришиш.

134. Кадрлар тайёрлаш миллий модели нима?

Кадрлар тайёрлаш миллий модели – бу Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг моҳиятини, малакали кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишдан иборат ягона тизимнинг мазмуни яхлит ҳолда акс эттирадиган модел бўлиб, у шахснинг ёш хусусиятини ҳисобга олган ҳолда босқичма-босқич, изчил ривожланиб боришини кафолатлайди.

135. Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари қайсилар?

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан ҳамда ишлаб чиқариш саналади.

136. Шахснинг кадрлар тайёрлаш миллий моделидаги ўрни қандай?

Кадрлар тайёрлаш миллий моделида шахс:

- 1) кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти;
- 2) таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси (давлат таълим

стандартлари орқали таълим олади ва касб-хунар тайёргарлигига эга бўлади);

3) таълим соҳасидаги хизматларни амалга оширувчи (тегишли малака даражасини олгач, таълим, ишлаб чиқариш, фан, маданият ва хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатади, ўз билими, тажрибасини ёш авлодга ўргатишда иштирок этувчи) сифатида намоён бўлади.

137. Давлат ва жамиятнинг кадрлар тайёрлаш жараёнидаги иштироки қандай?

Давлат ва жамият таълим, кадрлар тайёрлаш тизимининг фаолиятини тартибга солиш, назорат қилишни амалга оширувчи кадрларни тайёрлаш ҳамда уларни қабул қилиб олишнинг кафиллари ҳисобланади.

138. Кадрлар тайёрлаш миллий моделида узлуксиз таълим қандай ўрин тутаети?

Узлуксиз таълим малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими тузилмасини ҳамда унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади.

139. Фаннинг кадрлар тайёрлаш жараёнидаги иштироки нималарда акс этади?

Фан юқори малакали мутахассислар тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқарувчи ҳисобланиб, унинг кадрлар тайёрлаш жараёнидаги иштироки қуйидагиларда акс этади:

- табиат ва жамият тараққиёти қонуниятлари тўғрисидаги янги фундаментал ва амалий билимларни шакллантириш, уларни кадрлар тайёрлаш тизимида оммалаштириш, ўрганиш ва фойдаланиш учун керакли илмий натижаларни жамлаш;

- олий малакали илмий ва педагог кадрларни тайёрлашни амалга ошириш;

- кадрлар тайёрлаш жараёнини илмий-тадқиқот жиҳатидан таъминлаш инфраструктурасини вужудга келтириш;

- таълимнинг ахборот тармоқларида фойдаланиш мақсадида билимнинг турли соҳалари бўйича ахборот базасини шакллантириш;

- мамлакат илм-фанининг жаҳон илм-фанига интеграциясини таъминлаш;

- замонавий илм-фан ва технологияларнинг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш учун илмий ютуқлар ва кадрларни халқаро миқёсда алмашинувини таъминлаш.

140. Ишлаб чиқаришнинг кадрлар тайёрлаш тизимидаги ўрни қандай?

Ишлаб чиқариш кадрларга бўлган эҳтиёжни, уларнинг тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молия ва моддий-техника жиҳатидан таъминлаш жараёнининг қатнашчиси бўлиб, унинг таълим тизимидаги ўрни қуйидагиларда

акс этади:

- турли савия ва малакадаги мутахассисларга бўлган талаб-эҳтиёжни шакллантириш;

- ўз ихтиёридаги моддий-техник, молиявий, кадрлар ресурслари, кадрларни ўқитиш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш учун зарур бошқа ресурсларни бериш билан узлуксиз таълим тизимига кўмаклашиш;

- муассис, васий, донор, хомий тариқасида айрим мутахассисларни ва гуруҳларни мақсадли тайёрлашни, шунингдек, турли тип ва даражадаги ўқув юртларини молиялашда қатнашиш;

- таълим ва илм-фаннинг турли шаклларидаги интеграцияси (муваққат ижодий жамоалар, ўқув-илмий ишлаб чиқариш мажмуалари, марказлари, технополислар)ни ривожлантириш.

141. “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони кимларга берилади?

“Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони олий даражадаги мукофот бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг фуқароларига давлат ва халқ олдидаги қаҳрамонона жасорат кўрсатиш билан боғлиқ хизматлари учун берилади. Мазкур унвон айрим ҳолларда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахсларга ҳам берилиши мумкин. “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони билан тақдирланган шахсга “Олтин Юлдуз” медали ва унвон берилганлиги тўғрисидаги тегишли ҳужжат топширилади. Республиканинг олий даражадаги ушбу мукофоти билан тақдирланганлар орасида ўқитувчи, педагоглар ҳам бор. Мас., фидойий ўқитувчи Анор Маҳмудова, моҳир педагог Соме Саматовлар ана шу юксак мукофотга сазовор бўлганлар. Мустақиллик йилларида таълим соҳа ривожига қўшган ҳиссаси ва фидокорона меҳнати учун жами 6 нафар ўқитувчи-педагоглар “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвонига муносиб деб топилган.

142. “Соғлом авлод учун” орденига кимлар муносиб топилади?

“Соғлом авлод учун” ордени – 1993 йил 7 майда таъсис этилган. Бу орден билан фуқаролар оналик ва болаликни муҳофаза қилишдаги, соғлом авлодни камол топтириш учун энг яхши моддий шароит, ахлоқий муҳитни таъминлашдаги алоҳида хизматлари учун мукофотланадилар. Шунингдек, бу орден билан Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаганкишилар ҳам мукофотланишлари мумкин. Мазкур мукофотнинг икки даражаси мавжуд.

I даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан фуқаролар оналик ва болаликни муҳофаза қилишда, инсон экологиясини яхшилашда, жисмонан ва ахлоқан соғлом авлодни, ватанпарварлик ҳамда ўз Ватани – мустақил Ўзбекистонга ҳар томонлама содиқлик ва ундан фахрланиш олий туйғуларини тарбиялашда, оналик ва болаликни таъминлаш учун муносиб моддий ва маънавий замин яратишда Ўзбекистон давлати ва халқи олдидаги жуда катта хизматлари учун мукофотланадилар.

II даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан соғлом авлодларни камол топтириш ишига катта ҳисса қўшган, оналик ва болалик тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилувчи шахслар, ногирон ва етим болаларнинг васийлари, болалар ва оналикка нисбатан мунтазам олий хайр-эҳсон кўрсатувчи жамоат

ташкilotлари, хўжалик тузилмаларининг вакиллари мукофотландилар. Жумладан, бу орден билан 2004 йил 23 августда I даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан 1 нафар, II даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан 11 та нафар, 2005 йил 24 августда I даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан 1 нафар, II даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан 5 нафар Ўзбекистон фуқаролари тақдирланганлар.

Мустақиллик йилларида таълим соҳа ривожига қўшган ҳиссаси ва фидокорона меҳнати учун 503 нафар ўқитувчи-педагоглар “Соғлом авлод учун” ордени билан тақдирланган.

143. “Ўзбекистон Республикаси Халқ ўқитувчиси” фахрий унвонига кимлар сазовор бўлишлари мумкин?

“Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси” фахрий унвони болалар ва ёшларга таълим ҳамда тарбия беришда халқ таълимини ривожлантириш ишида алоҳида хизмат кўрсатган барча турдаги умумтаълим мактабларининг ўқитувчиларига, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, хунар-техника билим юртларининг муаллимларига, халқ таълими тизимидаги ўқув-тарбия услубият ва бошқа муассасаларининг ходимларига берилади. Сенатор Шоҳида Орипова, Рамазон Абдуллаев, Дилбархон Ғофуровалар мазкур фахрий унвонга сазовор бўлганлар. Мустақиллик йилларида таълим соҳа ривожига қўшган ҳиссаси ва фидокорона меҳнати учун жами 304 нафар ўқитувчи-педагоглар “Ўзбекистон Республикаси Халқ ўқитувчиси” фахрий унвони билан мукофотланган.

144. “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими” фахрий унвонига сазовор бўлишга кимлар муносиб деб топилади?

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими” фахрий унвони барча турдаги умумтаълим мактаблари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, мактабгача тарбия болалар муассасалари, мактабдан ташқари муассасалар, ўқитувчилар малакасини ошириш билан шуғулланувчи услубият кабинетлари, курслар ва институтларнинг республика халқ таълимини ривожлантиришда алоҳида хизмат кўрсатган ходимларига берилади. Мустақиллик йилларида таълим соҳа ривожига қўшган ҳиссаси ва фидокорона меҳнати учун 318 нафар ўқитувчи-педагоглар “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими” фахрий унвонига муносиб деб топилган.

145. “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” фахрий унвони кимларга берилади?

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” фахрий унвони ёшларга касб маҳоратини ўргатишда, меҳнатга ҳалол, виждонан муносабатни, юксак ватанпарварлик, ахлоқий фазилатларни тарбиялашда алоҳида хизмат кўрсатган халқ таълими ходимлари ва мутахассисларига берилади. Мустақиллик йилларида таълим соҳа ривожига қўшган ҳиссаси ва фидокорона меҳнати учун 221 нафар мураббий-педагоглар “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” фахрий унвонининг

соҳиби бўлган.

146. “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози” фахрий унвонига кимлар муносиб деб топилади?

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози” фахрий унвони Олимпиада ва Осиё ўйинларининг, жаҳон, Осиё чемпионатларининг, биринчиликларининг, А гуруҳидаги бошқа халқаро мусобақаларнинг, Олимпиада олди ўйинлари ёки ногиронлар умумжаҳон чемпионатларининг чемпионлари ва совриндорларини тайёрлаган, шунингдек жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда алоҳида хизмат кўрсатган спорт устозларига берилади. Мустақиллик йилларида таълим соҳа ривожига қўшган ҳиссаси ва фидокорона меҳнати учун 25 нафар мураббий-педагоглар “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози” фахрий унвони қўлга киритган.

II БЎЛИМ. ТАРИХИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИ

147. Ибтидоий жамоа тузумида тарбия қандай ташкил этилган?

Ибтидоий жамоа тузумида кишилар ўртасида ижтимоий-иқтисодий табақаланиш бўлмаганлиги сабабли жамоанинг барча аъзолари тенг мавқега эга бўлишган. Хусусий мулк мавжуд бўлмаган, жамоа аъзоларининг барчаси биргаликда меҳнат қилишган. Меҳнат жисмоний ва ақлий меҳнат тарзида гуруҳланмаган. Барча болаларга бир хил тарбия берилган. Тарбиянинг мазмуни жуда оддий бўлиб, асосан, болалар териб-термачлаб кун кечириш, йиртқич ҳайвонлардан ўзини ўзи ҳимоялаш, жамоа билан биргаликда ов қилиш кабиларга ўргатилган.

148. Ибтидоий тузум давридаги тарбиянинг ташкил этилишида қандай омиллар инобатга олинган?*

Ибтидоий жамоа тузумига хос хусусият гуруҳли, жамоавий тарбиянинг бошланиши саналади. Бу даврдаги тарбия барчани бирдек кундалик ҳаётга тайёрлаган. Тарбиянинг табақаланишида фақат икки ҳолат – ёш ва жинс инобатга олинган.

Ибтидоий тузум даврида мавжуд тажрибаларни болалар ва ёшларга беришда бажариб кўрсатиш усулидан самарали фойдаланилган. Ёши катта, тажрибали кишилар болаларга овда ишлатиладиган таёқларни ушлаш, ўлдирилган ҳайвоннинг терисини шилиб олиш, истеъмол қилинадиган ўсимликларни излаб топиш ва териш каби меҳнат фаолиятини бевосита бажариб кўрсатиш орқали болаларга ҳаётий билимларни бериб борганлар. Катталарнинг болаларга ҳиссий-психологик таъсир кўрсатишининг асосий

* Тарихий даврлар бўйича таълим-тарбиянинг ўзига хос жиҳатларини ёритишда А.Н.Журицкий томонидан яратилган “Педагогика тарихи” (“Истоия педагогики”) номли ўқув кўлланмасидан фойдаланилди.

усули бу – бирор-бир иш-ҳаракатни механик такрорлаш бўлган. Ибтидоий тарбияда болалар фаолиятини маъқуллаш, алоҳида болани тенгдошларига ўрناк қилиб кўрсатиш каби рағбатлантириш методларидан фойдаланилган.

149. Ибтидоий тарбияда болалар жазоланганми?

Ибтидоий тарбияда жазолаш методи ҳам қўлланилган. Бироқ, жазолаш оғир жисмоний жазо даражасида бўлмаган. Энг ёмон вазиятларда болаларнинг юзларига, тананинг ихтиёрий жойига тарсаки, шапалоқ урилган. Ёки жисмонан жазолаш билан (боланинг изидан таёқ билан ерга уриш тарзида) қўрқитилган.

150. Болаларни тарбиялашда уларни жисмонан жазолаш қачондан оммалашган?

Болаларни жисмонан жазолаш жамиятнинг табақалашуви ва ижтимоий зиддиятлар кучайган давр (эрамиздан аввалги IX-VIII асрлар)дан бошлаб кенг оммалашган. Худди шу даврда болаларга таълим бериш, уларни тарбиялашда тез-тез жисмоний жазолар қўлланила бошланган.

151. Таълим-тарбияга табақавий ёндашув қачон юзага келган?

Эрамиздан аввалги IX-VIII асрларда Кичик, Олд ва Марказий Осиёда ибтидоий тузумнинг ижтимоий ҳамда мулкый жиҳатдан табақаланиши рўй берган. Асосий ижтимоий бўғин оила бўлиб қолган. Бу жараён тарбиянинг ғоя ва мазмунини ҳам ўзгартирган. Жамоанинг умумий, ўзаро тенгликка асосланган, назорат қилинадиган тарбияси табақавий-оилавий тарбияга айланиб борган.

152. Таълимнинг табақалашуви нималарда кузатилган?

Таълимнинг табақалашуви турли табақа вакиллари – дохий (етакчи)лар, коҳинлар, жангчилар ва жамиятнинг бошқа вакилларининг фарзандлари тарбиясида кескин фарқлар юзага келганлигида кўзга ташланган. Агарда дохий (етакчи)лар, коҳинлар, жангчиларнинг фарзандлари махсус мактабларда ўқитувчилар, тажрибали кишилар томонидан ўқитилиб, уларнинг таълими изчил ташкил этилган бўлса, жамиятнинг бошқа аъзолари фарзандларининг таълим-тарбиясида изчиллик, мунтазамлик деярли таъминланмаган. Уларнинг таълим-тарбияси вақт, зарурият, ота-оналарнинг имкониятлари асосида ташкил этилган.

153. Қадимги Европа мактабларида ўқув фанлари сифатида қандай фанлар ўқитилган?

Қадимги Европа мактабларида ўқув фанлари сифатида грамматика, риторика, диалектика, арифметика, геометрия, астрономия, мусиқа, тиббиёт ва архитектура каби фанлар ўқитилган.

154. Етти санъат фанларини ўз ичига олган таълим дастурлари қачондан ва қаерда қўлланила бошлаган?

Эрамизнинг V асридан бошлаб Рим империясида етти санъат фанларини ўз

ичига олган таълим дастурлари қўлланила бошлаган. Етти санъат фанлари сифатида грамматика, риторика, диалектика, арифметика, геометрия, астрономия ва мусиқа эътироф этилган.

155. Ўқув фанлари қандай гуруҳларга ажратилган?

Ўқув фанлари икки гуруҳга ажратилган. Улар:

- 1) тривиум (грамматика, риторика, диалектика) фанлари;
- 2) квадравиум (арифметика, геометрия, астрономия, мусиқа) фанларидир.

156. Болалар тарбияси кимлар томонидан ташкил этилган?

Болалар тарбияси, асосан, бой ҳаётий тажрибага эга кексалар ва коҳинлар томонидан ташкил этилган.

157. Юқори ва қуйи табақа вакилларининг болалари нималарга ўргатилган?

Кулдорлик даврида юқори табақа вакилларининг болалари хўжалик ишларини юритишга, кулларни бошқаришга, сузишга ва жанг қилишга ўргатилган. Имкон топилиб ўқитилиши йўлга қўйилганда қуйи талаба вакилларининг болалари ўқишга, ёзишга ва ҳисоб-китобни билишга ўргатилган.

158. Таълим-тарбия ишларини олиб борадиган махсус мактаблар ва кишилар тарихий тараққиётнинг қайси даврида пайдо бўлган?

Таълим-тарбия ишларини олиб борадиган махсус мактаблар ва кишилар ибтидоий-жамоа тузумининг емирилиш даврида пайдо бўлган.

159. Кулдорлик тузумида фаолият кўрсатган махсус мактаблар фаолиятига хос типик ҳодиса нимадан иборат эди?

Кулдорлик давридаги ўқитиш унда фойдаланилган таълим методлари, дидактик воситалар, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаолиятига хос бир қатор хусусиятларни намоён этган. Ушбу даврга хослик жамоанинг айрим аъзолари кўлида бойликларнинг тўпланиши билан характерланади. Бу эса ўз навбатида таълим-тарбия ишларини ташкил этишда ҳам икки ёқлама ёндашувнинг қарор топишини таъминлаган. Махсус мактабларда фақат юқори табақа вакилларининг болаларигина таълим олган бўлиб, қуйи табақа вакилларининг болалари махсус ўқитилмаган.

160. Кулдорлик даврида ўқитиш қандай методлар ёрдамида амалга оширилган?

Кулдорлик даврида ўқитиш асосини оддий, кўп марталик такрорлаш, луғат сўзлари, атамалари, матнлар, машқлар ва уларнинг ечимлари қаторини механик ёдлаш каби таълим методлари ташкил этган.

161. Кулдорлик даврида ўқитишдаги тараққиёт яна қандай таълим методларининг шаклланишини таъминлаган?

Қулдорлик даврида ўқитишдаги тараққиёт таълимнинг бошқа методлари: ўқитувчининг ўқувчилар билан суҳбати, қийин сўз ва матнлар бўйича ўқитувчининг тушунтириши, диалог-баҳс каби методларнинг шаклланишини таъминлаган.

162. Қулдорлик даври таълимида қўлланилган диалог-баҳс кимлар ўртасида ташкил этилган?

Диалог-баҳс нафақат ўқитувчилар, ўқувчилар ўртасида, балки фараз қилинган объект билан ҳам ташкил этилган. Бунда ўқувчилар жуфтликларга бириккан ҳолда ўқитувчи раҳбарлигида маълум ҳолатларни исботлашган, тасдиқлашган, инкор этишган, нотўғрилигини исботлашган.

163. “Лавҳлар уйи” қандай муассаса саналган?

“Лавҳлар уйи” эрамиздан аввалги III асрнинг бошида Олд Осиёда, қадимги Шумер давлатида ташкил топган дастлабки таълим муассасаси саналган. “Лавҳлар уйи” (шумерчада – эдублар)да ўқитиш ишлари лойдан ясалган лавҳ (тахтача кўринишидаги лой лавҳлар) ёрдамида олиб борилган.

164. “Лавҳлар уйи”да ўқитувчи қандай вазифани бажарган?

Кичик ҳажмдаги “Лавҳлар уйида” биргина ўқитувчи фаолият олиб борган бўлиб, унинг мажбуриятлари мактабни бошқариш, ўқувчилар ўқиш-ёзишни ўрганадиган лавҳ-моделларни тайёрлаш ҳамда машқларни лавҳаларга ёзишдан иборат бўлган. Бир қадар катта “Лавҳлар уйлари” ёзишни, ҳисоблашни, расм чизишни ва бошқаларни ўргатадиган алоҳида ўқитувчиларга эга бўлган. Бу каби таълим муассасаларида махсус бошқарувчи, тартиб ва интизомни назорат қилувчи шахслар ҳам фаолият олиб боришган. Таълим олиш пулли бўлиб, ўқитувчининг иш ҳақи унинг обрўсига боғлиқ бўлган.

“Лавҳлар уйи”нинг ўқувчилари ўқиш, ёзиш, санаш, миҳхат ёзувидаги белгилар, ҳаётий воқеликлар, эртаклар, афсоналарни ёдлаш, турли иморатларни қуриш, савдо-сотикни ташкил этиш, юридик ва бошқа ҳужжатларни юритиш, ер майдонларини ўлчаш, мулкни бўлиш, материал, металл, ўсимликларни ажрата билиш, қўнлар, чўпонлар ва хунармандларнинг сўзларини тушуна олиш каби билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштирганлар.

“Лавҳлар уйи”нинг битирувчиларига алоҳида талаблар қўйилган. Улар арифметик амалларни бажариш, ёзиш, қўшиқ куйлаш ва мусиқа асбобларида куйлар чалиш, қурбонлик келтириладиган маросимларни уюштириш, турли вазиятларни муҳокама қилишга доир кўникма-малакаларини пухта ўзлаштира олган бўлишлари зарур эди.

165. “Билимлар уйи” қачон пайдо бўлган?

Эрамиздан аввалги II асрнинг I-ярмида таълим-тарбияда асосий ролни сарой ва ибодатхоналар ўйнай бошлади. Саройлар ўзларининг ибодатхоналарига эга бўлган. Ибодатхоналарда эса лавҳлар сақланадиган бинолар мавжуд бўлган. Бу каби мажмуалар “Билимлар уйи” деб номланган.

166. Дастлабки методик қўлланмалар қачон яратилган?

Дастлабки луғат ва хрестоматия кўринишидаги методик қўлланмалар эрамиздан аввалги III асрда қадимги Шумер давлатида яратилган.

167. Дастлабки методик қўлланмаларда нималар ёритилган?

Дастлабки методик қўлланмаларда ўқиш жараёнини енгиллатишга хизмат қиладиган панд-насихат, йўл-йўриқ, халқ оғзаки ижоди (фольклор) намуналари ёритилган.

168. Ёзув материали сифатида ишлатилган папирус қоғозлари қачон пайдо бўлган?

Ёзув материали сифатида ишлатилган папирус қоғозлари эрамиздан аввалги III асрда пайдо бўлган.

169. Бамбук тахталари ва шойи матога ёзиш қачон, қаерда оммалашган?

Бамбук тахталари ва шойи матога ёзиш эрамиздан аввалги VIII асрда Хитойда оммалашган.

170. Олти санъат фанларини ўз ичига олган ўқув дастурлари қайси мамлакат таълим тизимида қўлланила бошлаган?

Олти санъат фанларини ўз ичига олган ўқув дастурлари эрамиздан аввалги XVI-XI асрларда қадимги Хитой таълим тизимида қўлланила бошлаган.

171. Олти санъат фанлари ўз ичига қандай фанларни олган?

Олти санъат фанлари ўз ичига ахлоқ, ёзиш, санаш, мусиқа, камондан ўкотиш, отларни бошқариш каби фанларни олган.

172. Амалдорлик лавозимларини эгаллаш учун Давлат имтиҳони қаерда ва қачон жорий этилган?

Амалдорлик лавозимларини эгаллаш учун Давлат имтиҳони Хитойда эрамиздан аввалги II ва эрамизнинг II асрлари оралиғида жорий этилган.

173. Хитойдаги Давлат имтиҳони неча босқичда ташкил этилган?

Хитойдаги Давлат имтиҳони тўртта босқичда ташкил этилган. Улар:

- 1) уезд (маҳаллий) имтиҳонлари;
- 2) провинция (вилоят) имтиҳонлари;
- 3) пойтахт имтиҳони.

174. Хитойдаги Давлат имтиҳони қандай натижаланган?

1-босқичда: имтиҳонини муваффақиятли топширган ўқувчилар 1-илмий даражага ва иккинчи босқич имтиҳонини топшириш ҳуқуқига эга бўлиш билан бирга уезд (маҳаллий) амалдори лавозимига тайинланганлар, имтиҳондан ўта олмаганлар эса мактаб ўқитувчилари лавозимида ишлаганлар;

2-босқичда: имтиҳонни муваффақиятли топширган ўқувчилар 2-илмий

даражага ва учинчи босқич имтиҳонини топшириш ҳуқуқига эга бўлиш билан бирга вилоят миқёсидаги нуфузли маъмурий лавозимларга тайинланганлар, имтиҳондан ўта олмаганлар эса аввал эгаллаб турган лавозимларида ишни давом эттирганлар;

3-босқичда: имтиҳонни муваффақиятли топширган ўқувчилар 3-илмий даражага эга бўлиш билан бирга юқори амалдорлик лавозимларига тайинланиш имкониятини ҳам қўлга киритганлар.

175. Хитойдаги Давлат имтиҳони ким томонидан қабул қилинган?

Хитойдаги давлат имтиҳони махсус ташкил этилган Имтиҳон ҳайъати томонидан қабул қилинган. Давлат имтиҳони ҳайъати император, пойтахт ҳамда вилоятларнинг йирик амалдорларидан таркиб топган. Хитойда Давлат имтиҳонини топшириш учун ижодий қобилиятга эга бўлиш талаб этилмаган. Ушбу Давлат имтиҳонининг бутун моҳияти қуйидаги қарашда ўз аксини топган: “имтиҳонни топширишга чидаш учун арғимоқдек (чопқир отдек) ўйноқи, эшақдек қайсар, битдек кўриб бўлмайдиган, туядек чидамли бўлиш лозим”.

176. Папирус қоғозлари пайдо бўлгунга қадар ёзишда қандай материаллардан фойдаланилган?

Папирус қоғозлари пайдо бўлгунга қадар ёзишда лой лавҳлар, ҳайвонларнинг териси ва суякларидан фойдаланилган.

177. Қулдорлик тузуми даврида болаларнинг ёзув қуроллари нималардан иборат бўлган?

Қулдорлик тузуми даврида болаларнинг ёзув қуроллари сув учун мўлжалланган ёғоч идиш, қорақурум ва охра (сарик ва қизғиш тусли минерал бўёқ)лар учун чўп, ёзиш учун қамишдан қилинган таёқча кабилардан иборат бўлган. Қулдорлик даврида ёзишда фақат қора ва қизил ранглардан фойдаланилган. Барча матн қора рангда ёзилган. Қизил ранг турли белгиларни қўйиш ва мазмунига кўра асосий бўлган ғояни белгилашда ишлатилган.

178. Ишлаб чиқариш у қадар такомиллашмаган қулдорлик даврида ёзиш мақсадида ишлатиладиган папирус қоғозларни тайёрлаш осон бўлганми?

Йўқ, албатта, ёзишда ишлатиладиган папирус қоғозларни тайёрлаш осон бўлмаган. Шу сабабли ёзишда ишлатиладиган ўқув папирусларидан бир неча марта фойдаланилган. Навбатдаги фойдаланишда папирус қоғозига ёзилган ёзувлар ювиб ташланган.

179. “Ўрамли қўлланмалар” нима?

Мактабларда кўчириб ёзиш ва ёдлаш учун фойдаланиладиган папирус қоғозидан тайёрланиб, ўрам қилиб қўйиладиган қўлланмалар “ўрамли қўлланмалар” деб номланган.

180. Ёзишда ишлатиладиган махсус бўёқлар қачондан ишлаб чиқиладиган бошланган?

Ёзишда ишлатиладиган махсус бўёқлар эрамиздан аввалги II асрда ишлаб чиқиладиган бошланган.

181. Бугунги кунда ҳам қўлланиладиган ёзиш қоидалари қачон ва қачонда асосланган?

Бугунги кунда ҳам қўлланиладиган ёзиш қоидалари қадимги Грецияда эрамиздан аввалги III-II асрларда асосланган. Ушбу қоидаларга кўра қаторлар чапдан ўнгга, юқоридан пастга қараб ёзилган, сатр (хат)боши ва бош ҳарфлар ажратилган.

182. Қулдорлик тузуми даврида мактабларда таътиллар мавжуд бўлганми?

Ўқ, қулдорлик тузуми даврида мактабларда таътиллар мавжуд бўлмаган. Ўқиш, аксинча, имкон борича, ҳатто энг қийин вазиятлар – уруш кунларида ҳам тўхтатилмаган. Шу сабабли буюк файласуф Анаксагор (эрамиздан аввалги 500-428 йиллар)нинг вафотидан аввал ҳамшаҳарлари унинг хотираси учун нима қилишлари мумкинлигини сўрашганда: “Менинг вафоти кунини мактабларда дарслар бўлмасин!”, - деб жавоб берган.

183. Қадимги Европа давлатларида ўқитиш ташкилий-педагогик жиҳатдан қандай уюштирилган?

Ўша давр мактаблари унчалик катта бўлмай, 25-50 нафар ўқувчи ва бир нафар ўқитувчидан ташкил топган. Ўқувчилар кўп ҳолларда ўқитувчининг уйида таълим олишган, баъзан эса дарслар шунчаки шаҳар кўчаларида ташкил этилган. Ўқитувчининг ўзи баланд стулда, ўқувчилар эса унинг атрофида пастдакина курсиларда ўтирган. Китоблар жуда кам бўлганлиги сабабли ўқувчилар билимларни, асосан, ўқитувчининг нутқи ёрдамида ўзлаштириб, дафтарларни тиззаларига қўйиб ёзишган. Турли ёшдаги болалар бир вақтнинг ўзида шуғулланишган. Бир нафар ўқувчи жавоб бераётганда, қолган ўқувчилар машқларни бажаришган. Ўқув машғулотлари кун бўйи давом этган. Фақат тушлик вақтидагина ўқувчиларга овқатланиб олиш учун вақт берилган. Таътиллар бўлмаган. Ўқувчилар шаҳар ёки оилавий байрамлардагина дам олишган.

184. Қадимги Европада ўқитувчи қандай ижтимоий мақомга эга бўлган?

Афина мисолида айтиладиган бўлса, ўқитувчининг ижтимоий мақоми, айниқса, бошланғич мактабларда ниҳоятда паст бўлган. Унга ниҳоятда кам ҳақ тўланган. Ўқитувчи ўша даврнинг унчалик маҳоратли бўлмаган ҳунарманди билан бир хил ҳақ олган. Шу боис Афинада “У ўлди ва ўқитувчи бўлди” деган мақол шаклланди.

185. Қадимда ўқувчилар дафтар ўрнида нимадан фойдаланишган?

Ўқувчилар дафтар ўрнида мумланган юпқа тахталарда фойдаланишган. Бу тахталар бир-бирига чилвир ип билан боғлаб қўйилган.

186. Қалам ёки ручка ўрнида нима ишлатилган?

Қалам ва ручка ўрнида учи ўткир таёкча ишлатилган. Таёкчанинг учи ўткир томони ёзиш, тўмтоқ томони эса ёзувларни ўчириш учун хизмат қилган. Демак, бугунги кунда фойдаланиладиган такомиллашган ўчирғичнинг илк кўриниши қадимги давлатларда ҳам ўқитиш ишларида қўлланилган экан.

187. Қадимги мактабларда ёзув тахтаси мавжуд бўлганми?

Қадимги мактабларда ҳам ёзув тахтаси мавжуд бўлган. Мас., қадимги Афинада “абака” номли тахтадан ёзув тахтаси сифатида фойдаланилган. “Абака” ҳам деярли замонавий ёзув тахтаси кўринишида бўлган. У бирлик, ўнлик, юзлик ва ҳоказоларни ёзиш учун мўлжалланган катакчаларга бўлинган. Ҳар бир катакчага биттадан ўнтагача ловия ёки қамиш ёпиштирилган. Улар ёрдамида тўртта арифметик амаллар (қўшиш, айириш, кўпайтириш ва бўлиш) бажарилган.

188. Мактабларда қўшиқларни ўрганиш қандай амалга оширилган?

Ноталар мавжуд бўлмаганлиги сабабли қўшиқлар овоз ёрдамида, жўр бўлиб куйлаш орқали ўрганилган. Қўшиқлар етита торли “кифар” номли мусиқий асбоб жўрлигида куйланган.

189. Шахсни ҳар томонлама ривожлантириш ғояси қачон асосланган?

Шахсни ҳар томонлама ривожлантириш ғояси дастлаб эраиздан аввалги III-II асрларда Афинада асосланган. Унга кўра ҳар бир эркин ва Афина фуқароси бўлган шахс ҳар томонлама ривожланиш ҳуқуқига эга бўлган. Афинада ҳар томонлама ривожланиш деганда шахснинг интеллектуал ва жисмоний ривожланиши (тананинг тўғри парваришланганлиги) назарда тутилган.

190. Қадимги Афина ва Спарта давлатларида тарбияда қандай йўналиш етакчи ўрин эгаллаган?

Қадимги Афина ва Спарта давлатларида жисмоний тарбияга алоҳида эътибор қаратилган. Ўқувчилар югириш, кураш, баландликка ва узокликка сакраш, диск ва найза улоқтириш, қиличбозлик қабилар билан шуғулланишган.

191. Қадимги Афинада педагог сифатида ким танланган?

Қадимги Афинада эркин фуқароларнинг болалари 7 ёшигача оилада тарбияланган. Кейин болаларни педагог (грекча “пайдагогос” – бола етаклайман) деб номланувчи қуллар назорат қилиб боришган. Педагог сифатида кўп ҳолларда хўжаликда фойда келтирмайдиган қуллар танланган. Бундан ҳам англанадики, педагогнинг ўзи болаларни самарали тарбиялай оладиган даражада сифатларга эга бўлмаган.

192. Мактаб формаси қачондан таъсис этилган?

Мактаб формаси қадимги давлатларда ҳам мавжуд бўлган. Мас., қадимги Афинада ўқувчиларнинг барчаси шляпа (бош кийим) ва қора халат (хламида) кийишган.

193. Дастлабки хулқ-атвор қоидалари (“Ўқувчилар қоидаси”) қачон ва ким томонидан ишлаб чиқилган?

Дастлабки хулқ-атвор қоидалари (“Ўқувчилар қоидаси”) буюк аллома Пифагор томонидан ишлаб чиқилган. Хулқ-атвор қоидалари сифатида берилаётган алломанинг кўпгина фикрлари бир қарашда мантиқсиздек туюлса-да, унинг негизида асосли ғоялар мавжуд бўлган. Мас., “Йўлдан юрма!” кўрсатмаси ҳар бир воқелик юзасидан оломондек фикр юритмасликка даъват бўлса, “Қонунларни ҳурмат!” қил кўрсатмаси “ота-онани ҳурмат қилиш” тарзида ифодаланган.

194. “Сукротча суҳбат” методи қандай метод саналади?

“Сукротча суҳбат” методининг моҳияти йўналтирувчи саволлар бериш орқали ҳақиқатни топишга интилишдан иборатдир. Унга кўра ўқитувчи (файласуф) ўқувчида қизиқиш, билишга интилишни уйғотадиган саволдан фойдаланади, мулоҳаза юритиш асосида ўқувчини воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини идрок этишга ундайди. Ўқитувчининг мулоҳазаси кўпинча риторик саволларни муҳокама қилиш билан тўлдирилиб турилади. Сукротча суҳбатлар бир ёки бир неча ўқувчилар иштирокида ташкил этилади. Сукротча суҳбатни ташкил этишда аллома ўқувчиларни “Мен фақат ҳеч нарсани билмаслигимни биламан” ғояси (тезиси) асосида фаолият юритишга ундаган.

195. Сукрот томонидан асосланган инсоннинг ижобий табиати ҳақидаги қарашлар негизини нима ташкил этади?

Сукрот томонидан асосланган инсоннинг ижобий табиати ҳақидаги қарашлар негизини ўз-ўзини англашга доир ғоя ташкил этади. Сукротнинг энг машҳур тезисларидан бири қуйидагичадир: “Ким ўзини яхши билса, унинг учун нима фойдали эканлигини билади ва ўзининг нимага қодирлигини-ю, нимани уддалай олмаслигини тушунади”.

196. Ўқитувчилик фаолияти Сукрот учун қандай аҳамият касб этган?

Сукрот ўқитувчилик фаолиятини ҳаётдан ҳам қиммат санаган. Шу сабабли унинг олдига ҳаётини сақлаб қолиш ёки ўқитувчилик фаолиятдан воз кечиш шarti қўйилганда у захар (захарли сув ўтининг захри)ни танлаган.

197. Платон тарбияга қандай баҳо берган?

Платон тарбияни инсон ҳаётининг муҳим асоси дея баҳолаган. Яъни: “Ким қандай йўналишда тарбияланган бўлса, унинг бутун истикбол йўли худди шундай бўлади”.

198. Таълим муассасаларининг ихтисослашуви қачон юз берган?

Эрамиздан аввалги III-II асрларда таълим муассасаларида айрим фанларнинг ўқитилишига катта эътибор қаратила бошланди. Мас., Академиядаги мактабларда математикани, Ликейда эса табиатшунослик, тарих ва мусиқа назарисини ўрганишга бўлган қизиқиш рағбатлантирила бошланди. Худди шу даврлардан таълим муассасаларининг ихтисослашуви рўй берган.

199. Қайси аллома болани жисмоний жазолаш унда қуллик сифатларини ҳосил қилади деб ҳисоблаган?

Адвокат, нотик Квинтилиан болани жисмоний жазолаш унда қуллик сифатларини ҳосил қилади деб ҳисоблаган.

200. Қайси аллома жисмоний жазолаш болани руҳий жиҳатдан жароҳатлашини биринчи бор исботлаган?

Эрамизнинг 354-430-йилларида яшаган Аврелий Августин жисмоний жазолаш болани руҳий жиҳатдан жароҳатлашини биринчи бор исботлаган.

201. Ўрта асрларда қайси давлатда таълим олишда ижтимоий чекловлар ўрнатилмаган?

Ўрта асрларда Византияда таълим олишда ижтимоий чекловлар ўрнатилмаган. Мактабларга ўқишни хоҳлаган ва ўқий олган барча шахслар қатнаши мумкин бўлган.

202. Ўрта асрларда таълим қандай мактабларда олиб борилган?

Ўрта асрларда таълим уч босқичдан иборат бўлган. Улар:

- 1) оддий мактаблар;
- 2) ўрта мактаблар;
- 3) олий мактаблар.

203. Ўқитувчиларнинг илк касбий бирлашмалари қачон тузилган?

Ўқитувчиларнинг илк касбий бирлашма (гильдия)лари Византияда эрамизнинг X асрида тузилган.

204. Ўқитувчилар ўртасида “Ўқувчиларни ўзига оғдириб олмаслик тўғрисида”ги битим қачон ва қаерда имзоланган?

Ўқитувчилар ўртасида “Ўқувчиларни ўзига оғдириб олмаслик тўғрисида”ги битим эрамизнинг X асрида Византияда ўқитувчилар бирлашмаси (гильдияси)да имзоланган.

205. Ўқувчилар фаолиятини ҳафталик текшириш қаерда илк бор жорий этилган?

Ўқувчилар фаолиятини ҳафталик текшириш Византияда илк бор жорий этилган.

206. Ўқувчилар фаолиятини ҳафталик текшириш ким томонидан амалга оширилган?

Ўқувчилар фаолиятини ҳафталик текшириш ёши катта ўқувчиларнинг бири томонидан амалга оширилган.

207. Ҳафталик текшириш натижаларига кўра фаолияти қониқарсиз деб топилган ўқувчига нисбатан қандай йўл тутилган?

Ҳафталик текшириш натижаларига кўра фаолияти қониқарсиз деб топилган ўқувчи жисмоний жазога тортилган.

208. Олий мактаблардан бири – Аудиториум қачон ташкил этилган?

Олий мактаблардан бири – Аудиториум (лотинчадан “audire” – тингламоқ) эрамизнинг 425 йилида Константинополда император Федосей II томонидан ташкил этилган. Эрамизнинг IX асридан бошлаб у император саройи биноларидан бирининг номи билан Магнавра (Олтин сарой) деб атала бошлаган.

209. Уй академиясининг ўзига хос тури бўлган тўгарак-салонлар қачон пайдо бўлган?

Уй академиясининг ўзига хос тури бўлган тўгарак-салонлар эрамизнинг IX асрида Византияда пайдо бўлган.

210. Ўрта асрларда шаклланган “Рицарларга хос етти ижобий фазилат” дастури асосида болаларга нималар ўргатилган?

“Рицарларга хос етти ижобий фазилат” дастури асосида болаларга найза улоқтириш ва қиличбозлик, отда юриш, сузиш, ов қилиш, шахмат ўйнаш, ўзи ёзган шеърлар асосида куйлаш, мусиқа асбобларини чалиш кабилар ўргатилган.

211. Ўрта асрлар мактабларида болалар жазоланганми?

Ўрта асрлар мактабларида болалар жудда қаттиқ жазоланганлар. Жазо турлари сифатида овқатдан маҳрум этиш, карцер (бир кишилик қамоқхона)да тутиб туриш, калтаклаш кабилар қўлланилган.

212. Ўрта асрларда Европа таълим тизимида қандай ўзгаришлар кузатилди?

Ўрта асрларда Европа таълим тизимида чуқур инқироз кузатилди: қуйи табақа вакилларининг болалари учун таълим олиш ёпилди; ўқувчиларнинг таълимий тайёргарлик даражаси кескин пасайди, бунинг натижасида университетларнинг биринчи курсларида талабаларга лотин грамматикаси энг оддий элементлари ўргатиларди (аслида улар лотин грамматикасини мактабда ўрганган бўлишлари керак эди).

213. Ўрта асрларда Европада таълим муассасалари фаолияти устидан черков назоратининг ўрнатилиши қандай оқибатларга олиб келди?

Ўрта асрларда Европада таълим муассасалари фаолияти устидан черков назоратининг ўрнатилиши салбий оқибатларга олиб келди. Энг аввало, таълим муассасалари черков таълимига кескин рақобатчи сифатида қабул қилинди;

Черков ходимлари ўқув дастурларини қисқартирдилар, ўқитувчиларнинг номзодини кўриб чиқа бошладилар. Шаҳар мактаблари эса бундай назоратга қарши чиқдилар. Улар дастурларни тасдиқлаш, ўқитувчиларни тайинлаш ҳуқуқига эга бўлиш учун курашдилар. Таълим муассасалари фаолияти устидан черков назоратига барҳам бериш учун шаҳар мактаблари ўз жамоалари орасидан бир нафар педагогни етакчи этиб тайинлай бошладилар. Етакчи этиб тайинланган педагог ректор деб номланди.

214. Ўрта асрларда мактаб ректори қандай вазифаларни бажарарди?

Ўрта асрларда таълим муассасасининг ректори мактаб фаолиятини бошқариш учун ёрдамчилар – ўқитувчиларни танлаш (уларнинг аксарияти университетларнинг талабалари бўларди), улар билан шартнома тузиш, ўқитувчиларга ҳақ белгилаш ва уни тўлаш, шартнома муддати тугаган ўқитувчиларни ишдан бўшатиш каби вазифаларни бажарарди.

215. “Дайди ўқитувчилар” кимлар ва улар нима учун бундай ном олганлар?

Ўрта асрларда ўқитувчилар шартнома асосида ишга қабул қилинар ва шартнома муддати тугагандан кейин ишдан бўшатиладилар. Ишдан бўшаган ўқитувчилар ўзларига янги жойдан иш излардилар. Бунинг натижасида алоҳида ижтимоий гуруҳ – дайди ўқитувчилар пайдо бўлди.

216. Шаҳар ва черков мактаблари ўртасида қандай фарқ мавжуд эди?

Шаҳар ва черков мактаблари ўртасида кўплаб фарқлар мавжуд эди. Улар:

- 1) черков мактабларида шаҳар мактабларига қараганда ўқитувчиларга кўпроқ ҳақ тўланарди;
- 2) черков мактабларида ўқитувчиларнинг иш ҳақи изчил бериб борилса, шаҳар мактабларининг ўқитувчилари иш ҳақларини ўз вақтида ололмасдилар;
- 3) шаҳар мактабларининг ўқув дастурлари черков мактабларининг дастурларидан фарқли равишда кўпроқ амалий характерга эга эди;
- 4) шаҳар мактабларида лотин тилидан ташқари арифметика, иш юритиш элементлари, география, техника ва табиий фанлар ўқитиларди.

217. Дастлабки университет қачон ташкил топган?

Университет таълим муассасаси сифатида черков мактаблари тизимида пайдо бўлган. XI асрнинг охири XII асрнинг бошларида алоҳида кафедра ва монастр мактаблари йирик ўқув марказларига айланди ва кейинчалик университет мақомига эга бўлди.

218. Европада ташкил этилган илк университетлар қайсилар?

Европада ташкил этилган илк университетлар қуйидагилардир:

1. Париж университети (1200 йил).
2. Оксфорд университети (1206).
3. Неапол университети (1224 йил).
4. Кембриж университети (1231 йил).

5. Лиссабон университети (1290 йил).

219. Ян Амос Коменский таълим олишни неча босқичга ажратган?

Ян Амос Коменский таълим олишни тўрт босқичга ажратган. Улар:

- 1) автопсия (мустақил кузатиш);
- 2) автопраксия (амалий жиҳатдан бажариш);
- 3) автохресия (олинган билим, ҳосил бўлган кўникма-малакаларни янги шароитда қўллаш);
- 4) автолексия (ўз фаолияти натижаларини мустақил баён қилиш).

220. “Болани якка ҳолда жазолаш уни кўпчилик олдида камситилишдан сақлайди” деган ғоя қайси аллома томонидан илгари сурилган?

“Болани якка ҳолда жазолаш уни кўпчилик олдида камситилишдан сақлайди” деган ғоя Имом ал-Ғаззолий томонидан илгари сурилган.

221. Ўз-ўзини тарбиялаш ғояси илк бор ким томонидан илгари сурилган?

Ўз-ўзини тарбиялаш ғояси илк бор Имом ал-Ғаззолий томонидан илгари сурилган. Алломанинг эътироф этишича, ахлоқий сифатлар ўз-ўзини тарбиялаш ва доно устоз-мураббийларга тақлид қилиш негизида шаклланади. Таълим олиш, ақл-идрокнинг ўсишида ўз-ўзини тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга.

222. Имом ал-Ғаззолийнинг фикрига кўра ўз-ўзини тарбиялаш нимадан бошланади?

Имом ал-Ғаззолийнинг фикрига кўра ўз-ўзини тарбиялаш ўз-ўзини кузатиш ва ўз-ўзини англашдан бошланади. Шахс томонидан бошқалар хатти-ҳаракатларининг кузатилиши эса унга ўз камчиликларини кўриш ва улар тўғрисида мулоҳаза юритишга имкон беради.

223. Имом ал-Ғаззолий салбий одатларни бартараф этиш юзасидан қандай тавсияни илгари сурган?

Имом ал-Ғаззолий салбий одатларни бартараф этиш юзасидан қуйидаги тавсияни илгари сурган: агарда салбий одатлар “чуқур илдиз отган” бўлса, дастлаб уларни нисбатан “юмшоқроқ” одатларга алмаштириш, кейин эса улардан бутунлай воз кечиш лозим.

224. Ўрта асрлар Шарқда таълим ташкилий-педагогик жиҳатдан қандай ташкил этилган?

Ўрта асрлар Шарқда таълим ташкилий-педагогик жиҳатдан ўзига хос тарзда ташкил этилган. Дарслар, одатда, мачитларда эрта тонгдан тушга қадар олиб борилган. Катта мачитларда ўқувчиларнинг ўнлаб гуруҳлари шуғулланишган. Машғулотларда юзга яқин болалар қатнашган. Дарс вақтида ўқитувчи гилам устида ўтирган. Болалар унинг атрофидан жой олиб, ўзлари

олиб келган бўйраларнинг устида ёки тўғридан тўғри ерда ўтиришган. Дафтарларни ерга қўйиб, энгашиб ёзишган. Ўша даврда ҳайвон териси ёки дарахтлардан тайёрланган ёзув тахтаси мавжуд бўлган. Унга тошқўмир, қаттиқ оҳак билан ёзилган.

225. Ўрта асрларда мусулмон мамлакатларида қандай турдаги мактаблар фаолият кўрсатган?

Ўрта асрларда мусулмон мамлакатларида тўрт турдаги мактаблар фаолият кўрсатган. Улар:

1. “Қуръон” мактаблари (ёзиш ва ҳисоб-китоб дарслари ташкил этилмайдиган, фақат муқаддас “Қуръон” китобини ўрганишга йўналтирилган мактаблар).

2. Форс мактаблари (ўқиш, ёзиш ва ҳисоб дарслари форс тилида Саъдий, Ҳофиз Шерозий асарлари ёрдамида ташкил этиладиган мактаблар).

3. Форс тили ва Қуръон мактаблари (дарслар дастлабки икки мактаб дастурларининг умумлашуви асосида ташкил этиладиган мактаблар).

4. Катталар учун араб мактаблари (Қуръонни ўқиш ва шарҳлашга йўналтирилган, шунингдек, форс анъаналари асосида адабий таълим ташкил этиладиган мактаблар).

226. Мусулмон мактабларида фанлар неча гуруҳга бўлинган?

Мусулмон мактабларида фанлар қуйидаги икки гуруҳга ажратилган:

- 1) анъанавий фанлар;
- 2) амалий фанлар.

227. Мусулмон мактабларида ўқитиладиган анъанавий фанлар тизимидан қандай фанлар ўрин олган?

Мусулмон мактабларида ўқитиладиган анъанавий фанлар тизимидан илоҳиётга оид фанлар – Қуръон тавсифи, ҳадис, мусулмон ҳуқуқи, теология, араб филологияси, риторика каби фанлар ўрин олган.

228. Мусулмон мактабларида ўқитиладиган амалий фанлар тизимидан қандай фанлар ўрин олган?

Мусулмон мактабларида ўқитиладиган назарий фанлар тизимидан каллиграфия, мантиқ, математика, астрономия, хулқ-атвор қоидалари, тиббиёт ва бошқа табиий фанлар ўрин олган.

229. Мусулмон мактабларида, асосан, қандай метод қўлланилган?

Мусулмон мактабларида, асосан, турли адабиётларни ўқиш ва шарҳлаш методи қўлланилган.

230. “Донишмандлик уйи” қаерда ва ким томонидан ташкил этилган?

“Донишмандлик уйи” Бағдодда ҳалифа Маъмун (786-833 йиллар) томонидан ташкил этилган. Мазкур “Донишмандлик уйи” “Маъмун академияси” номи билан машҳур бўлган.

231. Мусулмон мамлакатларида ўқув муассасаларидан бири сифатида мадраса илк бор қаерда барпо этилди?

Мусулмон мамлакатларида ўқув муассасаларидан бири сифатида мадраса илк бор 1055 йилда Бағдодда барпо этилди.

232. Мадраса таълимнинг мактаб таълимидан фарқи нимада эди?

Мадраса таълимнинг мактаб таълимидан фарқи – уларнинг олий таълим беришга йўналтирилганлиги эди. Талабалар ётоқ, озиқ-овқатлар ва унча катта бўлмаган нафақа билан таъминланардилар. Мадрасалар бой-бадавлат ҳомийлар томонидан ажратилган маблағлар ҳисобига фаолият кўрсатарди.

III БЎЛИМ. ХАЛҚ ПЕДАГОГИКАСИ ВА УНИНГ УСТУВОР ҒОЯЛАРИ

233. Халқ педагогикаси нима?

Халқ педагогикаси – бу этномаданий анъаналар, халқнинг поэтик ва бадий ижодиётига асосланган оғзаки билимлар, тарбиявий (фаолият) кўникмалар мажмуи, болаларнинг бир-бирлари ва катталар билан қиладиган мулоқотининг барқарор шакллари бўлиб, унда турли халқларнинг болаларни тарбиялашга оид кўп асрлик тажрибаси, тарбия анъаналари мужассамланган.

234. Этнопедагогика тушунчаси илк бор ким томонидан қўлланилган ва у қандай фан?

Этнопедагогика (юнонча “ethnos” – халқ) тушунчаси илк бор ўтган асрнинг 60-йилларида Г.Н.Волков томонидан қўлланилган. Этнопедагогика – бу этник гуруҳларнинг болаларни тарбиялаш ва уларга таълим беришга оид амалий тажрибалари, оила, уруғ, қабила, халқ, миллатнинг қадимги ахлоқий-этик, эстетик қарашлари тўғрисидаги фан.

235. “Халқ педагогикаси” ва “Этнопедагогика” бир фаннинг икки хил номи саналадими?

Йўқ, гарчи луғавий жиҳатдан “халқ педагогикаси” ва “этнопедагогика” тушунчалари бир хил маънони англатса-да, бироқ, улар бир фаннинг икки хил номи эмас. Этнопедагогика тарихий шароитлар таъсирида юзага келган миллий характер хусусиятларини ўрганади. И.Т.Огородниковнинг эътирофи этишича, халқ педагогикасига муайян халқнинг тарбия борасидаги тажрибаси, унинг тавсифи, воситалари ва ғоялари тааллуқли бўлса, этнопедагогика – бу этник гуруҳларнинг болаларни тарбиялаш ва уларга таълим беришга оид амалий тажрибалари, оила, уруғ, қабила, халқ, миллатнинг қадимги ахлоқий-этик, эстетик қарашларининг тарихий ривожланишини тадқиқ этади.

236. Халқ педагогикасининг объекти ва предметини нима ташкил этади?

Халқ педагогикасининг объектини муайян халқнинг асрлар давомида болани парваришлаш, тарбиялаш йўлида олиб борган амалий ҳаракатининг

моҳияти, мавжуд тажрибаси, анъанавий ёндашувини ёритувчи таълим ва тарбия жараёни ташкил этади.

Халқ педагогикасининг предмети асрлар давомида муайян халқнинг болани парваришlash, тарбияlash йўлида олиб борган амалий ҳаракатининг моҳияти, мавжуд тажрибаси, анъанавий ёндашувини ёритувчи таълим ва тарбиянинг мазмуни, устувор ғоялари, қонуниятлари, тамойиллари, ташкилий-методик асослари, механизмидан иборат.

237. Халқ педагогикасининг энг муҳим таркибий қисми нима?

Халқ педагогикасининг энг муҳим таркибий қисми – бу авлодларнинг ўзаро таъсири жараёнида муайян анъаналарнинг узатилиши саналади. Ибтидоий жамоа тузумидан бошлаб кичик ёшли болаларни парваришlash, ўсмирлар ва ёшларни тарбияlash, ўспиринларни оилавий ҳаётга тайёрlash анъаналари сақланиб қолган, асрлар давомида орттирилган ижтимоий тажриба негизида бойиб, мустаҳкамланиб борган.

238. Халқ педагогикасида қандай тамойиллар устувор ўрин тутди?

Халқ педагогикасида халқчиллик, табиатга мувофиқлик, ишончлилик, образлилик, аниқлик, ворислик, жамоавийлик, мақсадга мувофиқлик ва ҳис-туйғуга бойлик каби тамойиллар муҳим ўрин тутди.

239. Халқ педагогикасининг асосий таянч тушунчалари қайсилар?

Халқ педагогикасининг асосий таянч тушунчалари қуйидагилардир: парваришlash (болани), тарбияlash, ўз-ўзини тарбияlash, қайта тарбияlash, йўл-йўриқ кўрсатиш, ўргатиш, одатлантириш.

240. Болани парваришlash нима?

Болани парваришlash – бу болани унинг ёшлигидан асраб-авайлаб, вояга етказиш орқали маънавий-ахлоқий, жисмоний ва эстетик сифатларга эга бўлишини таъминlash.

241. Тарбияlash нима?

Тарбияlash – бу тарбия жараёнини мунтазам, изчил равишда ташкил этиш орқали болалар, ўсмирларни маънавий-ахлоқий, жисмоний ва эстетик жиҳатдан камол (воя)га етказиш.

242. Ўз-ўзини тарбияlash нима?

Ўз-ўзини тарбияlash – бу болалар, ўсмирларнинг ўзларида янги характер хусусиятлари, одатларини ҳосил қилиш ёки мавжудларини ўзгартиришга йўналтирилган онгли фаолияти.

243. Қайта тарбияlash нима?

Қайта тарбияlash – бу болалар, ўсмирлардаги салбий одатлар, уларнинг характерларидаги зарарли сифатларни йўқотиш, бартараф этишга қаратилган амалий ҳаракат.

244. Йўл-йўриқ кўрсатиш нима?

Йўл-йўриқ кўрсатиш – бу тарбия жараёнида болалар ва ўсмирларни бирор иш, тадбир, фаолиятни амалга оширишга доир тартиб-қоидалар билан таништириш, уларга амал қилиш шартларини ифодалашга қаратилган фаолият.

245. Ўргатиш нима?

Ўргатиш – бу тарбия жараёнида болалар ва ўсмирларда муайян иш-ҳаракат, фаолиятни сифатли, самарали бажаришга доир кўникма, малакаларни ҳосил қилиш.

246. Одатлантириш (машқ қилдириш) нима?

Одатлантириш тарбияланувчиларда ижтимоий хулқ-атвор кўникмалари, одатларини шакллантириш мақсадида режали ва изчил ташкил қилинадиган турли ҳаракатлар, амалий ишлардир. Одатлар болалиқдан таркиб топиб, шахс ривожланишининг кейинги босқичларида мустаҳкамланиб боради. Ўқувчилар одатларни ўз яқинларидан мерос қилиб олмайди, балки улар атрофдагилар билан фаол мулоқотга киришишлари туфайли тақлид қилиш, шунингдек, узлуксиз ташкил этиладиган тарбия жараёнида таркиб топтирилади. Одатлар кейинчалик характерга айланади. Шу сабабли одатлантириш таълим олувчи учун онгли, ижобий жараён бўлиши зарур.

247. Халқ педагогикасининг асосий омиллари қайсилар?

Халқ педагогикасининг асосий омиллари табиат, сўз, меҳнат, маиший ҳаёт, урф-одатлар, анъаналар, санъат, диний қарашлар, ўйин, намуна (катталар, тенгдошлар, ота-оналар, оиланинг кекса авлод вакиллари томонидан кўрсатилган ўрнак, ибрат) ҳисобланади.

248. Халқ педагогикасида болага сўз билан таъсир кўрсатиш қандай аҳамиятга эга?

Халқ педагогикасида болага сўз билан таъсир кўрсатиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, бола билан мулоқотда бўлиш бевосита диалогик характер касб этган ва бунда нутқ, сўз таъсиридан самарали фойдаланилган.

249. Халқ педагогикасида болага сўз билан таъсир кўрсатиш қандай шаклларда амалга оширилган?

Халқ педагогикасида болага сўз билан таъсир кўрсатиш алоҳида, баъзан илоҳий аҳамият касб этган бўлиб, у ишонч билдириш, илтимос қилиш, маслаҳат бериш, йўл-йўриқ кўрсатиш, панд-насихат қилиш, ният билдириш, қасам ичиш, илтимос қилиш, шама қилиш, шукур қилиш, илтижо қилиш, сўз бериш, ўгит бериш, васият қилиш, ачиниш, тавба қилиш, айбига иқрор бўлиш, таъна қилиш, таъқиқлаш, таҳдид қилиш, лаънатлаш, сўкиш, жазолаш, калтаклаш ва бошқа шаклларда амалга оширилган.

250. Халқ педагогикасининг асосий ғоялари нималардан иборат?

Халқ педагогикасининг асосий ғоялари болалар ва ёшларга инсон

ҳаётининг мазмунини, шахслараро муносабатлар моҳиятини англатиш, уларда ҳаётӣ мақсадни қарор топтириш, уларнинг онгини ривожлантириш, ақлини ўстириш, ҳақиқатгўйлик, виждонийлик, ор-номус, ғурур, меҳнатсеварлик, мардлик, тўғрисўзлик, олийжаноблик, хушмуомалалилик каби сифатларни шакллантириш саналади.

251. Халқ педагогикасида комил инсон қиёфаси қандай образларда тасвирланади?

Халқ педагогикасида комил инсон қиёфаси “олийжаноб кимса”, “меҳрибон инсон”, “хушмуомала қиз”, “ботир (жасур) йигит”, “оилапарвар ота”, “фарзандларига меҳрибон она”, “адолатпарвар шоҳ”, “доно вазир”, “меҳнатсевар деҳқон”, “табиатни севадиган чўпон”, “тўғрисўз кулол” ва бошқа образларда тасвирланади.

252. Турли халқларга оид халқ педагогикасида ифодаланган комил инсон образи қандай умумий фазилатларни намоён этади?

Турли халқларга оид этнопедагогикада ифодаланган комил инсон образлари ўз ақл-фаросатлари, кўркамликлари, ахлоқий фазилатлари, жисмоний кучи, чидамли, бардошли эканликлари билан бир-бирларига яқин турадилар.

253. Халқ педагогикасида болалар ва ёшлар ҳаёти, фаолиятини ташкил этишнинг қандай шакллари кўрсатилган?

Халқ педагогикасида болалар ва ёшлар ҳаёти, фаолиятини ташкил этишнинг ўйин, меҳнат, беллашув, кеча, байрам, театр томошаси каби шакллари кўрсатилган.

254. Халқ педагогикасида болаларнинг тарбиясига самарали таъсир кўрсатувчи асосий субъектлар сифатида кимлар эътироф этилади?

Халқ педагогикасида болаларнинг тарбиясига самарали таъсир кўрсатувчи асосий субъектлар сифатида оиланинг кекса авлод вакиллари (бува-бувилар), ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар эътироф этилади. Умуман олганда, халқ педагогикасида оила, унинг анъаналари, оила аъзоларининг ҳаётӣ тажрибалари, маънавий-ахлоқий қарашлари асосий негиз саналади.

255. Халқ педагогикасида бола шахси қандай ижтимоий мақомда намоён бўлади?

Халқ педагогикасида бола шахси муайян ота-онанинг фарзанди, ижтимоий ёки биологик етим, боқиб олинган бола, тенгдош, дўст, бегонанинг боласи ва дўстлар даврасига мансуб шахс мақомида намоён бўлади.

256. “Рус халқида тарбия мазкур халқ шакллангандан буён мавжуд” деган фикрни ким илгари сурган?

“Рус халқида тарбия мазкур халқ шаклланган буён мавжуд” деган ғояни машҳур рус педагоги К.Д.Ушинский илгари сурган.

257. Халқ педагогикасининг ғояларини ёритишда фольклорнинг ўрни қандай?

Халқ педагогикаси ғояларини ёритишда фольклор муҳим ўрин тутди. Муайян халқнинг болани парваришlash, тарбияlashга оид анъанавий ёндашувлари, ҳаётий тажрибаси – мақол, матал, эртак, афсона, ривоят, достон, латифа, ҳикматли сўз ва халқ қўшиқларида ўз ифодасини топган.

258. Мақол нима?

Мақол – бу панд-насихат мазмунига ва кичик ҳажмга эга, образли, тугал маънони ифодаловчи ҳикматли ибора бўлиб, у халқ томонидан орттирилган ҳаётий тажриба асосида яратилади. Мас., “Айир қандай бўлса, от шундай”, “Бешиқда теккан, кафанда кетар”, “Бола боққандан олов ёққан яхши”, “Бола кўрганини қилар, ота билганини”, “Бола лой, она кулол”, “Болани сўксанг, бети қотар, урсанг, эти қотар”, “Дарахтдан мева оламан десанг, ниҳоллигидан парвариш қил”, “Дард кетар, одат қолар”, “Игна қаёққа юрса, ип ҳам шу ёққа юради”, “Қуш уясида кўрганини қилади”*. Ўзбек халқ мақолларидан халқ педагогикасида фойдаланиш болалар ва ёшларни аجدодлар томонидан асрлар давомида тўпланган ҳаётий тажриба, билимларга таянган ҳолда амалий фаолиятни, шахслараро муносабатларни ташкил этишга ўргатади.

259. Матал нима?

Матал – бу тугал маънони ифодаламайдиган, бироқ, воқеа-ҳодисалар, шахс хатти-ҳаракатлари, табиий ва ижтимоий борлиқ, шахслараро муносабатлар моҳиятини образли ифодаловчи ҳикматли сўз, ибора. Мас., “қизил қор ёққанда”, “туянинг думи ерга текқанда” (ҳеч битмайдиган ишга нисбатан), “дарахтлар кесилгандан кейин”, “сойлар (дарёлар) қуриб бўлгач”, “тўй ўтгандан кейин”, замонавий талқинда “поезд кетиб бўлгач” (бир муаммо туғилгандан кейин бошланган ҳаракат), “тўйдан кейин ноғара чалиш” (ҳаракатнинг вақт ўтиб бўлгандан кейин бошланиши). Халқ педагогикасида маталлардан ўринли фойдаланиш болалар ва ёшларни воқеа-ҳодисалар моҳиятини тўғри талқин қилишга, вазиятни инобатга олган ҳолда оқилона ҳаракатни ташкил этишга, мустақил фикрлашга ўргатади, қолаверса, уларнинг нутқ бойлигини ривожлантиради.

260. Эртак нима?

Эртак – бу тўқима образлар, воқеа-ҳодисалар асосида ёритиладиган эпик бадиий асар бўлиб, унда инсонларга хос маиший турмуш тарзи сеҳргарлик ва саргузаштга бой тарзда талқин этилиб, улардан халқ педагогикасида самарали фойдаланиш ёш авлодда яхшиликка, эзгуликка, мўъжизага, шахс томонидан ташкил этиладиган ҳар бир хатти-ҳаракатнинг ўз баҳосини олишига ишончни ҳосил қилади.

* O'zbek xalq maqollari. – Toshkent: “Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi Bosh tahririyati, 2005. – 154-159-betlar.

261. Афсона нима?

Афсона – авлоддан авлодга, оғиздан оғизга ўтиб келган, бўрттирма талқинлар орқали образлар, жараёнлар, воқеа-ҳодисаларнинг аҳамияти, уларга хос сифат, хусусиятларни кучайтирадиган фольклор жанри бўлиб, халқ педагогикасида ундан фойдаланиш болалар ва ёшларда муайян маънавий-ахлоқий сифатларни тарбиялашга, салбий одатларни бартараф этишга ёрдам беради.

262. Ривоят нима?

Ривоят – бу воқеа-ҳодисалар, муайян шахс қиёфаси, характери ва фаолиятини ҳам реал, ҳам бўрттирма тасвирлар воситасида авлоддан авлодга узатиб бериладиган оғзаки ҳикоя.

263. Достон нима?

Достон – бу тарихий воқеа-ҳодисаларнинг моҳияти, халқ қаҳрамонларининг фаолиятини бадиий тўқималар воситасида наср ва назмда ифодалаб, авлоддан авлодга узатиладиган эпик асар.

264. Латифа нима?

Латифа – тарбиявий жараён моҳиятини кулгули воқеа-ҳодисалар ёрдамида талқин этадиган кичик ҳажмли ҳикоя.

265. Ҳикматли сўзлар нима?

Ҳикматли сўзлар – бу халқнинг юксак идроки, ақл-заковати, донолигининг ифодаси ёки уни акс эттирувчи сўз, ибора, фикр бўлиб, уларни тарбия жараёнида қўллаш болалар ва ўсмирларда маълум воқелик, шахснинг хатти-ҳаракати, юриш-туриши, одоб-ахлоқи, муомаласини оқилона баҳолаш кўникмаларини ҳосил қилади.

266. Халқ кўшиқлари нима?

Халқ кўшиқлари – бу муайян халқ томонидан яратилган кўшиқлар мажмуаи бўлиб, у халқ оғзаки ижодиётининг маҳсули саналади. Халқ кўшиқларида ҳар бир халқнинг менталитет хусусиятлари, урф-одатлари, тарихий воқеликлар акс этади, ўзининг жанр хусусияти, мусиқий оҳанглари ва таркибий тузилмаси билан бошқа халқларнинг кўшиқларидан фарқланади. Халқ педагогикасида халқ кўшиқларидан фойдаланиш, энг аввало, болаларни табиий ва ижтимоий муҳит билан таништиради, иккинчидан, улар томонидан ўзи мансуб халққа хос менталитет хусусиятларни, миллий турмуш тарзи, ҳаётий интилишининг моҳияти англанишини таъминлайди, учинчидан, уларда бадиий дидни ўстиришга ёрдам беради.

267. Халқ педагогикасида болаларга тарбиявий таъсир кўрсатишда қандай методларидан фойдаланилади?

Халқ педагогикасида болаларга тарбиявий таъсир кўрсатишда ишонтириш, намуна, буйруқ, тушунтириш, одатлантириш (машқ қилдириш), тилак (оқ

фотиҳа), илтижо, қасам, илтимос, маслаҳат, шама, мақтов, таъна, гина-кудурат, ўғит, диний йўлланма, васият, қасам, тавба, ўқинч, тарғибот, таъқиқ, таҳдид, қарғиш, қасамёд, ҳақорат (сўқиш), жазолаш, калтаклаш каби методлардан фойдаланилади.

268. Тушунтириш нима?

Тушунтириш – бу муайян хатти-ҳаракат, хулқ-атвор, шахслараро муносабатлар мазмунини очиб бериш, ёритишдан иборат ҳаракат.

269. Тилак (оқ фотиҳа) нима?

Тилак (оқ фотиҳа) – бу болалар ва ўсмирлар бирор иш-ҳаракатни бажаришга киришишларидан аввал уларга омад, муваффақият, бахт, фаолият ривожини тилаган ҳолда бериладиган рухсат, ижозат.

270. Илтижо нима?

Илтижо – бу ота-оналарнинг фарзандлар тарбиясини ташкил этишда уларнинг солиҳ инсонлар бўлиб камолга етишишлари, омадли, бахтли бўлишларини Оллоҳдан сўраб қилинадиган ўтинчли сўрови, илтимоси.

271. Қасам нима?

Қасам – бу тарбия жараёнида ўзининг, ўзи томонидан бажарилган иш-ҳаракатнинг, айтилган сўзнинг тўғрилигини тасдиқлаш, уларга бошқаларни ишонтириш мақсадида муқаддас нарса, кимсаларнинг номларини оғизга олиб айтиладиган онт.

272. Илтимос нима?

Илтимос – бу аниқ бир тарбиявий мақсадга эришиш, болаларга ижобий таъсир кўрсатиш учун уларга ёки атрофдагиларга қилинган мурожаат.

273. Маслаҳат нима?

Маслаҳат – бу тарбиявий жараёнларни ташкил этишда муайян иш-ҳаракат, фаолиятни оқилона ташкил этиш юзасидан икки ёки ундан ортиқ шахслар ўртасида ташкил этиладиган муҳокама.

274. Шама нима?

Шама – бу ота-оналар, ўқитувчилар, ёши катталар томонидан болалар ва ўсмирларда ижобий сифатларни шакллантириш, уларни муайян ҳаракатга ундаш мақсадида бирор нарсага ишора тарзида билдирилган фикр.

275. Мақтов нима?

Мақтов – бу ота-оналар, ўқитувчилар, ёши катталар томонидан болалар ва ўсмирларнинг хатти-ҳаракатлари, хулқ-атвори, одоб-ахлоқининг ижобий баҳоланганлигини ифодалаш мақсадида айтилган фикр.

276. Таъна нима?

Таъна – бу ота-оналар, ўқитувчилар, ёши катталар томонидан болалар ва ўсмирларнинг содир этган айблари, йўл қўйилган хато-камчиликларини бетларига солиш, камситишни ифодаловчи ҳаракат.

277. Гина-кудурат нима?

Гина-кудурат – бу ота-оналар, ўқитувчилар, ёши катталар томонидан болалар ва ўсмирларнинг хатти-ҳаракатлари, хулқ-атвори, одоб-ахлоқидан норозилик, хафаликнинг оғзаки ифодаси.

278. Ўгит нима?

Ўгит – бу ота-оналар, ўқитувчилар, катта ёшли кишилар томонидан болалар ва ўсмирларга муайян ижтимоий қоидалар, яшаш тарзи, шахслараро муносабатларни ташкил этиш, табиий борлиққа онгли ёндашиш моҳиятини ёритиш мақсадида йўл-йўриқ кўрсатиб айтиладиган насиҳат.

279. Диний йўлланма нима?

Диний йўлланма – бу диний уламо (мулла, домла, қори, сўфи, имом, шайх ва бошқа)лар томонидан ёшларга тўғри яшаш, ҳалол меҳнат қилиш, умрни беҳуда ўтказмаслик, ўз биродарлари ўртасидаги меҳр-оқибатни йўқотмаслик зарурлигини муқаддас манбалар – Қуръон, Ҳадис, шунингдек, Шариат, Фикҳ илми ғоялари асосида уқтирилган даъватни ифодаловчи насиҳат.

280. Васият нима?

Васият – бу ота-оналар, оиланинг кекса авлод вакиллари (бува-бувилар)нинг фарзандлар, набираларга уларни тўғри яшаш, ҳалол меҳнат қилиш, умрни беҳуда ўтказмаслик, ўз яқинлари (ака-ука, опа-сингил, қўни-қўшни, қариндош-уруғ ва б.ш.) билан меҳр-оқибатли бўлиш кабиларга қилган даъватларини ифодаловчи истаги, насиҳати.

281. Қасамёд нима?

Қасамёд – бу болалар ва ўсмирлар томонидан ота-оналари, ўқитувчилар, уларнинг тарбияси учун масъул кишилар (васийлар)га ҳалол яшаш, соғлом турмуш кечириш, шахслараро муносабатларни оқилона ташкил этиш, муайян фаолиятни ташкил этиш, зиммаларидаги бурчларни бажаришга масъулиятли ёндашиш ва ҳ.о.лар тўғрисида берилган ваъда.

282. Тавба нима?

Тавба – бу тарбия жараёнида болалар, ўсмирларнинг улар томонидан содир этилган ножўя, ижтимоий ахлоқ меъёрларига зид хатти-ҳаракатлари, юриш-туришлари, хулқ-атворлари, гап-сўзлари учун олинган жазодан сўнг ёки уларнинг нотўғри эканлигини тушунганларидан кейин қилмишларидан пушаймон бўлиб, уларни қайта такрорламасликка аҳд қилиб берган ваъдалари, узрлари.

283. Ўкинч нима?

Ўкинч – бу тарбия жараёнида болалар, ўсмирларда улар томонидан содир этилган ножўя, ижтимоий ахлоқ меъёрларига зид хатти-ҳаракатлари, юриш-туришлари, хулқ-атворлари, гап-сўзларининг салбий оқибатини англаш ва уларни тузатиб бўлмаслик ҳисси билан юзага келадиган афсус, пушаймонлик.

284. Тарғибот нима?

Тарғибот – бу тарбиявий жараёнда ота-оналар, ўқитувчилар, катта ёшли кишилар томонидан муайян ғоя, қарашни болалар, ўсмирларнинг онгига сингдиришга қаратилган амалий ҳаракатлари.

285. Таъқиқ нима?

Таъқиқ – бу ота-оналар, оиланинг катта ёшли аъзолари, баъзан ўқитувчилар томонидан ножўя, ижтимоий ахлоқ меъёрларига зид хатти-ҳаракатлари, юриш-туришлари, хулқ-атворлари, гап-сўзлари учун болалар, ўсмирларни улар аввал фойдаланиб келинган имтиёзлардан маҳрум этиш.

286. Таҳдид нима?

Таҳдид – бу ота-оналар, оиланинг катта ёшли аъзолари, баъзан ўқитувчилар томонидан болалар, ўсмирларнинг ножўя, ижтимоий ахлоқ меъёрларига зид хатти-ҳаракатлари, юриш-туришлари, хулқ-атворлари, гап-сўзлари учун уларнинг ўнгланишини талаб қилиш, акс ҳолда муайян жазога тортилиши муқаррарлигини билдириш орқали кўрқитиш.

287. Қарғиш нима?

Қарғиш – бу тарбиявий жараёнда қўлланиладиган, бироқ, ўта салбий характер касб этадиган гап, сўз бўлиб, у тарбия объектига нисбатан ёмонлик, бахтсизлик ва ўлим тилашни ифодалайди.

288. Ҳақорат (сўқиш) нима?

Ҳақорат (сўқиш) – бу тарбиявий жараёнда қўлланиладиган, бироқ, ўта салбий характер касб этадиган гап, сўз бўлиб, у болалар, ўсмирларнинг шахси, шаъни, ор-номуси, ғурурини ерга уриш, таҳқирлашга қаратилган амалий ҳаракат саналади.

289. Жазолаш нима?

Жазолаш – бу ота-оналар, ўқитувчилар, ёши катта кишилар томонидан болалар ва ўсмирлар томонидан содир этилган ножўя иш, ҳаракат, фаолият, сўз учун оғзаки, амалий, баъзан жисмоний жазони қўллаш тарзида кўриладиган чоралар.

290. Калтаклаш нима?

Калтаклаш – бу тарбиявий жараёнда ота-оналар, оиладаги катта ёшли кишилари томонидан содир этиладиган болалар, ўсмирларни уларнинг ножўя, ижтимоий ахлоқ меъёрларига зид хатти-ҳаракатлари, юриш-туришлари, хулқ-атворлари, гап-сўзлари учун жисмоний жазолаш чораси. Тарбиявий таъсир

чораси сифатида калтаклаш юзга шапалоқ тушириш, елка, тана, оёқ, қўл ва бошқа аъзоларга бирор-бир восита (мас., таёқ, қайиш, қўл ва бошқалар) билан уриш орқали амалга оширилади.

291. Халқ педагогикасида болаларга тарбиявий таъсир кўрсатишда қандай усуллардан фойдаланилади?

Халқ педагогикасида болаларга тарбиявий таъсир кўрсатишда тушунтириш, ўргатиш, рағбатлантириш, тақдирлаш, маъқуллаш, ишонтириш, ишонч билдириш, намуна кўрсатиш, бажариб кўрсатиш, шама қилиш, гинакудурат қилиш, танбеҳ бериш, қоралаш, жазолаш, ман қилиш, таъқиқлаш, синаш, кечириш ва бошқа усуллардан фойдаланилади.

292. Тушунтириш қандай усул?

Тушунтириш – бу муайян хатти-ҳаракат, хулқ-атвор, шахслараро муносабатлар мазмунини оғзаки баён орқали очиб бериш, ёритиш усули.

293. Ўргатиш нима?

Ўргатиш – бу ҳаракат ёки фаолиятни режали ва изчил ташкил қилиш орқали болалар, ўсмирларда ижтимоий хулқ-атвор кўникмалари, одатларини шакллантириш усули.

294. Рағбатлантириш қандай усул?

Рағбатлантириш – бу болалар, ўсмирларнинг хатти-ҳаракатлари, фаолиятларига ижобий баҳо бериш асосида уларга ишонч билдириш, кўнгилларини кўтариш, уларни қўллаб-қувватлаш усули.

295. Тақдирлаш қандай усул?

Тақдирлаш – бу болалар, ўсмирларнинг хатти-ҳаракатлари, фаолиятларига берилган ижобий баҳоларга таянган ҳолда уларни мукофотлаш усули.

296. Маъқуллаш қандай усул?

Маъқуллаш болалар, ўсмирларнинг хатти-ҳаракатлари, сўзлари ва шахслараро муносабатларини тўғри, маъқул деб топиш усулидир.

297. Ишонтириш қандай усул?

Ишонтириш – болалар, ўсмирлар ва ёшларда муайян ғоянинг ҳақиқатлигига, хулқ-атвор меъёрлари, қоидалари, хатти-ҳаракат, фаолиятнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш орқали уларда қатъий эътиқод, ҳаётий позицияни шакллантириш, ўзининг ҳамда атрофдагиларнинг хулқ-атворларини оқилона баҳолашга ўргатиш усули.

298. Ишонч билдириш қандай усул?

Ишонч билдириш – бу болалар ва ўсмирларга уларнинг ёш хусусиятлари, жисмоний имкониятларини инобатга олган ҳолда муайян топшириқларни бериш усули.

299. Намуна кўрсатиш қандай усул?

Намуна кўрсатиш – бу ота-оналар, ўқитувчилар, ёши катта кишилар, тенгдошларнинг болалар ва ўсмирларга юриш-туришда, хулқ-атворда, шахслараро мулоқот ва муносабатда, бирор иш-ҳаракатни бажаришда, муайян фаолиятни ташкил этишда ўрнатилган, ибрат бўлишларини ифодаловчи усул.

300. Бажариб кўрсатиш қандай усул?

Бажариб кўрсатиш – бу ота-оналар, ўқитувчилар, катта ёшли кишилар томонидан муайян иш-ҳаракат, фаолиятни бевосита ўзлари бажаришлари, амалий намоёни қилишлари орқали болалар ва ўсмирларда зарур билим, кўникма, малакаларни ҳосил қилиш усули.

301. Шама қилиш қандай усул?

Шама қилиш – бу тарбия жараёнида болалар ва ўсмирларнинг хатти-ҳаракатлари, юриш-туришлари, одоб-ахлоқларини бевосита ёки билвосита кузатиш, баҳолаш орқали уларнинг тўғри ёки нотўғрилиги тўғрисида маълум хулосага келганликни зимдан билдириб, ишора қилиб ўтиш усули.

302. Гина-кудурат қилиш қандай усул?

Гина-кудурат қилиш (арабча “гина” – шикоят, таъна; “гина-кудурат” ёки “гина-гудурат” – лойқалик, хафагарчилик маъноларини англатади) – бу тарбия жараёнида ота-оналар, ўқитувчилар, ёши катта кишиларнинг болалар ва ўсмирлар хатти-ҳаракатлари, юриш-туришлари, гап-сўзларидан дилда хафа бўлганликлари, норози эканликларини ифодалаш усули.

303. Танбех бериш усули қандай усул?

Танбех бериш – бу тарбия жараёнида ота-оналар, ўқитувчилар, ёши катта кишилар томонидан болалар ва ўсмирларнинг бемаъни қилиқлари, хатти-ҳаракатлари, гап-сўзларининг моҳиятини уларга қойиш орқали тушунтириш, бу ҳақида уларни огоҳ этиш. Халқ педагогикаси ғояларига кўра танбех беришда сўкиш ва қарғашга йўл қўймаслик лозим. Зеро, ўзбек халқи азалдан сўкиш ёки қарғишнинг бола руҳиятига салбий таъсир кўрсатишини оқилона баҳолай олган. Замонавий психологик тадқиқотларнинг натижалари ҳар бир сўз ўзида муайян даражада қувват ташишини исботлади. Шунга кўра айтиш мумкинки, сўкиш ва қарғишда қўлланиладиган сўзлар ўзида салбий қувватни ташишди ва боланинг руҳиятини жароҳатлайди.

304. Қоралаш қандай усул?

Қоралаш – бу тарбия жараёнида ота-оналар, ўқитувчилар, ёши катта кишилар томонидан болалар ва ўсмирларни уларнинг бемаъни, ножўя гап-сўзлари, қилиқлари, хатти-ҳаракатлари учун айбланиш усули.

305. Жазолаш усули қандай усул?

Жазолаш – бу ота-оналар, ўқитувчилар, ёши катта кишилар томонидан болалар ва ўсмирларнинг бемаъни гап-сўзлари, қилиқлари, хатти-ҳаракатлари

учун салбий баҳо бериб, амалий чора-тадбирлар қўллаш усули. Халқ педагогикасида ҳам жазо бериш оғзаки ва амалий тарзда қўлланилади. Ўзбек халқ педагогикасида асрлар давомида шаклланган қарашларга кўра жисмоний жазолаш инкор этилмайди. Аксинча, жисмоний жазолаш дастлабки эътироф этиш, огоҳлантириш ҳеч бир натижа бермагандан сўнг сўнгги чора сифатида фаол қўлланилади.

306. Ман қилиш қандай усул?

Ман қилиш – бу хулқ-атвори, хатти-ҳаракатлари, юриш-туриши ёки гап-сўзлари қораланган болалар, ўсмирларга муайян имтиёзлардан фойдаланишга рухсат бермаслик усули.

307. Таъқиқлаш қандай усул?

Таъқиқлаш – бу хулқ-атвори, хатти-ҳаракатлари, юриш-туриши ёки гап-сўзлари қораланган болалар, ўсмирларни улар фойдаланиб келган муайян имтиёзлардан маҳрум этиш, имтиёзлардан фойдаланишни тўхтатиб қўйиш усули саналади.

308. Синаш қандай усул?

Синаш – бу болалар, ўсмирларга муайян топшириқларни бериш, уларни маълум иш-ҳаракат ёки фаолиятни ташкил этишга жалб қилишдан аввал синовдан ўтказиш, текшириб (имтиҳон қилиб) кўриш усули.

309. Кечириш усули қандай усул?

Кечириш – бу болалар, ўсмирларни улар томонидан ножўя иш-ҳаракат ташкил этилганда, хатога йўл қўйилганда ёки уларнинг хулқ-атворлари, хатти-ҳаракатлари қораланганда маълум вазиятни, ёш хусусиятини, содир этилган ҳолатнинг ижтимоий оқибатларини инобатга олган ҳолда авф этиш усули.

IV БЎЛИМ. ПЕДАГОГИКАНИНГ УМУМИЙ АСОСЛАРИ

310. “Педагогика” тушунчаси қандай маънони англатади?

“Педагогика” юнонча “*παιδαγωγική*”; қадимги грек тилидан “*παῖς*” (“*país*”) – бола, “*ἄγωγος*” (“*agogos*”) – етаклайман деган маънони англатади. Умуман “педагогика” тушунчаси “болани тарбиялайман”, “болани камолга етказаман”, “шахсни тарбиялаш санъати” деган маъноларни англатади.

311. Педагогика фани қандай фан?

Педагогика – шахсни шакллантиришга қаратилиб, муайян тизим асосида ташкил этиладиган фаолият, таълим-тарбиянинг мазмуни, шакли, метод ва воситалари ҳақидаги фан.

312. Педагогика фани қандай фанлар туркумига киради?

Педагогика фани ижтимоий фанлар туркумига киради.

313. Педагогика фанининг мақсади нима?

Педагогика фанининг мақсади – шахсни ҳар томонлама ривожлантириш, унда юксак маънавий-ахлоқий сифатларни тарбиялаш, муайян фаолият кўникма ва малакаларини шакллантириш саналади.

314. Педагогика фанининг объекти нимадан иборат?

Педагогика фанининг объекти шахсни ҳар томонлама ривожлантириш, унда илмий билимларни ҳосил қилиш, дунёқарашни шакллантириш, юксак маънавий-ахлоқий сифатларни тарбиялаш жараёнидан иборат.

315. Педагогика фанининг предметини нима ташкил этади?

Педагогика фанининг предметини ҳар томонлама ривожланган, баркамол авлодни тарбиялаш жараёнининг умумий моҳияти, қонуниятлари, устувор тамойиллари, таълим муассасаларида ташкил этиладиган педагогик фаолият мазмуни, педагогик ҳодисалар ташкил этади.

316. Педагогика фанининг асослари нималардан иборат?

Педагогика фанининг асослари таълим ва тарбия жараёнининг мазмуни, тамойиллари, қонуниятлари, босқичлари, самарали шакллари, методлари, воситалари, технологиялари, ўқитувчи ҳамда таълим олувчи (ўқувчи, талаба) муносабатлари, таълим олувчилар фаолиятини назорат қилиш ва баҳолаш, таълим-тарбия жараёнларининг натижаларидан иборат.

317. Педагогика фани қандай вазифаларни ҳал қилади?

Педагогика фани қуйидаги вазифаларни ҳал қилади:

- баркамол шахс, малакали кадрни тарбиялашга йўналтирилган педагогик жараён моҳиятини ўрганиш;
- шахсни ҳар томонлама камол топтириш қонуниятларини аниқлаш;
- ривожланган мамлакатлар таълим тажрибаси асосида узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш;
- таълим муассасалари ва уларда фаолият олиб бораётган педагоглар фаолияти мазмунини асослаш;
- илғор педагогик тажрибаларни умумлаштириш ва амалиётга жорий этиш;
- педагог кадрларни мутахассислик билимлари, таълим-тарбиянинг илғор усуллари билан қуроллантириш;
- таълим ва тарбия, ижтимоий тарбия йўналишлари ўртасидаги ўзаро алоқадорликни таъминлашнинг педагогик шарт-шароитларини ўрганиш;
- ўқитиш ва тарбиялаш жараёнининг самарали технологияларини яратиш;
- оила тарбиясини тўғри ташкил этиш юзасидан ота-оналар учун илмий-методик тавсияларни ишлаб чиқиш.

318. Педагогик фанлар тизими нима?

Педагогик фанлар тизими – бу шахсни ўқитиш ва тарбиялашнинг у ёки бу масалаларини ўрганувчи фанлар мажмуи.

319. Педагогика фанлар тизими қандай фанлардан таркиб топади?

Замонавий шароитда педагогик фанлар тизими куйидаги фанлардан таркиб топмоқда:

1. Педагогика назарияси.
2. Педагогика тарихи.
3. Мактабгача таълим педагогикаси.
4. Бошланғич таълим педагогикаси.
5. Коррекцион (махсус) педагогика.
6. Хусусий методика (хусусий фанларни ўқитиш).
7. Педагогик маҳорат.
8. Педагогик технология.
9. Ижтимоий педагогика.
10. Касбий педагогика.
11. Таълим менежменти.
12. Қиёсий педагогика.
13. Креатив педагогика.
14. Нейропедагогика.
15. Ҳамкорлик педагогикаси.
16. Ҳарбий педагогика.
17. Педагогик инноватика.

320. Педагогика назарияси қандай муаммоларни тадқиқ қилади?

Педагогика назарияси – ҳар томонлама ривожланган, баркамол шахсни шакллантириш, унда дунёқараш ва юксак маънавий-ахлоқий сифатларни тарбиялаш масалаларини ўрганади.

321. Педагогика тарихи қандай масалаларни ўрганади?

Педагогика тарихи – педагогик фикрларнинг пайдо бўлиш ва ривожланиш тарихини, турли даврларда бола тарбиясини ташкил этишга оид билимларнинг шаклланишини тадқиқ қилади.

322. Мактабгача таълим педагогикасининг тадқиқот объекти нима?

Мактабгача таълим педагогикаси – мактабгача таълим ёши болаларини тарбиялаш, уларга бошланғич билимларни бериш масалаларининг тадқиқи билан шуғулланади.

323. Бошланғич таълим педагогикаси қандай жараёни ўрганади?

Бошланғич таълим педагогикаси – бошланғич синф ўқувчиларининг ёш, психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда уларни ўқитиш ва тарбиялаш жараёнини ўрганади.

324. Коррекцион (махсус) педагогика қандай муаммоларни ўрганишга хизмат қилади?

Коррекцион (махсус) педагогика – имконияти чекланган қар-соқов (сурдопедагогика), кўр (тифлопедагогика), ақлий жиҳатдан ривожланишда

ортда қолган (олигофренопедагогика) болаларга таълим бериш ва уларни тарбиялашнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганади.

325. Хусусий методика (хусусий фанларни ўқитиш) қандай педагогик масалаларни тадқиқ қилади?

Хусусий методика (хусусий фанларни ўқитиш) – турли ўқув фанлари (мас., физика, математика, биология, кимё, тарих, ҳуқуқ, жисмоний тарбия ва ҳ.о.лар)ни ўқитишнинг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ қилади.

326. Педагогик маҳоратнинг тадқиқот объекти нима?

Педагогик маҳорат – бўлажак педагог (ўқитувчилар)да педагогик жараёни методик жиҳатдан тўғри, самарали ташкил этиш, ўқитувчи ва ўқувчи муносабатларини оқилона йўлга қўйиш, бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятни ташкил этишга тайёрлаш масалаларини ўрганади.

327. Педагогик технология қандай масалаларни тадқиқ қилади?

Педагогик технология – таълим ҳамда тарбия жараёнларини технологик ёндашув асосида такомиллаштириш, илғор педагогик технологияларни яратиш ва таълим амалиётига самарали татбиқ этиш йўлларини тадқиқ қилади.

328. Ижтимоий педагогика қандай масалаларни ёритади?

Ижтимоий педагогика – шахсни ижтимоийлаштириш қонуниятларини, ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга педагогик ёндашиш, ижтимоий педагогик фаолиятни самарали ташкил этиш технологияларини яратиш масалаларини ёритади.

329. Касбий педагогика ўрганадиган асосий муаммо нима?

Касбий педагогика – турли (ижтимоий, техник, маданий-маиший, ишлаб чиқариш) йўналишларида тегишли соҳа (мас., қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, маданий-маиший хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш ва б.ш.) бўйича касбий фаолиятни самарали йўлга қўйиш йўлларини ўрганади.

330. Таълим менежменти қандай масалаларни тадқиқ қилади?

Таълим менежменти – таълим муассасаси фаолиятини самарали ташкил этиш ва оқилона бошқариш масалаларини тадқиқ қилади.

331. Қиёсий педагогика қандай муаммоларни ўрганади?

Қиёсий педагогика – таълимнинг жаҳон, минтақа, давлат миқёсидаги ривожланишининг умумий ва алоҳида тенденциялари, қонунлари ва қонуниятларини ўзаро солиштириш, қиёслаш асосида ўрганиш, халқаро педагогик тажрибанинг ижобий ва салбий жиҳатларини, миллий педагогик маданиятлар алмашинувининг шакл ва усулларини аниқлаш муаммоларини ўрганади.

332. Креатив педагогиканинг мақсади нимадан иборат?

Креатив педагогиканинг мақсади – шахс (ўқувчи, талаба)ни ўқишга, таълим олишга ижодий ёндашишга, ўзининг ва ўз келажагининг яратувчиси бўлишга ўргатишдан иборат.

333. Нейропедагогика қандай муаммони тадқиқ қилади?

Нейропедагогика – инсон миясининг ижодий имкониятларини аниқлаш ва амалий (функционал) ривожлантириш, шахсда фаолиятга нисбатан фаол, онгли муносабатни қарор топтириш, ижтимоий хулқ-атвори психологик коррекциялаш, болалар руҳий ривожланишни ташхислаш ва башоратлашнинг янги илмий дастурлари, самарали шакл ва методларини, янги турдаги мактабгача таълим муассасалари фаолиятини тадқиқ этади.

334. Ҳамкорлик педагогикаси томонидан ўрганиладиган асосий муаммо нима?

Ҳамкорлик педагогикаси – турли фанлар ёки мутахассислик асосларининг таълим берувчи ва оловчилар ўртасидаги ўзаро мулоқот асосида самарали ўрганиш мазмуни, тамойиллари, шакллари, методлари, воситаларини кўрсатиб беради.

335. Ҳарбий педагогика қандай масалаларни ўрганади?

Ҳарбий педагогика – ҳарбий таълимнинг ўзига хос жиҳатларини, уни ташкил этишнинг самарали шакл, метод ва воситаларини, илғор технологияларини, ҳарбий фаолиятни муваффақиятли ташкил этиш йўлларини ўрганади.

336. Педагогик инноватика қандай муаммони тадқиқ қилади?

Педагогик инноватика – таълим субъектлари нуқтаи назардан педагогик инновацияларнинг моҳияти, пайдо бўлиш, ривожланиш қонуниятларини, педагогик анъаналар билан келажак таълимнинг лойиҳалаштирилиши ўртасидаги алоқаларни ўрганади.

337. Педагогика фани қандай фанлар билан ўзаро алоқадорликда ривожланади?

Педагогика фани қуйидаги фанлар билан ўзаро алоқадорликда ривожланади:

1. Фалсафа (табиат, жамият ва тафаккур тараққиётининг умумий қонуниятларини ўрганади).

2. Иқтисодиёт назарияси (ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш, ишлаб чиқариш кучларининг халқ хўжалигининг мавжуд ҳолатига мувофиқ келишини, иқтисодий муносабатлар жараёнининг умумий асосларини тадқиқ қилади).

3. Социология (жамият, айрим ижтимоий тартиботлар, жараёнлар, гуруҳлар, шахс ва жамият ўртасидаги, шунингдек, ижтимоий субъектларнинг ўзаро муносабатлар қонуниятларини очиқ беради).

4. Этика (ахлоқшунослик; ижтимоий ахлоқ меъёрлари, уларнинг шахс ва жамият ҳаётидаги ўрнини, ахлоқнинг шаклланиш шарт-шароитлари, шакллари ёритади).

5. Эстетика асослари (нафис санъатни, бадиий ижодиётни, табиат ва турмушдаги гўзалликнинг моҳиятини, шакллари, инсон ва ижтимоий борлиқ ўртасидаги қадриятли муносабатни ўрганади).

6. Физиология (одам, ҳайвон ёки ўсимлик организми, уларнинг алоҳида бўлаклари – муайян тизимлари, аъзолари, тўқималари ва ҳужайраларининг ҳаёт фаолияти (пайдо бўлиш, ўсиш, ривожланиш, кўпайиш, атроф-муҳитга мослашиш каби жараёнлар)ни, улар ўртасидаги ўзаро алоқадорликни тадқиқ қилади).

7. Гигиена (ташқи муҳитнинг инсон организмига таъсирини, таъсир кўрсатувчи омилларни, уларни билиш асосида касалликларнинг олдини олиш, соғлиқни сақлаш чоралари ва қоидалари тўғрисида маълумот беради).

8. Психология (инсон фаолияти, шахс хатти-ҳаракатларида борлиқнинг акс этишини, руҳий жараёнлар, ҳодисалар ва хислатларнинг моҳиятини ёритади).

9. Тарих фанлари (кишилиқ жамиятининг ривожланиши, муайян давлатлар тараққиёти босқичларини тадқиқ этади).

10. Маданиятшунослик (маданий ривожланишнинг жамият тараққиётидаги ўрни, табиат, атроф-муҳитга таъсири, маданият, фан, дин ва санъат турлари, уларнинг ривожланиш асосларини ўрганади).

11. Тиббиёт фанлари (инсонлар соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш, умрини узайтириш, турли касалликларнинг олдини олиш, даволаш ҳақидаги билимларни ёритади).

12. Маънавият асослари (миллий истиқлол ғояси асосларини, инсониятга хос фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадиий, диний, ахлоқий ва бошқа тасаввурлар, тушунчаларни ифодалайди).

338. Педагогика фанининг асосий категорияларини нималар ташкил этади?

Педагогика фанининг асосий категорияларини шахс, тарбия, таълим, билим, кўникма, малака, маълумот, ривожланиш каби тушунчалар ташкил этади.

339. Шахс ким?

Шахс – жамиятнинг психологик жиҳатдан тараққий этган, шахсий хусусиятлари, хатти-ҳаракатлари билан бошқалардан ажралиб турадиган, муайян хулқ-атвор ва дунёқарашга эга аъзоси.

340. Тарбия нима?

Тарбия – муайян, аниқ мақсад ва ижтимоий тажриба асосида ёш авлодни ҳар томонлама ўстириш, унинг онги, хулқ-атвори, дунёқарашини таркиб топтириш жараёни.

341. Таълим нима?

Таълим – ўқувчиларни назарий билим, амалий кўникма ва малакалар билан

қуроллантириш, уларнинг билиш қобилиятларини ўстириш, дунёқарашларини шакллантиришга йўналтирилган жараён.

342. Билим нима?

Билим – шахснинг онгида тушунчалар, схемалар, маълум образлар кўринишида акс этувчи борлиқ ҳақидаги тизимлаштирилган илмий маълумотлар мажмуи.

343. Кўникма нима?

Кўникма – шахснинг муайян фаолиятни ташкил эта олиш қобилияти.

344. Малака нима?

Малака – муайян ҳаракат, фаолиятни бажаришнинг автоматлаштирилган шакли.

345. Маълумот нима?

Маълумот – таълим-тарбия натижасида ўзлаштирилган, тизимлаштирилган билим, ҳосил қилинган кўникма ва малакалар, таркиб топган дунёқараш мажмуи.

346. Ривожланиш нима?

Ривожланиш – шахснинг физиологик ва интеллектуал ўсишида намоён бўладиган миқдор ҳамда сифат ўзгаришлар моҳиятини ифода этувчи мураккаб жараён. Ривожланиш оддийдан мураккабга, қуйидан юқорига, эски сифатлардан янги ҳолатларга ўтиш, янгиланиш, янгининг пайдо бўлиши, эскининг йўқолиб бориши, миқдор ўзгаришининг сифат ўзгаришига ўтиши тарзида рўй беради.

347. Мақсад нима?

Мақсад (арабчадан ният, олий тилак, интилиш) – эришиш, амалга ошириш учун кўзда тутилган нарса, мурод, муддао. Тарбияда мақсад ҳам муҳим омил саналади, зеро, унинг ёрдамида шахс фаолиятининг йўналишини аниқ белгилаб олади.

348. Фаолият нима?

Фаолият – шахснинг моддий борлиққа, табиатга, бошқа шахсларга муносабати шакли, уларга таъсир кўрсатишга қаратилган ҳатти-ҳаракатларининг мажмуи.

349. “Методология” тушунчаси қандай маънони англатади?

Методология (юнонча “methodos” – йўл, усул, “logos” – таълимот) – шахснинг амалий ва назарий фаолиятини тўғри уюштириш, тузиш тўғрисидаги таълимот; илмий билиш ва диалектик тараққиёт моҳиятини ёритувчи устувор ғоя, етакчи тамойил, муҳим қонуниятлар, назарий ҳамда амалий ёндашувлар мажмуи.

350. Методологик асос нима?

Методологик асос – муайян назария ва таълимотларнинг етарлича илмий асосланиши, шахс фаолиятини тўғри уюштирилиши учун асос (негиз) бўлиб хизмат қиладиган муҳим, етакчи ғоялар.

351. Педагогик илмий-тадқиқот нима?

Педагогик илмий-тадқиқот педагогик ҳодиса ҳамда жараёнлар моҳиятини ўрганиш, уларнинг қонуниятларини аниқлаш мақсадида ташкил этиладиган илмий-амалий қийматга эга изланишдир.

352. Педагогик илмий-тадқиқот методлари нима?

Педагогик илмий-тадқиқот методлари шахсни тарбиялаш, унга муайян йўналишларда чуқур, пухта илмий билимларни бериш тамойиллари, объектив-субъектив омилларини аниқловчи педагогик жараённинг ички моҳияти, алоқа ва қонуниятларини махсус текшириш, билиш усуллари дир.

353. Қандай методлар педагогик илмий тадқиқот методлари саналади?

Суҳбат, анкета, тест, интервью, педагогик таҳлил, педагогик кузатиш, ҳужжатларни таҳлил қилиш (таълим муассасаси ҳужжатларини ўрганиш), болалар ижодини ўрганиш, моделлаштириш, педагогик тажриба, математик-статистик методлар педагогик тадқиқот методлари сирасига киради.

354. Суҳбат методи қандай мақсадни амалга оширишга хизмат қилади?

Суҳбат методи педагогик кузатиш чоғида қўлга киритилган маълумотларни бойитиш, вазиятга тўғри баҳо бериш, муаммонинг ечимини топишга имкон берадиган педагогик шарт-шароитларни яратиш, тажриба-синов ишлари субъектларининг имкониятларини муаммо ечимига жалб этишга хизмат қилади.

355. Қандай шартларга амал қилиш суҳбат методининг самарадорлигини таъминлайди?

Қуйидаги шартларга амал қилиш суҳбат методининг самарадорлигини таъминлайди:

1) мақсаддан келиб чиққан ҳолда суҳбат учун белгиланувчи саволларнинг мазмуни аниқлаш, саволлар ўртасидаги мантиқийлик ва изчилликни таъминлаш;

2) суҳбат жойи ва вақтини аниқ белгилаш;

3) суҳбат иштирокчиларининг сонини аниқлаштириш;

4) суҳбатдош тўғрисида аввалдан муайян маълумотларга эга бўлиш;

5) суҳбатдош билан муносабатнинг самимий бўлишига эришиш;

6) суҳбатдошнинг ўз фикрларини эркин ва батафсил айта олиши учун шароит яратиш;

7) саволларнинг аниқ, қисқа ва равшан берилишига эришиш;

8) олинган маълумотларни ўз вақтида таҳлил қилиш

356. Анкета методининг моҳияти нимадан иборат?

Анкета (французча “текшириш”) методи тизимли саволлар асосида респондентлар билан мулоқотни ташкил этишга асосланади, ушбу метод ёрдамида педагогик кузатиш ва суҳбат жараёнида тўпланган далиллар бойитилади.

357. Қандай шартларга амал қилинганда анкета методи самарали қўлланилади?

Қуйидаги шартларга амал қилинганда анкета методи самарали қўлланилади:

- 1) саволлар муаммонинг моҳиятини ёритишга хизмат қилиши лозим;
- 2) саволлар йирик ҳажмли ва ноаниқ бўлмаслиги керак;
- 3) саволлар ўқувчиларнинг дунёқараши, ёш, психологик хусусиятларини инобатга олиш асосида тузилиши зарур;
- 4) саволларга тўла жавоб қайтарилиши учун етарлича вақт ажратилиши керак;
- 5) анкета ўқувчиларнинг педагогик ва психологик тавсифномаларини тузиш манбаига айланмаслиги зарур;
- 6) жавоблар муайян мезонлар асосида пухта таҳлил этилиши шарт.

358. Тест методининг педагогик илмий-тадқиқотларни ташкил этишдаги аҳамияти нимада кўринади?

Тест (инглизча “test” – синаш, текшириш, ўрганиш) методи – бу ўрганилаётган шахс (респондент)нинг ақлий ривожланиш даражаси, қобилияти, муайян иш-ҳаракат, фаолиятни бажаришга доир кўникма, малакалари, шахсий ва иродавий сифатлари, руҳий хусусиятларини аниқлаш ва баҳолашда қўлланиладиган қисқа стандарт текшириш бўлиб, унинг аҳамияти респондентнинг муайян соҳа бўйича назарий билимларини, қобилияти, психофизиологик, шахсий хусусиятларининг ривожланганлиги, маълум фаолиятни ташкил этишга доир кўникма, малакаларнинг шаклланганлик даражасини аниқлашга хизмат қилишида кўзга ташланади.

359. Интервью методининг моҳияти нимадан иборат?

Интервью респондент эътиборига туркум саволларни ҳавола этиш орқали унинг тадқиқ этилаётган муаммо, ёки умумий муаммонинг бирор жиҳатини ёритувчи ҳодисага нисбатан муносабатини ўрганилишидир.

360. Педагогик таҳлил қандай мақсадда қўлланилади?

Педагогик таҳлилни қўллашдан кўзланган мақсад танланган муаммонинг фалсафий, психологик, педагогик йўналишларда ўрганилганлик даражасини аниқлашдан иборат бўлиб, тадқиқотчи илгари сураётган ғоянинг назарий жиҳатдан ҳаққонийлигини асослашга хизмат қилади.

361. Педагогик кузатиш қандай мақсадда ташкил этилади?

Педагогик кузатиш методи таълим муассасаларининг ўқув-тарбия ишлари жараёнини ўрганиш асосида тадқиқ этилаётган муаммонинг мавжуд ҳолатини аниқлаш мақсадида ташкил этилади. Кузатиш натижаларига кўра тажриба аввали ва якунида қўлга киритилган кўрсаткичлар ўртасидаги фарқ таҳлил қилинади.

362. Педагогик кузатишнинг самараси қандай шартларга мувофиқ таъминланади?

Педагогик кузатишнинг самараси қуйидаги шартларга мувофиқ таъминланади:

- кузатув жараёнида аниқ мақсадга эгаллик;
- кузатишни тизимли равишда йўлга қўйиш;
- кузатишнинг ҳар бир босқичида муайян вазифаларни ҳал этиш;
- ҳар бир ҳолатнинг моҳиятини синчиклаб ўрганиш;
- хулоса чиқаришга шошилмаслик.

363. Ҳужжатларни таҳлил қилиш (таълим муассасаси ҳужжатларини ўрганиш) қандай мақсадга йўналтирилади?

Ҳужжатларни таҳлил қилиш (таълим муассасаси ҳужжатларини ўрганиш) методи педагогик ҳодиса ва далилларни ҳар томонлама текшириш, таълим муассасаси томонидан меъёрий талабларнинг бажарилиши ҳолатини ўрганиш, эришилган ютуқ, йўл қўйилган камчиликларни аниқлаш, илғор илмий-педагогик, шунингдек, таълим муассасаси томонидан тўпланган амалий-педагогик тажрибаларни оммалаштириш мақсадида қўлланилади.

364. Қандай ҳужжатлар таълим муассасаси фаолиятини ёритувчи ҳужжатлар саналади?

Ўқув машғулотларининг жадвали; ўқув дастури; гуруҳ журналлари; ўқувчиларнинг шахсий варақалари; буйруқлар; Педагогик кенгаш йиғилиши баённомалари ва қарорлари; таълим муассасаси сметаси ва паспорти; тарбиявий ишлар режаси; ўқув-тарбия ишларини ташкил этишга оид ҳисоботлар; таълим муассасаси жиҳозлари (ўқув парталари, стол стуллар, ҳ.о.) қайд этилган дафтар кабилар таълим муассасаси фаолиятини ёритувчи ҳужжатлар саналади.

365. Болалар ижодини ўрганиш методи қандай мақсадда қўлланилади?

Болалар ижодини ўрганиш методи ўқувчиларнинг муайян йўналишлардаги лаёқати, қобилияти, маълум фан соҳалари бўйича билим, кўникма ва малакалари даражасини аниқлаш мақсадида қўлланилади; уни қўллашда ўқувчиларнинг ижодий ишлари – кундалик, иншо, ёзма иш, реферат ва ҳисоботлари муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

366. Болалар ижодини ўрганишда нималарга эътибор қаратилади?

Болалар ижодини ўрганишда фан олимпиадалари, танловлар, мактаб кўргазмалари, фестиваллар, мусобақалар ва бошқаларнинг натижаларини таҳлил қилиш, самарадорлигини баҳолашга алоҳида эътибор қаратилиб, шахснинг муайян маънавий-ахлоқий сифатлар, амалий фаолият кўникма, малакаларига эгалликлари баҳоланади.

367. Педагогик тажрибанинг илмий-амалий аҳамияти қандай?

Педагогик тажриба (лотинча “experimentum” – синов, синаш, тажриба) методининг илмий-амалий аҳамияти муаммо ечимини топиш имкониятларини ўрганиш, мавжуд педагогик шароитларнинг мақсадга эришишни кафолатлай олиши, берилаётган тавсияларнинг амалиётда ўз инъикосига эга бўла олиши ва уларнинг самарадорлигини аниқлаш учун кенг имкониятларни яратишда ақс этади.

368. Педагогик тажрибанинг қандай турлари мавжуд?

Педагогик тажрибанинг табиий тажриба, лаборатория тажрибаси, тажриба иши каби турлари мавжуд.

369. Педагогик тажрибанинг самарадорлиги қандай шартларга риоя этиш асосида таъминланади?

Педагогик тажрибанинг самарадорлиги қуйидаги шартларга риоя этиш асосида таъминланади:

- тажрибанинг мақбул лойиҳа (дастур) асосида уюштирилиши;
- тадқиқот илмий фаразининг пухта асосланиши;
- тадқиқот объектлари ва усулларининг тўғри танланиши;
- тажриба ўтказилиш вақти, давомийлигининг аниқланиши;
- зарур педагогик шарт-шароитлар (асбоб-ускуна, жиҳозлар, воситалар)нинг яратилганлиги;
- тажриба маълумотларини умумлаштириш, таҳлил қилиш, натижаларни қайта ишлашнинг тўғри амалга оширилиши.

370. Математик-статистика қандай фан?

Математик-статистика – статистик маълумотларни тўплаш, статистик қонуниятларга мувофиқ тизимлаштириш, қайта ишлаш, улар асосида илмий ва амалий хулосалар чиқариш усулларини ўрганадиган фан.

371. Математик-статистик таҳлил методи нима?

Математик-статистик таҳлил – бу педагогик тадқиқот, тажриба-синов ишларининг амалий натижаларини маълум бир мақсад асосида тизимли ўрганиш, умумлаштириш ва амалий натижаларнинг ҳаққонийлигини баҳолаш мақсадида олиб бориладиган таҳлил.

372. Педагогик илмий-тадқиқотларда нима учун математик-статистик метод қўлланилади?

Педагогик илмий-тадқиқотларда математик-статистик методнинг

қўлланилишидан кўзланган мақсад тажриба-синов ишлари, шунингдек, тадқиқот ишининг самарадорлик даражасини аниқлашдан иборат. Унга кўра тажриба ва назорат гуруҳларида тажриба аввали ҳамда якунида қўлга киритилган кўрсаткичлар махсус математик формулалар ёрдамида қайта таҳлил этилади, якуний қиймат тадқиқот самарасини ифодаловчи асосий кўрсаткич ҳисобланади.

373. Педагогик илмий-тадқиқотларда қандай математик-статистик методлар қўлланилиб келинмоқда?

Педагогик илмий-тадқиқотларда Кывирляг, Стьюдент-Фишер, Рокич, В.Беспалько ва В.Гречихин методлари каби математик-статистик методлар қўлланилиб келинмоқда.

374. “Педагог” тушунчаси қандай маънони англатади?

“Педагог” (қадимги грек тилидан “παῖς” (“pais”) – бола, “ἄγωγ” (“agogos”) – етаклайман) тушунчаси “бола етакловчи” маъносини англатади.

375. Ўқитувчи (педагог) ким?

Ўқитувчи (педагог) – педагогик, психологик ва тегишли мутахассислик бўйича махсус маълумот, касбий тайёргарлик, юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлиб, таълим муассасаларида фаолият кўрсатувчи шахс.

376. Замонавий ўқитувчи шахсида намоён бўладиган сифатларни қандай туркумлаштириш мумкин?

Замонавий ўқитувчи шахсида намоён бўлиши зарур бўлган сифатларни қуйидагича туркумлаштириш мумкин:

- 1) касбий сифатлар;
- 2) ташкилотчилик сифатлари;
- 3) мулоқотга киришувчанлик сифатлари;
- 4) ўқувчилар жамоасига раҳбарлик сифатлари;
- 5) бошқарувчилик сифатлари;
- 6) иш юрита олиш сифатлари;
- 7) ижодий фаолиятни ташкил эта олиш сифатлари;
- 8) воқеликни тўғри баҳолай олиш сифатлари;
- 9) тадқиқотчилик сифатлари.

377. Замонавий шароитда ўқитувчи (педагог) қандай амалий малакаларни ўзлаштира олиши лозим?

Замонавий шароитда ўқитувчи (педагог) қуйидаги амалий малакаларни ўзлаштира олиши лозим:

- 1) билишга оид (гностик) малакалар;
- 2) лойиҳалаш малакалари;
- 3) ижодий-амалий (конструктив) малакалар;
- 4) тадқиқотчилик малакалари;
- 5) мулоқотга кирувчанлик (коммуникатив) малакалари;

- 6) ташкилотчилик малакалари;
- 7) изчилликни таъминловчи (процесссуал) малакалар;
- 8) техник-технологик малакалар.

378. Ўқитувчи нутқи нима?

Ўқитувчи нутқи – педагогнинг таълим-тарбия жараёнида тил воситаларидан фойдаланиши.

379. Маҳорат нима?

Маҳорат – муайян иш, хатти-ҳаракат ёки касбий фаолиятнинг усталик, моҳирлик билан, санъаткорона ташкил этилишига имкон берадиган билим, кўникма, малакалар мажмуи.

380. Педагогик маҳорат нима?

Педагогик маҳорат – 1) ўқитувчининг педагогик жараёни ташкилий, методик, руҳий ва субъектив жиҳатдан ўта моҳирлик, усталик билан ташкил эта олиш, бошқариш, таълим-тарбия жараёнига онгли, ижодий ёндашиши, методик билимларни самарали қўллаш олиш қобилияти, бу борадаги амалий кўникма-малакаларга эгаллиги; 2) педагог томонидан касбий фаолиятнинг усталик, моҳирлик билан, санъаткорона ташкил этилишини таъминловчи билим, кўникма ва малакалар мажмуи; юксак педагогик тафаккур.

381. Педагогик билимдонлик нима?

Педагогик билимдонлик – бу педагог томонидан мутахассислик билимларининг пухта эгалланганлиги; педагогнинг билагонлиги; педагогнинг касбий фаолиятни мавжуд ижтимоий талаб, ҳуқуқий меъёр ва стандартларга мувофиқ ташкил этишга бўлган қобиллиги, касбий тайёргарлик даражаси.

382. Педагогик фаолият нима?

Педагогик фаолият – педагог томонидан касбий мақсадга мувофиқ ташкил этиладиган тизимли ҳаракатларнинг муайян шакли.

383. Педагогик ижод нима?

Педагогик ижод – педагогнинг касбий жараёни самарали ташкил этишга йўналтирилган яратувчанлик фаолияти.

384. Педагогик креативлик нима?

Педагогик креативлик – педагогнинг анъанавий педагогик фикрлашдан фарқли равишда таълим ва тарбия жараёни самарадорлигини таъминлашга хизмат қилувчи янги ғояларни яратиш, мавжуд педагогик муаммоларни ижобий ҳал қилишга бўлган тайёргарлигини тавсифловчи қобилияти.

385. Педагогик маданият нима?

Педагогик маданият – педагогнинг шахс ва мутахассис сифатида муайян хулқ-атвор, одоб, муомала, хатти-ҳаракат кўникма, малакаларини ўзлаштириш

даражаси; педагогнинг касбий вазифаларни ҳал қилиш усул ва воситаларини ўзлаштирганлик, педагогик билимдонлик, такт, техника, маданиятни намоён қила олишнинг юқори даражаси.

386. Педагогик новаторлик нима?

Педагогик новаторлик – педагогик фаолиятда илғор тамойил ёки ғояни асослаш, янги йўл, усул ёки воситаларни тавсия қилиш, уларнинг амалиётга татбиқини таъминлашга қаратилган ижодий ёндашув.

387. Педагогик одоб нима?

Педагогик одоб – бу педагог (ўқитувчи) олдида унинг ўзига, касбига, жамиятга, болаларга ва ўқув-тарбия жараёнининг бошқа иштирокчиларига нисбатан муносабатда самимий, очик бўлишига нисбатан қўйиладиган ахлоқий талаблар тизими.

388. Педагогик обрў нима?

Педагогик обрў – бу педагогнинг ўқувчилар, уларнинг ота-оналари, педагогик жамоа, жамият томонидан эътироф этилган ахлоқий мақоми.

389. Педагогик релаксация нима?

Педагогик релаксация – таълим олувчилар (ўқувчи, талаба, тарбияланувчи)ларнинг ҳиссий фаолиятини, руҳий-жисмоний қувватини, ишчанлик қобилятини қайта тиклаш.

390. Педагогик рефлексия нима?

Педагогик рефлексия – педагог томонидан шахс онгининг моҳияти, кадриятлари, қизиқишлари, шахсга таълим бериш ва уни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этадиган рағбатлантирувчи омиллар, шахснинг хатти-ҳаракатлари, фикрлаши, идроки, қарорлар қабул қилиши, ҳиссий таъсирланиши ва бошқаларнинг англаб етилиши.

391. Педагогик тажриба нима?

Педагогик тажриба – касбий фаолиятни ташкил этиш жараёнида педагог томонидан ўзлаштирилган билим, кўникма, малакалар мажмуи.

392. Педагогик такт (педагогик назокат) нима?

Педагогик такт – педагогнинг ўқувчилар билан турли фаолият шакллари бўйича ташкил этиладиган мулоқотда мавжуд ахлоқий тамойиллар, хулқ-атвор қоидаларга риоя қилиши, уларга тўғри ёндашиш малакаларига эгаллиги.

393. Педагогик техника нима?

Педагогик техника – педагог томонидан самарали ўзлаштирилиб, алоҳида ўқувчи (талаба, тарбияланувчи), болалар жамоаларига педагогик таъсир кўрсатиш методларининг амалда оқилона қўллай олиши учун имкон берадиган билим, кўникма, малакалар мажмуи; педагогик фаолиятда орттирилган

кўникма, малакалар йиғиндиси.

394. Педагогик қобилият нима?

Педагогик қобилият – педагогга хос бўлиб, педагогик фаолиятни оқилона ташкиллаштириш, олиб борилишига имкон берадиган, амалий вазифаларнинг самарали бажарилишини таъминлашда аҳамиятли бўлган хусусиятлар.

395. Педагогик ҳамдардлик нима?

Педагогик ҳамдардлик – бу педагог томонидан таълим жараёнининг иштирокчилари: ўқувчилар, талабалар, тарбияланувчилар, ота-оналар, ҳамкасбларининг хатти-ҳаракатлари, ҳиссиётлари, ҳаётий интилишлари, табиатларини тушуниш, бошқалар нуқтаи назарини маъқуллаш асосида жамоадаги муносабатларни бир меъёردа ташкил этилишини таъминлаш бўлиб, бунда педагог ўқувчи шахси, унинг истакларини тушуниш ва шу орқали ўқувчиларга самарали таъсир этиш зарурлигини англайди.

396. Ўқитувчи (педагог)нинг билишга оид малакалари негизда нималар акс этади?

Ўқитувчи (педагог)нинг билишга оид малакалари негизда қуйидагилар акс этади:

- ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятлари, жамоанинг ижтимоий-психологик ўзига хослигини инобатга олган ҳолда ўқув-тарбиявий вазифаларни аниқ белгилаш;

- замонавий таълим талабларидан келиб чиққан ҳолда ўқув-тарбия жараёнини дидактик, психологик, методик жиҳатдан режалаштириш ва таҳлил қилиш;

- таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишнинг самарали шакл, метод ва воситаларни асосли равишда танлай олиш;

- ўқувчилар томонидан ўқув дастури талабларидан келиб чиққан ҳолда материалларни ўзлаштирганлик натижаларини, ўқувчиларнинг тарбияланганлик ва ривожланганлик даражасини аниқлай билиш;

- ўқувчиларнинг билишга бўлган қизиқиш, эҳтиёж ва фаолликларини ривожлантириш бўйича турли кўринишдаги ишларни олиб бориш;

- дарсда, дарсдан ташқари шароитларда, куни узайтирилган гуруҳларда, тўғарак, клуб ёки жамиятларда турли тарбиявий ишларни олиб бориш;

- ўқувчилар, уларнинг ота-оналари билан индивидуал ишларни амалга ошириш;

- ўқувчиларда соғлом турмуш кечиришга бўлган эҳтиёжни шахсий ва умумий гигиенага амал қилиш кўникмаларини, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш малакаларини шакллантириш;

- таълим жараёнида турли кўрсатмали қуроллар, замонавий техник воситалар, ахборот ва илғор педагогик технологияларидан самарали фойдаланиш;

- дидактик материал ва кўрсатмали қуролларни ишлаб чиқиш;

- ота-оналарни педагогик билимлар асослари, болаларнинг асосий ёш

хусусиятлари, психологик ўзига хосликлари, турли ёш босқичларида фарзандлар билан ота-оналар ўртасида кечадиган муносабатлар моҳиятидан хабардор қилиш;

- ўз-ўзини таҳлил қилиш, ўз-ўзини баҳолаш ва шахсий фаолиятда йўл қўйилган камчиликларни тузатиш.

397. Ўқитувчи (педагог)нинг лойиҳалаш малакалари нималардан иборат?

Ўқитувчи (педагог)нинг лойиҳалар малакалари қуйидагилардан иборат:

- дарс ёки тарбиявий тадбирларнинг лойиҳаларини яратиш;
- дарс ёки тарбиявий тадбирнинг технологик харитасини яратиш;
- дарс ёки тарбиявий тадбир моҳиятини босқичма-босқич ёритиш;
- таълимий ёки тарбиявий фаолият мақсадини аниқ белгилаш;
- мақсадга мос келадиган вазифаларни аниқлаш;
- ўқув материалнинг дидактик, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларини баён этиш;
- ўқув ёки тарбиявий характердаги материал мазмунини шакллантириш;
- ўқув ёки тарбиявий материал мазмунини очиб берадиган бир қанча маълумотлар ўртасидаги ўзаро изчилликни таъминлаш;
- ўқувчиларни мустақил фикрлашга рағбатлантирувчи саволлар тизимини ишлаб чиқиш;
- дарс ёки тарбиявий тадбирнинг методик тузилишини асослаш;
- дарс ёки тарбиявий тадбир жараёнида бажариладиган педагогик топшириқлар тизимини аниқлаш;
- янги материални баён этишда турли замонавий ёндашувларни қўллаш;
- муайян изчилликка эга тест топшириқларини ишлаб чиқиш;
- ўқувчиларнинг билим даражасини ташхислаш жараёнини асослаш;
- ўқувчилар жамоаси ҳамда алоҳида ўқувчининг тарбияланганлик ва ривожланганлик даражасини баҳолаш механизминини яратиш.

398. Замонавий ўқитувчи (педагог) қандай ижодий-амалий (конструктив) малакаларни ўзлаштира олиши зарур?

Замонавий ўқитувчи (педагог) қуйидаги ижодий-амалий (конструктив) малакаларни ўзлаштира олиши зарур:

- алоҳида-алоҳида маълумотлардан фойдаланган ҳолда яхлит ўқув ва тарбиявий характердаги материални шакллантириш;
- ўқув материалини турли расм, сурат, жадвал, диаграмма, модел ва бошқалар билан бойитиш;
- ўзига хос, оригинал ўқув материалини тайёрлаш;
- мустақил равишда янги методни асослаш;
- ўқув машғулоти (дарс) ва тарбия тадбир учун кўрсатмали қуроллар тўпламинини яратиш;
- дарс ёки тарбиявий тадбирнинг технологик паспорти, харитасини яратиш;
- дарс ёки тарбиявий тадбирда фойдаланиш учун мультимедия материалларини яратиш;

- ўқув материалнинг тақдирот вариантыни тайёрлаш;
- турли мавзулардаги тарбиявий тадбирлар учун ўқувчиларнинг фаол иштирокида видео роликлар яратиш;
- дарс конспектини тайёрлаш;
- турли шакл ва методларга асосланган синов топшириқлари (савол, топширик, масала, мисол, машқ, тест), баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш;
- назорат ишларини ташкил этишга ижодий ёндашиш.

399. Ўқитувчи (педагог) қандай тадқиқотчилик малакаларини ўзлаштира олиши лозим?

Ўқитувчи (педагог) қуйидаги тадқиқотчилик малакаларини ўзлаштира олиши лозим:

- илмий изланиш олиб бориш метод ва воситаларини танлаш;
- манбалар билан ишлаш (назарий таҳлил, муҳим маълумотни топиш, тезис, конспект, реферат, картотека билан ишлаш, адабиётлар рўyxатини тузиш);
- нашр манбалари ва ахборот технологиялари (шу жумладан, Интернет) материаллари билан танишиш;
- анкета сўровини ташкил этиш;
- замонавий педагогик муаммоларни аниқлаш, долзарблигини асослаш;
- мавжуд манбалар асосида муаммонинг ишланганлик даражасини ўрганиш;
- педагогик тажриба олиб бориш методикасини ишлаб чиқиш;
- уч (ёки тўрт) босқичли педагогик тажрибани илмий-методик ташкил этиш;
- илмий мақола, ахборот ва ҳисобот тайёрлаш;
- илмий мақолаларни нашрга тайёрлаш;
- педагогик тажриба натижаларини умумлаштириш ва таҳлил қилиш;
- таҳлил натижаларини математик-статистик қайта ишлаш;
- статистик таҳлил натижаларига кўра хулоса чиқариш ва илмий-тавсияларни илгари суриш;
- педагогик тажриба натижаларини муҳокама қилиш (саволлар қўйиш, шахсий фикрни билдириш, танқидий фикрларни айта олиш, амалий таклифлар бериш).

400. Замонавий ўқитувчи (педагог)да қандай мулоқотга киришувчанлик (коммуникатив) малакалар намоён бўлиши зарур?

Замонавий ўқитувчи (педагог)да қуйидаги мулоқотга киришувчанлик (коммуникатив малакалар) намоён бўлиши зарур:

- ўқувчилар, ота-оналар, таълим муассасаси раҳбарияти, ҳамкасблар билан мулоқотда турли шакл, методлардан фойдаланиш;
- педагогик амалиётнинг барча иштирокчилари билан амалий, ишчанлик ёки шахсий муносабат ўрнатиш;
- ўқувчиларга маълумотларни етказишнинг самарали йўл ва воситаларини топиш;

- топшириқлар юзасидан ўқувчининг жавоби ёки шахсий фикрларини тинглай билиш;
- педагогик жараёнларда юзага келадиган низоларнинг олдини олиш, бартараф этиш ёки ривожлантириш;
- жамоа ва турли босқичдаги ўқувчилар ўртасида ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш;
- жамоада соғлом рақобатга асосланган муҳитни қарор топтириш;
- ўқувчиларнинг фаолиятларини рағбатлантириш;
- ўқувчи жавобидаги хато ёки хатти-ҳаракатидаги камчиликларга муносабат билдириш;
- ўқувчилар билан таълимий ҳамкорликка эришиш.

401. Ўқитувчи (педагог)нинг ташкилотчилик малакалари нималардан иборат?

Ўқитувчи (педагог)нинг ташкилотчилик малакалари қуйидагилардан иборат:

- ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини бошқариш;
- ўқувчиларда илмий билимларни ўзлаштириш кўникма, малакаларини шакллантириш;
- дарс жараёнида вақтни тўғри тақсимлаш ва режани самарали бажариш;
- ўқувчилар билан индивидуал ишларни ташкил этиш;
- гуруҳ жамоаси билан жамоавий ёки гуруҳли ишларни олиб бориш;
- ўқувчиларда таълим муассасаси ички тартиб-қоидаларига риоя этиш кўникмаларини шакллантириш;
- ўқувчиларга ўқув ва ижтимоий топшириқларни бериш;
- ўқувчиларнинг диққатини бошқариш;
- ўқувчилар ўртасида баҳс-мунозара ташкил этиш ва уни бошқариш;
- дарсларда ўйин технологияларидан фойдаланиш;
- ўқувчиларнинг ўқув фаолликларини ошириш, уларнинг мустақиллигини таъминлаш;
- кичик гуруҳларни шакллантириш асосида топшириқлар бажарилишини таъминлаш;
- ўқувчилар билан ҳамкорликда тарбиявий ишлар рўйхатини ишлаб чиқиш.

402. Ўқитувчи (педагог) шахсида намоён бўлиши зарур бўлган изчилликни таъминловчи (процессуал) малакалар нималардан иборат?

Ўқитувчи (педагог) шахсида намоён бўлиши зарур бўлган изчилликни таъминловчи (процессуал) малакалар қуйидагилардан иборат:

- ўқув материали мазмунини баён қилишда нутқий изчилликни таъминлаш;
- оғзаки ва ёзма нутқни баён қилишда ўзаро изчилликни қарор топтириш;
- ўқувчиларнинг мавжуд билимлари билан янги ўзлаштириладиган билимлар ўртасида муайян изчилликни юзага келтириш;
- ўқувчиларнинг мавжуд ҳаётий қарашларини янги ғоялар билан бойитиш;
- дарсда ва дарсдан ташқари тарбиявий ишларда ўқувчиларни фаол фаолиятга ундовчи методлардан фойдаланишда муайян изчилликка эришиш;

- ўқувчилар билим, кўникма, малакалари даражасининг давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқ келишида маълум изчилликка эришиш;
- гуруҳ жамоасининг ижтимоий-психологик ҳолатини ўрганиш методларидан фойдаланишда педагогик фаолият изчиллигини таъминлаш;
- ўқувчиларнинг тарбияланганлик ва ривожланганлик даражасини баҳолашда доимий изчилликка эришиш.

403. Ўқитувчи (педагог)нинг техник-технологик малакаларга эгаллиги нималарда акс этади?

Ўқитувчи (педагог)нинг техник-технологик малакаларга эгаллиги куйидагиларда акс этади:

- таълим жараёнига замонавий техник воситаларини татбиқ этиш;
- дарс жараёни мазмунини технологик паспорт ва технология харита ёрдамида ёритиш;
- ўқув материали мазмунини ёритувчи слайдларни тайёрлаш;
- ўқув машғулотларини ахборот технологиялари, интерфаол методлар ёрдамида ташкил этиш;
- ихтисослик фани хусусиятидан келиб чиққан ҳолда турли техник воситалардан фойдаланиш;
- дарсларда проекторни қўллаш олиш;
- ўқув материалларини аудио ва видео ёзувлари, тақдирот асосида баён қилиш;
- ўқувчиларда ўқув материални мустаҳкамлаш ва ўқув топшириқларини беришда ахборот технологияларини қўллаш;
- компьютер имкониятларидан фойдаланишга доир ўқув топшириқларини ишлаб чиқиш;
- ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолашни компьютер асосида ташкил этиш;
- ўқувчиларнинг билим олганлик ва тарбияланганлик даражаларини таххис қилишда компьютер ёрдамига таяниш ва бошқалар.

V БЎЛИМ. ШАХСНИНГ ИЖТИМОЙ РИВОЖЛАНИШИ

404. Инвидид ким?

Индивид (лотинча “individium” – бўлинмас, ягона) – хатти-ҳаракатларни шартли рефлекс ёрдамидагина ташкил эта оладиган биологик мавжудот.

405. Индивиднинг шахс сифатида шаклланиши учун нималар талаб қилинади?

Индивиднинг шахс сифатида шаклланиши психологик жиҳатдан тараққий этиш, ўз хатти-ҳаракатлари билан бошқалардан ажралиб туриш, шахсий хусусиятларга, хулқ-атвор ҳамда дунёқарашга эга бўлиш талаб қилинади.

406. Индивиднинг шахсга айланишини таъминлаш учун қандай

омилларнинг мавжудлиги талаб қилинади?

Индивиднинг шахсга айланишини таъминлаш учун:

- 1) ирсият (биологик омил);
- 2) муҳит (ижтимоий омил);
- 3) тарбия каби омилларнинг мавжуд бўлиши талаб қилинади.

407. Ирсият нима?

Ирсият – аждодларга хос биологик белги ва ривожланиш хусусиятларини кейинги авлодларга ўтиш жараёни.

408. Муҳит (ёки ижтимоий муҳит) нима?

Муҳит (ёки ижтимоий муҳит) – индивид, шахс, ижтимоий гуруҳларнинг мавжуд бўлиши, шаклланиши ва фаолияти кечадиган ижтимоий (моддий, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий) шарт-шароитлар.

409. Индивиднинг шахсга айланиш жараёни нима деб юритилади?

Индивиднинг шахсга айланиш жараёни ривожланиш деб юритилади.

410. “Шахснинг ривожланиши” деганда нимани тушуниш лозим?

“Шахснинг ривожланиши” деганда индивиднинг физиологик, рухий ва интеллектуал ўсишини таъминловчи фаолият, хатти-ҳаракатларнинг миқдор ва сифат жиҳатдан ўзгаришини ифодаловчи жараённи тушуниш лозим.

411. Фаолиятнинг шахс ривожланишига самарали таъсири нималар билан белгиланади?

Фаолиятнинг шахс ривожланишига самарали таъсири унинг мақсадга мувофиқлиги, педагогик жиҳатдан тўғри уюштирилиши, изчил, узлуксиз ва тизимли бўлиши билан белгиланади.

412. Болалар ва ўсмирлар ҳаётида фаолиятнинг қандай шакллари муҳим ўрин тутаяди?

Болалар ва ўсмирлар ҳаётида фаолиятнинг ўйин, меҳнат ва ўқиш шакллари муҳим ўрин тутаяди.

413. Ўйин нима?

Ўйин – кишилиқ фаолиятининг муҳим тури ҳамда ижтимоий муносабатлар мазмунининг болалар томонидан имитациялаш (кўчириш, тақлид қилиш) асосида ўзлаштириш шакли саналади.

414. Ўйин технологиялари нима?

Ўйин технологиялари – педагогик технологиялардан бири бўлиб, ўқувчиларни муайян жараёнга тайёрлаш, уларда маълум ҳаётий воқелиқ ва ҳодисалар жараёнида бевосита иштирок этиш учун дастлабки кўникма-малакаларни ҳосил қилишга хизмат қилади.

415. Меҳнат нима?

Меҳнат кишилик фаолиятининг энг қадимги ва муҳим тури бўлиб, у фаолиятнинг барча бошқа турлари – ақлий (ижодий) ривожланиш, ўйин, ўқиш ва бошқалар учун пойдевор бўлиб хизмат қилган.

416. Меҳнатнинг тарбиявий аҳамияти нимада кўринади?

Меҳнат кишилик фаолиятининг энг қадимги ва муҳим тури бўлиб, у бирор мақсад учун қаратилган жисмоний ёки ақлий фаолият, иш-ҳаракат саналади. Меҳнат шахснинг яшаши, ривожланиши, руҳий жихатдан камол топиши, ўз-ўзини англаши ва ўз-ўзини инсон сифатида баҳолай олишининг муҳим шарти бўлиб, шахс меҳнат ёрдамида моддий ва маънавий бойликларни, турмуш тарзини йўлга қўйиш учун зарур қулайликларни яратади.

417. Ўқиш нима?

Ўқиш – таълим олувчи томонидан мавжуд илмий билимларни ўзлаштириш мақсадида ташкил этиладиган фаолият бўлиб, уни ташкил этиш жараёнида шахснинг ақлий қобилияти ривожланади, тафаккури ўсади, дунёқараши бойийди.

418. Мулоқот нима?

Мулоқот (арабчадан учрашиш, кўришиш, қабул қилиш) – икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг ўзаро бирлар-бирларига таъсир этишлари бўлиб, у шахслараро ахборот алмашиш, ўзаро таъсирнинг ягона йўлини танлаш, ўзгаларни тушуниш, идрок этиш ва баҳолаш характериға эға.

419. Индивидуаллик нима?

Индивидуаллик – бу алоҳида олинган шахсгагина хос бўлиб, уни бошқалардан ажратиб турадиган хусусиятларининг намоён бўлиши.

420. Қандай хусусиятлар шахснинг индивидуал хусусиятлари деб юритилади?

Шахснинг йўналганлигини ифодаловчи, қизиқишлари, характери, уни бошқалардан ажратиб турадиган ақлий камолоти ва фаолиятининг ўзига хос, барқарор, муҳим хусусиятлари шахснинг индивидуал хусусиятлари деб юритилади.

421. Ёш хусусиятлари деб нимаға айтилади?

Муайян бир ёш давриға хос бўлган анатомик, физиологик (жисмоний) ва психологик хусусиятлар ёш хусусиятлари деб айтилади.

422. Темперамент нима?

Темперамент (лотинчадан “temperamentum” – қисмларнинг бир-бириға муносабати) шахснинг индивидуал психологик хусусиятлари мажмуи.

423. Шахснинг ривожланганлик даражаси қандай ҳолатлар билан

белгиланади?

Шахснинг ривожланганлик даражаси унинг физиологик, рухий ва интеллектуал ўсишини таъминловчи фаолият, хатти-ҳаракатларнинг миқдор ва сифат жиҳатдан ўзгариши каби ҳолатлар билан белгиланади.

424. Ёш давлари нима?

Ёш давлари педагогик-психологик нуқтаи назардан шахснинг ақлий, ахлоқий, жисмоний ва рухий камолотига кўра шартли равишда ажратилган босқичлардир.

425. Педагогик-психологик нуқтаи назардан шахснинг ривожланши қандай ёш давларига ажратилади?

Педагогик-психологик нуқтаи назардан шахснинг ривожланши қуйидаги ёш давларига ажратилади:

- 1) гўдаклик даври (1 ойликдан то 1 ёшгача бўлган давр);
- 2) мактабгача таълим муассасасигача бўлган давр (1 ёшдан 3 ёшгача);
- 3) мактабгача таълим даври (3 ёшдан 7 ёшгача);
- 4) бошланғич таълим даври (7-11 (12) ёшгача);
- 5) ўсмирлик (12 ёшдан 15 ёшгача);
- 6) ўспиринлик (15 ёшдан 18 ёшгача).

426. Гўдаклик даврида болада қандай хусусиятлар кўзга ташланади?

Гўдаклик даврида болада қуйидаги хусусиятлар кўзга ташланади: бола бир қадар фаол бўлади. Бу фаоллик кўл-оёқларнинг шартли рефлекс асосида ҳаракатланиб туриши билан ифодаланади. Ҳаракатчанлик ва фаоллик боланинг дастлабки чинқирикларида ҳам кузатилади. Бола томонидан шартли рефлекслар асосида ташкил этилаётган ҳаракатлар у беш-олти ҳафталик бўлганда яққол кўзга ташланади. Беш-олти ойлик бола ўтирадиган бўлади, сўнгра эмаклаб, тик юришга ҳам ҳаракат қилади. Баъзан бир ёшга, гоҳида икки ёшга тўлганда мустақил юра бошлайди.

Олти ойдан сўнг “ғўлдираб” сўзлашга интилади, атрофдагиларнинг гапларини тушуна бошлайди, аста-секин пассив нутқ шаклланади. 2 ёшга қадам қўйгач, фаол нутқни ўзлаштиради. Нутқнинг ўсиши билан бола борлиқни англай бошлайди. Гўдаклик давридаёқ боланинг хатти-ҳаракатлари, хулқ-атворида ҳиссий кечинмалар намоён бўла бошлайди. Унинг ҳаракатида овқатланиш, иссиқ ёки совуқни сезиш каби ҳиссий таъсирлар кузатилади.

427. Мактабгача таълим даврида бола шахси, хулқ-атворида қандай ўзгаришлар рўй беради?

Мактабгача таълим даврида бола шахси, хулқ-атворида қуйидаги ўзгаришлар рўй беради: боланинг ҳаракатчанлиги, идроки ва нутқи зўр бериб тараққий қилади. Унда тафаккур юзага келади. Унинг тафаккури дастлаб “предметли (образли) тафаккур” саналади, унга кўра бола ўзи идрок қилган нарсалар, шунингдек, атрофдаги нарсалар ҳақида фикрлай олади. Мазкур ёш давридаги тафаккур боланинг предметларга бўлган муносабатида ифодаланади.

Унинг нутқи тафаккури билан узлуксиз ҳолда ўсади. Уч ёшда кундалик турмушда ишлатиладиган сўзларни, нутқнинг оддий грамматик шакллари ўзлаштириб олади. Бу даврда сезгилар, атрофдагиларга муносабат туйғулари кўзга ташлана бошлайди.

Мактабгача таълим ёшидаги боланинг ҳиссиётга берилувчанлиги унинг фаоллигида, ҳаракатчанлигида кўринади. Бу ёшда бола ўйнай бошлайди, унинг ўйинлари асосан катта ёшдаги кишилар, ўзидан катта болаларнинг ҳаракатларига таклид қилишдан иборат бўлади.

Бола икки ёшга тўлиб, уч ёшга ўтганда ундаги ихтиёрсиз фаолликни аста-секин ихтиёрий фаоллик эгаллай бошлайди. Эндиликда у катталар томонидан топширилган оддий юмушларни бажара олади. Шу билан бирга ихтиёрий диққат ҳам ўса бошлайди. Айнан шу ёшда болада “мен”лик юзага келади. У ўзини атрофдаги тенгдошлари билан солиштиради, улардан ўзини ажрата бошлайди. Бундай ҳаракатларни “менинг ўзим”, “мен истайман”, “мен истамайман”, “мен ўзим бажараман” ёки “мен буни бажара олмайман” каби сўзлар билан ифодалайди. Теварак-атрофдаги нарсаларга муайян таъсир кўрсатиш билан бирга уларга нисбатан ўз муносабатини билдиради.

Бола атрофдагилар билан мулоқот-муносабатда уларнинг хатти-ҳаракатларини, бошқаларга ёндашувларини “яхши” ва “ёмон” дея баҳолайди.

Мактабгача таълим ёшидаги бола фаолиятининг асосий тури ўйин саналади. У ўйин орқали теварак-атрофни, унда кечаётган воқеа-ҳодисалар моҳиятини бир қадар билиб олади.

Ўйинлар асосида мактабгача таълим ёши болаларида ижодий ҳаёл, зеҳн, фаҳм-фаросат, топқирлик каби сифатлар тарбияланади. Ўйин ёрдамида уларнинг ҳиссиётлари шаклланади: бу жараёнда болалар ўзларини тетик ҳис қиладилар, эришилаётган ютуқ, муваффақиятидан завқланадилар. Жамоавий ўйинлар орқали болаларда ўртоқлик ва дўстлик ҳислари таркиб топади. Ролли, муайян қоидаларга мувофиқ ўйналадиган ўйинлар болаларда кузатувчанлик қобилятини ўстиради, хотирасини мустаҳкамланишига ёрдам беради, интизомлиликни тарбиялайди.

Мазкур ёш даврида бола ўз кучи ва эгаллаган кўникмаларига таянган ҳолда расм чизади, турли нарсаларнинг лойиҳа (конструкция)ларини, турли материаллардан, лойдан, пластилиндан буюмлар ясайди. Олти-етти ёшга тўлганда болада ўқишга бўлган қизиқиш, интилиш юзага келади. Мактаб ҳаёти унинг учун қизиқарли, мароқли туюлади, ўқишга борадиган биринчи кунни интиқлик билан кутади.

428. Бошланғич таълим даврида бола шахсининг ривожланиши қандай кечади?

Бошланғич таълим даврида ўйин фаолиятининг ўрнини энди ўқиш фаолияти эгаллайди. Ўқиб-ўрганиш боланинг вазифаси, ижтимоий бурчи бўлиб қолади. Ўқиш жараёнида у дарсликларини ва ўқув қуролларини саранжом сақлаш, ўз вақтида ўрнидан туриш, мактабга белгиланган вақтда бориш, уйга берилган вазифаларни бажариш юзасидан кўникмаларни ўзлаштиради. Ўқувчи тобора масъулиятли бўлиб боради. Билимлар боланинг савиясини ўстиради,

аклий ривожланишини таъминлайди, сезгилари ва иродасининг ўсишига таъсир кўрсатади.

Бироқ, бу даврда ҳам боланинг диққати ҳали беқарор бўлади. Бошланғич синфда ўқувчи хотирасида ҳам ўзгаришлар рўй беради. Ўқувчи биринчи синфдан бошлаб, таълим жараёнида ўқув материалининг кўп қисмини ихтиёрий равишда эслаб қолади. Шу билан бирга ўз-ўзини доимо назорат қилиб бориши лозим. Бунинг натижасида ўқувчининг хотираси такомиллашади, тафаккури ўсади. 7-8 ёшли болаларда ҳам тафаккур ҳали конкрет характерда бўлади. Улар ўзлари идрок этган ёки тасаввур қилган нарсалар ҳақидагина фикр юритадилар. Мантиқий тафаккурнинг дастлабки кўринишлари шакллана бошлайди. Учинчи ва тўртинчи синфларда ўқувчилар илмий билимларга оид айрим тушунчаларни ҳам ўзлаштириб оладилар. Бу даврда ўқувчиларнинг руҳиятида ҳиссий кечинмалар юз беради. Бошланғич синф ўқувчиларида бирор фанга, дарсга нисбатан қизиқиш юзага келади. Улар таълим олишни бурч эканлигини англаб етадилар. Дарс вақтида ўқувчи фаолиятига қўйилган юқори баҳо ўқувчиларда руҳий тетиклик, шодлик, ифтихор каби ҳиссий кечинмаларни туғдиради.

Ёмон баҳо олганда эса ўзидан норози бўлиш, пушаймон қилиш каби салбий кечинмалар содир бўлади. Айрим ўқувчилар яхши ўқишни истайдилар, аммо айримлар ёмон баҳо туфайли ўзларига ишонмай қоладилар, умидсизлик ва тушкунликка тушадилар. Бу эса ўқитувчидан хушёрликни талаб қилади.

Бошланғич синф ўқувчилари жисмоний жиҳатдан нисбатан текис ўсадилар, ўғил ва қиз болалар ташқи кўринишидан бир-бирларидан кам фарқланадилар. Жисмоний ўсишига хос бу хусусиятлар тарбиячидан эҳтиёткорликни талаб этади. Бу ёшда бола билим олиш ва ўрганишга қизиқувчан бўлади.

Бошланғич синф ўқувчиларининг бўйлари ўртача 120 см, оғирликлари 22 кг атрофида бўлади. Суякларида тоғайлик устун, найсимон илик суяклари, асосан, энига ўсади, бўғинлар, кўкрак қафаси, умуртқа поғанаси ва тос суяклар яхши қотмагани туфайли тез шикастланади. Бу даврда ўқувчиларнинг мускул пайлари ва бўғинлар тез ўсиши туфайли улар серҳаракат бўлади. Бош мияси тез ривожланади, 12 ёшда миянинг оғирлиги катталарники билан тенглашса-да, тузилиши жиҳатидан фарқ қилади. Юрак, қон айланиш тизими ва нафас органлари ўсишда давом этади. Ўпка яхши ривожланган бўлса-да, бироқ, нафас йўли ва диафрагма бўш ривожланган бу ёшда ўқувчилар узок вақт ҳаракатсиз турсалар нафас олишлари қийинлашиб, организмнинг кислород билан таъминланиши ёмонлашади. Бошланғич синф ўқувчиларининг юраги ўзидан катталарникига нисбатан икки марта кўп қон чиқариб, юрак уруши бир дақиқада 90-92 мартани ташкил этади. Қон таркибида оқ қон таначалари кўп, бу эса уларни асабийлашишдан сақлаш, кўпроқ ҳаракат қилиш, очиқ ҳавода бўлиш, етарлича ухлаш ва дам олиш, стул (парта)да тўғри ўтиришлари, ўринда текис ётишлари кераклигини англатади.

429. Ўсмирлик даврининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

Ўсмирликнинг мураккаблиги анатомик-физиологик ва психологик

хусусиятдаги кучли ўзгаришлар билан боғлиқдир. Бу даврда биологик ўсиш тезлашади. Шу сабабли мазкур давр “ўтиш даври” ҳам деб юритилади. “Ўтиш даври” ҳисобланган ўсмирлик ёши учун характерли бўлган хусусият – бу жинсий етилиш, интенсив (тезкор) ривожланиш, мустақиллик ҳамда ўзини намоёниш қилишга интилишнинг кузатилишидир. Мазкур ёш даврида кузатиладиган жинсий етилиш ўсмирнинг феъл-атворига таъсир этади. Ўсмирлар билан ишлашда уларга эҳтиёткорона ёндашиш зарур.

Ўсмир ҳаётида меҳнат, ўйин, спорт ва жамоат ишлари катта рол ўйнайди. Баъзиларининг ўзлаштиришлари пасаяди, интизомлари бўшашади.

Замонавий ўсмир руҳиятида қуйидаги ҳолатлар акс этади:

1. Интеллектуал ривожланиш – тафаккур қобилиятини шакллантириш талаб этилади, билишга қизиқиш ортади; бу даврда тўгараклар, студия, секция, турли тадбирлар ўтказиш катта аҳамиятга эга; уларнинг китоб ўқишга қизиқиши ортади.

2. Ўз-ўзини англаш, баҳолаш ва тарбиялашга бўлган эҳтиёж шаклланади. У ўзини бошқалар билан солиштира бошлайди.

Шу билан бирга ўсмир характерида мураккаб қарама-қаршиликлар ҳам мавжуд бўлиб, у ўсмир фаолияти, хулқида янги хислатларнинг шаклланишида кўринади.

Бу ёшда ўсмирлар катталар олдида ўзларининг эркинликларини намоёниш этишга ҳаракат қиладилар. Ўз-ўзини тарбиялашга бўлган талаб ўсади.

Ўсмир ёшида ўғил ва қиз болалар ўртасида фарқ кучаяди. VII синфдан интеллектуал малакалар пасаяди. Шунинг учун бу даврда ўқувчиларнинг ривожланишларига катта эътибор бериш лозим. Ўз-ўзини тарбиялаш натижасида ўғил болалар кучли, эркин, эътиборли, жасур; қизлар эса ўта кўниқувчан, камтар ва жиддий бўла бошлайдилар.

Ўсмирга ўз вақтини режалаштиришда ёрдам бериш зарур. 13-14 ёшгача ўсмирда бурч ҳисси, масъулиятни ҳис этиш, вазминлик пайдо бўла бошлайди.

430. Ўспирин шахсида кузатиладиган асосий ҳолатлар нималардан иборат?

Ўспиринлик даврида таълим олувчилар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари (академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари)нинг ўқувчилари саналадилар. Бу давр ўспиринларнинг илк балоғатга етган даври бўлиб, жинсий етилиш якунланади. Уларда мустақиллик сезила бошлайди. Ўспиринлар ҳаётга келажак нуқтаи назаридан қарай бошлайдилар. Маданий даражасини орттиришга интилиш кучая боради, ҳис-туйғуларида ҳам ўзгариш юз бериб, ўз-ўзини тарбиялашга киришадилар. Идеал танлаш ва унга эргашиш кучаяди. Бу даврда улар ўртасида мунозаралар ўтказиш яхши натижа беради. Ўспиринлар ўз гуруҳига интилади, бу интилишларини маълум мақсадга йўналтириш талаб этилади.

Мазкур ёш даври ақлий фаолиятнинг ривожланиш босқичи ҳам саналади. Ўқувчилар ўз фикрларини мустақил ифодалаб, шахслик хислатларини намоёниш эта бошлайдилар. Ўқувчилар ўзларини катталардек тутиш, ўзига хослигини намоён этиш ва бошқаларнинг диққатини ўзига қаратишга ҳаракат қиладилар.

Ахлоқий муаммоларни ўз қарашлари нуктаи назаридан ҳал эта бошлайдилар. Ҳаёт моҳияти, бахт, бурч, шахс эркинлигини ўз қизиқишлари билан ўлчайдилар. Шу боис уларга катталарнинг беғараз, тўғри йўналиш беришлари муҳим саналади.

Бу даврда ёшлар хулқи ҳам таркиб топа бошлайди. Шахснинг жамоадаги мавқеи, жамоа аъзолари билан мулоқотга киришиши, турли соҳалар бўйича муносабатни самарали ташкил этиши етук шахс бўлиб шаклланишида ўзига хос аҳамият касб этади. Бунда таълим муассасасида фаолият кўрсатаётган Республика “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотларининг таъсири бекиёс. Зеро, ўспиринлар мустақил ҳаётга қадам қўяётган бир вақтда бу жараённинг тўғри, самарали кечиши уларнинг фаол фуқаро бўлиб шаклланишлари учун пойдевор яратади.

431. Шахснинг ижтимоийлашуви нима?

Шахснинг ижтимоийлашуви унинг жамият томонидан тан олинган хулқ-атвор меъёрлари, билим ва қадриятлар тизимини самарали ўзлаштириши асосида ижтимоий ҳаётга мослашиши, кўникиши жараёнидир.

432. Шахснинг ижтимоийлашувига қандай хусусиятлар хос?

Шахснинг ижтимоийлашувига қуйидаги хусусиятлар хос:

- 1) узоқ давом этадиган мураккаб жараён;
- 2) ички қарама-қаршилиқларга эга жараён.

VI БЎЛИМ. ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИНИНГ АСОСЛАРИ

433. Тарбия назарияси қандай муаммоларни ўрганади?

Тарбия назарияси педагогика фанининг муҳим таркибий қисми бўлиб, тарбиявий жараён мазмуни, тамойиллари, қонуниятлари, уни ташкил этиш масалалари, методикаси, шакллари, методлари, воситалари, усуллари ва муаммоларини ўрганади.

434. Тарбия жараёни нима?

Тарбия жараёни ўқитувчи ва ўқувчи (тарбиячи ва тарбияланувчи)лар ўртасида аниқ мақсад асосида ташкил этиладиган ҳамкорлик фаолиятининг кечиши, ривожидир.

435. Тарбия жараёнини технологиялаштириш нима?

Тарбия жараёнини технологиялаштириш – аниқ мақсадга ва ижтимоий ғояга асосланиб, ўқувчиларда маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантиришга йўналтирилган педагогик фаолиятнинг ташкилий-техник жиҳатдан уюштирилиши саналади.

436. Тарбия жараёнининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

Тарбия жараёнининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- 1) аниқ мақсадга йўналтирилганлик;
- 2) узоқ муддат давом этиши (тарбия натижалари тез суръатда яққол кўзга ташланмайди);
- 3) узлуксизлиги (ўқувчилар ва ўқитувчининг биргаликдаги узлуксиз, тизимли ҳаракатлари);
- 4) яхлит, тизимли ташкил этилиши;
- 5) икки томонлама алоқа ҳамда қарама-қаршилиқларнинг мавжуд бўлиши.

437. Тарбия жараёнида тарбияланувчи шахсида қандай ўзгаришлар кузатилади?

Тарбия жараёнида тарбияланувчи шахсида онгнинг шаклланиб бориши, ҳис-туйғуларнинг ривожланиши, ижтимоий ҳаёт учун зарур бўлган ижтимоий алоқаларни ташкил этишга хизмат қиладиган хулқий одатларнинг ҳосил бўлиши каби ўзгаришлар кузатилади.

438. Тарбия жараёнининг муваффақиятли кечиши қандай омилларга боғлиқ?

Тарбия жараёнининг муваффақиятли кечиши унинг мақсади, шакллари, методлари, воситалари, мавжуд педагогик шарт-шароитлар, шахснинг ўзини-ўзи тарбиялаш ва қайта тарбиялаши эҳтиёжига эгаллигига боғлиқ.

439. Ўзини ўзи қайта тарбиялаш нима?

Ўзини ўз қайта тарбиялаш шахснинг ўзидаги салбий одатлар, характеридаги зарарли сифатларни йўқотиш, уларни бартараф этишга қаратилган ички фаолияти жараёнидир.

440. Тарбия тамойиллари нима?

Тарбия тамойиллари – бу тарбия назариясининг асосий етакчи қоидалари бўлиб, тарбия жараёнини ташкил этиш мазмуни, шакл, метод ва воситаларини тўғри танланишини белгилайдиган бошланғич асослар ҳисобланади.

441. Тарбия жараёни қандай тамойиллар асосида ташкил этилади?

Тарбия жараёни қуйидаги тамойиллар асосида ташкил этилади:

- тарбия мақсадининг аниқлиги;
- болалар ва катталарнинг биргаликдаги фаолияти;
- ихтиёрийлик;
- йўналтирилганлик;
- ўз-ўзини англаш;
- жамоавийлик;
- инсонпарварлик;
- илмийлик;
- педагогик жараённинг ҳаёт ва амалиёт билан боғлиқлиги;
- изчиллик;
- узлуксизлик;
- тизимлилик;

- кўрсатмалилик;
- эстетик ғоялар устуворлиги.

442. Тарбия мақсади қандай белгиланади?

Тарбия мақсади ижтимоий буюртма асосида белгиланади. Унда энг оддий ҳаракатдан тортиб, то кенг кўламли ижтимоий ҳаракатни ташкил этишдан иборат жараённинг моҳияти ёритилади.

443. Тарбия мақсади қандай характер касб этади?

Тарбия мақсади умумий ва индивидуал характер касб этади.

444. Тарбия жараёни қандай қонуниятлар асосида кечади?

Тарбия жараёни қуйидаги қонуниятлар асосида кечади:

- 1) тарбиянинг объектив ва субъектив омилларга боғлиқлиги;
- 2) тарбиянинг шахс ривожланиши билан бирлиги ва ўзаро алоқадорлиги;
- 3) фаолият ва муносабат шахснинг ижтимоий аҳамиятли фазилатларни шакллантиришнинг негизи ва асосий манбаи эканлиги;
- 4) тарбияланувчиларнинг ўзаро тарбиявий таъсири, ўзаро муносабатлари ҳамда фаол фаолияти ўртасидаги боғланишнинг мавжудлиги.

445. Тарбия мазмуни нимани англатади?

Тарбия мазмуни – шахснинг шаклланишига қўйиладиган ижтимоий талаблар моҳиятидан иборат бўлиб, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт, кишилиқ муносабатлари моҳияти ва даражаси, жамият мафкураси ғоялари асосда белгиланади.

446. Тарбиянинг шахс камолотига таъсири нималарда кўринади?

Тарбиянинг шахс камолотига таъсири қуйидагиларда кўринади:

- 1) тарбия таъсирида муҳит бера олмаган билим, маълумот эгалланади, меҳнат ва техник фаолият билан боғлиқ кўникма, малакалар ҳосил бўлади;
- 2) тарбия туфайли туғма камчиликлар ҳам ўзгартирилиб, шахс камолга етади;
- 3) тарбия ёрдамида муҳитнинг салбий таъсирини ҳам йўқотиш мумкин;
- 4) тарбия келажакка қаратилган мақсадни белгилайди.

447. Тарбия методлари нима?

Тарбия методлари (юнонча “methodos” – тадқиқот усули, йўли) – бу тарбия мақсадига эришиш, тарбияланувчиларнинг онги, иродаси, туйғулари ва хулқиға таъсир этиш йўллари.

448. Тарбия методлари қандай турларға ажратилади?

Тарбия методлари қуйидаги турларға ажратилади:

1. Шахс онгини шакллантирувчи методлар.
2. Ижтимоий хулқни шакллантириш методлари.
3. Хулқ ва фаолиятни рағбатлантириш методлари.

4. Ўз-ўзини тарбиялаш методлари.

449. Қандай методлар ижтимоий онгни шакллантирувчи методлар саналади?

Ўқувчиларда маънавий-ахлоқий сифатлар, эътиқод, дунёқарашни шакллантириш мақсадида уларнинг онги, ҳис-туйғуси, иродасига таъсир кўрсатиш усуллари ижтимоий онгни шакллантирувчи методлар саналади. Мазкур методлар ёшлар томонидан ҳаёт мазмунининг тушуниб олинишини таъминлайди.

450. Қандай методлар ижтимоий онгни шакллантирувчи методлар сирасига киради?

Ҳикоя, этик суҳбат, тушунтириш, изоҳлаш, маъруза, ишонтириш, насихат, йўриқнома, мунозара, маъруза, намуна ижтимоий онгни шакллантирувчи методлар сирасига киради.

451. Таълим олувчиларда ижтимоий оннинг шаклланишида тушунтириш методининг ўрни қандай?

Тушунтириш ижтимоий онгни шакллантиришда кўп ишлатиладиган усул бўлиб, у орқали таълим олувчиларни жамиятда кечаётган ижтимоий, иқтисодий ва маданий жараёнлар, шахслараро муносабатлар мазмуни, ижтимоий-ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрлар, уларга амал қилиш, шахс томонидан ўзлигини англаш ҳамда жамиятда, жамоада муайян ўринни эгаллашга оид маълумотлар билан таништиришга хизмат қилади.

452. Суҳбат методи шахс ижтимоий онгини шакллантиришда қандай ўрин тутади?

Ўқувчи шахсини ғоявий ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан шакллантиришда ўқитувчининг жонли нутқи, ўқувчи билан ўзаро муносабати таъсирчан усуллардан ҳисобланади. Суҳбат жараёнида ўқувчи шахсини яқиндан англаш мумкин, у ҳақидаги тасаввурлар янада бойийди. Таълим олувчи билан суҳбатлашиш жараёнида унинг шахс сифатида шаклланишига ёрдам берадиган маълумотлар берилади, ижтимоий ва табиий борлиққа нисбатан муносабат баҳоланади, ижобий сифатлар рағбатлантирилиб, салбий ҳолатлар аниқланиб, уларни бартараф этиш йўл-йўриқлари кўрсатилади.

453. Таълим олувчининг ижтимоий онгини шакллантириш учун ташкил этиладиган суҳбатлар учун қандай мавзулар йўналиш сифатида танланади?

Таълим олувчининг ижтимоий онгини шакллантириш учун ташкил этиладиган суҳбатлар учун қуйидаги мавзулар йўналиш сифатида танланади:

1) этик мавзулар (ижтимоий маънавий-ахлоқий меъёрлар, жамиятда устувор ўрин тутувчи ижтимоий муносабатлар, жамоа орасида ўзини тутиш қоидалари ва бошқалар);

2) эстетик мавзулар (табиат гўзаллиги, шахслараро муносабатлар, инсон

гўзаллиги);

3) сиёсий мавзулар (давлатнинг ички ва ташқи сиёсати, дунё воқеалари, халқаро муносабатлар ва ҳоказолар);

4) таълим ва билишга оид мавзулар (коинот, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси, электроника ва бошқалар).

454. Ҳикоя методи қандай метод?

Ҳикоя ўқитувчи томонидан мавзуга оид далил, ходиса, воқеаларнинг яхлит ёки қисмларга бўлиб, тасвирий воситалар ёрдамида образли тасвирлаш йўли билан ихчам, қисқа ва изчил баён қилинишини ифодаловчи метод саналади.

455. Намуна методи қандай тарбиявий имконияти эга?

Намуна – бу шахсга атрофдагилар (хусусан, ўқитувчилар, ота-оналар, ёши катта кишилар)нинг юриш-туриш, муомала, тартиб-интизом қоидаларига риоя қилиш, кундалик фаолиятни ташкил этишда ўрнатилган, ибрат бўла олишларини ифодаловчи метод саналади.

456. Ёш авлод учун қандай педагогик ходисалар намуна бўла олади?

Ёш авлод учун қуйидаги педагогик ходисалар намуна бўла олади:

1) ота-оналарнинг юриш-туриши, бир-бирларига билан ўзаро муносабатлари, кундалик фаолиятни ташкил этишлари, атрофдагилар нисбатан ёндашувлари;

2) ўқитувчиларнинг ҳамкасблари, раҳбарлари, шунингдек, ўқувчилар билан ўзаро муносабатлари, нутқ ва муомала одоби, касбий фаолиятни олиб боришдаги масъулиятлари;

3) ишлаб чиқариш илғорлари, умуминсоний ҳамда миллий илм-фан, маданият равнақига муносиб ҳисса қўшган шахсларнинг ҳаёти ва фаолиятлари;

4) бадиий асарлар, кинофильмлар, спектакллар қаҳрамонларининг хатти-ҳаракатлари, маънавий қиёфаси;

5) афсонавий ва тарихий миллий қаҳрамонлар, Ватан озодлиги учун курашган шахсларнинг жасоратлари;

6) фавқулодда вазиятларда фуқаролик, инсонийлик бурчини сизидилдан адо этган шахсларнинг хатти-ҳаракатлари;

7) тенгдошларнинг ижтимоий муносабатлар жараёнида, турли вазиятларда ўзларини тута олишлари, иродали, матонатли, ахлоқли эканликларини намоён эта олишлари ва бошқалар.

457. Ижтимоий хулқни шакллантириш методлари нима?

Ижтимоий хулқни шакллантириш методлари – бу муайян машқ ёрдамида болалар фаолиятини тўғри, мақсадга мувофиқ, пухта ташкил қилиш орқали уларни ахлоқий меъёр, хулқ-атвор қоидаларини бажаришга одатлантирувчи усуллар саналади.

458. Қандай методлар ижтимоий хулқни шакллантириш методлари сирасига киради?

Одатлантириш, машқлантириш (машқ қилдириш), топшириқ, педагогик талаблар, жамоат фикри, тарбияловчи вазият кабилар ижтимоий хулқни шакллантириш методлари сирасига киради.

459. Машқ нима?

Машқ – ақлий ёки амалий (жисмоний) ҳаракатларни бажариш кўникмаларини эгаллаш йўлида муайян амал, ҳаракатни кўп марта такрорлаш.

460. Машқлантириш (машқ қилдириш) қандай метод?

Машқлантириш (машқ қилдириш) – муайян хатти-ҳаракатларни кўп мартаба такрорлашга қаратилган ҳаракат моҳиятини ифодаловчи метод ҳисобланади. Машқлантириш натижасида муайян кўникма, одат, янги билимлар ҳосил қилинади, ўқувчининг ақлий қобилияти ўсади, ахлоқий сифатлари бойийди, ҳаётий тажрибаси ортади.

Тарбия амалиётида машқ қилдиришнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- 1) фаолиятда машқ қилиш;
- 2) кун тартиби доирасида бажариладиган машқлар;
- 3) махсус машқлар.

461. Фаолиятда машқ қилиш нимага қаратилган?

Фаолиятда машқ қилиш меҳнат, ижтимоий ва жамоа фаолиятини ташкил этиш, ўзаро муносабатларни йўлга қўйиш одатларини тарбиялашга қаратилган.

462. Кун тартиби машқлари нима учун хизмат қилади?

Кун тартиби машқлари таълим олувчиларни белгиланган кун тартибига амал қилишга одатлантириш, у билан боғлиқ равишда муайян ҳаракатларни бажариш, иш ва бўш вақтдан тўғри фойдаланишга ўргатиш учун хизмат қилади.

463. Махсус машқлардан қандай мақсадларда фойдаланилади?

Махсус машқлардан танланган соҳа бўйича назарий билим, амалий ҳамда хулқий кўникма, малакаларни ҳосил қилишда фойдаланилади.

464. Топшириқ методи қандай аҳамиятга эга?

Топшириқ методи ўқувчиларда меҳнат, ижтимоий хулқ ва ҳаётий тажриба кўникмаларини шакллантириш мақсадида қўлланилади. Ўқувчиларнинг топшириқларни жамоа бўлиб бажаришлари уларда ижтимоий хулқ тажрибаларини шакллантиришда алоҳида аҳамиятга эга.

465. Педагогик талаб нима?

Педагогик талаб турли хатти-ҳаракатларни бажариш, муайян фаолиятда иштирок этиш жараёнида ўқувчи томонидан амал қилиниши зарур бўлган ижтимоий хулқ-атвор меъёрлари ва тарбиявий таъсирнинг муҳим усулларида бири бўлиб, у маълум ҳаракатларни рағбатлантириш ёки тўхтатиш, шахсни ижобий ҳаракатларга ундаш характерига эга бўлади.

466. Топширик нима?

Топширик – бу таълим ёки тарбия жараёнида ўқувчи зиммасига юкланадиган муайян вазифа.

467. Жамоатчилик фикри нима ва бу метод қандай тарбияловчилик хусусиятига эга?

Жамоатчилик фикри – бу ижтимоий воқеаларга, турли гуруҳлар, ташкилотлар, айрим шахслар фаолиятига бўлган яширин ёки ошкора муносабатларни ўз ичига оладиган ижтимоий онг шакли бўлиб, у ёрдамида жамият аъзоларининг хатти-ҳаракатлари, хулқ-атворлари, юриш-туришлари, фаолиятлари, атрофдагилар билан муомалалари, муносабатлари ижтимоий ахлоқ меъёрларига мувофиқ баҳоланади ва тартибга солинади. Моҳиятига кўра жамоатчилик фикри муайян ижтимоий масалаларни, таниқли шахслар ёки умуман олганда, жамият аъзоларидан ихтиёрий бирининг хатти-ҳаракати, хулқ-атвори, юриш-туриши, фаолияти, атрофдагилар билан муомаласи ҳамда муносабатининг маъқулланиши ёки қораланишини ифодалайди. Ана шу жиҳатига кўра жамоатчилик фикри тарбияловчи характер касб этади.

468. Тарбияловчи вазиятлар нима?

Тарбияловчи вазиятлар – бу табиий равишда содир бўладиган ёки сунъий ҳосил қилиниб, шахсда у ёки бу маънавий-ахлоқий сифат, хулқ-атвор, кўникма, малакаларни шакллантиришга йўналтириладиган ҳолат, шароит ҳисобланади.

469. Хулқ ва фаолиятни рағбатлантириш методлари қандай методлар саналади?

Хулқ ва фаолиятни рағбатлантириш методлари – тарбияланувчининг хатти-ҳаракати ва фаолиятига ижобий баҳо бериш асосида унга ишонч билдириш, кўнгилини кўтариш ва уни қўллаб-қувватлаш усуллари саналади.

470. Хулқ ва фаолиятни рағбатлантириш методлари сирасида қандай методлар намоён бўлади?

Хулқ ва фаолиятни рағбатлантириш методлари сирасида мусобақа, рағбатлантириш, жазолаш каби методлар намоён бўлади.

471. Мусобақа методи нима?

Мусобақа (арабчадан тортишув, беллашув) методи – бу шахсларда маънавий-ахлоқий (шу жумладан, иродавий), жисмоний, эстетик сифатларни шакллантириш, унинг дунёқарашини бойитиш мақсадида ташкил этиладиган, ким ўзи ёки яхшироқ натижага эриша олиш характеридаги беллашув.

472. Тарбия жараёнида рағбатлантиришнинг қандай турларидан фойдаланилади?

Тарбия жараёнида рағбатлантиришнинг қуйидаги турларидан фойдаланилади:

- 1) ўқувчининг зиммасига масъулиятли вазифани юклаш;

- 2) мақташ (ота-оналар, ўқувчилар жамоаси олдида);
- 3) эсталик совғасини бериш (бадий китоблар, ўқув қуроллари ва б.ш.);
- 4) мақтов ёрлиғи билан тақдирлаш;
- 5) махсус стипендиялар тайинлаш;
- 6) қўллаб-қувватлаш;
- 7) фотосуратни хурмат тахтасига қўйиш;
- 8) жамоа номидан миннатдорчилик билдириш;
- 9) сафда биринчи ўринда туришини таъминлаш;
- 10) мусобақаларда байроқдор бўлишига имконият яратиш;
- 11) номини мактаб деворий газетаси ёки радиоси орқали қайд этиш.

473. Тарбия жараёнида рағбатлантириш методларини самарали қўллаш учун нималарга эътибор қаратилиши лозим?

Тарбия жараёнида рағбатлантириш методларини самарали қўллаш олиш учун рағбатлантиришнинг мавжуд педагогик талабларга мувофиқ бўлиши; кетма-кет бўлмаслиги; ўқувчини ёки унинг хатти-ҳаракатларини ҳаддан ошириб мақтамаслик; уларни бошқа ўқувчиларга таққослаб кўрсатмаслик; ўқувчини камситмаслик; талабчанликни бўшаштирмаслик кабиларга эътибор қаратилиши лозим.

474. Тарбия жараёнида жазолаш методини қўллашда қандай жазо чоралари қўлланилади?

Тарбия жараёнида жазолаш методини қўллашда қуйидаги жазо чоралари қўлланилади:

- 1) танбеҳ бериш;
- 2) огоҳлантириш;
- 3) уялтириш;
- 4) ҳайфсан бериш.

475. Танбеҳ бериш қандай чора?

Танбеҳ бериш энг муҳим жазо чораси бўлиб, ўқитувчи ўқувчига юзма-юз туриб танбеҳ беради ва буни кундалигига ёзиб қўйиш мумкин.

476. Огоҳлантириш нима мақсадида қўлланилади?

Огоҳлантириш – содир этилиши мумкин бўлган муайян хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида қўлланиладиган тарбиявий усул.

477. Уялтириш қандай усул?

Уялтириш – ўқувчининг маълум хатти-ҳаракатларига жамоа ёки унинг тарбияси учун масъул бўлган субъектлар (ота-оналар, васийлар, жамоатчилик вакиллари ва бошқалар) олдида баҳо бериш усули. Болаларни тарбиялашда шу ҳис-туйғуларни эҳтиёткорлик билан ўстириш лозим, лекин ҳадеб уялтиравериш, қизартиравериш ярамайди.

478. Ҳайфсан қандай ҳолатларда берилади?

Ҳайфсан бериш ўқувчининг маълум хатти-ҳаракатларини қатъий чоралар асосида баҳолаш бўлиб, у танбеҳ ва огоҳлантириш кутилган натижани бермаган ҳолатларда қўлланилади.

479. Жазолаш методлари қандай ҳолатларда қўлланилиши ва қўлланилмаслиги лозим?

Жазо пухта ўйлаб қўлланилиши лозим, аксинча, жаҳл устида жазолаш мумкин эмас. Жазолар яқка характерда, яъни, биргина усулни қўллаш асосида, ўқувчининг айбига мос, мувофиқ бўлиши, тез-тез қўлланилмаслиги, жазоланувчида жазонинг тўғри белгиланганлигига нисбатан шубҳа туғдирмаслиги лозим, шундагина улар ўз айбларини сезадилар. Жамоода муҳокама қилиш ва жамоа томонидан қўллаб-қувватланган ҳолда жазо бериш унинг таъсир кучини янада оширади.

Жазолаш методини қўллашда жисмоний жазони қўллаш, ўқувчиларни уриш, калтаклаш, кўрқитиш, ғазаблантириш, жисмонан ва руҳан азоблаш, таҳқирлаш, шаънини ерга уриш кабилар таъқиқланади. Бу каби усулларни қўллаш салбий натижаларга олиб келади, яъни, ўқувчи кўрққанда ёлғон гапиришни ўрганайди, икки юзламачи бўлиб қолади.

480. Ўз-ўзини тарбиялаш методлари қандай методлар саналади?

Ўз-ўзини тарбиялаш методлари ўқувчиларнинг ўзини ўзи идора қилишлари, турли ўқувчилар органлари фаолиятида фаол иштирок этишларини таъминлаш, уларнинг ижтимоий мавқеларини ошириш мақсадида қўлланиладиган усуллардир.

481. Ўз-ўзини тарбиялаш методларининг тарбияловчилик характери нимада акс этади?

Ўз-ўзини тарбиялаш методларининг тарбияловчилик характери ўқувчиларнинг ўзини ўзи идора қилишлар, ўқувчилар органлари фаолиятида фаол иштирок этишларини таъминлаш, шунингдек, ижтимоий мавқеини оширишнинг таъсирчан воситаси эканлигида акс этади. Мазкур методлар ўқувчиларни ташаббускорликка, мустақилликка ундайди.

482. Ўз-ўзини таҳлил (назорат) қилиш қандай метод?

Ўз-ўзини таҳлил (назорат) қилиш ўз шахси, мавжуд фазилатлари, хатти-ҳаракати, хулқ-атворини таҳлил қилиш, мавжуд сифатларни бойитиш ёки салбий одатларни бартараф этишга қаратилган фаолият усулидир.

483. Ўз-ўзини баҳолаш нима?

Ўз-ўзини баҳолаш шахс томонидан мавжуд фазилатлари, хатти-ҳаракати, хулқ-атворини таҳлил қилиш орқали ўзига баҳо беришга йўналтирилган фаолият усули бўлиб, у шахснинг қобилиятини ўз кучи билан юзага чиқишига ёрдамлашиши зарур. Ўз-ўзини баҳолаш қийин, лекин шахсни бунга бевосита тайёрлаш мумкин. Ўз-ўзини баҳолаш ўқувчи учун шахсий имкониятларини ҳисоб-китоб қилиш, ўзига объектив баҳо бериш, ўзидан қониқишига ёрдам

беради.

484. Изоҳлаш нима?

Изоҳлаш тарбияланувчига ҳиссий-оғзаки таъсир этиш усули бўлиб, унинг муҳим белгиси муайян гуруҳ ёки алоҳида шахсга йўналтирилганлигидир. Ўқувчилар билан ишлаганда маънавий-ахлоқий тушунчаларнинг ижтимоий аҳамияти ва маъносини изоҳлаш зарур.

Изоҳлаш қуйидаги ҳолатларни юзага келтиради:

- 1) янги маънавий-ахлоқий сифатлар ёки хулқ кўникмаларини таркиб топтириш ва мустаҳкамлаш;
- 2) тарбияланувчиларда содир этилган муайян ҳодиса (мас., синф ўқувчиларининг оммавий равишда дарсга келмаганликлари)га онгли муносабатни тарбиялаш.

485. Мунозара нима?

Мунозара тарбияланувчиларга ҳиссий-оғзаки таъсир кўрсатиш асосида уларда маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантиришга йўналтирилган баҳс-мунозара усули бўлиб, у сиёсий, иқтисодий, маданий, эстетик ва ҳуқуқий мавзуларда ўтказилади. Мунозара асосида турли қарашлар ётади. Баҳс ижобий натижа бериши учун уни ташкил этишга жиддий, пухта тайёргарлик кўриш талаб этилади. Мунозара учун 5-6 та савол тайёрланиб, улар билан иштирокчилар олдиндан таништириладилар. Чиқишлар жонли, эркин ва қисқа бўлиши зарур. Педагог иштирокчиларга фикрларини ихчам, асосли ва далиллар асосида баён этишга ёрдам беради.

486. Тарбия усуллари нима?

Тарбия усуллари – бу тарбиялаш, педагогик таъсир кўрсатиш хусусиятга эга хатти-ҳаракатлар мажмуи бўлиб, улар ёрдамида шахснинг қарашлари, мотивлари, ҳаракатларини ўзгартириш орқали унинг хулқи, позициясига ташқи таъсир кўрсатилади.

487. Кенг оммалашган тарбия усуллари қайсилар?

Кенг оммалашган тарбия усуллари қуйидагилардир:

- 1) ижобий вазиятни янада мустаҳкамловчи тарбия усуллари;
- 2) салбий вазиятни янада кучайтирувчи тарбия усуллари;
- 3) тарбияланувчида ишонч ҳосил қилувчи тарбия усуллари.

488. Ижобий вазиятни янада мустаҳкамловчи тарбия усуллари аҳамияти нималарда акс этади?

Ижобий вазиятни янада мустаҳкамловчи тарбия усуллари тарбияланувчи ва тарбиячи (ота-она, ўқитувчи, масъул шахс)лар ўртасидаги муносабатнинг яхшиланишини таъминлайди. Бу турдаги тарбия усуллари сифатида тарбияланувчи билан биргаликда маълум фаолиятни ташкил этиш (ўйинчоқларни бирга йиғиштириш, болага унинг учун мураккаб саналган ишни бажаришда кўмаклашиш, болани ўйлантираётган муаммолар билан қизиқиш,

унга катта ишонч билдириб, муайян топшириқ бериш) мумкин. Бу жараёнда боланинг кўнглини кўтарадиган, унда ўзига нисбатан ишончни ҳосил қилдирадиган жумлалар (“Балли!”, “Баракалла!”, “Яшавор!”, “Жуда зўр! Мен сенга ишонгандим!”, “Биламан, сен буни уддалайсан!”, “Ўйлайманки, бу сен учун қийин эмас!”, “Бу ишни биргаликда бажарсак қандай бўларкин?!” кабилар)ни ҳам қўллаш мақсадга мувофиқдир.

489. Салбий вазиятни янада кучайтирувчи тарбия усулларининг таъсири қандай?

Салбий вазиятни янада кучайтирувчи тарбия усуллари тарбияланувчи ва тарбиячилар ўртасидаги шундай ҳам ёмон, салбий муносабатни янада ёмонлаштиради. Бу каби тарбия усуллари сирасида тарбияланувчини унинг салбий хатти-ҳаракатлари учун койиш, унга дўқ-пўписа қилиш, жазолаш кабилар кенг қўлланилади. Кўпчилик ота-оналар ижобий ва салбий вазиятларни кучайтирувчи тарбия усулларидан кетма-кет фойдаланадилар. Тарбия усулларини самарали қўллашда энг муҳими – вазиятни тўғри баҳолай олиш, бола ҳолатини тушунишга ҳаракат қилиш саналади. Имкон қадар салбий вазиятни янада кучайтирадиган тарбия усулларидан фойдаланилмаган маъкул. Чунки, бу каби усуллар болани ота-она, ўқитувчилардан узоқлаштиради. Борди-ю, бола салбий ҳаракатларни содир этганда ҳам унга ўз хатоларини англашга имкон бериш, улардан тўғри хулоса чиқариб олишини таъминлаш педагогик жиҳатдан тўғри ёндашув ҳисобланади.

490. Тарбияланувчида ишонч ҳосил қилувчи тарбия усулларининг аҳамияти нималарда акс этади?

Тарбияланувчида ишонч ҳосил қилувчи тарбия усуллари шахсни ишонтирадиган суҳбатлар саналади. Бу усулни қўллаш учун тарбияланувчилар ёшини чегаралаб бўлмайди, аксинча, бу каби суҳбатлар барча ёшдаги балоғатга етмаганлар учун бирдек самарали бўлади. Ишонч ҳосил қиладиган суҳбатларнинг болани ўз хатти-ҳаракатлари моҳиятини тушунтиришга, улар юзасидан изоҳ беришга ундаш учун хизмат қилиши муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, ота-оналар, ўқитувчиларнинг кичик ёшдаги болалар билан суҳбатлашишда “Менинг ўйлашимча, бу ишинг тўғри эмас, бу ҳақида ўзинг нима дейсан?”, “Айт-чи, сенингча, шу ишинг тўғрими?”, “Агар борди-ю, шу ишни мен қилган бўлсам, сен нима деган бўлардинг?”, “Агар Комил бундай қилганида сен хафа бўлмаган бўлармидинг?” каби саволлар асосида болани ўз хатти-ҳаракатлари юзасидан ўйлаб кўришга ундаш мақсадга мувофиқдир. Бу ўринда болага шахсий ҳаракатларининг мазмунини англатиш билан бирга, тўғри хатти-ҳаракат қандай бўлишини тушунтириш, бунинг натижасида атрофдагиларнинг қанчалик хурсанд бўлишларини айтиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Бундай суҳбатлар ҳеч қачон самарасиз бўлмайди. Бироқ, суҳбатлашиш чоғида болага зўрлик қилинса, бу ҳақидаги маълумотлар боланинг миясида узоқ вақт сақланиб қолади. Ҳатто бир неча йиллар ўтгандан кейин ҳам бола бу ҳақида ўйлайди.

491. Топширик бериш қандай усул?

Топширик бериш– ўқувчиларда меҳнат, ижтимоий хулқ ва ҳаётий тажриба кўникмаларини шакллантириш мақсадида қўлланиладиган усул.

492. Тарбия воситалари нима?

Тарбия воситалари тарбия жараёнининг таъсирчанлигини ошириш мақсадида қўлланиладиган моддий буюмлар, нарсалар, маънавий омиллар, фаолият (ўйин, ўқиш, меҳнат, мулоқот), ҳиссий ёндашув кўринишидир.

VII БЎЛИМ. ЎҚУВЧИЛАР ЖАМОАСИ ВА УНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

493. Жамоа нима?

Жамоа (лотинча “коллективус” – йиғилма, омма, биргаликдаги мажлис, бирлашма, гуруҳ) бир неча аъзо (киши)лардан иборат бўлиб, ижтимоий аҳамиятга эга умумий мақсад асосида ташкил этилган гуруҳ.

494. Жамоада ва жамоа ёрдамида тарбиялаш нима?

Жамоада ва жамоа ёрдамида тарбиялаш тарбия тизимида муҳим аҳамиятга эга тамойиллардан бири.

495. Ўқувчилар жамоаси ўзида қандай белгиларни намоён этади?

Ўқувчилар жамоаси ўзида қуйидаги белгиларни намоён этади:

1) жамоа ижтимоий жамиятнинг бир қисми (унда ижтимоий ҳаёт ва кишилиқ муносабатларининг барча меъёрлари ўз ифодасини топади; шу сабабли жамоа ҳаётининг аниқ (ягона) мақсадга қаратилганлиги ва ижтимоий-ғоявий хусусият касб этиши унинг етакчи белгиси саналади);

2) ҳар бир жамоа бошқа жамоалар билан узвий алоқадорликда мавжуд бўлади (муайян жамоанинг ҳар бир аъзоси жамият ижтимоий фаолиятини ташкил этиш жараёнида ўз жамоаси билан биргаликда иштирок этади);

3) ҳар бир жамоа ўз-ўзини бошқариш органига эга ва умумий жамоанинг узвий қисми саналади;

4) ижтимоий жамият эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган биргаликдаги фаолият.

496. Жамоага хос умумий хусусиятлар нималардан иборат?

Жамоага хос умумий хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

1. Ижтимоий аҳамиятли ягона мақсаднинг мавжудлиги.
2. Биргаликдаги умумий фаолиятнинг ташкил этилиши.
3. Мажбурий, масъулиятли муносабатнинг йўлга қўйилиши.
4. Сайланган умумий раҳбарий органга эгалик.

497. Жамоанинг расмий тузилиши деганда нима назарда тутилади?

Жамоанинг расмий тузилиши деганда жамоа фаолиятининг турли кўринишларини амалга ошириш учун зарур бўладиган ташкилий жиҳатлари

назарда тутилади.

498. Жамоанинг норасмий тузилмаси нимани ифодалайди?

Жамоанинг норасмий тузилмаси жамоанинг барча аъзолари ўртасидаги шахслараро маънавий-психологик муносабатларнинг умумий тизимини, микрогуруҳни ташкил қиладиган аъзолар ўртасида танлаш муносабатлари мавжудлигини ифодалайди. Ҳар бир аъзо жамоадаги муносабатлар тизимида у ёки бу ўринни эгаллайди. Ўқувчининг жамоадаги ўрни унинг шахс сифатида шаклланиши ва камолотга эришишига муҳим таъсир кўрсатади.

499. Таълим муассасаси таркибидаги энг барқарор бўғин нима?

Таълим муассасаси таркибидаги энг барқарор бўғин – бу муайян гуруҳлар негизида шаклланган жамоалар саналади. Таълим муассасаларида икки муҳим бўғин: ўқитувчилар жамоаси ва ўқувчилар жамоаси мавжуд бўлади.

500. Ўқувчилар жамоаси нима?

Ўқувчилар жамоаси – бу ўқувчилардан ташкил топиб, ижтимоий аҳволи, сайлов органлари олдидаги умумий жавобгарлик, барча аъзоларнинг ҳуқуқ ва бурчлар тенглиги асосида ўзаро ижтимоий аҳамиятли умумий мақсад ва бирликка эга бўлган гуруҳ ҳисобланади.

501. Ўқувчилар жамоаси учун қандай хусусиятлар хос?

Ўқувчилар жамоаси учун қуйидаги хусусиятлар хосдир:

- 1) ўқувчиларнинг жамоавий фаолиятга тайёрликлари, рухий тетикликка эгаликлари;
- 2) жамоа учун аҳамиятли бўлган қадриятлар моҳиятини англаш, уларни ардоқлаш ва ўз кадр-қимматини баҳолаш;
- 3) жамоа аъзолари ўртасида дўстлик, ўзаро бирлик, ҳамжиҳатлик ва ёрдам кўрсатиш туйғусининг қарор топганлиги;
- 4) жамоадаги ишчанлик, умумий фаолиятни ташкил этишда фаоллик кўрсатиш;
- 5) жамоа аъзоларида ўз ҳиссий туйғуларини бошқара олиш, муомала, мулоқот, нутқ, юриш-туриш қоидаларига амал қилиш кўникмасининг шаклланганлиги.

502. Ўқувчилар жамоасининг шаклланиши неча босқичда кечади?

Ўқувчилар жамоасининг шаклланиши тўрт босқичда кечади.

503. Ўқувчилар жамоаси шаклланишининг биринчи босқичи ўзида қандай хусусиятларни намоён қилади?

Жамоа ривожланишининг биринчи босқичида талаб фақат ўқитувчилар томонидан қўйилади. Бу жамоа ривожланишининг бошланғич нуктасидир. Бу босқичда жамоа ҳали тарбияловчи таъсирга эга бўлмай, балки “ташкил этувчи бирлик” (гуруҳ) ҳисобланади. Бу босқичда ўқувчилар ўқитувчи томонидан талабларнинг қўйилишига эътиборсиз қарайдилар. Жамоа аъзоларининг

узлуксиз ижодий фаолиятини ташкил қилиш ва уларни ягона мақсад атрофида бирлаштиришга эришиш орқали жамоа қарор топади.

Жамоа ҳаётининг биринчи босқичида жамоа фаоли (активи)нинг пайдо бўлиши бу давр учун характерли ҳодисадир. Жамоа фаоли гуруҳнинг шундай аъзоларидирки, улар жамоа манфаатига мувофиқ тарзда ҳаракат қиладилар, ўқитувчи фаолияти ва талабига нисбатан хайрихоҳлик билан муносабатда бўладилар. Фаоллар ўқитувчининг яқин ёрдамчилари сифатида иш олиб борадилар.

504. Ўқувчилар жамоаси шаклланишининг иккинчи босқичида қандай педагогик ҳодиса рўй беради?

Жамоа ривожланишининг иккинчи босқичи жамоа фаолининг ўқитувчи талабини қўллаб-қувватлаши ва унинг ўзи ҳам бу талабларни жамоа аъзолари зиммасига қўйиши билан тавсифланади. Эндиликда ўқитувчи жамоада пайдо бўлган ва у билан боғлиқ муаммо, масалаларни ёлғиз ўзи ҳал қилмайди. Босқичда жамоа ҳаётини ташкил қилиш усули мураккаблашиб боради, яъни, жамоа ўз-ўзини бошқаришга ўтади.

Жамоанинг ижобий ривожланиши унинг аъзоларида мотив (рағбат)ларнинг пайдо бўлиши, ижодий ҳамкорлик, ўзаро ёрдам муносабатларининг тез суръатлар билан ривожланишига олиб келади.

Жамоада мустақил фаолиятнинг юзага келшида жамоа фаолининг роли бекиёсдир. Аммо жамоа фаолининг жамоа аъзолари орасида ҳурмат қозона олиши, уларга намуна бўлиши, ўз бурчларини аниқ ва пухта бажариши, ўз мавқеларидан ноўрин фойдаланмасликлари жуда муҳимдир. А.С.Макаренко жамоа фаолини “жамоанинг виждони” дея таърифлаган эди. Жамоа фаоли бирмунча имтиёзлар (ҳуқуқлар)га эга бўлса-да, айти пайтда унинг ўзига ҳам оширилган талабларнинг қўйилиши мақсадга мувофиқдир.

505. Ўқувчилар жамоаси шаклланишининг учинчи босқичига нималар хос?

Жамоа ривожланишининг учинчи босқичи анчагина сермахсул бўлиб, унда бутун жамоа “айрим ўзини четга олиб қолувчи, инжиқ шахс”ларга нисбатан талаб кўя бошлайди.

Бу босқичда жамоа ишига фақат фаолгина эмас, балки унинг бутун аъзолари қизиқади. Жамоа ҳаётидаги учинчи босқич, ижтимоий фикр мавжудлиги билан ифодаланади. Ўқитувчи мазкур йўналишда мақсадга мувофиқ ва изчил иш олиб борган шароитдагина ижтимоий фикрни шакллантиришга эришиши мумкин. Шу мақсадда у ёки бу тадбир режаси, жамоанинг биргаликдаги фаолияти, аъзоларнинг хатти-ҳаракати жамоа бўлиб муҳокама қилинади, турли мавзуларда суҳбатлар, маърузалар уюштирилади, ўқувчилар ўртасида самарали ахборот воситалари ёрдамида ижтимоий-ғоявий, ахлоқий, эстетик, экологик, ҳуқуқий, иқтисодий ва ҳоказо билимларнинг тарғиботи ташкил этилади.

Жамоада барқарор инсоний муносабатлар юзага келишининг сабаби – аъзоларнинг ижобий, маданий-маърифий мазмунга эга бўлган ишларни ташкил

этишда фаол иштирок этишлари саналади.

506. Ўқувчилар жамоаси шаклланишининг тўртинчи босқичи учун нималар аҳамиятли?

Жамоа ривожланишининг тўртинчи босқичи унинг барча аъзолари жамоа олдида турган вазифалар асосида ўз-ўзига талаблар қўя олишлари билан тавсифланади. Ҳар бир босқич жамоа аъзоларининг ўзларига нисбатан муайян талаб қўйиши билан характерланади, бироқ, қўйилган талаблар ўзига хос йўналиши билан (мас., ўйиндан умуминсоният бахти йўлида курашишига интилиш ўртасидаги фарқ каби) ажралиб туради.

Тўртинчи босқич жамоа аъзоларининг ўзига нисбатан юксак ахлоқий талаблар қўя олишлари билан аҳамиятлидир. Жамоанинг ҳаёти ва фаолияти жамоа аъзоларининг ҳар бири учун шахсий эҳтиёжга, жамоадаги тарбия жараёни эса ўз-ўзини тарбиялаш жараёнига айланади. Бироқ, бу ҳолат жамоанинг муайян шахсни янада ривожлантиришдаги роли, ўрнини пасайтирмайди. Тўртинчи босқичда амалга ошириладиган вазифалар анча мураккаб ва масъулиятлидир. Бу босқичда жамоа олдига истиқболли, юксак ва мураккаб талабларни қўйиш учун жуда қулай шароит яратилади.

Бир гуруҳ педагоглар ўқувчилар жамоасини унинг шаклланиш ва ривожланишига кўра қуйидаги уч босқичга ҳам ажратадилар. Яъни:

- а) жамоани дастлабки жипслаштириш;
- б) жамоани шакллантириш асосида унинг ҳар бир аъзосини индивидуал ривожлантириш;
- в) жамоанинг умумий фаолиятини йўлга қўйиш.

507. Ўқувчилар жамоасига қўйиладиган ягона педагогик талаблар нималардан иборат?

Ўқувчилар жамоасига қўйиладиган ягона талаблар ўқувчиларнинг дарс жараёни, танаффус ва синфдан ташқари ишлар вақтидаги, шунингдек, жамоат жойлари ҳамда оиладаги хулқ-атвор қоидалардан иборат бўлиб, пухта ўйланган талаблар тизимининг мунтазам амалга оширилиши мактабда муайян тартибнинг ўрнатилишини таъминлайди.

508. Педагогик талаблар қандай ҳолатларда ижобий натижа беради?

Педагогик талаблар қуйидаги ҳолатларда ижобий натижа беради:

1. Қўйилаётган талаблар ўқувчи шахсини ҳурмат қилиш туйғуси билан уйғунлашган бўлиши керак.
2. Талаблар муайян мактаб ёки синфдаги мавжуд шароитни ҳисобга олган ҳолда қўйилиши лозим.
3. Жамоага нисбатан қўйилаётган талаблар аниқ бўлиши керак.
4. Ўқувчиларнинг ташқи қиёфаси, кийиниши, юриш-туриши, муомаласига нисбатан қўйилаётган талаблар уларда маънавий маданиятни шакллантиришга хизмат қилиши шарт.

509. Ўқувчилар жамоасига педагогик талабларни қўйиш методикаси

нима?

Ўқувчилар жамоасига педагогик талабларни қўйиш методикаси улар томонидан дарс жараёни, танаффус ва синфдан ташқари ишлар вақтида, жамоат жойларида, оилада хулқ-атвор қоидаларига қатъий риоя этишларини таъминлашга ёрдам берадиган шакл, метод ва воситалар йиғиндисидир.

510. Ўқувчилар жамоасига талабларни қўйиш методикасини нималар ташкил қилади?

Ўқувчилар жамоасига талабларни қўйиш методикасини:

- 1) болаларни педагогик талаблар мазмуни билан таништириш;
- 2) педагогик талабларнинг аҳамиятини тушунтириш;
- 3) тажриба орттириш;
- 4) ўқувчилар фаолияти, қўйилаётган педагогик талабларнинг бажарилишини мунтазам назорат қилиб туришдан иборат педагогик фаолият мазмуни ташкил қилади.

511. Жамоа анъаналари нима?

Жамоа анъаналари жамоа аъзолари томонидан қўллаб-қувватланадиган барқарорлашган одатлар бўлиб, улар мазмунида жамоа аъзолари ўртасидаги муносабатлар мазмуни, хусусияти, жамоанинг ижтимоий фикри ифодаланади.

512. Жамоа анъаналарини қандай турларга ажратиш мумкин?

Жамоа анъаналарини қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

- 1) кундалик фаолият анъаналари;
- 2) байрам анъаналари.

513. Жамоанинг кундалик фаолият анъаналари нималарни ўз ичига олади?

Жамоанинг кундалик фаолият анъаналари ўқувчиларнинг ўқув фаолияти (ўзаро ёрдам турлари) ва меҳнат фаолияти (кўчатлар ўтказиш, ҳашарлар уюштириш ва бошқалар)ни ўз ичига олади.

514. Жамоанинг байрам анъаналарига нималар киради?

Жамоанинг байрам анъаналарига ижтимоий аҳамиятга эга турли воқеа ҳамда ҳодисалар билан боғлиқ саналар (хусусан, “Алифбе байрами”, “Мустақиллик байрами”, “Наврўз байрами”, “Хотира ва кадрлаш куни” ва бошқалар)ни нишонлаш мақсадида ташкил этиладиган фаолият киради.

VIII БЎЛИМ. ИЖТИМОЙ ТАРБИЯ ТУРЛАРИ

515. Ижтимоий тарбия турлари қайсилар?

Ижтимоий тарбия турлари қуйидагилардир:

1. Маънавий-ахлоқий тарбия (ватанпарварлик тарбияси; ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси; байналминал тарбия, фуқаролик тарбияси) .
2. Ақлий тарбия.

3. Жисмоний тарбия.
4. Меҳнат тарбияси.
5. Эстетик тарбия.
6. Ижтимоий-ғоявий тарбия.
7. Экологик тарбия.
8. Ҳуқуқий тарбия.
9. Иқтисодий тарбия.
10. Жинсий тарбия.

516. Маънавий-ахлоқий тарбия нима?

Маънавий-ахлоқий тарбия ўқувчилар онги, ҳаёти, турмуш тарзига муайян жамият томонидан тан олинган ва риоя қилиниши зарур бўлган тартиб, одоб, ўзаро муносабат, мулоқот ва хулқ-атвор қоидалари, мезонларни сингдириш жараёни.

517. Маънавий-ахлоқий тарбияни ташкил этишда қандай мақсад кўзланади?

Маънавий-ахлоқий тарбияни ташкил этишда ўқувчиларни ижтимоий-ахлоқий меъёрлар мазмунидан хабардор этиш, уларга ахлоқий меъёрларнинг ижтимоий аҳамиятини тушунтириш, уларда ижтимоий-ахлоқий меъёрлар (талаб ва таъқиқлар)га нисбатан ҳурмат ҳиссини қарор топтириш асосида ахлоқий онг ва маданиятни шакллантириш мақсади кўзланади.

518. Маънавий-ахлоқий тарбияни ташкил этиш жараёнида қандай вазифалар бажарилади?

Маънавий-ахлоқий тарбияни ташкил этиш жараёнида қуйидаги вазифалар бажарилади:

1. Ўқувчиларни одоб-ахлоқ қоидалари ва ижтимоий ахлоқ меъёрлари билан таништириш.
2. Ўқувчиларларда маънавий-ахлоқий онгни шакллантириш.
3. Ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий ҳис-туйғуларини тарбиялаш ва ривожлантириш.
4. Ўқувчиларда маънавий-ахлоқий сифат (ота-онани, катталарни ҳурмат қилиш, кичикларга иззат кўрсатиш, меҳнатсеварлик, билим олишга интилиш, камтарлик, ҳалоллик, ростгўйлик, олийжаноблик, мурувватлилик, раҳмдиллик, моддий ва маънавий неъматларни асраш, келажакка ишонч билан қараш ва ҳ.о.)ларни тарбиялаш.
5. Ўқувчиларда маънавий-ахлоқий хулқ-атвор кўникма, малака ва одатларини таркиб топтириш.

519. Ахлоқий меъёр нима?

Ахлоқий меъёр жамият томонидан тан олинган бўлиб, унинг аъзолари томонидан бажарилиши мажбурий-ихтиёрий бўлган қоида ҳисобланади.

520. Ахлоқ нима?

Ахлоқ (лотинча “moralis” – хулқ-атвор) ижтимоий онг шаклларида бири бўлиб, ижтимоий муносабатлар ва шахс хатти-ҳаракатини тартибга солувчи, муайян жамият томонидан тан олинган, риоя қилиниши зарур бўлган тартиб, одоб, ўзаро муносабат, мулоқот, хулқ-атвор қоидалари, мезонларининг мажмуи саналади.

521. Ахлоқий одат нима?

Ахлоқий одат – ахлоқий хатти-ҳаракатларнинг мукаммалаштиришга бўлган эҳтиёж бўлиб, у ўқувчиларда қулай вазиятларда ижобий мазмунга эга хатти-ҳаракатларнинг изчил, доимий, тизимли такрорланиши ҳисобига ҳосил бўлади.

522. Ахлоқий онг нима?

Ахлоқий онг – ижтимоий онг шаклларида бири бўлиб, жамият томонидан тан олинган ва риоя қилиниши зарур бўлган хулқ-атвор қоидалари, мезонлари, миллий истиқлол ғоясининг ўқувчилар онгида акс этиши.

523. Шахсга хос қандай сифатлар маънавий-ахлоқий сифатлар деб юритилади?

Шахснинг табиий ва ижтимоий борлиққа, ўзига ҳамда атрофдагиларга ижобий муносабатини, шахслараро муносабатда ахлоқий меъёрларга қатъий амал қилишини ифодаловчи сифатлар маънавий-ахлоқий сифатлар деб юритилади.

524. Қандай сифатлар маънавий-ахлоқий сифатлар саналади?

Хушмуомалалик, ахлоқлилик, меҳнатсеварлик, камтарлик, меҳрибонлик, раҳмдиллик, саховатлилик, оққўнгиллилик, бағрикенглик, ватанпарварлик, байналмилаллик, сабрлилик, билимлилик, эътиқодлилик, адолатпарварлик, ҳақиқатгўйлик, ўзгаларни тушуна олиш, муҳтожларга ёрдамга тайёрлик, катталарни ҳурмат қилиш, кичикларга иззат кўрсатиш, интизомлилик ва бошқалар маънавий-ахлоқий сифатлар саналади.

525. Шахсга хос салбий сифатлар деганда нима тушунилади?

Шахсга хос салбий сифатлар унинг табиий ва ижтимоий борлиққа, ўзига, атрофдагиларга салбий муносабатини, шахслараро муносабатда ахлоқий меъёрларга амал қилмаслигини ифодалайди.

526. Шахсга хос салбий сифатлар қаторига қандай сифатларни киритиш мумкин?

Шахсга хос салбий сифатлар қаторига қуйидаги сифатларни киритиш мумкин: ахлоқсизлик, одобсизлик, манманлик, кибрлилик, дангасалик, мақтанчоқлик, кўнгли қоралик, хасислик, ватанфурушлик, сабрсизлик, билимсизлик, эътиқодсизлик, адолатсизлик, ёлғончилик, қаҳри қаттиқлик, бераҳмлик, катталарни ҳурмат қилмаслик, кичикларга иззат кўрсатмаслик, интизомсизлик ва бошқалар.

527. Ватанпарварлик нима?

Ватанпарварлик – шахсинг ўзи мансуб бўлган миллат, туғилиб ўсган ватани тарихидан ғурурланиши, бугуни тўғрисида қайғуриши, унинг порлоқ истиқболига бўлган ишончини ифода этувчи юксак инсоний фазилат.

528. Кимни ватанпарвар дейиш мумкин?

Ватанпарвар – бу ўз Ватанини, она юртини, халқини чексиз севадиган, ватан манфаатлари учун курашадиган, бу йўлда фидоийлик кўрсатадиган шахс.

529. Ватанпарвар шахс ўзида қандай сифатларни намоён этади?

Ватанпарвар шахс ўзида қуйидаги сифатларни намоён этади:

- Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат, унга садоқат;
- ўзи мансуб бўлган миллат ўтмиши, урф-одатлари, анъаналари, қадриятларига содиқлик;
- Ватан ва миллат тарихидан ғурурланиш;
- юртнинг моддий, шунингдек, миллат томонидан яратилган маънавий бойликларини асраш, уларни кўпайтириш борасида ғамхўрлик қилиш;
- Ватан равнақи ва миллат тараққиёти йўлида меҳнат фаолиятини ташкил этиш;
- юрт озодлиги ва миллат эркига қилинаётган ҳар қандай таҳдидга қарши курашиш;
- Ватан ва миллат обрўи, шаъни, ор-номусини ҳимоя қилиш;
- юрт равнақи ва миллат тараққиётига ишониш.

530. Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси қандай моҳиятга эга?

Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси ёшларни ватан ҳимояси ва ҳарбий мудофаага тайёрлаш, уларда фавқулодда ҳолатларда ҳарбий мудофаани ташкил этиш кўникма, малакасини шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён саналади.

531. Ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг мақсади нимадан иборат?

Ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг мақсади ёшларни ватан ҳимояси ҳамда ҳарбий мудофаага тайёрлаш, уларда фавқулодда ҳолатларда ҳарбий мудофаани ташкил этиш кўникма, малакаларини шакллантиришдан иборат.

532. Ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини ташкил этиш жараёнида қандай вазифалар ҳал қилинади?

Ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини ташкил этиш жараёнида қуйидаги вазифалар ҳал қилинади:

- ўқувчиларга фуқаро мудофааси, ҳарбий билим асослари бўйича бошланғич маълумотларни бериш орқали уларда амалий кўникмаларни ҳосил қилиш;

- ўқувчиларни миллий мустақиллик, Ўзбекистон Республикасининг давлат қурилиши ва конституциявий тузумига қарши уюштирилладиган таҳдидларнинг олдини олишга тайёрлаш;
- ўқувчиларда ғоявий онглилик, терроризм, диний экстремистик ғояларга қарши нафрат туйғусини тарбиялаш;
- ўқувчиларнинг Ватан ҳимоясини таъминлашга оид ҳарбий-техник тайёргарликка эга бўлишлари учун зарур шарт-шароитни яратиш;
- ўқувчиларда фавқулодда вазиятларда тегишли чора-тадбирларни кўра олиш, қуролли хуружлардан ҳимояланиш кўникма, малакаларини шакллантириш; уларда хушёрликни ошириш ва хоказолар.

533. Байналмилаллик нима?

Байналмилаллик (“inter” – орасида, ўртасида, биргаликда, аро, “nation” – халқ) ўзга миллат ва элатларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, эрки, урф-одатлари, анъаналари, турмуш тарзи, тили, виждон эркинлигини ҳурмат қилиш, уларнинг манфаатларига зиён етказмасликни ифода этувчи шахсга хос маънавий-ахлоқий фазилатлардан биридир.

534. Байналмилаллик тарбияси қандай моҳиятга эга?

Байналмилаллик тарбияси ўқувчиларда ўзга миллат ва элатларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, эрки, урф-одатлари, анъаналари, турмуш тарзи, тили, виждон эркинлигини ҳурмат қилиш, уларнинг миллий манфаатларига зиён етказмаслик каби сифатларни шакллантиришга йўналтирилган педагогик фаолият жараёни саналади.

535. Байналмилаллик тарбиясининг мақсади нимадан иборат?

Байналмилаллик тарбиясининг мақсади ўзга миллат ва элатларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, эрки, урф-одатлари, анъаналари, турмуш тарзи, тили, виждон эркинлигини ҳурмат қилиш, уларнинг миллий манфаатларига зиён етказмаслик каби сифатларни шакллантириш, ўзга миллат ва элатларнинг вакиллари билан ўзаро дўстлик алоқаларини ўрнатишга тайёрлашдан иборат.

536. Байналмилаллик тарбиясини ташкил этиш жараёнида қандай вазифалар ҳал қилинади?

Байналмилаллик тарбиясини ташкил этиш жараёнида қуйидаги вазифалар ҳал қилинади:

- ўқувчиларни ўзга миллат ва элатларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, эрки, урф-одатлари, анъаналари, турмуш тарзи, тил хусусиятлари билан яқиндан таништириш;
- ўқувчиларга ўзга миллат ва элатларнинг тарихи, бугунги тараққиёти, умуминсоният маданиятига қўшган ҳиссаси, жаҳон цивилизациясида тутган ўрни, виждон эркинлигига оид маълумотларни бериш;
- ўқувчиларда ўзга миллат ва элатларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, эрки, урф-одатлари, анъаналари, турмуш тарзи, тил хусусиятлари, виждон эркинлигига ҳурмат, миллий манфаатларига зиён етказмаслик каби сифатларни

шакллантириш;

- ўқувчиларни ўзга миллат ва элатларнинг вакиллари билан ўзаро дўстлик алоқаларини ўрнатишга амалий жиҳатдан тайёрлаш.

537. “Ақлий тарбия” тушунчаси қандай моҳиятга эга?

Ақлий тарбия шахсда табиат, жамият, инсон тафаккури ҳақидаги билимларни ҳосил қилиш, билиш қобилияти, тафаккур, илмий дунёқарашни шакллантириш жараёни бўлиб, у юксак маънавий ва ахлоқий сифатларга эга шахсни тарбиялашда етакчи ўрин тутди.

538. Ақлий тарбия қандай мақсадга йўналтирилади?

Ақлий тарбия ўқувчиларни илм-фан, техника ва технология соҳасида эришилаётган ютуқлар, янгилик ва кашфиётлардан хабардор қилиш, ижтимоий ва табиий фанлар бўйича билимларни бериш орқали уларда тафаккур, дунёқарашни ривожлантириш мақсадини амалга оширишга йўналтирилади.

539. Ақлий тарбияни ташкил этишда қандай вазифалар ҳал қилинади?

Ақлий тарбияни ташкил этишда қуйидаги вазифалар ҳал қилинади:

1. Ўқувчиларга илмий билимларни бериш.
2. Ўқувчиларда илмий билимларни ўзлаштиришга онгли муносабатни қарор топтириш.
3. Ўқувчиларда мавжуд билимлардан амалиётда фойдаланиш кўникмаларини таркиб топтириш.
4. Ўқувчиларда ўз билимларини доимий бойитиб боришга интилиш туйғуларини шакллантириш.
5. Ўқувчиларда билимларни ўзлаштиришга ёрдам берадиган психологик қобилиятлар (нутқ, диққат, хотира, тафаккур, ижодий хаёл) ва хусусиятлар (аниқ мақсадга интилиш, қизиқувчанлик, кузатувчанлик, мустақил фикрлаш, ижодий тафаккур юритиш, ўз фикрини асослаш, мавжуд маълумотларни умумлаштириш, гуруҳлаштириш, мантиқий хулосалар чиқариш ва ҳоказолар)ни ривожлантириш.
6. Ўқувчиларга замонавий билимларни бериш асосида илмий дунёқарашни шакллантириш.

540. Қандай сифатлар шахсга хос ақлий сифатлар дейилади?

Шахс томонидан билимларнинг ўзлаштирилганлигини, маълумотга эга бўлганликни, шунингдек, унинг ақлий қобилияти даражасини ифодаловчи сифатларга ақлий сифатлар дейилади.

541. Шахсда қандай ақлий сифатлар намоён бўлади?

Шахсда билимдонлик, зукколик, топқирлик, тезкор фикрлаш, тасаввурнинг бойлиги, ижодкорлик, гениаллик, бой дунёқарашга эгалик каби ақлий сифатлар намоён бўлади.

542. Жисмоний тарбия нима?

Жисмоний тарбия ўқувчиларда жисмоний-иродавий сифатларни шакллантириш, уларни ақлий, жисмоний жиҳатдан меҳнат ва Ватан мудофасига тайёрлашга йўналтирилган жараён саналади.

543. Жисмоний тарбияни ташкил этишда қандай мақсад кўзланади?

Жисмоний тарбияни ташкил этишда ўқувчиларнинг ўз соғлиқларини сақлаш ва мустаҳкамлаш, организмни чиниқтириш, жисмоний жиҳатдан тўғри ривожланиш, унинг ишчанлик қобилиятини ошириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш туйғуларини тарбиялаш, уларда янги ҳаракат турлари борасида кўникма, малакаларни ҳосил қилиш, уларни махсус билимлар билан қуроллантириш, ўқувчиларнинг ёши, жинсига мувофиқ келадиган (куч, тезкорлик, чاقқонлик, чидамлик, сабот, меҳнат, чидам, ирода, характерни қарор топтириш каби) жисмоний сифатларни ривожлантириш, шахсий гигиенани сақлашга нисбатан онгли муносабатларни тарбиялаш мақсади кўзланади.

544. Жисмоний тарбияни ташкил этиш жараёнида қандай вазифалар ҳал қилинади?

Жисмоний тарбияни ташкил этиш жараёнида қуйидаги вазифалар ҳал қилинади:

- ўқувчилар соғлиғини мустаҳкамлаш, уларни жисмонан ривожлантириш;
- ўқувчиларнинг ақлий ва жисмоний иш қобилиятларини ошириш;
- ўқувчиларда табиий ҳаракатчанликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш;
- ўқувчиларни ҳаракатнинг янги турларига ўргатиш;
- ўқувчиларда иродавий сифатлар (куч, чакқонлик, дадиллик, чидамлик, қатъиятлик ва б.ш.)ни ривожлантириш;
- ўқувчиларда ахлоқий сифатлар (интизомлик, масъулиятлик, жамоа билан бўлиш каби)ни тарбиялаш;
- ўқувчиларда жисмоний тарбия ва спорт билан доимий, мунтазам шуғулланиш эҳтиёжини шакллантириш;
- ўқувчининг жисмонан соғлом бўлишини таъминлаш, шахсий гигиена қоидаларига амал қилишга одатлантириш, ўз соғлиғига онгли муносабатни тарбиялаш.

545. Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида ёш авлодни жисмонан соғлом бўлишини таъминловчи қандай тизим ишлаб чиқилди?

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида ёш авлодни жисмонан соғлом бўлишини таъминловчи уч босқичли тизим ишлаб чиқилди. Яъни:

1. “Умид ниҳоллари” спорт мусобақаси (умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилар ўртасида ташкил этилади).
2. “Баркамол авлод” спорт мусобақаси (ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларининг ўқувчилари ўртасида ташкил этилади).
3. “Универсиада” спорт мусобақаси (олий ўқув юртларининг талабалари ўртасида ташкил этилади).

546. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ташкил этиладиган жисмоний тарбия қандай ўзига хос характер касб этади?

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ташкил этиладиган жисмоний тарбия унинг чақириққа қадар бошланғич тайёргарлик билан боғлиқлигига кўра ўзига хос характер касб этади.

547. Ўқувчиларнинг жисмоний маданият (камолот)га эришганлик даражасини қандай мезонлар асосида белгилаш мумкин?

Ўқувчиларнинг жисмоний маданият (камолот)га эришганлик даражасини қуйидаги мезонлар асосида белгилаш мумкин:

- 1) жисмоний ҳаракат кўникмаларига эгалик;
- 2) жисмоний меҳнат қилиш қобилиятининг ривожланганлиги;
- 3) жисмоний камолотнинг акс этиши;
- 4) ўқувчилар томонидан жисмонан ривожланган идеалнинг танланганлиги ва ундан намуна олиш йўлида амалий ҳаракатларнинг ташкил этилаётганлиги.

548. Қандай сифатлар шахснинг жисмоний камолотга эгалигини ифодалайди?

Чاقқонлик, эпчиллик, чопқирлик, эгилувчанлик, кучлилик, чидамлилик, сабрлилик, иродалилик, кучли характерга эгалик каби сифатлар шахснинг жисмонан камолотга етганлигини ифодалайди.

549. Гигиена нима?

Гигиена – ташқи муҳитнинг инсон организмига таъсирини, таъсир кўрсатувчи омилларни, уларни билиш асосида касалликларнинг олдини олиш, соғлиқни сақлаш чоралари ва қоидалари тўғрисида маълумот беради.

550. Меҳнат тарбияси нима?

Меҳнат тарбияси шахсга меҳнатнинг моҳиятини чуқур англаштириш, уларда меҳнат ва меҳнат фаолиятига онгли муносабатни, шунингдек, муайян ижтимоий-фойдали ҳаракат ёки касбий кўникма, малакаларни шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён.

551. Меҳнат тарбиясини ташкил этиш қандай мақсадга йўналтирилади?

Меҳнат тарбиясини ташкил этиш шахсда меҳнат ва меҳнат фаолиятига ижобий муносабатни шакллантириш мақсадини амалга оширишга йўналтирилади.

552. Таълим муассасаларида меҳнат тарбиясини ташкил этишда меҳнатнинг қандай турларидан фойдаланилади?

Таълим муассасаларида меҳнат тарбиясини ташкил этишда меҳнатнинг қуйидаги турларидан фойдаланилади:

- 1) ўқув меҳнати;
- 2) ижтимоий-фойдали меҳнат;
- 3) ўз-ўзига хизмат кўрсатиш;

4) ишлаб чиқариш меҳнати.

553. Ўқув меҳнати нима?

Ўқув меҳнати – ўқувчилар томонидан илмий билимлар, ўқув фанлари асосларини ўзлаштириш орқали уларни амалиётга татбиқ этишга доир кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган амалий фаолияти.

554. Ижтимоий-фойдали меҳнат нима?

Ижтимоий-фойдали меҳнат ўқувчилар гуруҳи (жамоаси) томонидан ташкил этилиб, ижтимоий аҳамият касб этгани ҳолда бевосита шахсни ҳар томонлама камол топтириш, унинг муайян ижтимоий эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган меҳнат фаолиятининг алоҳида тури саналади.

555. Ўқувчилар ижтимоий-фойдали меҳнатини ташкил этишда қандай шакллардан фойдаланиш мумкин?

Ўқувчилар ижтимоий-фойдали меҳнатини ташкил этишда синф хонаси ёки ошхонада навбатчиликни ташкил қилиш, хашарлар, меҳнат байрами, кўкаламзорлаштириш, мактаб биносини таъмирлаш, фермер ҳамда жамоа хўжаликларида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини йиғиб олишда деҳқонларга кўмаклашиш каби шакллардан самарали фойдаланиш мумкин.

556. Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш нима?

Ўз-ўзига хизмат – бу ўқувчилар томонидан оилада, таълим муассасасида, омма учун хизмат кўрсатиладиган муассасаларда ўз эҳтиёжларини қондириш, шунингдек, зиммаларидаги вазифаларни адо этиш мақсадида ташкил этиладиган меҳнат фаолиятидир.

557. Ўз-ўзига хизмат кўрсатишнинг қандай кўринишлари мавжуд?

Ўз-ўзига хизмат кўрсатишнинг энг оддий кўринишлари умумий овқатланиш муассасаларида ходимлар хизматидан фойдаланмаслик, оилада ётоқхонани тартибга келтириш, кийим-кечакларни озода, ўқув қуролларини эса тартибли сақлаш, шахсий гигиена қоидаларига амал қилиш йўлида муайян ҳаракатларни бажариш кабилар саналади.

558. Ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш меҳнати нима?

Ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш меҳнати таълим муассасаларида ўқувчиларни муайян йўналишлар бўйича касб ёки ҳунар асосларидан хабардор қилиш, уларда амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш йўлида олиб борилаётган педагогик фаолият кўринишларидан бири ҳисобланади.

559. Ўқувчиларни касб танлашга йўналтириш қандай фаолият саналади?

Ўқувчиларни касб танлашга йўналтириш таълим муассасаларида ташкил этиладиган педагогик фаолият ҳамда ўқувчилар ишлаб чиқариш меҳнатининг асосий йўналишларидан бири бўлиб, унга кўра ўқувчилар муайян касб ёки

хунар борасидаги билим, кўникма, малакалар билан қуроллантириладилар.

560. Эстетик тарбия нима?

Эстетик тарбия (лотинча “aisthetes” – ҳис қиламан) шахсни ижтимоий воқелик, табиат ва меҳнат муносабатлари, турмуш гўзалликларини англаш, идрок этиш, тўғри тушунишга ўрганиш, унинг эстетик дидини ўстириш, гўзалликка муҳаббат уйғотиш, гўзалликни яратиш қобилиятларини тарбиялаш жараёни ҳисобланади.

561. Эстетик тарбиянинг мақсади нимадан иборат?

Эстетик тарбиянинг мақсади шахснинг табиий ва ижтимоий борлиқ, воқелик, маиший турмуш, меҳнатга эстетик муносабатини шакллантиришдан иборат.

562. Эстетик тарбияни ташкил этишда қандай вазифалар ҳал қилинади?

Эстетик тарбияни ташкил этишда қуйидаги вазифалар ҳал қилинади:

- ўқувчиларга ижтимоий воқелик, табиат ва меҳнат муносабатлари, турмуш гўзалликлари, уларни англаш тўғрисидаги билимларни бериш;

- ўқувчиларда ижтимоий воқелик, табиат ва меҳнат муносабатлари, турмуш гўзаллигини англаш, ҳис қилиш қобилиятини тарбиялаш;

- ўқувчиларда мавжуд гўзалликларни қадрлаш ҳисси, эстетик дидни шакллантириш, гўзалликка муҳаббат уйғотиш;

- ўқувчиларда гўзалликни яратиш эҳтиёжини қарор топтириш, эстетик қобилият ва маданиятни шакллантириш.

563. Эстетик қизиқиш нима дегани?

Эстетик қизиқиш – шахснинг эстетик фаолиятни ташкил этишга, воқелик ва санъат асарларини эстетик жиҳатдан ўзлаштиришга киришиши.

564. Эстетик эҳтиёж нима?

Эстетик эҳтиёж – шахснинг воқеликни эстетик жиҳатдан билиб олишга ундовчи субъектив омил (ички интилиш).

565. Эстетик ҳис-туйғу қандай маънони англатади?

Эстетик ҳис-туйғу – шахснинг воқеликка, кишиларга, ўз фаолиятига муносабати.

566. Эстетик дид нима?

Эстетик дид – эстетик ахборотлар оқими, эстетик ва ахлоқий меъёрлар йиғиндиси орқали шаклланиб, шахснинг буюм, ҳодисаларга эстетик баҳо беришида яққол намоён бўладиган ҳодиса.

567. Эстетик мулоҳаза нима?

Эстетик мулоҳаза – шахснинг аниқ бир эстетик ҳодисага муносабатини билдирадиган ақлий ҳаракати.

568. Эстетик идеал деганда нимани тушуниш мумкин?

Эстетик идеал – субъект билан объект, инсон билан ижтимоий борлик бутунлигининг тарихан энг тўлиқ узвий бирлиги бўлиб, бу бирлик туб мақсадлар сифатида шахс ижодий кучларининг эркин ва ҳар томонлама ривожланишида ўз ифодасини топади.

569. Эстетик қараш нима?

Эстетик қараш – эстетик онгнинг ғоявий негизи, табиат, ҳаёт, санъат моҳияти ҳақидаги эстетик фикр-мулоҳазалар ва ғоялар тизими.

570. Эстетик идрок нима?

Эстетик идрок – бу ижтимоий воқелик, буюм, ходисаларнинг гўзаллигини онгда яхлит акс этиши бўлиб, у гўзаллик ҳис этилганда юзага келади ва аниқ мақсадга йўналтирилади.

571. Эстетик онг нима?

Эстетик онг – шахсга назарий тушунчалар бериш асосида предмет, буюм, воқелик ва ходисалар моҳиятини эстетик баҳо баҳолай олиш имконини яратадиган ҳис-туйғулар, сезгилар, тасаввур ва қарашлар шакли.

572. Эстетик онг нималардан таркиб топади?

Эстетик онг эстетик ҳис-туйғу, эстетик идрок, эстетик билим, эстетик мулоҳаза, эстетик баҳо, эстетик дид, эстетик идеал кабилардан таркиб топади.

573. Эстетик фаолият кўникмалари деб нимага айтилади?

Эстетик фаолият кўникмалари деб эстетик эҳтиёжларни кондирриш йўлида муайян хатти-ҳаракатни амалга оширишга имкон берадиган кўникмаларга айтилади.

574. Эстетик маданият нима?

Эстетик маданият – бу гўзалликни ҳис этиш, ундан завқланиш, мавжуд гўзалликларни асраш ва бойитиш йўлида ўзлаштирилган билим, амалга ошириладиган эстетик фаолият сифат даражасини белгиловчи кўрсаткич.

575. Ўқувчиларнинг эстетик маданиятга эгалиklarини қандай мезонларга кўра аниқлаш мумкин?

Ўқувчиларнинг эстетик маданиятга эгалиklarини қуйидаги мезонларга кўра аниқлаш мумкин:

- эстетик билимларнинг таркиб топганлиги;
- эстетик маданиятнинг тарбияланганлиги;
- эстетик ва маданий мерос намуналаридан хабардор бўлиш;
- эстетик туйғунинг ривожланганлиги;
- ижтимоий ҳаёт, табиат ва меҳнат гўзалликларини ҳис этиш;
- гўзалликка интилиш эҳтиёжининг ривожланганлиги;

- эстетик идеалнинг шаклланганлиги;
- фикрлаш, фаолият, хатти-ҳаракат ва ташқи кўринишда гўзал бўлишга интилиш.

576. Эстетик тарбиянинг асосий воситаларини нималар ташкил этади?

Эстетик тарбиянинг асосий воситаларини табиат, меҳнат, маданий-маиший турмуш шарт-шароитлари, инсоний муносабатлар ва маданият (шу жумладан, санъат) ташкил этади.

577. Иқтисодий тарбия нима?

Иқтисодий тарбия ўқувчиларга иқтисодий билимларни бериш орқали уларда иқтисодий фаолият (оила бюджетини шакллантириш, оила хўжалигини юритиш, мавжуд моддий бойликларни асраш, кўпайтириш, савдо-сотик муносабатларини тўғри йўлга қўйиш кабилар)ни ташкил этиш кўникма, малакаларини шакллантиришдан иборат бўлиб, ижтимоий тарбиянинг муҳим таркибий қисми саналади.

578. Иқтисодий тарбиянинг мақсади нимадан иборат?

Иқтисодий тарбиянинг мақсади ўқувчиларга назарий ва амалий иқтисодий билимларни бериш асосида уларни иқтисодий муносабатлар жараёни ҳамда иқтисодий фаолиятни самарали ташкил этишга тайёрлашдан иборат.

579. Иқтисодий тарбияни ташкил этиш жараёнида қандай вазифалар ҳал қилинади?

Иқтисодий тарбияни ташкил этиш жараёнида қуйидаги вазифалар ҳал қилинади:

- ўқувчиларга иқтисодий билим асослари (иқтисод, оила хўжалигини юритиш ва бошқариш, ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш, ишлаб чиқаришни молиялаштириш, капитал, тадбиркор, тадбиркорлик фаолияти, кичик ва ўрта бизнес, ижара, шартномалар ва уларни тузиш, банклар, банк операциялари, бюджетни шакллантириш, даромад, банкрот, бизнес-режа ва бошқалар)ни бериш;

- ўқувчиларда иқтисодий онг ва тафаккур, мавжуд моддий бойликларга нисбатан оқилона муносабатни тарбиялаш;

- касбий ёки ишлаб чиқариш малакаларини шакллантириш, уларни иқтисодий ишлаб чиқариш жараёнига фаол жалб этиш;

- ўқувчиларда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишга нисбатан эҳтиёж ва лаёқатни юзага келтириш;

- ўқувчилар томонидан тадбиркорлик фаолиятининг йўлга қўйилишига эришиш.

580. Иқтисодий тарбия самарадорлиги қандай таъминланади?

Иқтисодий тарбия самарадорлиги иқтисодий мавзулардаги суҳбат, баҳс-мунозара, тренинг, ишлаб чиқариш илғорлари билан учрашув, ишлаб чиқариш корхоналарига уюштириладиган экскурсия, ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш борасидаги ижодий қобилиятларини намойиш этишга имкон берувчи кўрик-

танлов, иқтисодий мавзуларга оид конференция, семинар, мунозара, тадбиркорлик ёки муайян касбий фаолиятни ташкил этиш кўникмаларини шакллантирувчи ишчанлик ўйинларини ташкил этиш асосида таъминланади.

581. “Экология” тушунчаси қандай мазмунга эга?

“Экология” (грекча “oikos” – турар-жой, макон, “logos” – фан) тушунчаси тирик организмларнинг ўзаро ва табиий муҳит билан, хусусан, инсон ва биосфера ўртасидаги муносабатларнинг ўрганилишини ифодалайди. Кўп ҳолатларда бу тушунча табиий муҳит ҳолати, унга ижтимоий субъектлар томонидан кўрсатиладиган кескин, табиий жараёнларни ўзгартириб юборадиган таъсир моҳиятини ифодаловчи тушунча сифатида қўлланилади.

582. “Экология” тушунчаси ким томонидан асосланган?

“Экология” тушунчаси немис олими Э.Геккел томонидан асосланган.

583. Экологик тарбия қандай моҳиятни ифодалайди?

Экологик тарбия ўқувчиларга дастлабки экологик билимларни бериш, мавжуд экологик билимларини бойитиш, уларда табиат ва атроф-муҳит муҳофазасини ташкил этиш кўникма, малакаларини шакллантиришга қаратилган педагогик жараён саналади.

584. Экологик таълим нима?

Экологик таълим ўқувчига аниқ мақсадга мувофиқ, изчил, тизимли ва узлуксиз равишда назарий экологик билимларни беришга йўналтирилган таълимий жараён.

585. Экологик тарбия қандай мақсадни кўзлайди?

Экологик тарбия ўқувчиларга экологик билимлар бериш асосида шахс, жамият ва табиат бирлиги ҳамда алоқадорлигини ўқувчиларга тушунтириш, уларда экотизимнинг инсон, инсоният, жамият тараққиётидаги муҳим ўрни, аҳамияти тўғрисидаги тушунчаларни қарор топтириш, табиатга нисбатан эҳтиёткорона, масъулият билан муносабатда бўлиш, табиатни асраш тўғрисида ғамхўрлик қилиш туйғуларини қарор топтириш, экологик маданиятни шакллантириш мақсадини кўзлайди.

586. Экологик фаолият нима?

Экологик фаолият экологик билимларга таянилган ҳолда табиат ва атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш борасида амалга оширилаётган хатти-ҳаракатлар мажмуи.

587. Экологик онг нима?

Экологик онг табиат ва атроф-муҳитнинг мавжуд ҳолати, уларни муҳофаза этиш борасидаги тушунчаларнинг онгдаги ифодаси бўлиб, у мураккаб ижтимоий-психологик ҳодиса сифатида намоён бўлади.

588. Экологик маданият нима?

Экологик маданият ўқувчининг ижтимоий талабларга мувофиқ табиат ва атроф-муҳит муҳофазасини ташкил этиш қобилияти.

589. Экологик тарбияни ташкил этиш жараёнида қандай вазифалар ҳал этилади?

Экологик тарбияни ташкил этиш жараёнида қуйидаги вазифалар ҳал этилади:

1. Ўқувчиларга экологик билимларни бериш ва уларни мустаҳкамлаш.
2. Ўқувчиларнинг табиат, атроф-муҳит экологияси тўғрисидаги тасаввурларини бойитиш.
3. Ўқувчиларда табиат, атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш ижтимоий зарурият эканлиги тўғрисидаги эътиқодни шакллантириш.
4. Ўқувчиларда экологик фаолият кўникма, малакаларини тарбиялаш, уларнинг табиат, атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш жараёнида фаол иштирок этишларига эришиш.

590. Жинсий тарбия нима?

Жинсий тарбия – болалар, ўсмирлар, ёшларда жинс масалаларига нисбатан тўғри муносабатни шакллантиришга қаратилган тиббий, педагогик тадбирлар тизимига кўра ташкил этиладиган жараён.

591. Жинсий тарбиянинг асосий ғояси нимадан иборат?

Жинсий тарбиянинг моҳияти ўқувчиларда жинс масалаларига тўғри муносабатни шакллантириш, уларни никоҳ ва оилага самарали тайёрлашдан иборат.

592. Жинсий тарбия қандай мақсадни кўзлайди?

Жинсий тарбиянинг мақсади ёш авлодни жинс сифатида тўғри, соғлом бўлиб шаклланишларини таъминлаш, уларни никоҳ ва оилага самарали тайёрлашдан иборат.

593. Жинсий тарбияни ташкил этиш жараёнида қандай вазифалар ҳал қилинади?

Жинсий тарбияни ташкил этиш жараёнида қуйидаги вазифалар ҳал қилинади:

- ўқувчиларга жинсларнинг физиологик, жисмоний, ижтимоий жиҳатдан тўғри шаклланиш, шахсий гигиена қоидаларига оид билимлар билан таништириш;
- ўқувчилар томонидан турли жинс вакиллари ўртасидаги муносабатлар моҳиятини тўғри англаб етилишини, уларнинг жинс сифатида тўғри ва соғлом бўлиб камолга етишларини таъминлаш;
- ўқувчиларнинг турли жинслар ўртасидаги муносабатларнинг маънавий-ахлоқий, руҳий жиҳатларига оид, шунингдек, шахсий гигиенанинг аҳамияти борасидаги тасаввурларини бойитиш;

- ўқувчиларда турли жинслар ўртасидаги муносабатларни ташкил этишга ахлоқий, масъулиятли ёндашув, ижобий муносабат, репродуктив маданиятни шакллантириш;

- ўқувчиларда шахсий гигиена қоидаларига қатъий риоя қилиш, ўзининг, яқинларининг саломатликларини сақлаш кўникма, малакаларини ҳосил қилиш;

- ўқувчиларни никоҳ ва оилага самарали тайёрлаш.

594. Ҳуқуқий тарбиянинг моҳияти нимадан иборат?

Ҳуқуқий тарбия шахс томонидан ўзлаштирилган назарий-ҳуқуқий билимлар негизида ҳуқуқий фаолиятни ташкил этиш борасидаги кўникма, малакаларни ҳосил қилиш, унда ижобий мазмундаги ҳуқуқий сифатларни қарор топтириш, ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён ҳисобланади.

595. Ҳуқуқий тарбия қандай мақсадни кўзлайди?

Ҳуқуқий тарбия ўқувчиларга ҳуқуқий билимларни бериш орқали уларда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш мақсадини кўзлайди.

596. Ҳуқуқий тарбияни ташкил этиш жараёнида қандай вазифалар ҳал этилади?

Ҳуқуқий тарбияни ташкил этиш жараёнида қуйидаги вазифалар ҳал этилади:

- ўқувчиларга ҳуқуқий меъёрлар, қонунлар, ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар, уларнинг ижтимоий аҳамияти тўғрисидаги маълумотларни бериш;

- ўқувчиларда ҳуқуқий билимларни эгаллашга бўлган эҳтиёжни ҳосил қилиш;

- ўқувчиларда ҳуқуқий онгни шакллантириш;

- ўқувчиларда ҳуқуқий фаолият кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш;

- ўқувчиларда ҳуқуқий маданият (ҳуқуқий тасаввур, ҳуқуқий идрок, ҳуқуқий саводхонлик, ҳуқуқий тафаккур, ҳуқуқий масъуллик, ҳуқуқий фаоллик, ҳуқуқий эътиқод, ҳуқуқий салоҳият)ни, ҳуқуқий маданият элементлари (ҳуқуқий меъёр, қонунларнинг ижтимоий аҳамиятини тўғри баҳолаш, ижтимоий ҳаракат ва ҳаракатсизликнинг қонуний бўлишига эришиш, давлат Конституцияси ва рамзларини, фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини ҳурмат қилиш, юридик хизматларга нисбатан эҳтиёжни қарор топтириш, ҳар қандай кўринишдаги ҳуқуқбузарликларга қарши муросасиз курашни ташкил этиш кабилар)ни шакллантириш.

597. Ҳуқуқий таълим нима?

Ҳуқуқий таълим – ўқувчиларга ҳуқуқий меъёрлар, қонунлар, ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида тизимланган билимларни бериш, уларда ҳуқуқий билимларни эгаллашга бўлган эҳтиёжни юзага келтириш, ҳуқуқий онгни шакллантириш жараёни.

598. Ҳуқуқий маданият нима?

Ҳуқуқий маданият шахс томонидан ҳуқуқий билимларнинг самарали ўзлаштирилиши ва ҳуқуқий фаолиятни самарали ташкил этиш даражасининг сифат кўрсаткичи.

599. Ўзбекистон Республикасининг “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури” қачон қабул қилинган?

Ўзбекистон Республикасининг “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури” 1997 йил 29 августда қабул қилинган.

600. Фуқаролик тарбиясининг моҳияти нимадан иборат?

Фуқаролик тарбияси – бу ўқувчиларда юксак даражадаги фуқаролик маданиятини шакллантириш, уларни халқ, Ватан, жамият манфаатлари учун курашувчи фуқаро сифатида тарбиялашга қаратилган педагогик жараён саналади.

601. Фуқаролик тарбияси қандай мақсадни ифодалайди?

Фуқаролик тарбияси ўқувчиларга фуқаронинг бурч ва мажбуриятлари, ҳуқуқлари тўғрисидаги билимларни бериш асосида уларда фуқаролик маданиятини шакллантириш мақсадини ифодалайди.

602. Фуқаро ким?

Фуқаро фуқаролиги ҳуқуқий жиҳатдан эътироф этилган ҳамда муайян жамият (давлат) аъзоси бўлган шахсдир.

603. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг фуқаролик бурчлари нималардан иборат?

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг фуқаролик бурчлари Конституция ва қонунларда кўзда тутилган талабларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни, кадр-қимматини ҳурмат қилиш; Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий-маданий меросини авайлаб асраш; фуқаролар табиий атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш; қонунлар билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлаш; Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш кабилардан иборат.

604. Фуқаролик нима?

Фуқаролик ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларга онгли риоя этиш, маълум ҳуқуқлардан фойдаланиш, бурчларни бажаришга масъуллик билан ёндашиш, меҳнат жараёни ва жамоадаги фаоллик, маънавий етуклик асосида муайян давлатга мансублик.

605. Фуқаролик тарбиясини ташкил этишда қандай вазифалар ҳал қилинади?

Фуқаролик тарбиясини ташкил этишда қуйидаги вазифалар ҳал қилинади:

1. Ёш авлодни жамиятда устувор бўлган ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрларга риоя этишга ўргатиш.

2. Ўқувчиларга фуқаролик ҳуқуқ, бурчлари тўғрисида маълумотлар бериш, уларда фуқаролик фаолияти кўникма, малакаларини ҳосил қилиш.

3. Ўқувчиларда давлат рамзларига нисбатан ҳурмат-муҳаббатни қарор топтириш, Ўзбекистон Республикаси Президенти шаъни, ор-номусини ҳимоя қилишга тайёрлик ҳиссини шакллантириш.

4. Ўқувчиларда халқ ўтмиши, миллий қадриятларга муҳаббат ҳиссини уйғотиш, улардан ғурурланиш, фахрланиш, ифтихор туйғуларини ривожлантириш.

5. Ватан, халқ, миллат ишига содиқлик, ўз манфаатларини юрт манфаатлари билан уйғунлаштира олишга эришиш, фидоий фуқарони тарбиялаб вояга етказиш.

6. Ватан, юрт озодлиги, мустақиллигини эъзозлайдиган, уни ҳимоя қилишга тайёр фуқароларни тарбиялаш.

606. Рамзлар нима?

Рамзлар – бу шартли белгилар бўлиб, улар қадим даврлардаёқ турли халқларда у ёки бу ҳодиса, олам, мавжудот, одамлар тасвирини, уларнинг қарашларини ифодалаган.

607. Қандай рамзлар давлат рамзлари саналади?

Муайян миллат, элатнинг этнопсихологик хусусиятлари, қарашлари, орзу-умидлари, интилишлари, ижтимоий мақсади, ҳудудий, ижтимоий-ғоявий бирлиги моҳиятини англатишга хизмат қиладиган тасвирий белгилар давлат рамзлари саналади. Маълум давлатнинг байроғи, герби (тамғаси), мадҳияси давлат рамзлари мажмуини ифодалайди.

Давлат рамзлари ўзларида чуқур сиёсий ва ижтимоий-ғоявий мазмунни ифода этади. Давлат рамзлари (байроқ, герб)да тасвирланган ранглар, тасвирлар муайян халқ, миллат ўтмиши, қадим анъаналари, халқнинг турмуш тарзи, орзу-умидлари, мақсади, ҳаётини интилишларини ифода этишга хизмат қилади. Давлат мадҳиясида эса халқ, миллат, давлат, жамиятнинг ягона мақсади, бирлиги ғоялари ифода этилади.

Давлат рамзлари давлатнинг мавжудлигини кўрсатувчи белгилардир.

608. Дунёқараш нима?

Дунёқараш шахснинг табиатга, жамиятга, ўзининг ижтимоий муҳитдаги ўрнига, ўз-ўзига, турли воқеликларга муносабатини белгилаб берадиган қарашлари, эътиқоди, ҳаётини тажрибаси ва фаолият тамойилларининг тизимидир.

609. Шахс дунёқараши қандай шакллантирилади?

Шахс дунёқараши изчил, тизимли, узлуксиз, мақсадга мувофиқ ташкил этиладиган таълим-тарбияни йўлга қўйиш орқали унинг турли йўналиш ва мазмундаги ижтимоий муносабатлар жараёнида фаол иштирок этишини таъминлаш, ўз-ўзини тарбиялаб бориши учун зарур шарт-шароитни асосида шакллантирилади. Шахс дунёқарашини шакллантириш узоқ муддатли, динамик

хусусиятга эга жараён саналади.

610. Дунёқараш қандай турларга ажратилади?

Дунёқараш қуйидаги турларга ажратилади:

- 1) мифологик дунёқараш;
- 2) диний дунёқараш;
- 3) ижтимоий-сиёсий дунёқараш;
- 4) фалсафий дунёқараш;
- 5) эстетик дунёқараш;
- 6) илмий дунёқараш;
- 7) ҳаётий тажриба.

611. Мифологик дунёқараш нима?

Мифологик дунёқараш – ибтидоий жамоа тузумида борлиқни образли қабул қилиш асосида шаклланган тасаввурлар мажмуасини ифодаловчи дунёқараш. “Мифология” тушунчасининг ўзи (юнончадан “mythos” – афсона, ривоят, “logos” – фан, таълимот) “бирор халққа тегишли афсоналар” маъносини англатади.

612. Диний дунёқарашнинг моҳияти нимани англатади?

Диний дунёқараш – борлиқнинг илоҳий кучга, Худога ишониш асосида қабул қилинишини ифодаловчи тасаввурлар, урф-одатлар, маросимлар мажмуи. Араб тилидан таржима қилинганда “дин” тушунчаси “эътиқод”, “ишонч” маъноларини англатади.

613. Қандай қараш ижтимоий-сиёсий дунёқараш деб аталади?

Кишиларнинг объектив мавжуд бўлган сиёсий ҳаётга нисбатан сиёсий қарашлари, сиёсий фаолиятга нисбатан муносабатларининг умумлаштирилган тизими ижтимоий-сиёсий дунёқараш деб аталади.

614. Фалсафий дунёқарашнинг ўзига хослиги нимада?

Фалсафий дунёқараш – табиий ва ижтимоий борлиқни назарий қабул қилишга, шахснинг борлиққа нисбатан фалсафий муносабатига асосланган дунёқараш. “Фалсафа” тушунчасининг ўзи (қадимги грек тилидан таржима қилинганда “φιλία” – муҳаббат, интилиш, иштиёқ, “σοφία” – донишмандлик, сўзма-сўз таржима қилинганда эса “φιλοσοφία”) “донишмандликка интиламан” маъносини англатади.

615. Эстетик дунёқараш нималарга асосланади?

Эстетик дунёқараш табиий ва ижтимоий борлиққа эстетик қадриятлар – гўзаллик, хунуқлик, кулгули, фожиавий ва бошқалар асосида ёндашишга асосланади.

616. Илмий дунёқараш нима?

Илмий дунёқараш – бу илмий методлар ёрдамида кўп бор текшириш,

умумий ҳолда инсоният тажрибаси билан тасдиқланиш қонунларига таянувчи дунёқараш.

617. Илмий дунёқараш қандай шаклланади?

Илмий дунёқараш узлуксиз, изчил равишда инсоният томонидан орттирилган, мавжуд илмий билимларни пухта ўзлаштириш, ҳаётий тажриба орттириш асосида шаклланади.

618. Шахснинг илмий дунёқарашга эга бўлиши муайян аҳамият касб этадими?

Албатта, шахснинг илмий дунёқарашга эга бўлиши, илмий билимларни ўзлаштириб бориши катта аҳамият касб этади. Бунинг натижасида шахс:

1) табиат, жамиятда рўй бераётган воқеа, ҳодисалар моҳиятини тўғри талқин эта олади;

2) ўзига ва атрофдагиларга нисбатан оқилона муносабатда бўлади;

3) ҳеч қачон далиллар билан исботланмаган воқелик, ҳодисаларни ҳақиқат сифатида қабул қилмайди;

4) илмий дунёқарашга эгаллик шахсда мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантиради;

5) замонавий шароитда инсон онгини бошқариш илинжида юрган турли оқимлар, уларнинг миссионерлик фаолиятлари таъсирига, мистик ғояларга берилмайди;

6) шахсий ҳаётида, шунингдек, ижтимоий жамиятда рўй бераётган ўзгаришларнинг муайян қонуниятларга асосланишига ишонади ва уларни табиий қабул қилади;

7) ўзининг ва жамият ҳаётида содир бўлаётган салбий ҳодисаларни ўткинчи сифатида қабул қилади, келажакка ишонч билан қарайди.

619. Илмий қараш илмий дунёқарашдан фарқланадими?

Илмий қараш (юнонча “idea” – ғоя, тасаввур, тушунчалар йиғиндиси) муайян ҳодиса, жараённинг моҳиятини ёритувчи, илмий жиҳатдан асосланган фикр, ғоя бўлиб, у шахс томонидан мавжуд илмий билимлар тизими пухта ўзлаштирилганда, билимларни бир-бири билан таққослаш, солиштириш, предмет, ҳодиса ёки жараён моҳиятини таҳлил қилиш натижасида юзага келади. Илмий қараш илмий дунёқарашдан фарқланиб, унинг шаклланиши учун асос вазифасини ўтайди.

620. Ҳаётий тажриба нима?

Ҳаётий тажриба – ҳар бир шахс томонидан унинг умри давомида орттирган билимлар, малакалар, укувлар мажмуи.

621. Тафаккур нима?

Тафаккур – ижтимоий воқеа-ҳодисаларнинг онгда тўлақонли акс этиши, инсон ақлий фаолиятининг юксак шакли.

622. “Илмий тафаккур” тушунчаси нимани англатади?

Илмий тафаккур инсон ақлий фаолиятининг юксак шакли саналиб, ижтимоий воқеа-ҳодиса ва жараёнларга илмий ёндашувни англатади.

623. Эътиқод нима?

Эътиқод дунёқараш негизида акс этувчи ижтимоий-фалсафий, табиий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий, эстетик ва экологик билимларнинг такомиллашган кўриниши; муайян ғояга чексиз ишончдир.

624. Эътиқод қандай босқичларда шаклланади?

Эътиқод куйидаги босқичларда шаклланади:

- 1) билимлар беқарор ва вазият тақозосига кўра ўзгарувчанлик хусусиятига эга;
- 2) маънавий-ахлоқий қарашлар барқарор тамойилларга айланади;
- 3) барча вазиятларда ҳам муайян маънавий-ахлоқий тамойил устувор бўлиб қолади.

625. Ўқувчиларнинг дунёқарашга эгалиklarини қандай мезонлар ёрдамида аниқлаш мумкин?

Ўқувчиларнинг дунёқарашга эгалиklarини куйидаги мезонлар асосида аниқлаш мумкин:

1. Табиий жараёнлар моҳиятини тушуна олиш, табиатда рўй бераётган ўзгаришларнинг асоси табиий қонуниятлар эканлигини англаш орқали уларга нисбатан оқилона муносабатда бўлиш.

2. Жамиятда содир бўлаётган ўзгаришларга тўғри баҳо бера олиш, ижтимоий воқелиklarнинг асосида мустақил давлатнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий тараққиёт йўлини белгилаб берувчи миллий истиқлол ғояси, унинг тамойиллари ётишини англаб етиш.

3. Ўзининг шахс сифатида жамиятда тутган ўрнига муносиб баҳо бериш, ўқувчи сифатида зиммасидаги бурч, мажбуриятларни чуқур англаш.

4. Ўз шахсига баҳо бериш орқали ижобий ва салбий сифатларини кўра билиш, имкон қадар салбий сифатларни бартараф этиш учун ўз устида ишлаш.

5. Ўқув фанларининг асосларини, илмий билимларни пухта ўзлаштириш, замонавий техника ва технологиялардан хабардор бўлиш, ижтимоий воқелиklarга тўғри ёндашиб, турли бузғунчи оқимлар таъсирига берилмаслик, шахс сифатида ўзини-ўзи такомиллаштириб бориш.

6. Ўзлаштирган илмий билимларни амалиётда бевосита қўллай олиш кўникма, малакаларини ўзлаштириш.

IX БЎЛИМ. ОИЛА ТАРБИЯСИ

626. Оила нима?

Оила – бу кишиларнинг никоҳ ёки қон-қариндошлик ришталари, умумий турмуш тарзи, ахлоқий масъулият, ўзаро ёрдамга асосланадиган кичик гуруҳи.

627. Қандай муносабатлар оилавий муносабатлар деб аталади?

Ота-оналар ёки масъул шахслар (бува-бувилар) ҳамда фарзандлар ўртасида турли йўналишларда ташкил этиладиган муносабатлар оилавий муносабатлар деб аталади.

628. Оила тарбияси нима?

Оила тарбияси ота-оналар ёки масъул шахслар томонидан ташкил этилиб, болаларни ҳар томонлама етук, соғлом этиб тарбиялашга йўналтирилган педагогик жараён.

629. Оилада ташкил этиладиган ахлоқий тарбиянинг мақсади нимадан иборат?

Оилада уюштириладиган ахлоқий тарбиянинг мақсади болаларда энг олий ахлоқий сифатлар ота-она ва оиланинг бошқа аъзолари, атрофдагиларга нисбатан меҳр-муҳаббат, катталарга ҳурмат, кичикларга мурувват, камтарлик, тўғрисиўзлик, меҳнатсеварлик, саховат, инсонпарварлик, адолат, виждон, орномус, ғурур, интизом, ижтимоий бурчни англаш ва ҳоказоларни шакллантиришдан иборат.

630. Оилада ташкил этиладиган жинсий тарбия ўзида нималарни акс эттиради?

Оилада ташкил этиладиган жинсий тарбия ўзида болани жинсий жиҳатдан чиниқтириш, уларни тозаллик, озодаликка ўргатиш, ўз соғлиги учун ғамхўрлик қилиш, масъулиятли бўлишни таъминлашга қаратилган ҳаракатлар мазмунини акс эттиради.

631. Оилада ақлий тарбияни ташкил этишда нималарга эътибор қаратилиши лозим?

Оилада ақлий тарбияни ташкил этишда боланинг қизиқиш ва эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда уни тасавури, идроки, хотираси, диққати, тафаккурини такомиллаштиришга ёрдам берадиган машғулотларга жалб этишга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

632. Оилада эстетик тарбияни ташкил этишда қандай вазифалар ҳал қилинади?

Оилада ташкил этиладиган эстетик тарбия болаларда гўзалликни ҳис қилиш, ундан завқланиш, табиат гўзалликларидан баҳра олиш асосида ҳистуйғу, идрок, тасаввур ва қарашларни юзага келтириш, уларни ҳаётни севишга ўргатиш каби вазифаларни ҳал қилади.

633. Болаларда иқтисодий тушунчаларни ҳосил қилишда оилада нималарга эътибор қаратиш талаб этилади?

Ота-она ва оиланинг бошқа аъзолари томонидан болаларни оила ҳўжалигини юритишга жалб этиш, ишни режали олиб бориш, вақтдан унумли фойдаланиш, тежамкор бўлиш, уй-рўзғор ҳамда шахсий буюмларни асраш,

ўзгалар меҳнатининг маҳсули бўлган неъматларни асраб-авайлашга, ёшлиқдан пул билан муомала қилишга ўргатиш, оила мулкига нисбатан масъулиятли ёндашишга кўниктириб бориш болалар томонидан иқтисодий тушунчаларни ёшлиқданок ўрганилиши учун шароит яратади.

634. Оилада экологик тарбияни ташкил этишда нималарга эътибор қаратиш зарур?

Оилада экологик тарбияни ташкил этишда болаларни табиатни севишга, ниҳолларни парваришлашга, сувни ифлослантирмасликка, ҳовли ва кўчаларга ахлат ташламасликка, уни маҳсус қутига ташлашга, гулзорларни пайҳон қилмасликка ўргатиш, одатлантириш орқали уларда экологик онгни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

635. Ёш авлодни тарбиялашда таълим муассасалари томонидан оилаларга қандай ёрдам кўрсатилади?

Ёш авлодни тарбиялашда таълим муассасалари томонидан оилаларга, энг аввало, методик ёрдам кўрсатилади. Бу ёрдам маслаҳат, суҳбат ёки амалий ишлар шакллари (мас., психологик тренинглари ташкил этиш кўриниши)да бўлиши мумкин.

636. Оила анъаналари (ёки оилавий анъаналар) нима?

Оила анъаналари (ёки оилавий анъаналар) – бу оиланинг табиий ва ижтимоий эҳтиёжлари асосида вужудга келиб, авлоддан авлодга мерос сифатида ўтиш орқали оила аъзоларининг маънавий шаклланишига таъсир кўрсатадиган ижтимоий-маданий ҳодиса саналади.

Х БЎЛИМ. ДИДАКТИКА (ТАЪЛИМ НАЗАРИЯСИ)

637. Дидактика (Таълим назарияси) нима?

Дидактика (таълим назарияси; юнонча “didaktikos” – ўргатувчи, “didasko” – эса ўрганувчи) таълимнинг назарий жиҳатлари (таълим жараёнининг моҳияти, тамойиллари, қонуниятлари, ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти мазмуни, таълим мақсади, шакл, метод, воситалари, натижаси, таълим жараёнини такомиллаштириш йўллари ва ҳ.о. муаммолар)ни ўрганувчи фан.

638. “Дидактика” тушунчаси ким томонидан асосланган?

“Дидактика” тушунчаси буюк чех педагоги Ян Амос Коменский (1592-1670 йиллар) томонидан асосланган. Бу тушунча илк бор “Буюк дидактика” (1657 йил) асарида тилга олинган. Педагогнинг қайд этишича, дидактика “фақат таълимгина эмас, балки тарбиялаш ҳам” саналади.

639. Дидактиканинг мақсадини нима ташкил этади?

Дидактиканинг мақсадини таълимнинг назарий жиҳатлари (таълим жараёнининг моҳияти, тамойиллари, қонуниятлари, ўқитувчи ва ўқувчи

фаолияти мазмуни, таълим мақсади, шакл, метод, воситалари, натижаси, таълим жараёнини такомиллаштириш йўллари тадқиқ этиш ташкил қилади.

640. Дидактиканинг предмети нимадан иборат?

Дидактиканинг предмети ўқитиш жараёнининг мақсади, мазмуни, қонуниятлари, методлари ва тамойиллари, ўқитиш (ўқитувчи фаолияти) ва билим олиш (ўқувчининг ўрганиш фаолияти)нинг ўзаро боғлиқлиги, алоқадорлиги жиҳатларини ўрганишдан иборат.

641. Дидактиканинг асосий вазифалари қайсилар?

Дидактиканинг асосий вазифалари қуйидагилардир:

1) таълим жараёнлари ва уларни амалга ошириш шартларини таърифлаш ва тушунтириш;

2) таълим жараёнини янада мукамал ташкил этиш, таълим тизимлари, технологияларини ишлаб чиқиш;

3) таълим жараёни учун хос бўлган умумий қонуниятларни аниқлаш, омилларини таҳлил қилиш ва таърифлаш.

Шунингдек, дидактика илмий-назарий, амалий-меъёрий, ташкилий-технологик вазифаларни ҳам бажаради.

Унинг: 1) илмий-назарий вазифаси таълим жараёнларини ўрганиш, унинг турли жиҳатлари ўртасидаги боғлиқликлар моҳиятини очиқ бериш, ривожланиш тенденциялари ва келажагини аниқлаш; 2) амалий-меъёрий ва ташкилий-технологик вазифаси эса таълим мазмунини англаш, таълим тамойиллари, метод ва воситаларини қўллашдан иборат.

642. Дидактик тизим нима?

Дидактик тизим (юнонча “systema” – яхлит қисмлардан ташкил топган, бирлаштириш) – маълум мезонлар асосида таълим жараёнининг яхлит ҳолатини белгилаш, ажратиш кўрсатиш. Дидактик тизимни: 1) анъанавий; 2) илғор (прогрессив); 3) замонавий каби гуруҳларга ажратиш мумкин.

643. Педагогикага хос асосий дидактика тушунчалар қайсилар?

Педагогикага хос асосий дидактика тушунчалар қуйидагилардир: таълим, билим, кўникма, малака.

644. Дидактиканинг асосий категорияларини нималар ташкил этади?

Дидактиканинг асосий категорияларини қуйидагилар ташкил этади: таълим мазмуни, ўқув фани, дарс, таълим жараёни, билим олиш, таълим тизими, таълимни бошқариш, таълим мазмуни, таълимнинг дидактик тизими, таълим технологияси.

645. Таълим мазмуни нима?

Таълим мазмуни давлат таълим стандартлари асосида белгилаб берилиб, маълум шароитда муайян фанлар бўйича ўзлаштирилиши назарда тутилган илмий билимлар, шунингдек, шахснинг ақлий ва жисмоний қобилиятини ҳар

томонлама ривожлантириш, дунёқараш, одоби, хулқи, ижтимоий ҳаёт ва меҳнатга тайёрлик даражасини шакллантириш жараёнининг моҳиятидан иборат.

646. Ўқув фани нима?

Ўқув фани таълим муассасаларида ўқувчиларнинг ёш, идрок этиш имкониятларига мувофиқ уларга муайян фан соҳаси бўйича умумий ёки мутахассислик билимларини бериш, кўникма, малакаларни шакллантиришни таъминловчи манбадир.

647. Таълимни бошқариш нима?

Таълимни бошқариш таълим муассасаларининг фаолиятини йўлга қўйиш, бошқариш, назорат қилиш, истиқболларини белгилаш демакдир.

648. Таълим мақсади деганда нима тушунилади?

Таълим мақсади деганда таълимнинг аниқ йўналишини белгилаб берувчи етакчи ғоя тушунилади.

649. Таълим жараёни нима?

Таълим жараёни – ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида ташкил этиладиган, илмий билимларни ўзлаштиришга йўналтирилган педагогик жараён.

650. Таълим жараёнини ташкил этиш нима дегани?

Таълим жараёнини ташкил этиш ўқувчиларга илмий билимларни бериш мақсадида ўқитувчи томонидан педагогик фаолиятни ташкилий-методик жиҳатдан уюштирилишидир.

651. Таълим жараёнини лойиҳалаштириш нима?

Таълим жараёнини лойиҳалаштириш – алоҳида олинган таълим жараёнини самарали ташкил этиш учун барча омилларни инобатга олган ҳолда унинг лойиҳаси (схемаси)ни ишлаб чиқиш.

652. “Таълим турлари” тушунчаси қандай маънони англатади?

“Таълим турлари” (юнонча “species” – алоҳида, ўзига хос хусусиятга эга) тушунчаси таълим мазмуни, таълимнинг ташкил этилиш ўрни, босқичи, қўлланиладиган воситалари ва таълим олувчиларнинг ёшига кўра фарқланувчи таълим кўринишлари, шунингдек, ўқув жараёнини ташкил этиш, амалга оширишга нисбатан турлича ёндашувлар деган маънони англатади.

653. Қадимда таълимнинг қандай турларидан фойдаланилган?

Қадимда таълимнинг суқротча суҳбат (таълим олувчини муаммоли саволларга жавоб топишга ундаш асосида ташкил этилган таълим) ва догматик ўқитиш (билимларни ёдлаш ва такрорлаш) каби турларидан фойдаланилган. Dogматик ўқитишга кўра таълим олувчиларнинг фаолиятлари тинглаш, ўқиш, ёд олиш, эслаб қолиш, матнни сўзма-сўз такрорлашдан иборат бўлган.

654. Олий таълим қачондан ривожланган?

Шарқда ҳам Ғарбда ҳам олий таълим ўрта асрлардан бошлаб ривожланган. Олий таълим Шарқ мусулмон мамлакатларида мадрасаларда ташкил этилган бўлса, Ғарбда университетларда ташкил этилган.

655. Шарқ мусулмон мамлакатларининг мадрасаларида ўқитилган олий таълим ўқув режасидан қандай фанлар ўрин олган?

Шарқ мусулмон мамлакатларининг мадрасаларида ўқитилган олий таълим ўқув режасидан грамматика, Қуръон, Ҳадис, риторика, логика, метафизика, геология, адабиёт, ҳуқуқшунослик каби фанлар ўрин олган.

656. Университет қандай муассаса?

Университет (немисчадан “universitat” < лотинчадан “universitas”, “universitatus” – жами, барчаси, йиғинди, мажмуа) – бу таркибида бир қанча табиий-математик ва ижтимоий-гуманитар йўналишдаги факультетлари бўлган, муайян йўналишларда юксак малакали мутахассислар тайёрлайдиган кўп тармоқли олий ўқув юрти ёки илмий муассаса.

657. Институт қандай муассаса?

Институт (лотинчадан “institutum” – ўрнатиш, тузиш таъсис этиш) – муайян йўналишда фаолият кўрсатиб, олий маълумотли, малакали мутахассисларни тайёрловчи олий ўқув юрти ёки илмий муассаса.

658. Академия қандай муассаса?

Академия (юнончадан “Academia” – афсонавий қаҳрамон Академ, шунингдек, Платон ўз шогирдларига таълим берган, Афина яқинидаги кичик ўрмон номи билан юритилади) – илм-фан ёки санъатни ривожлантириш мақсадида тузилган, юқори малакали илмий кадрларга эга бўлган олий ўқув юрти ёки илмий муассаса.

659. Шахсга йўналтирилган таълим нима?

Шахсга йўналтирилган таълим – таълим жараёнининг асосий объекти ўқувчи (талаба, тарбияланувчи) бўлиб, унинг шахси, кадр-қимматини юқори ўринга қўядиган, асосий эътиборни интеллектуал салоҳиятини ошириш, дунёқарашини бойитиш, маънавий-ахлоқий тафаккурини ривожлантиришга қаратадиган педагогик фаолият тури.

660. Шахсга йўналтирилган таълимнинг қандай турлари мавжуд?

Шахсга йўналтирилган таълимнинг муаммоли таълим, модул таълими, дастурий таълим, ривожлантирувчи таълим, ўйин технологиялари, интерфаол таълим, ҳамкорлик таълими, табақалаштирилган таълим, индивидуал таълим, масаофавий таълим, мустақил таълим ва инновацион таълим каби турлари мавжуд.

661. Муаммоли таълим нима?

Муаммоли таълим замонавий таълим моҳиятини акс эттирувчи илғор педагогик технология ҳисобланади. Таълим амалиётида ундан фойдаланиш таълим олувчиларда ижодий изланиш, кичик тадқиқотларни амалга ошириш, муайян фаразларни илгари суриш, натижаларни асослаш ва маълум хулосаларга келиш каби кўникма, малакаларни шакллантиришга хизмат қилади. Муаммоли ўқитишда муаммоли вазиятларни ҳал қилиш методи фаол қўлланилади. Муаммоли вазиятларни ҳал қилишда баҳс-мунозаралардан фойдаланилади. Бунда, айниқса, кичик гуруҳларда ишлаш самарали кечади.

662. Модул таълими қандай таълим?

Модул (лотинчадан “modulus” – кичик ўлчам, яъни умумий ўқув материалнинг алоҳида ёки фикран ажратилган таркибий қисми) таълимидан ўқувчиларнинг мустақил таълим олишларини йўлга қўйиш, уларни маълум ўқув материаллари билан таъминлаш, уларнинг таълимий фаолияти юзасидан мониторингни ташкил этишда фойдаланилади. Уни қўллашда бериладиган яхлит ўқув материали блок (алоҳида ажратилган қисм)ларда 1-блок, 2-блок ва ҳоказо тарзида тақдим этилади. Модул таълими асосида масофавий таълимни ҳам йўлга қўйиш мумкин. Бунда ўқувчилар алоҳида чоп этилган ёки компьютер варианты кўринишидаги блоклардан иборат материаллар билан таъминланадилар. Тақдим этилган материаллар ўқувчилар томонидан тўла ўрганилгандан сўнг уларга назарий билимларга эгаликни мустақил баҳолаш, мавжуд билимларни мустақамлашга хизмат қилувчи психологик ёки психологик топшириқлар берилади.

663. Дастурий таълимнинг ўзига хос жиҳати нимада?

Дастурий таълимнинг ўзга хос жиҳати ўқитишнинг ўқувчилар эҳтиёжлари, қизиқишлари, билимлари, дунёкарашлари ҳамда ўқув фанининг имкониятлари, ўқувчилар томонидан ўқув материалларини ўзлаштиришда дуч келинаётган муаммоларни инобатга олган ҳолда ташкил этилиши билан белгиланади. Узлуксиз таълим жараёнида дастурий таълимни қўллашда педагоглар томонидан муаллифлик дастурларининг ишлаб чиқиши аҳамиятлидир. Зеро, муаллифлик дастурлари ўқув машғулотларининг ранг-баранг бўлишини таъминлаш билан бирга муайян таълим муассасасининг мавжуд имкониятларини тўла инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилади.

664. Ривожлантирувчи таълим қандай хусусиятларга эга?

Ривожлантирувчи таълим ўқувчиларнинг ички имкониятлари ошириш ва уларни рўёбга чиқаришга йўналтирилади. Ривожлантирувчи таълимда, кўпроқ, тренинглардан фойдаланилади. Тренинглар таълим олувчиларда муайян билимларни пухта ўзлаштириш, уларни амалиётда самарали қўллай олишга доир кўникма-малакаларни шакллантиришга, бу жараёнда уларнинг мавжуд имкониятларини тўла рўёбга чиқаришга ёрдам беради. Бугунги кунда узлуксиз таълим тизимида ривожлантирувчи таълимни қўллашда тақдимотлардан ҳам самарали фойдаланиш тажрибаси тўпланди. Мазкур метод таълим олувчиларда ўқув фаолиятини ташкил этишга ижодий ёндашиш, ўз устида ишлаш, мустақил

таълим олиш кўникмаларини ҳам ривожлантиришга ёрдам беради.

665. Ўйин технологиялари қандай мақсадга эришишга хизмат қилади?

Замонавий шароитда таълим амалиётида ролли ва ишбилармонлик ўйинларидан фойдаланилади. Ролли ва ишбилармонлик ўйинлари ўқувчиларни муайян жараёнга тайёрлаш, уларда маълум ҳаётий воқелик, ходисалар жараёнида бевосита иштирок этиш учун дастлабки кўникма-малакаларни ҳосил қилишга хизмат қилади. Таълим жараёни иштирокчилари (мас., ўқувчилар, оналар, педагогик жамоа аъзолари, таълим муассасаларининг раҳбарлари, жамоатчилик ташкилотларнинг вакиллари ва б.ш.) сифатида турли ролларни бажариш талабаларга педагогик фаолият мазмуни билан яқиндан танишиш имкониятини яратса, ўқувчиларга маълум фаолиятни самарали ташкил этишга ҳам назарий, ҳам амалий, энг муҳими, руҳий жиҳатдан тайёрланишга ёрдам беради.

666. Интерфаол таълим нима?

Бугунги кунда интерфаол (лотинчадан “inter” – оралик, ўртаси, ўзаро) таълимдан фойдаланиш тобора оммалашмоқда. У таълим жараёнининг асосий иштирокчилари – ўқитувчи, ўқувчи ва ўқувчилар гуруҳи ўртасида юзага келадиган ҳамкорлик, қизгин баҳс-мунозалар, ўзаро фикр алмашиш имкониятига эгаллик асосида ташкил этилади, уларда эркин фикрлаш, шахсий қарашларини иккиланмай баён этиш, муаммоли вазиятларда ечимларни биргаликда излаш, ўқув материалларини ўзлаштиришда ўқувчиларнинг ўзаро яқинликларини юзага келтириш, “ўқитувчи – ўқувчи – ўқувчилар гуруҳи”нинг ўзаро бир-бирларини ҳурмат қилишлари, тушунишлари ва қўллаб қувватлашлари, самимий муносабатда бўлишлари, руҳий бирликка эришишлари кабилар билан тавсифланади.

667. Ҳамкорлик таълимининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

Ҳамкорлик таълими педагог ва ўқувчи (талаба)ларнинг таълимий фаолият жараёнида биргаликда ривожланишлари, бир-бирларини тушуна олишлари, бир-бирларига нисбатан яқинликни ҳис қилишлари, фаолият босқичлари ва уларда эришилган натижаларни ҳамкорликда таҳлил қилишдан иборат бўлиб, илғор, ривожлантирувчи ғояларни ўзида акс эттириши билан алоҳида аҳамият касб этади.

668. Ҳамкорлик таълимининг асосий ғояси нимадан иборат?

Ҳамкорлик таълимининг асосий ғояси ўқув топшириқларини биргаликда бажариш, биргаликда таълим олишни назарда тутати.

669. Ҳамкорлик таълимининг асосий йўналишларини нималар ташкил этади?

Ҳамкорлик таълимининг асосий йўналишлари қуйидагилардир:

- педагогик талабни инкор этган ҳолда таълимий ҳамкорликка асосланувчи муносабатларни ташкил этиш;
- ўқувчи, талабаларга инсонпарварлик ғоялари асосида индивидуал ёндашиш;
- таълим жараёнида касбий ва маънавий бирликнинг қарор топишига эришиш.

670. Табақалаштирилган таълим қандай мақсадга йўналтирилади?

Узлуксиз таълим тизимида табақалаштирилган таълимдан фойдаланиш ўқувчи, талабаларнинг шахсий лаёқатлари, қизиқишлари, қобилиятларини аниқлаш асосида уларга турли ўзлаштириш даражалари бўйича, бироқ, давлат таълим стандартлари ва ўқув дастури талабларидан кам бўлмаган ҳажмдаги материалларни беришга йўналтирилади.

671. Индивидуал таълим нима?

Индивидуал таълим ўз моҳиятига кўра шахс томонидан унинг учун қулай бўлган вақт, макон ва маълум муддатда муайян дастур асосида билим олинишини таъминлайди. Бозор муносабатлари шароитида ҳар бир мутахассис кучли рақобатга бардошли бўла олиши зарур. Бу эса табиий равишда мутахассисларни ўз устиларида ишлаш, касбий билим, кўникма, малакаларини доимий равишда такомиллаштириб боришни тақозо этади. Худди мана шу сабабга кўра узлуксиз таълимнинг муайян босқичлари, умумий ўрта таълим мактаблари, касб-ҳунарга йўналтирилган таълим муассасалари, олий ўқув юртлиари, қолаверса, касбий фаолиятни олиб бориш даврида индивидуал тарзда илмий билимларни ўзлаштириш, ўз билимларини мустаҳкамлаш ва бойитиш, касбий фаолиятга тайёрланишга йўналтиришни тақозо этмоқда. Индивидуал таълим вақтни иқтисод қилиш, ортиқча куч ва маблағ сарфланмаслик, мақбул дастур, вақт ва маконни танлаш имкониятини яратади. Бу турдаги таълимнинг тобора кенг оммалашиб бораётган шакли – бу репетиторлик таълимидир. У асосида таълим олишда маълум қулайликларга эга бўлиш мумкин. Бунда, энг муҳими, ўқитувчи бутун эътиборини алоҳида шахсга қаратиши, унинг ички имкониятлари, қизиқиш ва эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда ўқув материалларини танлайди.

672. Қандай таълим репититорлик таълими деб номланади?

Репититорлик (лотинчадан “repetitor” – орқага қайтаришни талаб қилувчи; такрорловчи) таълими – бу таълимда ўқувчига маълум бир ўқув фани ёки курси бўйича чуқур билимларни бериш мақсадида ташкил этиладиган пулли қўшимча таълим тури саналади.

673. Репититор ким?

Репититор – бу ўқувчига маълум бир ўқув фани ёки курси бўйича чуқур билимларни бериш мақсадида пулли қўшимча таълим турини ташкил этиладиган, махсус ўқув машғулотларини олиб борадиган ўқитувчи.

674. Репититорлик нима?

Репититорлик – бу ўқувчига маълум бир ўқув фани ёки курси бўйича чуқур билимларни бериш мақсадида пулли кўшимча таълим турини ташкил этиладиган, махсус ўқув машғулотларини олиб борадиган ўқитувчининг фаолияти.

675. Қандай таълим масофавий таълим деб аталади?

Масофавий таълим (лотинча “distantia” – масофадан фойдаланиш) ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги тўғридан-тўғри, шахсий алоқасиз “масофадан ўқитиш” имконини яратиб берувчи замонавий ахборот ва телекоммуникацион технологиялардан фойдаланишга асосланган ўқитиш жараёнининг ўзига хос янги шакли бўлиб, унга кўра таълим жараёни янги ахборот технологиялар, мультимедия тизими ёрдамида ташкил этилади.

Масофавий таълим қуйидаги имкониятларга эга:

1. Таълим олишга, билимларни ўзлаштиришга ижобий ёндашувни таъминлайди.
2. Педагогик жараён мақсади сифатида таълим олувчига аниқ йўналиш беради.
3. Методологик, назарий ва услубий билимларни эгаллашга имконият яратади.
4. Билиш фаолиятини мустақил ташкил этиш имконини беради.
5. Турли ахборотларини излаш ва уларни ўзлаштириш орқали пухта, сифатли таълим олиш учун зарур шарт-шароитларни яратади.

Масофавий таълим негизида компьютер таълимини ҳам ташкил этиш мумкин. Бу турдаги таълим ўқитиш жараёнини махсус таълим дастурларига мувофиқ ташкил этилишини назарда тутди. Масофавий таълим ўқув фанлари бўйича ўзлаштириш самарадорлигини таъминлаш; идрок этиш қобилияти (кўйилган масалани ҳал этиш, мустақил фикрлаш, коммуникатив малакаларни эгаллаш (ахборотни тўплаш, анализ, синтез қилиш)ни ривожлантириш, у ёки бу кўникмани шакллантиришга имкон берадиган жараёнларга эътибор)ни кучайтириш каби имкониятларига эга.

676. Мустақил таълим шахсга йўналтирилган таълимнинг бошқа турларидан қайси жиҳатларига кўра фарқланади?

Мустақил таълим олинган билим, кўникма, малакаларни мустаҳкамлаш, кўшимча маълумот ёки материални мустақил ўрганиш мақсадида ташкил этилади. Мустақил таълимнинг афзаллиги ўқувчилар билимларни ўзлари учун қулай бўлган шароит ва вақтда ўзлаштира оладилар. Бугунги кунда мустақил таълим олиш учун кенг имкониятлар мавжуд. Ўқувчи мавжуд нашр ишлари (ўқув, илмий, илмий-оммабоп ва оммабоп асарлар), Интернет, оммавий ахборот воситалари томонидан тақдим этилаётган материаллар ёрдамида ўз билим, кўникма-малакаларини мустаҳкамлаш имкониятига эга. Бироқ, мустақил таълимнинг ташкил этилиши учун ҳам муайян даражада назорат зарур. Зеро, ёш хусусиятларига кўра имкониятлари турлича бўлган ўқувчилар тизимлаштирилмаган, асосланмаган маълумотларни ҳам қабул қилишлари

эҳтимолдан ҳоли эмас. Шу сабабли таълим муассасаларида ўқитувчилар таълим олувчиларни мустақил таълим олишга рағбатлантиришда уларга методик ёрдам кўрсатишлари, тўғри йўналиш бера олишлари керак.

677. Инновацион таълим қандай имкониятларни яратади?

Инновацион таълим (инглизчадан “innovation” – янгилик киритиш, ихтиро) ўқувчи, талабада янги ғоя, меъёр, қоидаларни яратиш, ўзга шахслар томонидан яратилган илғор ғоялар, меъёр, қоидаларни табиий қабул қилишга оид сифатлар, малакаларни шакллантириш имкониятини яратади.

Инновацион таълим тушунчаси илк бор 1979 йилда Рим клубида “Таълим олишнинг чегараси йўқ” (“Нет пределов обучению”) мавзусида ўқилган маърузада тилга олинган. Мазкур таълим ижтимоий муҳит, маданият, таълим соҳаларида рўй бераётган инновацион ўзгаришларни рағбатлантириш, шахс ҳаёти, жамиятнинг инновацион даврида юзага келаётган муаммоли вазиятларни ижобий ҳал қилишни тезлаштириш имкониятини яратади. Узлуксиз таълим тизимида инновацион таълимдан фойдаланиш ўқувчи ва талабаларда улар томонидан билим, кўникма, малакалар ўзлаштираётган соҳаларда янгиликларни яратиш, илғор ғояларни асослаш, амалиётга самарали татбиқ этишга тайёрлайди.

678. Таълим тамойиллари нима?

Таълим тамойиллари таълим назариясининг асосий етакчи қоидалари бўлиб, ўқитиш асосидаги таълим ва уни ташкил этиш жараёнини ташкил этиш мазмуни, шакл, метод, воситалар танланишини белгилайдиган бошланғич асослар ҳисобланади.

679. Таълим жараёнида қандай тамойиллар устувор характер касб этади?

Таълим жараёнида қуйидаги тамойиллар устувор характер касб этади:

- ижтимоий-ғоявийлик;
- онглилик ва фаоллик;
- илмийлик ва тушунарлилик;
- кўрғазмалилик;
- тарбияловчи характерга эгалик;
- табиат билан уйғунлик;
- фундаменталлик ва амалий йўналганлик (таълимнинг ҳаёт билан, назариянинг амалиёт билан боғлиқлиги);
- маданий тараққиёт билан уйғунлик;
- инсонпарварлик;
- таълимнинг ўқувчилар ёши, индивидуал хусусиятларига мос келиши;
- оқилона талабчанлик билан бола шахсини ҳурмат қилишнинг мувофиқлиги;
- педагогик ҳамкорлик.

680. Таълим шакли деганда нимани тушуниш лозим?

Таълим шакли деганда таълим жараёнининг ташкилий қурилишини тушуниш лозим.

681. Замонавий шароитда таълим қандай шаклларда ташкил этилмоқда?

Замонавий шароитда таълим индивидуал машғулотлар, индивидуал-гуруҳли машғулотлар, синф-дарс, маъруза, аудиториядан ташқари машғулотлар, таълим муассасасидан ташқари машғулотлар каби шаклларда ташкил этилмоқда.

682. Таълимнинг индивидуал шакли нима?

Таълимнинг индивидуал шакли ҳар бир ўқувчининг алоҳида мустақил ишлашини назарда тутди; унга кўра ўқувчилар бошқа ўқувчилар билан бевосита алоқага киришмайдилар. Индивидуал таълим ўз моҳиятига кўра синф жамоаси ёки муайян гуруҳлар билан ишлашдан тубдан фарқ қилмаса-да, бироқ, ўқувчи ўзининг шахсий имкониятларига мувофиқ ўқитувчи томонидан берилган топшириқни мустақил бажаради.

683. Таълимнинг индивидуал шакли қачон юзага келган?

Таълимнинг индивидуал шаклига хос бўлган кўринишлар ибтидоий жамоа тузумиданоқ намоён бўлган. Тирикчилик қилиш учун кекса авлод вакиллари ўзларининг ҳаётий тажрибаларини ёш авлодга ўргатар экан, шу жараённинг ўзида индивидуал таълимнинг классик асослари шакллана бошлаган.

684. Таълимнинг индивидуал-гуруҳли шакли қачон шаклланган?

Таълимнинг индивидуал-гуруҳли шакли Европада XVI асрда кенг оммалашган бўлса, Марказий Осиё давлатларида таълимнинг бу шаклидан илк ўрта асрларда ҳам фойдаланилган.

685. Таълимнинг гуруҳли шакли нима?

Таълимнинг гуруҳли шаклига кўра ўқитувчи бир вақтнинг ўзида гуруҳ ўқувчиларининг билиш фаолиятларини бошқаради. Унга кўра ўқувчилар 3-6 кишидан иборат гуруҳлар ёки жуфтликларда иш олиб борадилар. Гуруҳлар учун топшириқлар бир хил ёки турлича бўлиши мумкин.

686. Таълимнинг гуруҳли шакли қайси даврдан оммалаша бошлаган?

Таълимнинг гуруҳли шакли Ғарбий Россия (ҳозирги Белоруссия ва Украинанинг ғарбий қисмлари) “Биродарлик мактаблари”да илк бор қўлланилган ва ўқитишнинг синф-дарс шакли учун методологик асос бўлиб хизмат қилган. Бу тизимлар XVII асрда Ян Амос Коменский томонидан педагогнинг “Буюк дидактика” асарида назарий жиҳатдан асослаб берилган ва кенг оммалашган.

Таълимнинг жамоавий шакли кўп ҳолларда табақалаштирилган гуруҳлар фаолиятини ташкил этишда қўлланилади. Ўқув ишларини ташкил этишнинг жамоавий шакли ўқитувчи ва ўқувчиларнинг динамик ёки ўзгарувчан тартибли

жуфтликларида кечаётган муносабатларидир.

687. Таълимнинг гуруҳли шакллари қандай турларга ажратилади?

Таълимнинг гуруҳли шакллари қуйидаги турларга ажратилади:

- 1) умумлаштирилган гуруҳли шакл;
- 2) табақалаштирилган гуруҳли шакл.

688. Таълимнинг умумлаштирилган гуруҳли шакли нима?

Таълимнинг умумлаштирилган гуруҳли шакли ҳар бири гуруҳ томонидан ягона топшириқнинг фақат бир қисми бажарилишини назарда тутади.

689. Таълимнинг табақалаштирилган гуруҳли шакли нима?

Таълимнинг табақалаштирилган гуруҳли шакли ўқув имкониятлари, кўникмалари бир даражада шаклланган ўқувчилар билан ишлашни ифодалайди. Бунда ўқувчилар жуфт бўлиб ишлашлари ҳам мумкин.

690. Таълимнинг оммавий шакли нима?

Таълимнинг оммавий шакли турғун ўқувчилар гуруҳи билан ўқув фаолиятини ташкил этишни, синфдаги жами ўқувчиларнинг ўқитувчи раҳбарлиги остида биргаликда муайян ҳаракатларни бажаришларини назарда тутади.

691. Таълимнинг оммавий (жамоавий) шакли қачон пайдо бўлган?

XV асрда оммавий (жамоавий) ўқитишни ташкил этиш ғояси Муҳаммад Тарағай Улуғбек томонидан илгари сурилган. Мутафаккир ўзининг мадрасаларида индивидуал машғулотлар тизимини бекор қилган ва жамоавий, яъни синф-дарс тизимига яқин бўлган шаклни жорий қилган.

XV ва XVI асрлар давомида Европада ишлаб чиқаришнинг ривожланиши кузатилди. Бу ўзгаришлар болаларга таълим беришнинг оммавий шакли юзага келишига замин яратди.

692. Синф-дарс тизими қачон ва ким томонидан асосланган?

Синф-дарс тизими XVII асрда машҳур чех педагоги Ян Амос Коменский томонидан асосланган. Педагогнинг “Буюк дидактика” асарида мазкур тизимнинг асослари баён этилган. Асарда ўқув йили, ўқув куни, дарс, машғулотлар орасидаги танаффус, ўқув таътиллари каби тушунчалар ҳам асосланган.

693. Синф-дарс тизими қандай хусусиятларга эга?

Синф-дарс тизими қуйидаги хусусиятларга эга:

- бир хил ёш, тахминан бир хил тайёргарлик даражасига эга бўлган ўқувчилардан таркиб топади ва бу таркиб таълимнинг умумий даврида барқарор сақланиб қолади;
- ўқув фаолияти ягона йиллик режа, дастурга кўра турғун дарс жадвали бўйича ташкил этилади;
- ўқувчилар мактабга йилнинг бир вақтида ва белгиланган соатларида

келадилар;

- ўқув машғулотининг асосий бирлиги дарс ҳисобланади;
- дарс одатда муайян фанлар бўйича ташкил этилади;
- ўқувчилар синфда битта материал устида ишлайдилар;
- ўқитувчи ўқувчилар фаолиятига раҳбарлик қилади;
- ўқитувчи ўз фани бўйича ҳар бир ўқувчининг билим, кўникма, малакаларини баҳолайди ва йил охирида ўқувчини кейинги синфга ўтиши ҳақида қарор қабул қилади.

694. Синф-дарс тизими қандай афзалликларга эга?

Синф-дарс тизими қуйидаги афзалликларга эга:

- яхлит педагогик жараённинг тартибли кечишини таъминловчи ташкилий тизимнинг шаклланиши;
- жараёнларнинг осон бошқарилиши;
- мавзунинг жамоа бўлиб муҳокама қилиниши;
- биргаликда излаш жараёнида ўқувчилар ўртасида ўзаро муносабатнинг шаклланиши;
- ўқитувчи томонидан ўқувчилар тарбиясига ҳиссий таъсир кўрсатилиши;
- ўқув фаолиятига мусобақалаш ш элементларини киритиш имкониятининг мавжудлиги;
- билимсизликдан билимларни ўзлаштириш сари ҳаракатларнинг мунтазам ва кетма-кет ташкил этилиши.

695. Синф-дарс тизимини қўллашда қандай камчиликлар кўзга ташланади?

Синф-дарс тизимини қўллашда қуйидаги камчиликлар кўзга ташланади:

- тизимнинг асосан билимларни ўртача даражада ўзлаштирувчи ўқувчилар учун мўлжалланганлиги;
- бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар учун қийинчиликларнинг юзага келиши, бунинг натижасида кучли ўзлаштирувчи ўқувчилар қобилиятлари ривожланиш суръатининг ортга сурилиши;
- ўқитувчи учун ўқитиш мазмуни ва ўқитиш суръатлари ҳамда методлари бўйича индивидуал ишларни ташкил этиш, ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олишда қийинчиликнинг юзага келиши;
- катта ва кичик ёшли ўқувчилар ўртасидаги муносабатларнинг қарор топмаслиги.

696. Турли даражадаги ақлий ривожланишга эга болаларни ўқитишга йўналтирилган табақалаштирилган таълим (танлаб ўқитиш) қачон пайдо бўлган?

Турли даражадаги ақлий ривожланишга эга болаларни ўқитишга йўналтирилган табақалаштирилган таълим (танлаб ўқитиш) XIX аср охири XX аср бошлари (АҚШда Батов тизими, Европада Маингеймс тизими шакли)да пайдо бўлган.

697. Таълим тизимига “Дальтон-режа” номи билан оммалашган индивидуал таълим қачон жорий этилган?

“Дальтон-режа” номи билан оммалашган индивидуал таълим 1905 йили Дальтон шаҳри (Массачусетс штати)да ўқитувчи Елена Парк Херст томонидан биринчи бор қўлланилган. Мазкур таълим шакли лаборатория ёки устахоналар тизими деб ҳам аталади.

698. “Дальтон-режа” номли таълим шаклининг моҳияти нимадан иборат?

“Дальтон-режа” номли таълим шаклининг моҳияти қуйидагилардан иборат:

- таълим самарадорлиги ҳар бир ўқувчининг имконияти, қобилиятига боғлиқ;
- ўқишни анъанавий ташкил этиш ўқувчининг мустақил ўқув фаолиятининг асоси ҳисобланади;
- ўқитувчи фаолиятининг одоб билан ташкил этилиши, синф лабораториясининг устахоналар билан алмаштирилиши;
- дарсларнинг бекор қилиниши;
- янги материалнинг тушунтирилмаслиги, ўқувчиларнинг лаборатория (устахона)ларда топшириқ асосида мустақил шуғулланишлари ва зарур бўлган пайтда ўқитувчидан ёрдам сўрашлари.

699. Таълимнинг лойиҳали шакли қачон пайдо бўлди?

Таълимнинг лойиҳали шакли XX аср 20-йилларида пайдо бўлиб, унинг ўзига хос жиҳати – бу ўқувчилар томонидан мустақил равишда лойиҳа ишлари мавзусининг танлаб олиниши саналади.

700. “Трамк режаси” номли таълим шаклининг моҳияти нимадан иборат?

Трамк режаси XX асрнинг 60-йилларида америкалик педагог Люйд Трамк томонидан асосланган бўлиб, унга кўра машғулотларни катта (100-150 нафар кишилиқ) аудиторияда 10-15 кишидан иборат гуруҳларда ёки ўқувчиларнинг ҳар бири билан индивидуал ишларни олиб бориш асосида ташкил этиш ғояси тарғиб қилинади.

701. Таълимнинг маъруза-семинар тизими нима?

Таълимнинг маъруза-семинар тизими Европада ўрта асрларда дастлабки университетлар пайдо бўлиши билан бир вақтда асосланган. Мазкур тизим негизини ташкил этувчи маъруза, семинар, амалий ва лаборатория ишлари, маслаҳат ва ихтисослик бўйича амалиёт бугунги кунга қадар ўқишнинг асосий шакллари саналади.

702. Технология нима?

Технология (юнонча “techne” – маҳорат, санъат; “logos” – тушунча, таълимот) – ишлаб чиқаришнинг бирор соҳасида хомашё, материал, ярим

фабрикат ва шу кабиларга ишлов бериш ёки қайта ишлаш, уларнинг ҳолати, хоссалари ва шаклини ўзгартиришда қўлланиладиган усуллар (методлар) мажмуи.

703. Таълим технологияси нима?

Таълим технологияси – таълим мақсадига эришиш жараёнининг умумий мазмуни, яъни, аввалдан лойиҳалаштирилган таълим жараёнини яхлит тизим асосида, босқичма-босқич амалга ошириш, аниқ мақсадга эришиш йўлида муайян метод, усул ва воситалар тизимини ишлаб чиқиш, улардан самарали, унумли фойдаланиш, таълим жараёнини юқори даражада бошқариш.

704. Педагогикада “технологик паспорт” тушунчаси қандай маънони англатади?

Педагогикада “технологик паспорт” тушунчаси таълим ёки маънавий-маърифий тадбирнинг асосий кўрсаткичлари, уларнинг технологик тавсифини ёритувчи ҳужжат маъносини англатади.

705. Педагогикада “технологик харита” тушунчаси қандай маънони англатади?

Педагогикада “технологик харита” тушунчаси педагогик (таълим ва тарбия) жараёни бажарувчи ёки маълум объектга техник хизмат кўрсатувчи ўқитувчиларга тақдим этиладиган барча зарур маълумотлар, кўрсатмаларни ўз ичига олган ҳужжат маъносини англатади.

706. Дарс нима?

Дарс бевосита ўқитувчи раҳбарлигида аниқ белгиланган вақт давомида муайян ўқувчилар гуруҳи билан олиб бориладиган таълим жараёнининг асосий шакли саналади.

707. Дарс таълимнинг бошқа шаклларида қандай белгиларга кўра фарқланади?

Дарс таълимнинг бошқа шаклларида қуйидаги белгиларга кўра фарқланади:

- ўқувчилар доимий гуруҳининг мавжудлиги;
- ўқувчилар фаолиятига уларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда раҳбарлик қилиш;
- ўрганилаётган фан асосларини бевосита дарсда эгаллаб олиш (бу белгилари дарснинг фақат мазмунини эмас, балки ўзига хос хусусиятини ҳам акс эттиради).

708. Замонавий дидактикада дарснинг қандай турлари ажратиб кўрсатилган?

Замонавий дидактикада дарснинг қуйидаги турлари ажратиб кўрсатилган:

- 1) аралаш дарслар;
- 2) янги маълумотларни бериш дарслари;

- 3) билимларни мустаҳкамлаш ва такрорлаш дарслари;
- 4) ўрганилганларни умумлаштириш ва тизимлаштириш дарслари;
- 5) кўникма, малакаларни ҳосил қилиш ва мустаҳкамлаш дарслари;
- 6) билимларни текшириш ва таҳлил қилиш дарслари;
- 7) битта асосий дидактик мақсадга эга дарслар.

709. Аралаш дарс қандай таркибий тузилмага эга?

Аралаш дарснинг тахминий таркибий тузилиши қуйидагича:

- уй вазифаларини текшириш (ўқувчилар билан савол-жавоб қилиш);
- янги материални ўрганиш;
- янги мавзунинг ўзлаштирилганлигини дастлабки текшириш;
- янги билимларни машқлар ёрдамида мустаҳкамлаш;
- аввал ўрганилган билимларни суҳбат кўринишида такрорлаш;
- ўқувчиларнинг билимларини баҳолаш;
- уйга вазифа бериш.

710. Янги маълумотларни бериш дарси қандай ташкил этилади?

Янги маълумотларни бериш дарси ўқувчиларни уларга таниш бўлмаган янги материал мазмуни билан таништириш жараёни бўлиб, бундай дарс бир нечта саволларни ўз ичига олади, уларни ўрганиш учун кўп вақт талаб қилади. Ўқитувчи дарснинг мазмуни, аниқ мақсади ва мустақил иш шакллариغا кўра янги материални ўзи баён этади. Айрим ҳолларда ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлигида мустақил фаолият олиб борадилар.

Бу турдаги дарс қуйидагича ташкил этилади:

- 1) янги материални ўрганиш учун асос бўлган аввалги материални такрорлаш;
- 2) ўқитувчининг янги материални, дарслик билан ишлашни тушунтириши;
- 3) ўқувчиларнинг янги мавзуга оид билимларни тушунишларини текшириш ва дастлабки мустаҳкамлаш;
- 4) уйга вазифа бериш.

711. Билимларни мустаҳкамлаш ва такрорлаш дарслари қандай хусусиятларга эга?

Билимларни мустаҳкамлаш дарсларида ўқув ишининг асосий мазмуни илгари ўзлаштирилган билимларни мустаҳкам ўзлаштириш мақсадида уларни иккинчи бор тушуниб олиш ҳисобланади. Ўқувчилар билимларни янги манбалар бўйича ўрганиб, чуқурлаштирадидилар, ўзларига таниш қоидага мувофиқ янги мазмундаги масалаларни ечадилар, илгари олган билимларини оғзаки ва ёзма равишда такрорлайдилар.

Бу каби дарслар қуйидаги тузилмага эга бўлади:

- 1) уй вазифасини текшириш;
- 2) оғзаки ва ёзма машқларни бажариш;
- 3) топшириқ бажарилишини текшириш;
- 4) уйга вазифа бериш.

712. Қандай дарслар умумлаштирувчи дарслар (билимларини умумлаштириш ва тизимлаштириш) деб номланади?

Умумлаштирувчи дарслар (билимларини умумлаштириш ва тизимлаштириш) илгари ўтилган материалнинг энг муҳим саволлари қайта такрорланиб, тизимлаштириладиган, ўқувчиларнинг билимларидаги мавжуд камчиликлар тўлдириладиган, ўрганилаётган курснинг муҳим ғоялари очиб берилладиган дарслар ҳисобланади.

713. Кўникма, малакаларни ҳосил қилиш ва мустаҳкамлаш дарсларининг мақсади нима?

Кўникма, малакаларни ҳосил қилиш ва мустаҳкамлаш дарсларининг мақсади билимларни мустаҳкамлаш дарслари каби хусусиятга эга, Бироқ, ундан фарқли равишда асосий эътибор таълим олувчиларда амалий кўникма, малакаларни шакллантиришга қаратилади. Бу жараён бир неча махсус дарслар давомида амалга оширилади. Бошқа дарсларда янги мавзуларни ўрганишда жараёнида фойдаланилади.

714. Билимларни текшириш ва назорат қилиш дарслари қандай мақсадга эришишга ёрдам беради?

Билимларни текшириш ва назорат қилиш дарслари ўқитувчига ўқувчиларнинг маълум соҳадаги билим, кўникма, малакаларининг шаклланганлик даражаси, ўқув материални ўрганишдаги камчиликларни аниқлаш, навбатдаги топшириқларнинг бажариш йўллари белгилаб олишга ёрдам беради.

715. Битта асосий дидактик мақсадга эга дарслар қандай дарслар саналади?

Битта асосий дидактик мақсадга эга дарслар ўқувчилар фаолиятини ягона мақсадни рўёбга чиқариш учун йўналтирадиган дарслар саналади.

716. Дарснинг асосий вазифалари нималардан иборат?

Дарснинг асосий вазифалари:

- 1) таълим бериш;
- 2) тарбиялаш;
- 3) ривожлантиришдан иборат.

717. Дарснинг таълимий вазифаси нималар билан изоҳланади?

Дарснинг таълимий вазифаси қуйидагилар билан изоҳланади:

- ҳар бир дарснинг таълимий вазифаларини белгилаш;
- дарсни ахборотлар билан бойитиш;
- ўқувчиларнинг ижтимоий ва шахсий эҳтиёжларини ҳисобга олиш;
- дарс мазмунини оптималлаштириш;
- таълим жараёнига илғор технологияларни жорий этиш;
- турли шакл, метод ва воситаларидан ўринли фойдаланиш;
- дарс тузилишига ижодий ёндашиш;

- таълим беришда ўқитишнинг жамоавий, гуруҳли ва индивидуал шакллари кўллаш;

- оператив қайта алоқани ўрнатиш;
- назорат ва бошқарувни ташкил этиш;
- дарснинг самарали кечишини таъминлаш.

718. Дарснинг тарбиявий вазифаси нималарда акс этади?

Дарснинг тарбиявий вазифаси қуйидагиларда акс этади:

- ўқув материалининг тарбиявий имкониятларини аниқлаш;
- таълимий фаолият жараёнида эришиш зарур бўлган тарбиявий мақсадларни шакллантириш (мақсад қўйиш);
- ўқув ишларининг мақсади, мазмунидан келиб чиқиб, тарбиявий масалаларни белгилаш;
- ўқувчиларни умуминсоний ва миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш;
- ўқувчиларда юксак маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириш;
- ўқувчи ва ўқувчилар жамоасига педагогик талабларни қўйиш;
- ўқувчи ва ўқувчилар жамоаси билан ҳамкорликка эришиш;
- ўқувчи ва ўқувчилар жамоасининг ютуқларидан қувониш.

719. Дарснинг ривожлантириш вазифаси нимада намоён бўлади?

Дарснинг ривожлантириш вазифаси ўқувчиларда ижодкорлик, ташаббускорлик, фаоллик каби сифатларни тарбиялашда кўринади.

720. Қандай дарслар ноанъанавий дарслар деб юритилади?

Анъанавий саналган синф-дарс тизимидан фарқли равишда ностандарт ҳолатда ташкил этиладиган дарслар ноанъанавий дарслар деб юритилади.

721. Ноанъанавий дарсларнинг қандай турлари мавжуд?

Ноанъанавий дарсларнинг матбуот конференцияси, ижодий ҳисобот, мусобақа, танлов, театрлаштирилган дарс, бинар дарс, компьютер дарси, фантазия, “суд”, ҳақиқатни излаш, “парадокс”, аукцион, диалог, ролли ва КВН туридаги ўйин каби турлари мавжуд.

722. Дарсга тайёрланиш нима?

Дарсга тайёрланиш аниқ шароитларда юқори якуний натижага эришишни таъминлайдиган ўқув жараёнини ташкил этиш чораларини ишлаб чиқишдир.

723. Ўқитувчининг дарсга тайёрланиши қандай босқичларда кечади?

Ўқитувчининг дарсга тайёрланиши қуйидаги тўрт босқичда кечади:

- 1) маълумотларни йиғиш;
- 2) маълумотларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш;
- 3) башоратлаш;
- 4) лойиҳалаш (режалаштириш).

724. Дарсни башоратлаш нима?

Дарсни башоратлаш уни ташкил этилишининг турли варианларини танлаш ва улар орасидан белгиланган мезонларга мувофиқ энг маъқулини танлаб олишдир.

725. Дарсни лойиҳалаш (режалаштириш) нима?

Дарсни лойиҳалаш (режалаштириш) ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини бошқариш дастурини яратиш бўлиб, у дарсга тайёрланишнинг якуний босқичи ҳисобланади.

726. Уй ишлари (уйга вазифалар)нинг асосий мақсади нимадан иборат?

Уй ишлари (уйга вазифалар)нинг асосий мақсади – дарсда ўзлаштирилган билим, кўникма, малакаларни кенгайтириш, чуқурлаштириш, уларни эсан чиқаришнинг олдини олиш, ўқувчиларнинг индивидуал лаёқати, истеъдод ва қобилиятини ривожлантиришдан иборат.

727. Уй ишлари (уйга вазифалар) қандай дидактик вазифаларни бажаради?

Уй ишлари (уйга вазифалар) қуйидаги дидактик вазифаларни бажаради:

- дарсда ўзлаштирилган билим, кўникма, малакаларни мустаҳкамлаш;
- синфда ишлаб чиқилган ўқув материални кенгайтириш ва чуқурлаштириш;
- машқларни мустақил бажариш кўникмаларини шакллантириш;
- дастурли материал доирасида муайян ҳажмли индивидуал топшириқларни бажариш асосида ўқувчиларда мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш;
- индивидуал кузатишлар, тажрибалар, гербарий, табиий намуналар, откриткалар, расмлар, газета ва журнал лавҳалари, статистик маълумотлар асосида ўқув топшириқларини бажариш, турли ижодий ишларни тайёрлаш.

728. Амалий машғулотлар таълимнинг қандай шакллари саналади?

Амалий машғулотлар – махсус жиҳозланган хона ёки алоҳида ажратилган тажриба майдонида ташкил этилиб, ўқувчиларда улар томонидан ўзлаштирилган назарий билимларни амалиётда қўллай олиш кўникма, малакаларини ҳосил қилишга йўналтирилган таълим шакли.

729. Замонавий дарсларнинг ёрдамчи турлари нима?

Замонавий дарсларнинг ёрдамчи турлари – бу муайян ўқув фани бўйича билимларни чуқур ўрганиш, мавжуд билимларни мустаҳкамлаш, бойитиш мақсадида қўшимча равишда турли шаклларда ташкил этиладиган дарслар саналади.

730. Замонавий дарсларнинг ёрдамчи турлари сифатида нималарни эътироф этиш мумкин?

Замонавий дарсларнинг ёрдамчи турлари сифатида тўғарак; практикум;

семинар; конференция; маслаҳат (консультация); факультатив курс; ўқув экскурсиялари; уй ишлари кабиларни эътироф этиш мумкин.

731. Фан тўғараклари қандай мақсадга хизмат қилади?

Фан тўғараклари таълим олувчиларнинг қизиқиш ва қобилиятларини ривожлантириш, ўқишга ижобий муносабатни шакллантиришга хизмат қилади.

732. Ўқув экскурсиялари қай тартибда режалаштирилади?

Ўқув экскурсиялари алоҳида ёки бир қанча фанлар бўйича режалаштирилиб, оммавий, гуруҳли ва кичик гуруҳли тарзда ташкил этилади.

733. Факультатив курс (машғулот)лар қандай ташкил этилади?

Факультатив курс (машғулот)лар ўқувчилар, ота-оналарнинг хоҳиш-истак ва қизиқишлари инобатга олинган ҳолда ташкил этилади. Уларни ташкил этишда фанларнинг рўйхатини аниқлаш, бунда нафақат таълим олувчиларнинг истакларини, балки ижтимоий талаблар ва таълим муасасаси имкониятлари ҳам инобатга олинади.

734. Маслаҳат (консультация)лар қандай тартибда ташкил этилади?

Маслаҳат (консультация)лар таълим олувчиларда маълум ўқув материални ўзлаштириш ёки топшириқни мустақил бажариш вақтида ўқитувчининг ёрдамига нисбатан юзага келган эҳтиёжни қондириш мақсадида ташкил этилади. Уни ташкил этиш вақтида асосан ўқувчи савол беради. Тўғри ташкил этилган маслаҳат (консультация) ўқувчиларга ўқув материални эгаллашда қийинчиликларни енгишга ёрдам беради. Ўқитувчи маслаҳат (консультация) жараёнида ўқувчилар фаолиятини у ёки бу масаланинг, айниқса, қийин топшириқларнинг улар томонидан мустақил равишда тўғри тушунишга йўналтиради.

735. Таълим методлари нима?

Таълим методлари ўқув жараёнида қўлланилиб, унинг самарасини таъминловчи услублар мажмуидир.

736. Таълим методларининг асосий функциялари нималардан иборат?

Таълим методларининг асосий функциялари қуйидагилардан иборат:

- 1) рағбатлантириш;
- 2) ривожлантириш;
- 3) ташкил этиш;
- 4) ўқитиш;
- 5) тарбиялаш.

737. Таълим методларини танлашда нималар инобатга олинishi лозим?

Таълим методларини танлашда қуйидагилар инобатга олинishi лозим:

- замонавий дидактиканинг етакчи ғоялари, таълим, тарбия ва

ривожлантиришнинг умумий мақсадлари;

- ўрганилаётган фан мазмуни ва методлари, мавзуларининг ўзига хослиги;
- хусусий фанлар методикасининг ўзига хослиги, умумдидактик методларни саралашга қўйилувчи талабларнинг ўзаро алоқадорлиги;
- муайян дарс материалининг мақсади, вазифалари ва мазмуни;
- у ёки бу мавзуни ўрганишга ажратилган вақт;
- ўқувчиларнинг ёш хусусияти, билиш имкониятлари ва даражаси;
- ўқувчиларнинг дарсга тайёргарликлари;
- ўқув муассасалари, аудиторияларнинг моддий таъминланганлиги, жиҳозлар, кўрсатмали куроллар, техник воситаларнинг мавжудлиги;
- ўқитувчининг имкониятлари, назарий ва амалий жиҳатдан касбий тайёргарлик даражаси, педагогик маҳорати, шахсий сифатлари;
- ўқув муассасаларида фанлараро ҳамкорликнинг ўрнатилганлиги.

738. Таълим методларини танлаш қандай мезонлар бўйича амалга оширилади?

Таълим методларини танлаш қуйидаги мезонлар бўйича амалга оширилади:

- 1) дидактик мақсад асосида;
- 2) таълим мазмуни асосида;
- 3) ўқувчиларнинг ўқув кўникмаларини эгаллаш ва ривожланиш даражаси асосида;
- 4) ўқитувчининг тажрибаси ва касбий тайёргарлик даражаси асосида.

739. Таълим методлари қандай гуруҳларга ажратилади?

Таълим методлари қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

1. Ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш ва бажариш методлари.
2. Ўқув-билиш фаолиятини рағбатлантириш ва мотивлаш методлари.
3. Назорат ва ўз-ўзини назорат методлари.

740. Ўқувчига билимларни етказиш шаклига кўра таълим методларини қандай гуруҳларга ажратиш мумкин?

Ўқувчига билимларни етказиш шаклига кўра таълим методларини қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Оғзаки баён қилиш методлари.
2. Кўргазмали методлар.
3. Амалий методлар.

741. Оғзаки баён қилиш методларининг қандай турлари мавжуд?

Оғзаки баён қилиш методларининг ҳикоя, суҳбат, тушунтириш, маъруза каби турлари мавжуд.

742. Ҳикоя методи нима?

Ҳикоя методи ўқитувчи томонидан мавзуга оид далил, ҳодиса ва воқеаларнинг яхлит ёки қисмларга бўлиб, тасвирий воситалар ёрдамида

образли тасвирлаш йўли билан ихчам, қисқа, изчил баён қилиниши деганидир.

743. Ҳикоя методининг самараси нимага боғлиқ?

Методнинг самараси кўп жиҳатдан ўқитувчининг нутқ маҳорати, сўзларни ўз ўрнида, ифодали баён қилиши, ўқувчилар ёши, ривожланиш даражасининг инобатга олинишига боғлиқ. Ҳикоянинг ахборотлар билан бойитилиши ҳам методнинг самарали қўлланилишини таъминлайди.

744. Сухбат методи қандай метод саналади?

Сухбат методи савол ва жавоб шаклидаги диалогик характерга эга таълим методи саналади.

745. Сухбатнинг қуйидаги турлари мавжуд?

Сухбат қуйидаги турлари мавжуд:

1) кириш сухбати (ўқув ишларининг бошида ташкил этилади; уни ташкил этишдан кўзланган мақсад ҳал этилиши зарур бўлган ишлар моҳиятининг ўқувчилар томонидан англаб етилганлигини текшириб кўришдан иборат);

2) якуний сухбат (ўқувчилар томонидан эгалланган билимларни умумлаштириш ва тизимлаштириш мақсадида амалга оширилади);

3) Катехисизм (қисқа баёнли) сухбат (ўқувчиларнинг бошланғич билим даражаси, уларнинг янги мавзунини ўзлаштиришга тайёргарликларини аниқлаш учун дарс аввалида ёки сўнггида қўлланилади);

4) эвристик сухбат (янги билимларни муаммоли тарзда эгаллашга йўналтирилади; унга кўра саволлар кетма-кетликда берилади, бунинг натижасида ўқувчиларда мустақил фикрлаш, билиш фаоллиги, таҳлил қилиш, далилларни баён этиш лақёати юзага келади);

5) тушунтириш (ўқув материали мазмунини исбот, таҳлил, умумлашма, таққослаш асосида баён қилиш бўлиб, у ҳикояга нисбатан бирмунча кенг қўлланилади; тушунтириш чоғида ўқув материалининг қийин ўринларига урғу берилиб, мазмун очилади; тушунтириш самараси ўқитувчининг кўргазмали воситалардан фойдаланишига кўп жиҳатдан боғлиқ).

746. Маъруза методи қандай метод?

Маъруза йирик ҳажмдаги ўқув материалини оғзаки баён қилиш методи саналиб, у қатъий мантиқий изчиллик, кетма-кетлик, узатилаётган ахборотларнинг кўплиги, билимлар баённинг тизимлилиги каби ўзига хос хусусиятларини намоён этади.

747. Маъруза методини самарали қўллашнинг асосий шартлари нималардан иборат?

Маъруза методини самарали қўллашнинг асосий шартлари қуйидагилардан иборат:

- маъруза режасини тузиш;
- ўқувчиларни маъруза мавзуси ва режаси билан таништириш;
- маъруза бандларини мантиқий изчиллик ва кетма-кетликда баён этиш;

- ҳар бир бандини қисқача хулосалаш;
- маърузанинг бир қисмидан иккинчисига ўтишда мантиқий алоқадорликни таъминлаш;
- маърузани муаммоли ва ҳиссий тарзда баён қилиш (бунда нутқ имконияти, мисоллар, аниқ далиллар ва қиёслашлардан фойдаланилади);
- ўқувчиларнинг билиш фаолиятини маҳорат билан бошқариш;
- маърузанинг муҳим жиҳатларини очиб бериш;
- ўқувчиларга маърузанинг асосий ўринларини ёзиб бориш учун имконият яратиш;
- муҳим ўринларни таъкидлаб кўрсатиш;
- маъруза мазмунини кўرғазмали тарзда (намойиш, иллюстрация, видеофильм ва бошқалардан фойдаланган ҳолда) ёритиш.

748. Мактаб маърузаси нима?

Мактаб маърузаси – бир соатлик машғулот давомида ўрганилаётган мавзунинг умумий моҳиятини очиб бериш, унда илгари сурилган ғоялар асосида илмий хулосалар чиқариш, уларни умумлаштириш асосида билимларни муайян изчилликда баён этиш шакли.

749. Кўрғазмали методларнинг қандай турлари мавжуд?

Кўрғазмали методларнинг намойиш, тасвирлаш, экскурсия каби турлари мавжуд.

750. Намойиш методи қандай мақсадларда қўлланилади?

Намойиш методи ўрганилаётган объект ҳаракат динамикасини очиш, предметнинг ташқи кўриниши, ички тузилиши ҳақида маълумот бериш мақсадида қўлланилади.

751. Намойиш методининг самарали қўлланилиши нималарга боғлиқ?

Намойиш методининг самарали қўлланилиши кўп жиҳатдан билиш жараёнининг ўқувчилар ёшига мос ҳолда тўғри танланишига, уларнинг диққатини намойиш этилаётган предметнинг муҳим жиҳатларига самарали йўналтира олинишига боғлиқ.

752. Тасвирлаш (иллюстрация) методи нима?

Тасвирлаш методи нарса, ҳодиса, жараёнларни уларнинг рамзий кўринишлари – чизма, портрет, расм, фотосурат, ясси моделлар ва бошқалар ёрдамида кўрсатиш деганидир.

753. Қандай методга экскурсия методи деб номланади?

Экскурсия нарса ва ҳодисалар моҳиятини табиий шароитлар (ишлаб чиқариш муассасалари, фермер ва жамоа хўжаликлари, табиат) ёки махсус муассасалар (музей, кўрғазма заллари ва ҳ.о.)да бевосита ўрганилишини ташкил этишдир.

754. Кўргазмали методлардан фойдаланишда қандай шартларга амал қилиш лозим?

Кўргазмали методлардан фойдаланишда қуйидаги шартларга амал қилиш лозим:

- кўргазмалиликнинг ўқувчилар ёши ва ривожланиш даражасига мос келиши;
- намоёниш этилаётган объектларнинг барча ўқувчиларга яхши кўриниб туриши;
- намоёнишда бошланғич босқич ва асосий жараён (ҳолат)ларнинг ажралиб туриши;
- тажрибалар намоёниши макет, жиҳоз, қуроллар ёки тажриба схемасини чизиб кўрсатиш асосида ташкил этилиши;
- намоёниш ва иллюстрация ўқув материалининг мазмуни билан уйғун бўла олиши лозим.

755. Амалий ишлар методи нима?

Амалий ишлар методи ўзлаштирилган билимларни амалий масалаларни ечиш жараёнида қўллашни тақозо этади, бунда ўқувчилар назарий билимларни амалиётда қўллаш кўникмаси, малакасини самарали ўзлаштирадидилар.

756. Амалий ишлар методининг турлари қайсилар?

Машқ, лаборатория ишлари ва амалий ишлар амалий ишлар методининг турлари саналади.

757. Машқлар методлари қандай методлардан таркиб топади?

Машқлар методлари қуйидаги методлардан таркиб топади:

1. Машқлар – назарий (ақлий) ёки амалий (жисмоний) ҳаракатларни бажариш кўникмаларини эгаллаш йўлидаги кўп марта такрорланишлар бўлиб, машқсиз кўникма, малакаларни шакллантириш мумкин эмас; машқлар оғзаки, ёзма, график (техник жараёнларни ёритиш), ижтимоий-фойдали, жисмоний ва бошқа турларга бўлинади.

2. Ёзма машқлар – таълимнинг таркибий қисми сифатида зарурий кўникма, малакаларни шакллантириш ва мустаҳкамлаш учун қўлланилади. Диктант, иншо, масала, мисол, реферат ёзиш, тажрибани ёритиш ёзма машқ саналади.

3. Графикавий ишлар ёзма ишларга ўхшаш бўлиб, улардан техник жараёнлар (география, физика, математика, чизмачилик, расм, технологик таълим)да кенг қўламда фойдаланилади.

758. Машқлар методларининг самараси қандай шартлар инобатга олинганида таъминланади?

Машқлар методларининг самараси қуйидаги шартлар инобатга олинганида таъминланади:

- машқларни бажаришга нисбатан онгли ёндашиш;
- бажариш қоидасини билиш;
- вақт бўйича такрорланишнинг тўғри тақсимланиши.

759. Машқларни бажариш қандай босқичларда кечади:

Машқларни бажариш қуйидаги босқичларда кечади:

- ўқитувчининг фаолият мақсади ва мазмунини тушунтириши;
- ўқитувчи томонидан топшириқни бажариш кетма-кетлигининг бевосита кўрсатилиши;
- ўқитувчи назорати остида ўқувчилар томонидан ўқув ҳаракатининг дастлабки бажарилиши;
- зарур кўникма ва малакалар шакллангунича ўқув ҳаракатларнинг кўп бор такрорланиши.

760. Лаборатория ишлари қандай методлар саналади?

Лаборатория ишлари ўқувчиларга турли жиҳоз, махсус ускуна, қурол, техникавий қолиплардан фойдаланган ҳолда тажрибаларни ўтказиш имкониятини яратувчи методлар бўлиб, улар кўпроқ табиий фанлар асосларини ўрганишда қўлланилади. Ушбу метод ўқувчиларда асбоб-ускуналар билан иш кўриш, ўлчаш ишларини амалга ошириш, уларнинг натижаларига ишлов бериш каби кўникма, малакаларни шакллантиришга хизмат қилади. Лаборатория ишларини бажариш махсус қурилма, жиҳоз ва материалларни, вақтни сарфлаш ҳисобига уларни ишга тайёр ҳолатга келтиришни талаб этади.

761. Амалий ишлар методлари лаборатория ишлари методларидан фарқланадими?

Ҳа фарқланади. Амалий ишларнинг лаборатория ишларидан фарқи шундаки, у ўқувчиларни мавжуд назарий билимлардан амалий масалаларни ечишда фойдаланишга йўналтиради. Метод таълим жараёнида ўқувчиларнинг билимларини чуқурлаштириш, билиш фаолиятини назорат қилиш ва мавжуд камчиликларни тузатиш имкониятини яратади.

762. Амалий машғулотларда билиш фаолияти қандай босқичларда ташкил этилади?

Амалий машғулотларда билиш фаолияти қуйидаги беш босқичда ташкил этилади:

1. Ўқитувчининг тушунтириши, фаолият моҳиятини назарий жиҳатдан англаш.
2. Кўрсатма бериш, йўл-йўриқ кўрсатиш.
3. Тажрибани ташкил этиш (бунда икки-уч нафар ўқувчи амалий ҳаракатларни бажаради, қолган ўқувчилар эса уларнинг фаолиятини кузатадилар).
4. Ўқувчиларнинг мустақил фаолиятларини ташкил этиш (ўқувчилар топшириқларни мустақил бажарадилар, ўқитувчи қийналган ўқувчиларга эътиборни қаратиб, уларга ёрдам кўрсатади).
5. Назорат (ўқувчиларнинг ишлари қабул қилиниб, баҳоланади; унда ишнинг сифати, материалнинг мақсадга мувофиқ танланганлиги, вақтни тежаш, топшириқни бажариш тизимининг тўғрилиги ва самарадорлигига эътибор қаратилади).

763. Қандай методлар интерфаол методлар саналади?

Таълим жараёнида ўқувчилар ҳамда ўқитувчи ўртасида ҳамкорликни қарор топтириш, фаолликни ошириш таълим олувчилар томонидан билимларни самарали ўзлаштириш, уларда шахсий сифатларни ривожлантиришга хизмат қиладиган методлар интерфаол методлар саналади.

764. Қандай ўйин дидактик ўйин саналади?

Дидактик ўйин ўрганилаётган объект, ҳодиса, жараёнларни моделлаштириш асосида ўқувчиларнинг билишга бўлган қизиқишлари, фаолликларини оширадиган ўқув фаолияти тури саналади.

765. Дидактик ўйинлар қандай аҳамиятга эга?

Дидактик ўйинлар ўқувчилар томонидан ижтимоий-фойдали меҳнат ва ўқиш кўникмаларини фаол ўзлаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг аҳамияти натижалар билан эмас, балки жараённинг мазмуни ва кечиши билан белгиланади; бу каби ўйинлар болаларни ижтимоий муносабатлар жараёнида фаол иштирок этишга тайёрлайди, улардаги турли психологик зўриқишларни камайтиради.

766. Таълим воситалари нима?

Таълим воситалари ўқитиш самарадорлигини таъминловчи объектив (дарслик, ўқув қўлланмалари ва қуроллари, харита, диаграмма, плакат, расм, чизма, диопроектор, магнитофон, видеомагнитофон, ускуна, телевизор, радио, компьютер ва б.ш.) ва субъектив (ўқитувчи нутқи, намунаси, муайян шахс ҳаёти, фаолиятига оид мисоллар ҳамда б.ш.) омиллар ҳисобланади.

767. Таълим натижаси (таълим маҳсули) деганда нимани англаш зарур?

Таълим натижаси (таълим маҳсули) деганда таълим якунининг моҳиятини қайд этувчи тушунча; ўқув жараёнининг оқибати; белгиланган мақсадни амалга ошириш даражасини англаш зарур.

768. Замонавий шароитда таълим мазмуни қандай ғояларга асосланади?

Замонавий шароитда таълим мазмуни инсонийлаштириш, инсонпарварлаштириш, интеграциялаштириш, стандартлаштириш, кўп босқичликка асосланиш, амалийлаштириш, ахборотлаштириш, индивидуаллаштириш, узлуксизлик каби ғояларга асосланади.

769. Таълимни инсонийлаштириш деганда нима назарда тутилади?

Таълимни инсонийлаштириш деганда таълим жараёнида ўқувчи шахсининг устувор ўрин тутиши, унинг шахси, хоҳиш-истак ва қизиқишларини ҳурмат қилиш, қобилиятларини ривожлантириш, мустақил ҳаётда ўз ўрнини топиб олиши учун шароит яратиш назарда тутилади.

770. Таълимни инсонпарварлаштиришда нималарга эътибор қаратилади?

Таълимни инсонпарварлаштиришда биринчи навбатда таянч ўқув режасида гуманитар фанлар ҳажмини оширишга (50 фоиздан кўпроқ) эътибор қаратилади.

771. Таълимни табақалаштириш (дифференциялаштириш) нима?

Таълимни табақалаштириш мажбурий ўқув курслари билан бирга таълимнинг юқори босқичларида чуқурлаштирилган ва ихтисослаштирилган ўқитишни ташкил этиш, фанлар бўйича машғулотларни танлаш асосида олиб бориш, академик гуруҳ (ёки синф)да, гуруҳ (ёки синф)лар ўртасида, шунингдек, турли ёшдаги ўқув гуруҳларида факультатив курсларни, индивидуал ва гуруҳли машғулотларни, шунингдек, ўқувчиларнинг қизиқишларига кўра тўғарақларни ташкил этиш ҳамда ривожлантиришни кўзда тутди.

772. Таълимни интеграциялаштириш (ўзаро мувофиқлаштириш) ўзида қандай ғояни ифодалайди?

Таълимни интеграциялаштириш (ўзаро мувофиқлаштириш) ўқувчиларда дунёни яхлит тасаввур қилиш қобилиятини ривожлантиришда умумлаштирадиган, дунёқарашни шакллантириш имконини берадиган интеграл фанларни яратиш ғоясини ифодалайди.

773. Таълимни стандартлаштириш нима?

Таълимни стандартлаштириш (давлат миқёсида ўрнатилган ягона қоида ва талабларга мос келиш) – бу мажбурий ўқув фанлари тўплами соатларининг аниқ белгиланган ҳажмини белгилаш бўлиб, таълим стандартлари ёрдамида таълим муассасаларида ўқув ишларига доир меъёрий ҳужжатлар талабларига мослаштирилади, ўқувчилар билимларини баҳолашнинг ягона мезонлари ишлаб чиқилади.

774. Таълим мазмунининг кўп босқичлилиги нимани англатади?

Таълим мазмунининг кўп босқичлилиги – бу таълимнинг ҳар бир босқичида ўқувчининг имконият ва қизиқишларига мос келадиган билим даражасига эришиш имконини берувчи кўп босқичли таълим жараёнини ташкил этишдан иборат.

775. Таълимни амалийлаштириш нима?

Таълимни амалийлаштириш – бу шахс (ўқувчи)ни у томонидан назарий билимларнинг пухта ўзлаштирилишини таъминлаш асосида уларни амалиётда фаол қўллаш олишга ва ижтимоий фаолиятга тайёрлаш.

776. Таълимни ахборотлаштириш нимани англатади?

Таълимни ахборотлаштириш ўқувчиларнинг ўқитиш жараёнида ҳисоблаш техникаси, ахборот технологияларидан оммавий равишда, кенг ва фаол фойдаланишлари учун зарур шарт-шароитларни яратишга қаратилган

ташкилий-педагогик фаолиятни англатади.

777. Таълимни индивидуаллаштириш нима?

Таълимни индивидуаллаштириш таълим-тарбия жараёнида ўқувчи ҳамда ўқитувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг барча турларида таълим олувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш ва ривожлантиришдир.

778. Таълимнинг узлуксизлиги нимани англатади?

Таълимнинг узлуксизлиги – бу ягона таълим тизими босқичларининг кетма-кетлиги асосида ўқувчиларга бериладиган илмий билимларнинг оддийдан мураккабга қадар босқичма-босқич ривожлантириб боришни, улар ўртасида мантикий изчилликни таъминлашни англатади.

779. Педагогик парадигма нима?

Педагогик парадигма (юнонча “paradeigma” – мисол, намуна) таълимнинг концептуал модели сифатида педагогика фани ривожининг маълум босқичида таълимий ва тарбиявий муаммоларни ҳал этиш намунаси (модели, стандарти) сифатида эътироф этилган назарий ва методологик кўрсатмалар тўплами саналади.

780. Таълим жараёни қандай функцияларни бажаради?

Таълим жараёни:

- 1) таълим бериш;
- 2) тарбиялаш;
- 3) ривожлантириш каби функцияларни бажаради.

781. Таълим жараёнининг таълим бериш функцияси нимадан иборат?

Таълим жараёнининг таълим бериш функцияси ўқувчиларга илмий билимларни бериш, уларни табиий ва ижтимоий борлиқ, шахслараро муносабатлар, шахснинг ривожланиш қонунияти моҳиятини англатувчи маълумотлар билан таништириш орқали уларда мавжуд билимларни амалиётга татбиқ этиш кўникма, малакаларини шакллантиришдан иборат.

782. Таълим жараёнининг тарбиялаш функцияси қандай маънони англатади?

Таълимнинг тарбиялаш функцияси таълим жараёнида ўқувчиларнинг онгини ривожлантириш асосида уларда юксак маънавий-ахлоқий сифатларни, фаолият кўникма, малакаларини шакллантириш, уларни ижтимоий ҳаётга самарали тайёрлашни билдиради. Турли ижтимоий тузум ва шароитда ҳам таълимнинг тарбиялаш функцияси яққол намоён бўлиб келган.

783. Таълимнинг ривожлантириш функцияси нимадан иборат?

Таълимнинг ривожлантириш функцияси таълим жараёнида ўқувчилар томонидан илмий билимларнинг самарали ўзлаштирилиши, онг ва дунёқарашнинг шаклланиши учун зарур педагогик шарт-шароитларни яратиш

асосида улар шахсининг ривожланишига эришишни ифодалайди.

784. Таълим жараёнида ўқитувчи қандай вазифаларни бажаради?

Таълим жараёнида ўқитувчи режалаштириш, ташкил этиш, бошқариш, назорат қилиш, натижаларни баҳолаш ва таҳлил қилиш каби вазифаларни бажаради.

785. Ўқитувчи томонидан таълим жараёнини бошқариш қандай маънони англатади?

Ўқитувчи томонидан таълим жараёнини бошқариш муайян мавзу бўйича ёки назорат ишларини ўтказиш мақсадида ташкил этилаётган ўқув машғулотларининг илмий-педагогик ва амалий-методик жиҳатдан тўғри ташкиллаштирилиши, олиб борилиши, натижаларнинг таҳлил этилишини англатади.

786. Ўқитувчи томонидан таълим жараёнини бошқариш қандай босқичларда ташкил этилади:

Ўқитувчи томонидан таълим жараёнини бошқариш қуйидаги босқичларда ташкил этилади:

- 1) режалаштириш;
- 2) ташкил этиш;
- 3) бошқариш;
- 4) назорат қилиш;
- 5) натижаларни баҳолаш ва таҳлил қилиш.

787. Таълим жараёнини ташкил этишни режалаштиришда ўқитувчи нималарга эътибор қаратади?

Ўқитувчи таълим жараёнини ташкил этишни режалаштиришда календар-тематик ёки дарслар режаларини тузишга эътибор қаратади.

788. Ўқитувчининг таълим жараёнини ташкил этишдаги роли нимадан иборат?

Ўқитувчининг таълим жараёнини ташкил этишдаги роли ўқувчилар олдида ўқув масалаларини қўйиш, уларнинг самарали бажарилиши учун зарур шароитни яратишдан иборат.

789. Таълим жараёнида ўқувчилар фаолиятини бошқаришда ўқитувчи қандай вазифани бажаради?

Таълим жараёнида ўқувчилар фаолиятини бошқаришда ўқитувчи уни тўғри йўналтириш вазифасини бажаради.

790. Таълим жараёнида ўқувчилар фаолиятини назорат қилиш қандай натижани таъминлайди?

Таълим жараёнида ўқувчилар фаолиятини назорат қилиш ўқувчилар фаолиятининг мақсадга мувофиқ, самарали ташкил этилишини таъминлайди.

791. Таълим жараёни бўйича натижаларни баҳолаш ва таҳлил қилишда ўқитувчи нимага эътибор қаратиши лозим?

Таълим жараёни бўйича натижаларни баҳолаш ва таҳлил қилишда ўқитувчи таълим жараёнининг қандай кечганлигини билиш, ютуқлар омилларини ўрганиш, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш чораларини белгилашга эътибор қаратиши лозим.

792. Билим олиш қандай жараён саналади?

Билим олиш борлиқни идрок этиш, ўрганиш, машқ қилиш ва муайян тажриба асосида хулқ-атвор, фаолият кўникма, малакаларининг мустаҳкамланиб, мавжуд билимларнинг такомиллашиб, бойиб бориш жараёни саналади.

793. Билимларни эгаллаш (ўзлаштириш) жараёни қандай босқичларда кечади?

Билимларни эгаллаш (ўзлаштириш) жараёни қуйидаги босқичларда кечади:

- 1) олинаётган маълумотларни идрок этиш;
- 2) олинган маълумотлар мазмунини англаб етиш (тушуниш);
- 3) ўзлаштирилган маълумотларни ёдда сақлаш ва мустаҳкамлаш;
- 4) мавжуд билимларни амалиётда қўллаш.

794. “Гносеология” тушунчаси қандай маънони англатади?

“Гносеология” (юнонча – “gnosis” (“gnoseos”) – билим, онг, ўрганиш, “logos” – фан, таълимот) тушунчаси билиш жараёни, илмий билимларнинг шаклланиши, хусусиятлари, қонуниятлари, услублари, илмий тафаккур шакллари, инсонга хос бўлган борлиқни англаш қобилияти ҳақидаги назария, таълимот деган маънони англатади.

795. Таълим концепциялари нима?

Таълим концепциялари (лотинчадан “conception” – тўплаш, бирлаштириш, тизим, ибора) тушунчаси “таълим-тарбия мазмуни, истиқболни ёритувчи яхлит қарашлар тизими”, “узлуксиз таълим тизимининг турли босқичларида таълим муассасалари фаолиятининг йўналиши, мақсад ва вазифаларини белгилашнинг алоҳида усули” маъноларини англатади.

796. Таълим қонуниятлари нима?

Таълим қонуниятлари – бу таълим жараёнида рўй берадиган ҳодисалар ўртасидаги ўзаро боғланишлар, уларнинг моҳиятини ифодаловчи шарт-шароит, асос.

797. Таълим қонуниятлари нималардан иборат?

Таълим қонуниятлари қуйидагилардан иборат:

- 1) таълим омиллари, шарт-шароитлари ва натижалари ўртасида ўзаро алоқадорликнинг мавжудлиги;
- 2) таълим жараёнининг ижтимоий омиллар ва жамият эҳтиёжлари билан

боғлиқлиги;

3) таълим, ривожланиш ва тарбиянинг ўзаро бирлиги;

4) ҳар қандай таълим жараёнида ўқитувчи, ўқувчи ва ўрганилаётган объектлар ўртасидаги ўзаро таъсирнинг талаб этилиши;

5) таълим жараёни самарадорлигининг ўқувчилар ўқув фаоллиги асосида таъминланиши;

6) малакаларнинг муайян операция, ҳаракатларнинг мунтазам такрорланиши натижасида ҳосил бўлиши;

7) ўзлаштириш пухталигининг такрорлаш изчиллигига боғлиқлиги;

8) ўқувчилар ўзлаштирган мураккаб фаолият усуллари ўқитувчининг уларда энг оддий фаолият усуллари самарали ўргата олишининг натижаси эканлиги.

798. Таълим мазмуни қандай меъёрий ҳужжатларда акс этади?

Таълим мазмуни давлат таълим стандарти, ўқув режалари ва ўқув дастурлари мазмунида акс этади.

799. Ўқув режаси нима?

Ўқув режаси – бу меъёрий ҳужжат бўлиб, унда ҳар бир ўқув предметининг мазмуни очиқ берилади, муайян ўқув йилида ўзлаштирилиши зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар ҳажми кўрсатилади.

800. Ўқув режасида нималар акс этади?

Ўқув режасида қуйидагилар акс этади:

- ўқув йили, чорак (семестр)лар ва таътилларнинг давомийлиги;
- таълим муассасасида ўрганиладиган ўқув фанларининг тартиби;
- фанларнинг ўқиш йиллари бўйича тақсимланиши;
- ҳар бир фан бўйича яхлит таълим даври ва ҳар бир синф (курс)да фанларни ўрганишга ажратилган соатлар ҳажми;
- ҳар бир фанни ўрганишга ажратилган ҳафталик соатлар ҳажми;
- практикумлар, ишлаб чиқариш ва педагогик амалиётлар кабиларнинг давомийлиги.

801. Ўқув режаларининг қандай турлари мавжуд?

Ўқув режаларининг қуйидаги турлари мавжуд:

- 1) таянч ўқув режалари;
- 2) намунавий ўқув режалари;
- 3) ишчи ўқув режалари.

802. Таянч ўқув режаси қандай жисмоний шахс томонидан тасдиқланади?

Таянч ўқув режаси давлат таълим стандартининг ташкилий қисми ҳисобланувчи асосий меъёрий ҳужжат бўлиб, у намунавий ва амалий ўқув режаларини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Таянч ўқув режаси Республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

803. Намунавий ўқув режалари нимага асосланиб яратилади?

Намунавий ўқув режалари таянч ўқув режаси асосида узоқ муддатга мўлжаллаб тузилади ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги томонидан тасдиқланади.

804. Ишчи ўқув режалари нима асосида яратилади?

Ишчи ўқув режалари намунавий ўқув режалари асосида ўқув муассасаларининг мавжуд шароитларини ҳисобга олган ҳолда яратилади.

805. Ўқув дастури нима?

Ўқув дастури муайян ўқув фани бўйича билим, кўникма, малакалар мазмуни, умумий вақтнинг муҳим билимларни ўрганилиши бўйича тақсимланиши, мавзулар кетма-кетлигининг белгиланиши ва уларнинг ўрганилиш даражасини ёритувчи меъёрий ҳужжат.

806. Ўқув дастурларини яратишда қандай тамойиллар устувор ўрин тутди?

Ўқув дастурларини яратишда:

- илмийлик;
- ғоявийлик;
- амалиёт ва назария бирлиги;
- таълим ва тарбиянинг ўзаро алоқадорлиги;
- тизимлилик;
- тарихийлик;
- ўқув предметларининг ўзаро боғлиқлиги;
- ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш;
- ўқувчилар тарбиясининг ижтимоий мақсадларга мос келиши каби тамойиллар устувор ўрин тутди.

807. Ўқув дастурларида нималар акс этади?

Ўқув дастурида ўқув материалининг муайян таълим бошқичининг ҳар бир йили ва ҳар бир гуруҳ (ёки синф), курс бўйича тақсимланиши асослаб берилади. Дастурда кўрсатилган билим, кўникма, малакаларнинг ўқувчилар томонидан тўла ўзлаштирилиши ўқитиш жараёнининг муваффақияти ва самарадорлигини белгиловчи асосий мезонларидан бири ҳисобланади.

808. Ўқув дастурлари қандай таркибий тузилмага эга?

Ўқув дастурлари қуйидаги таркибий тузилмага эга:

1. Уқтириш хати (ёки кириш).
2. Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари.
3. Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма, малакаларига қўйиладиган талаблар.
4. Фаннинг ўқув режасидаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги.
5. Фаннинг таълим соҳасидаги ўрни.

6. Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологияларнинг ўрни.

7. Фанни ўқитиш жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш юзасидан тавсиялар.

8. Фаннинг ҳажми ва мазмуни.

9. Ўқув фанининг режаси.

10. Фаннинг назарий (маъруза) машғулоти мазмуни.

11. Амалий (лаборатория) машғулотларини ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар.

12. Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни.

13. Ўқув фани бўйича тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари.

14. Ўқув фани юзасидан ёзма шаклдаги оралиқ назорат (ОН)ни ташкил этиш учун намунавий саволлар.

15. Ўқув фани юзасидан ёзма шаклдаги якуний назорат (ЯН)ни ташкил этиш учун намунавий саволлар.

16. Ўқувчилар билимларини назорат қилиш тартиби ва мезонлари.

17. Ўқувчилар фаолиятини назорат қилиш турлари (жорий, оралиқ ва якуний назорат).

18. Ўқув фани бўйича рейтинг назоратининг умумий баллари ва мезонлари.

19. Ўқув фани бўйича рейтинг назорати.

20. Ўқув фани бўйича дастурнинг ахборот-услубий таъминоти.

21. Дидактик воситалар.

22. Ўқув фанида фойдаланиладиган манбалар рўйхати.

23. Қўшимча манбалар.

24. Мундарижа.

809. Ўқув дастурларининг қандай турлари мавжуд?

Ўқув дастурларининг қуйидаги турлари мавжуд:

- 1) намунавий ўқув дастурлари;
- 2) муқобил ўқув дастурлари;
- 3) ишчи ўқув дастурлари;
- 4) муаллифлик ўқув дастурлари;
- 5) индивидуал ўқув дастурлари.

810. Намунавий ўқув дастурлари нимага асосан яратилади?

Намунавий ўқув дастурлари у ёки бу таълим соҳасига нисбатан давлат таълим стандартлари талаблари асосида ишлаб чиқилади.

811. Намунавий ўқув дастурлари қандай таркибий тузилмага эга?

Намунавий ўқув дастурлари қуйидаги таркибий тузилмага эга:

- фанни ўрганиш мақсади;
- ўқувчиларнинг билим, кўникма, малакаларига қўйиладиган асосий талаблар;
- фанни ўқитиш учун тавсия этиладиган шакл ва методлар ҳақидаги тушунтириш хати;
- ўрганилаётган материалнинг тематик мазмуни;

- курснинг алоҳида саволларини ўрганишга ўқитувчи сарфлайдиган тахминий соатлари ҳажми;
- дунёқарашни шакллантирувчи асосий саволлар рўйхати;
- фанлараро ва курслараро боғлиқликни амалга ошириш бўйича кўрсатмалар;
- ўқув ускуналари ва кўргазмали қўлланмалар рўйхати;
- тавсия этиладиган адабиётлар.

812. Ишчи ўқув дастурлари ким томонидан тасдиқланади?

Намунавий дастур асосида ўқув жараёнининг методик, ахборот, техник таъминлаш имконияти, ўқувчиларнинг тайёргарлик даражалари инобатга олинган ҳолда ишлаб чиқилган ишчи ўқув дастурлари таълим муассасаларининг Педагогик кенгашлари томонидан тасдиқланади.

813. Муаллифлик ўқув дастурлари бошқа ўқув дастурларидан қандай жиҳатига кўра фарқланади?

Муаллифлик ўқув дастурлари давлат таълим стандартлари талабларини ҳисобга олган ҳолда ўқув фани қурилишининг ўзгача шаклда бўлиши, ўрганилаётган ҳодиса ва жараёнларга нисбатан муаллиф нуқтаи назарининг акс этиши билан бошқа ўқув дастурларидан фарқланади. Бу турдаги дастурлар тегишли фан соҳаси бўйича фаолият олиб бораётган педагог, психолог, методистларнинг ташқи тақризларига эга бўлиши ва таълим муассасаларининг Педагогик кенгашлари томонидан тасдиқланиши зарур.

814. Муқобил ўқув дастурлари нима?

Муқобил ўқув дастурлари таянч ва намунавий ўқув дастурлари асосида амалдаги ишчи ўқув дастурларига муқобил равишда яратилади ва таълим муассасаларининг Педагогик кенгашлари томонидан тасдиқланади.

815. Индивидуал ўқув дастурлари ўзида қандай хусусиятларни намоён этади?

Индивидуал ўқув дастурлари муайян ўқув фани ёки билим соҳаси бўйича таълим олувчиларнинг қобиляти, иқтидорини инобатга олган ҳолда уни янада ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқилиб, таълим муассасасининг Педагогик кенгашлари томонидан тасдиқланади.

816. Таълим мазмуни нималарда лойиҳалаштирилади?

Таълим мазмуни ўқув адабиётларида лойиҳалаштирилади.

817. Қандай манбалар ўқув адабиётлари саналади?

Ўқув фанлари бўйича яратилган дарсликлар, ўқув ҳамда методик қўлланмалар, машқ ва масалалар тўплами, хрестоматиялар, маълумотномалар, атласлар, ўқув луғатлари ўқув адабиётлар саналади.

818. Дарслик нима?

Дарслик муайян ўқув фани бўйича таълим мақсади, ўқув дастури ва дидактик талабларга мувофиқ белгиланган илмий билимлари тўғрисидаги маълумотларни берувчи манба бўлиб, у мазмуни, тузилишига кўра ўқув дастурига мос келади.

819. Ўқув дарсликлари таълим муассасаси фаолиятига қандай таътилади?

Намунавий ўқув дастурлари асосида яратилган дарсликлар тегишли равишда Республика Олий ва ўрта махсус таълим ёки Халқ таълими Вазирликлари томонидан муайян таълим муассасалари учун тавсия этилади.

820. Дарслик ўзида қандай хусусиятларни намоён эта олиши керак?

Дарслик таълим мазмунига қўйиладиган барча талабларга жавоб бера олиши, маълумотлар ўқувчилар учун қизиқарли, иложи борича қисқа, тушунарли, кўргазмали, эстетик хусусиятга эга бўлиши керак.

821. Дарсликлар қандай дидактик вазифаларни бажаради?

Дарсликлар қуйидаги дидактик вазифаларни бажаради:

1) рағбатлантириш (ўқувчиларни фанни ўрганишга йўналтириш, уларда фан асосларини ўзлаштиришга нисбатан ижобий муносабат ва қизиқишни шакллантириш);

2) ахборот узатиш (ўқувчиларга ахборотларни етказиш, самарали усуллар ёрдамида уларнинг билимлари ҳажмини кенгайтириш);

3) назорат-тузатиш (машқ қилиш; таълим жараёни, унинг натижаларини текшириш, ўқувчиларда ўзини баҳолаш, тузатиш лаёқати ва зарур кўникма, малакаларни шакллантириш учун машқларини тавсия этиш);

4) мувофиқлаштириш (материал устида ишлаш жараёнида таълимнинг бошқа воситалари (хариталар, кўргазмали материаллар, диапозитив ва б.ш.)ни жалб этиш);

5) ривожлантириш-тарбиялаш (дарслик мазмунининг ўқувчиларга маънавий-ахлоқий таъсир кўрсатиши, китоблар билан ишлаш жараёнида улардан меҳнатсеварлик, фаол фикрлаш, ижодий қобилият каби сифатларни шакллантириш);

6) ўқитиш (дарслик билан ишлашда мустақил билим олиш учун зарур бўлган конспект ёзиш, умумлаштириш, асосийсини ажратиб кўрсатиш, мантиқий эслаб қолиш каби малакаларни ривожлантириш).

822. Дарсликни яратишда қандай шартлар инобатга олиниши лозим?

Дарсликни яратишда қуйидаги шартлар инобатга олиниши лозим:

1. Ҳар бир ўқув предмети учун яратиладиган дарсликда илмий билимлар тизими, унинг ҳажми тегишли ўқув дастури талабларига ва у мўлжалланган ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига мос келиши керак.

2. Дарсликда баён қилинган илмий билимлар назарий, ғоявий жиҳатдан тизимли, изчил, келтирилаётган далил ва исботлар ишончли бўлиши, улар тўғри таҳлил қилиниши, аниқ таъриф этилиши, мавзулар юзасидан зарур

хулосалар чиқарилиши асосида таълим олувчиларда дунёқараш, маънавий-ахлоқий сифатлар ҳамда эътиқодни тарбиялай олиши лозим.

3. Ўқув дарсликларида баён этилаётган билимлар амалиёт билан боғланиши, жамият ҳаётининг барча – ижтимоий, иқтисодий, маданий соҳаларида эришилган ютуқларни тавсифлайдиган далиллар билан бойитилиши, уларнинг таҳлили билан асосланиши зарур.

4. Дарсликларда баён қилинаётган мавзулар ўқув материалининг характериға боғлиқ ҳолда тегишли қоида ва таърифлар берилиши, далиллар келтирилиши, баъзи материаллар расм, сурат, схема, диаграмма ҳамда бошқа тасвирлар билан бойитилиши мақсадға мувофиқдир.

5. Баён қилинаётган материаллар ўқувчиларға тушунарли бўлиши, лўнда, ихчам жумлалар асосида ёритилиши керак.

6. Дарсликнинг ташқи кўриниши, безаги муайян ёш даври таълим олувчиларининг эстетик дидларига, психологик хусусиятларига мос келиши лозим.

7. Ўқув дарсликларининг тегишли ёш даври ўқувчилари учун жорий қилинган гигиена қоидаларига мувофиқ бўлиши талаб қилинади.

8. Дарсликлар фанда исбот қилинмаган, маълум таъриф ва қоидаларға эға бўлмаган, муаммоли масалалардан ҳоли бўлиши зарур.

823. Таълим жараёнида қўлланиладиган ташхис қандай маънони англатади?

Таълим жараёнида қўлланиладиган ташхис дидактик жараён кечадиган барча шароитларни ойдинлаштириш, унинг натижаларини белгилаш маъносини англатади. Усиз дидактик жараённи самарали бошқариш, мавжуд шароит учун оптимал натижаларға эришиш мумкин эмас.

824. Дидактик ташхислаш нимаға хизмат қилади?

Дидактик ташхислаш ўқув жараёнида кечадиган барча жиҳатларни унинг маҳсули билан боғлиқ ҳолда, ўз вақтида аниқлаш, баҳолаш ва таҳлил қилишға хизмат қилади.

825. Дидактик ташхислашнинг таркибий қисмлари қайсилар?

Ўқувчиларнинг билим, кўникма, малакаларини назорат қилиш ва баҳолаш дидактик ташхислашнинг таркибий қисмлари саналади.

826. Дидактик ташхислаш қандай назорат шаклларини ўз ичига олади?

Дидактик ташхислаш қуйидаги назорат шаклларини ўз ичига олади:

1. Назорат.
2. Маълумотларни таҳлил қилиш.
3. Текшириш.
4. Динамика.
5. Баҳолаш.
6. Ривожланиш анъаналарини аниқлаш.
7. Статистик маълумотларни тўплаш ва уларни таҳлил қилиш.

8. Воқеликнинг кейинги ривожини тахмин қилиш(башоратлаш).

827. Таълим жараёнидаги назорат нима?

Таълим жараёнидаги назорат – бу ўқувчининг билим, кўникма, малакалари даражасини аниқлаш, ўлчаш ҳамда баҳолаш жараёни саналади. Кўп ҳолатларда аниқлаш ва ўлчаш текшириш деб ҳам аталади.

828. Таълим жараёнидаги текшириш нима?

Таълим жараёнидаги текшириш – назоратнинг таркибий қисми бўлиб, унинг асосий дидактик вазифаси ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида тесқари алоқани таъминлаш, педагог томонидан ўқувчиларнинг ўқув материални ўзлаштиришлари ҳақидаги объектив ахборотни олиш, билимларни самарали ўзлаштиришдаги камчилик ва нуқсонларни ўз вақтида аниқлашдан иборат.

829. Таълим жараёнидаги текшириш қандай босқичларда амалга оширилади?

Таълим жараёнидаги текшириш қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

1. Ўқувчиларнинг билим даражасини олдиндан аниқлаш (одатда, у ўқув йили бошида ўқувчиларнинг аввалги ўқув йилида ўзлаштирган билимлари даражасини аниқлаш мақсадида ўтказилади).

2. Ҳар бир мавзуни ўзлаштириш жараёнидаги жорий текшириш (жорий текшириш ўқувчилар томонидан ўқув дастурида белгиланган айрим алоҳида элементларни ўзлаштириш даражасини ташхислаш имконини беради; мазкур текширишнинг асосий вазифаси алоҳида олинган муайян вазиятни ўрганишдан иборат).

3. Оралиқ текшириш (бу текшириш ўқувчиларнинг ўқув материалининг муайян боб ёки бўлимлари бўйича ўзлаштирган билим, кўникма, малакалари даражасини аниқлаш, баҳолаш шакли бўлиб, ўқувчилар мазкур жараёнда янги мавзуни ўрганиш билан бирга аввал ўзлаштирилганларини такрорлайдилар; такрорий текшириш билимларни мустаҳкамлашга кўмаклашади, бироқ, ўқув ишлари босқичини тавсифлаш, билимларнинг мустаҳкамлик даражасини ташхислаш имконини бермайди).

4. Ўқувчиларнинг билим, кўникма, малакаларини яхлит бўлим ёки курснинг алоҳида мавзуси бўйича даврий текшириш (уни ташкил этишдан кўзланган мақсад курснинг турли қисмларида ўрганилган ўқув материалининг структуравий элементлари ўртасидаги ўзаро алоқаларга кўра ўзлаштириш сифатини ташхислашдан иборат; даврий текширишнинг асосий вазифаси эса мавжуд билимларни тизимлаштириш ва умумлаштириш саналади).

5. Таълим жараёнининг барча босқичларида ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган билим, кўникма, малакаларни якуний текшириш ва ҳисобга олиш (ўзлаштиришнинг якуний ҳисоби ҳар бир чоракда ва ўқув йили охирида ўтказилади).

830. Ўқувчиларнинг билим, кўникма, малакаларини текшириш натижалари нимада ифодаланади?

Ўқувчиларнинг билим, кўникма, малакаларини текшириш натижалари

баҳо (баллар)да ифодаланади.

831. Баҳо нима?

Баҳо – ўқувчиларга уларнинг таълим олишлари, билимларни ўзлаштиришга нисбатан ижодий ёндашувларини рағбатлантириш мақсадида таъсир кўрсатиш воситаси ҳисобланади.

832. Ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари қандай манбаларда қайд этиб борилади?

Ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари ўзлаштириш табеллари, синф (ёки гуруҳ) журналлари, рейтинг дафтарчаларида қайд этиб борилади.

833. “Таълим жараёнида ҳисобга олиш” деганда нима назарда тутилади?

Таълим жараёнида ҳисобга олиш таълимнинг муайян даврида ўқувчилар ва ўқитувчи фаолиятини умумлаштириш, хулосалаш демакдир.

834. Ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган билимларни ҳисобга олишда нималарга эътибор қаратиш лозим?

Ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган билимларни ҳисобга олишда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

1) ўқув дастури асосида мавзу ёки бўлимни ўрганишда ўқувчиларнинг билим, кўникма, малакаларини ҳар томонлама назорат қилиш;

2) ҳар бир якунланган мавзу бўйича ўқувчиларнинг фаолияти тўғрисида хулоса чиқариш;

3) ўртача арифметик маълумотларга таянган ҳолдагина ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини баҳоламаслик;

4) ўқувчиларнинг мавжуд билимларига аниқ, батафсил маълумот (тавсиф) бериш учун уларнинг бир неча ўқув йилидаги статистик ўзлаштириш маълумотларга асосланиб таҳлил этиш.

835. Таълим жараёнидаги назорат ишлари қандай вазифаларни бажаради?

Таълим жараёнидаги назорат ишлари қуйидаги вазифаларни бажаради:

1) назорат (ўқув материалларини ўрганишнинг кейинги босқичига ўтиш имкониятларини аниқлаштиради; ўқитувчи томонидан ўқув методлари ва усулларининг тўғри танлаганлигини белгилайди);

2) ўқитиш (ўқувчилар томонидан қайси мавзуларнинг пухта ўзлаштирилганлиги ёки аксинча, ўзлаштирилмаганлигини аниқлаш асосида қўшимча чора-тадбирларни белгилаш имкониятини яратади);

3) тарбиялаш (ўқувчилар текширишга тайёр бўлиш учун дарсларни ўз вақтида тайёрлайдилар, бўш вақтдан унумли фойдаланишга ҳаракат қиладилар, интизомга ўрганадилар; қолаверса, ўқувчиларнинг билимлари, қобилиятларини ўзлари мустақил аниқлашларига ҳам ёрдам беради; бунинг натижасида камчиликларни кўра олиш ва уни тугатиш йўлларини излашга кўмаклашади);

4) ривожлантириш (шахснинг тафаккурини ўстириш, ҳис-туйғулари,

ахлоқий сифатларини тарбиялашга имкон туғилади).

836. Ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини назорат қилиш ва ташхислаш тамойиллари қайсилар?

Ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини назорат қилиш ва ташхислаш тамойиллари қуйидагилардир:

- холислик (объективлик);
- ташхис тестлари (топшириқлари, саволлари)га асосланиш;
- ташхис жараёни мазмунининг илмий асосланганлиги;
- педагогнинг барча ўқувчиларга дўстона муносабатини, билим, кўникма, малакаларини баҳолашдан аниқ мақсаднинг кўзланиши;
- тизимлилик (мазкур тамойил таълим жараёнининг барча босқичларида билимларнинг ўзлаштирилиши уларни бошланғич идрок этишдан то амалда қўллашгача бўлган даврлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик мавжудлигини англатади);
- ошкоралик (барча ўқувчиларни айнан бир хил мезонлар бўйича очик синовдан ўтказилишини англатади; ташхис жараёнида белгиланадиган ҳар бир ўқувчининг рейтинги ошкоралик характериға эға; ошкоралик тамойили, шунингдек, баҳоларни эълон қилиш ва мотивациялашни ҳам талаб этади).

837. Ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини назорат қилишнинг қандай турлари мавжуд?

Ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини назорат қилишнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- 1) жорий назорат (ЖН);
- 2) оралик назорат (ОН);
- 3) якуний назорат (ЯН).

838. Жорий назорат нима?

Жорий назорат ўқувчиларнинг ўқув дастури мавзулари бўйича билим, кўникма, малакаларни аниқлаш, баҳолаш шакли саналади. У ўқитувчи томонидан ташкил этилади. Жорий назоратни ташкил этишда ўқувчиларға мавзу бўйича кундалик баллар қўйилади.

839. Оралик назорат қандай ташкил этилади?

Оралик назорат ўқувчиларнинг боб ёки бўлимлари бўйича билим, кўникма, малакаларини аниқлаш, баҳолаш шакли бўлиб, уни ўқитувчи ўқув жадвали асосида ўқув материалининг ўзига хос хусусиятини инобатға олган ҳолда муайян муддатларда ташкил этади.

840. Якуний назорат қандай шаклларда ўтказилади?

Якуний назорат чораклик, ярим йиллик, йиллик ва давлат аттестацияси синовлари сингари турларға бўлинади; у оғзаки, ёзма, тест, амалий топшириқлар шаклида ўтказилади.

841. Таълим жараёнида назоратнинг қандай шаклларидадан фойдаланиш мумкин?

Таълим жараёнида назоратнинг қуйидаги шаклларидадан фойдаланиш мумкин:

1) назоратнинг оммавий (фронтал) шаклига кўра ўқитувчи ўқувчиларга материалнинг маълум бир ҳажми бўйича савол беради, ўқувчилар унга қисқача жавоб қайтарадилар;

2) назоратнинг гуруҳли шаклига кўра ўқувчиларнинг маълум бир қисми назорат қилинади; ўқитувчи томонидан ўқувчилар гуруҳига берилган вазифа маълум вақт ичида бажарилади;

3) назоратнинг индивидуал шаклидан ҳар бир ўқувчининг билим, кўникма, малакалари даражасини мукаммал ташхислаш учун фойдаланилади;

4) назоратнинг уйғунлаштирилган (комбинацияланган) шакли индивидуал назоратни оммавий ва гуруҳли шакллар билан ўзаро уйғунлаштиришни тақозо этади;

5) ўз-ўзини назорат қилиш психологик мезонларга асосланиб, таълим жараёнида ички қайтар алоқани юзага келтиришга хизмат қилади; унинг самарадорлиги ўқитувчининг касбий маҳоратига боғлиқ.

842. Ўқувчилар фаолиятини назорат қилишнинг қандай методлари мавжуд?

Ўқувчилар фаолиятини назорат қилишнинг қуйидаги методлари мавжуд:

- оғзаки текшириш;
- ёзма текшириш;
- амалий топшириқларни бажаришга асосланган текшириш;
- уй вазифаларини текшириш.

843. Оғзаки текшириш қандай амалга оширилади?

Оғзаки текшириш методи билимларни назорат қилиш ва баҳолашнинг анча кенг тарқалган анъанавий усулларидадан бири бўлиб, текшириш чоғида ўқитувчи ўқувчиларга ўрганилган мавзунинг мазмунидан келиб чиқиб, саволлар беради. Ўқувчилар берилган саволларга жавоб қайтарадилар. Бу турдаги текшириш маълум камчиликларга ҳам эга, яъни кўп меҳнат сарфланади; дарс мобайнида 3-4 нафар ўқувчинигина билимини текшириш мумкин.

844. Ёзма текшириш методи қандай имкониятларга эга?

Ёзма текшириш методи ўқувчиларнинг билим, кўникма, малакаларини назорат қилиш, баҳолашнинг энг самарали усулларидадан бири бўлиб, уларнинг ижодий қобилиятларини баҳолаш имконини беради. Унга кўра ўқитувчи алоҳида мавзу ёки ўқув дастурининг маълум бўлими ўрганилиб бўлингандан кейин ўқувчиларнинг билимларини назорат қилади ва баҳолайди. Ёзма текшириш назорат иши, иншо, баён, диктант ва б.ш. шаклларда олиб борилади. Бу жараёнда ўқувчиларнинг ишлари билан танишиб чиқиш асосида сифатини текшириши кўп меҳнат ва вақт сарфланишини талаб қилади. Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида бевосита алоқанинг йўқлиги сабабли ўқувчининг фикрлаш даражасини кузатиш имкони бўлмайди.

845. Амалий топшириқларни бажаришга асосланган текширишнинг ўзига хос жиҳати нима билан белгиланади?

Амалий топшириқларни бажаришга асосланган текширишнинг ўзига хос жиҳати таълим жараёнида амалий ҳаракатлар (спорт, меҳнат ҳаракатлари)нинг тўғри бажарилаётганлигини кузатиш ёки олинган натижаларга таянган ҳолда педагогик фаолиятни ташкил этиш билан белгиланади.

846. Уй вазифаларини текшириш қандай имкониятга эга?

Уй вазифаларини текшириш ўқитувчига ўқувчиларнинг ўқув фаолиятига муносабатларини, материални қанчалик ўрганганликларини, уй вазифаларини бажаришдаги мустақилликларини аниқлашга имкон беради.

847. Ўқувчиларнинг ўқув фаолияти натижаларини текширишда қандай методлар қўлланилади?

Ўқувчиларнинг ўқув фаолияти натижаларини текширишда шкалалаш, тест, рейтинг каби методлар қўлланилади.

848. Ўқувчиларнинг ўқув фаолияти натижаларини шкалалаш нима?

Ўқувчиларнинг ўқув фаолияти натижаларини шкалалаш – бу аниқ жараёнларни рақамлар тизими асосида моделлаштириш бўлиб, у сифат тавсифларни миқдор ўзгаришларга айлантиришга ёрдам беради.

849. Тест нима?

Тест (инглизчадан “test” – синаш, текшириш, ўрганиш) – бу аниқ мақсад асосида муайян ҳолат даражасини сифат ва миқдорий кўрсаткичларда белгилашга имкон берувчи синов воситаси саналади.

850. Тест қандай афзалликларга эга?

Тест қуйидаги афзалликларга эга:

- 1) назорат учун вақтнинг кам сарфланиши;
- 2) назарий, амалий билим даражасини объектив аниқлаш имконининг мавжудлиги;
- 3) бир вақтда кўп сонли ўқувчилар билан назоратни ташкил этиш мумкинлиги;
- 4) билим натижаларининг ўқитувчи томонидан қисқа муддатда текширилиши;
- 5) барча ўқувчиларга бир хил мураккабликдаги саволлар берилиб, улар учун бир хил шароитнинг яратилиши.

851. Рейтинг қандай метод?

Рейтинг (инглизча “rating” – баҳолаш, тартибга келтириш, даража) – бу муайян ҳодисани олдиндан белгиланган шкала бўйича баҳолаш саналади. Рейтинг тизими ўқувчиларнинг билим сифатини назорат қилиш тури, методи ва шакли ҳисобланади.

852. Рейтинг тизими қандай афзалликларга эга?

Рейтинг тизими қуйидаги афзалликларга эга:

- баҳолаш имкониятларини кенгайтириш;
- ўқувчилар билимларини объектив аниқлаш;
- таълимни стандартлаштиришни таъминлаш;
- давлат таълим стандартларида кўзда тутилиб, ўқув дастурига кирган мажбурий ихтиёрий билим, кўникма, малакаларини тўла ўзлаштирилишини таъминлаш;
- ўқувчиларда мустақил билим олиш, эркин фикр юритиш кўникмаларини шакллантириш;
- билимларни ихтиёрий ўзлаштириш учун имконият яратиш, камчиликларни бартараф этиш.

853. Ўқувчиларнинг билим, кўникма, малакаларини баҳолаш қандай мезонлар асосида амалга оширилади?

Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш қуйидаги мезонлар асосида амалга оширилади:

100-85 балл қўйилади, агар: а) материал тўлиқ ўзлаштирилса; б) мавзу бўйича асосий маълумотлар моҳияти очиқ берилса; в) ўзлаштирилган билимлар амалда қўлланилса; г) мавзунини баён қилишда, ёзма ишларда хатоларга қўл қўймасдан, маълумотлар тушунтириб берилса.

84-71 балл қўйилади, агар: а) мавзу моҳияти ёритилса; б) саволларга қийналмасдан жавоб қайтарилса; в) ўзлаштирилган билимлар амалиётда қўлланилса; г) оғзаки жавоб беришда хатоларга йўл қўйилмай, қўшимча саволлар билан хатолар тўғриланса, ёзма ишда бироз хатога йўл қўйилса;

70-55 балл қўйилади, агар: а) мавзу ўзлаштирилган, лекин мустақил тушунтириш беришда ўқитувчининг аниқлаштирувчи саволларига эҳтиёж сезилса; б) саволларнинг мантиқий тузилиши ўзгартирилиб берилганда, жавоб беришга қийин бўлса; в) ёзма ишда хатолар мавжуд бўлса.

54-0 балл қўйилади, агар: мавзу ҳақида тушунчага эга бўлингани ҳолда у ўзлаштирилмас, ёзма ишда қўпол хатоларга йўл қўйса.

XI БЎЛИМ. ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ МЕНЕЖМЕНТИ

854. “Таълим менежменти” тушунчаси қандай маънони англатади?

“Таълим менежмент” (ёки “таълимни бошқариш”) – бу: 1) мавжуд минимал имкониятлардан максимал натижаларга эришиш мақсадида муайян ходим ёки гуруҳга таъсир этиш, улар билан ҳамкорлик қилиш жараёни деган маънони англатади; 2) (фан сифатида) таълим муассасаси фаолиятини самарали ташкил этиш ва оқилона бошқариш масалаларини тадқиқ қилади.

855. Таълим менежменти ўзида қандай хусусиятларни акс эттиради?

Таълим менежменти ўзида қуйидаги хусусиятларни акс эттиради:

- таълим менежменти “мақсадга мувофиқлик” сўзи билан аниқланадиган маънавий ўлчовга эга;
- таълим менежменти – бу фан ва санъат уйғунлиги саналади (чунки бунда инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар катта роль ўйнайди);
- менежмент мазмунида ўз аксини топадиган шахс, давлат ва жамият манфаатларининг ўзаро диалектик бирлиги акс этади;
- таълимни бошқаришда жамоатчиликнинг фаол қатнашуви таъминланади.

856. Таълим муассасаси педагогик фаолиятини бошқариш нима?

Таълим муассасаси педагогик фаолиятини бошқариш таълим муассасасининг фаолият хусусиятига кўра педагогик жараёнини режалаштириш, ташкил этиш, рағбатлантириш, натижаларни назорат ва таҳлил қилиш мақсадида амалга ошириладиган бошқарув фаолиятидир.

857. Таълим муассасасининг фаолиятини бошқаришда давлат-жамоатчилик бошқарувига эришиш нима дегани?

Таълим муассасасининг фаолиятини бошқаришда давлат-жамоатчилик бошқарувига эришиш таълим муассасаларининг долзарб масалаларини давлат ва жамоатчилик ҳамкорлигида ҳал қилиш, ўқитувчилар, ўқувчилар, ота-оналарга таълим дастурларини, уларнинг турларини, таълим муассасаларини танлашда ҳуқуқ ва эркинлик беришни кенгайтириш деганидир.

858. Таълим тизимини жамоатчилик асосида бошқариш деганда нима тушунилади?

Таълим тизимини жамоатчилик асосида бошқариш деганда ўқитувчилар, ўқувчилар, ота-оналар ва жамоатчилик вакилларида иборат педагогик Кенгашнинг умумий ўрта таълим муассасаси фаолиятини самарали ташкил этишга йўналтирилган фаолияти тушунилади.

859. Таълим муассасасининг фаолиятини бошқаришни ташкил этишда қайси вазирликлар бевосита иштирок этади?

Таълим муассасасининг фаолиятини бошқаришда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлар бевосита иштирок этади.

860. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларининг таълим муассасасининг педагогик фаолиятини бошқаришдаги ваколатлари нималардан иборат?

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларининг таълим муассасалари педагогик фаолиятини бошқаришдаги ваколатлари қуйидагилардан иборат:

- таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини рўёбга чиқариш;
- таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва услуб масалаларида уларга раҳбарлик қилиш;

- давлат таълим стандартлари, мутахассисларининг билим савияси, касбий тайёргарлигига бўлган талабларнинг бажарилишини таъминлаш;
- ўқитишнинг илғор шакллари, янги педагогик технологиялари, таълимнинг техник ва ахборот воситаларини ўқув жараёнига жорий этиш, ўқув ва ўқув-усулбий адабиётларни яратиш, нашр этишни ташкиллаштириш;
- таълим олувчиларнинг якуний давлат аттестацияси ва давлат таълим муассасаларида экстернат тўғрисидаги низомларини тасдиқлаш;
- давлат олий таълим муассасаларининг ректорларини тайинлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади;
- педагог ходимларни тайёрлаш, уларнинг маласини ошириш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш.

861. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги негизидаги маҳаллий органлар қайсилар?

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги негизидаги маҳаллий органлар қуйидагилардир:

- 1) вилоят халқ таълими бошқармалари;
- 2) шаҳар халқ таълими бўлимлари;
- 3) туман халқ таълими бўлимлари.

862. Вилоятлар халқ таълими бошқармалари, шаҳар ва туманлар халқ таълими бўлимлари қандай давлат органлари тасарруфига киради?

Вилоятлар халқ таълими бошқармалари, шаҳар ҳамда туманлар халқ таълими бўлимлари маҳаллий ҳокимлик органлари тасарруфига ҳам киради ва уларга бўйсунди.

863. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолияти қандай юқори органлар назорати остида ташкил этилади?

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолияти қуйидаги юқори органлар назорати остида ташкил этилади:

- 1) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;
- 2) Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги;
- 3) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

864. Таълим муассасаларининг раҳбарлари кимлар томонидан тайинланади?

Таълим муассасаларининг раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Республика Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари томонидан тайинланади.

865. Ўзбекистон Республикасида “Умумий ўрта таълим тўғрисида”ги Низом қачон қабул қилинган?

Ўзбекистон Республикасида “Умумий ўрта таълим тўғрисида”ги Низом 1998 йил 13 майда қабул қилинган.

866. “Умумий ўрта таълим тўғрисида”ги Низом қандай таркибий тузилмага эга?

“Умумий ўрта таълим тўғрисида”ги Низом қуйидаги таркибий тузилмага эга:

1. Умумий қоидалар.
2. Умумий ўрта таълимнинг мақсади ва вазифалари.
3. Умумий ўрта таълимни ташкил этиш.
4. Ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш ва унинг мазмуни.
5. Педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш.
6. Умумий ўрта таълимни бошқариш.
7. Маблағ билан таъминлаш ва моддий-техника таъминоти.
8. Халқаро ҳамкорлик.

867. Ўзбекистон Республикасида “Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари тўғрисида”ги Низом қачон қабул қилинган?

Ўзбекистон Республикасида “Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари тўғрисида”ги Низом 1998 йил 13 майда қабул қилинган.

868. “Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари тўғрисида”ги Низом қандай таркибий тузилмага эга:

“Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари тўғрисида”ги Низом қуйидаги таркибий тузилмага эга:

1. Умумий қоидалар.
2. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимнинг мақсади, вазифалари ва уни ташкил этиш.
3. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига ўқувчиларни қабул қилиш, таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ва унинг мазмуни.
4. Педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш.
5. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимни бошқариш.
6. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимни маблағ билан таъминлаш ва моддий-техника таъминоти.
7. Халқаро ҳамкорлик.

869. Таълим муассасасининг Устави нима?

Таълим муассасасининг Устави таълим муассасаси фаолиятига раҳбарлик ва бошқариш тизимини аниқловчи ҳужжатдир.

870. Таълим муассасасининг Уставида қандай маълумотлар ёритилади?

Таълим муассасасининг Уставида муассасанинг жойлашган ўрни, тури, таълим тили, гуруҳ раҳбарлари, ўқитувчиларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, таълим олувчилар, ота-оналарнинг ҳуқуқ ва бурчлари, таълим муассасасининг иқтисодий тузилиши, хўжалик фаолияти, бошқариш тартиби каби маълумотлар

ёритилади.

871. Таълим муассасасининг Уставида нималар ажратиб кўрсатилади?

Таълим муассасасининг Уставида таълим жараёнининг қуйидаги икки муҳим таркибий жиҳати ажратиб кўрсатилади:

- 1) давлат таълим стандартида белгиланган билимлар заҳирасини эгаллаш йўлида амалий ҳаракатларни ташкил этиш тартиби;
- 2) таълим олувчиларда билим, кўникма, малакаларни ҳосил қилишни ташкил этиш (саводхонлик, мустақил фикрлаш, масалаларни еча олишга ўргатиш).

Шунингдек, таълим муассасасининг Уставида муассасани бошқаришга қўйиладиган талаблар, ўқитувчи, ўқувчилар, таълим муассасаси раҳбарларининг ҳуқуқ ва бурчлари ҳам алоҳида ажратилиб кўрсатилади.

872. Таълим муассасасининг Устави қандай таркибий тузилмага эга?

Таълим муассасасининг Устави қуйидаги таркибий тузилмага эга:

1. Таълим муассасаси ҳақидаги қисқача маълумотлар.
2. Таълим муассасасининг мақсад ва вазифалари.
3. Таълим муассасасини бошқариш:
 - а) таълим муассасасини бошқаришнинг ошкоралик, демократик ва ўз-ўзини бошқариш асосида амалга оширилиши;
 - б) педагогик жамоа Кенгаши;
 - в) директорнинг ҳуқуқ ва бурчлари;
 - г) директорнинг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосарининг ҳуқуқ ва бурчлари;
 - д) маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосарининг ҳуқуқ ва бурчлари.
4. Ўқув-тарбия ва илмий-услубий ишларни ташкил этиш:
 - а) таълим мазмунининг давлат таълим стандартлари бўйича ишлаб чиқилган ўқув режа ва дастурлари асосида белгиланиши;
 - б) ўқув жараёнини ташкил этиш;
 - в) иқтидорли ёшлар билан ишлаш;
 - г) ишлаб чиқариш амалиётини ўтказиш тартиби;
 - д) кўшимча пулли машғулотларни жорий этиш;
 - ж) кунлик иш тартиби (семинар, машғулотларнинг давом этиши, танаффуслар, уй вазифаларини бериш тартиби ва ҳ.о.).
5. Ўқитувчининг ҳуқуқ ва бурчлари.
6. Ўқувчининг ҳуқуқ ва бурчлари.
7. Ўқув-ишлаб чиқариш таълими усталари, маъмурий ҳамда ёрдамчи ходимларнинг ҳуқуқ ва бурчлари.
8. Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва масъулиятлари.
9. Таълим муассасасининг моддий ва молиявий хўжалик таъминоти.

873. Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган “Умумий ўрта таълим

муассасаси (мактаби)нинг муваффақ намунавий Устави” қачон қабул қилинган?

Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган “Умумий ўрта таълим муассасаси (мактаби)нинг муваффақ намунавий Устави” 1998 йилнинг 17 декабрида қабул қилинган.

874. Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган “Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасининг Устави” қачон қабул қилинган?

Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган “Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасининг Устави” 1998 йилнинг 5 январиди қабул қилинган.

875. Умумий ўрта таълим мазмунининг асосини ташкил этувчи мажбурий компонент нимани белгилайди?

Мажбурий компонент (лотинчадан “componens”, “componentis” – ташкил этувчи, таркибий қисм) давлат таълим стандарти билан белгиланади ва ўқувчиларни тайёрлашнинг ўрта махсус ва касб-хунар таълими муассасаларида билимлар асосларини янада пухта ўрганиш ва касб эгаллаш учун етарли бўлган зарур даражасини белгилайди.

876. Умумий ўрта таълим мазмунининг асосини ташкил этувчи қўшимча компонент нимага асосан белгиланади?

Қўшимча компонент ўқувчининг эҳтиёжлари, қобилияти, мактабнинг моддий-техника ва кадрлар билан таъминланганлик даражасидан келиб чиқиб белгиланади.

877. Қўшимча ўқув юкланмаларининг ҳажми нимага мувофиқ белгиланади?

Қўшимча ўқув юкланмаларининг ҳажми Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган нормативларига мувофиқ белгиланади.

878. Босқичли назорат нима?

Босқичли назорат ўқув йили тамом бўлгандан кейин имтиҳонлар, тест синовлари ва бошқа шаклдаги синовлар шаклида амалга ошириладиган назорат тури.

879. Таълим муассасасининг ички назорат қандай йўналишларда ташкил этилади?

Таълим муассасасининг ички назорати қуйидаги йўналишларда ташкил этилади:

1. Педагогик ташкилотчиликка доир саволларнинг қўйилиши.
2. Таълим дастурлари, ДТСнинг бажарилиш сифати.
3. Ўқувчилар билим, кўникма, малакаларининг сифати.
4. Ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражаси.

5. Ўқитишнинг таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи функцияларининг бажарилиш ҳолати.

6. Дардан ташқари тарбия ишларни ташкил этиш ҳолати ва сифати.

7. Педагогик кадрлар билан ишлаш.

8. Таълим муассасаси фаолиятининг ўзига хос самарадорлиги.

9. Қабул қилинган қарорлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатилган талабларнинг бажарилиши.

880. Таълим муассасасининг ички назорати қандай турларга ажратилади?

Таълим муассасасининг ички назорати қуйидаги турларга ажратилади:

I. Асосий ички назорат:

1) мавзули (аниқ бир масалани ўрганишга йўналтирилган) ички назорат;

2) фронтал (оралиқ) ички назорат.

II. Кўшимча ички назорат:

1) алоҳида ички назорат;

2) синф-мулоқотга асосланадиган ички назорат;

3) предметли (ўқув предметларидан бирининг ўқитилиши юзасидан ташкил этиладиган) ички назорат;

4) мавзули (аниқ бир масалани ўрганишга йўналтирилган) ички назорат;

5) мажмуавий (комплекс) ички назорат.

881. Асосий ички назоратни ташкил этишнинг мавзули турида эътибор нимага қаратилади?

Мавзули назоратни ташкил этишда таълим муассасаси жамоаси, ўқитувчилар гуруҳи ёки алоҳида ўқитувчининг педагогик фаолияти тизими, таълим муассасасидаги таълим даражаси, ўқувчиларнинг экологик ва эстетик тарбияси тизимининг моҳиятини ўрганишга эътибор қаратилади.

882. Фронтал назорат нимага йўналтирилади?

Фронтал назорат бутун педагогик жамоа, методик кенгаш ёки алоҳида ўқитувчи фаолиятини ўрганишга йўналтирилади.

883. Алоҳида назорат нимага асосланади?

Алоҳида назорат алоҳида ўқитувчининг фаолияти, синф (гуруҳ) раҳбарларининг тарбиявий ишларини мавзули, фронтал текширишга асосланади.

884. Синф-мулоқот назоратини ташкил этишда қандай омиллар эътиборга олинади?

Синф-мулоқот назоратини ташкил этишда синф жамоасининг дарс ва дардан ташқари жараёнда шаклланишига таъсир этувчи ўзига хос омиллар эътиборга олинади.

885. Предметли назорат қандай мақсадда қўлланилади?

Предметли назорат шакли битта ёки бир неча синф (гуруҳ)ларнинг таълим муассасасида муайян предмет бўйича таълим олинганлик даражасини аниқлашда қўлланилади.

886. Қўшимча ички назоратни ташкил этишнинг мавзули тури нимадан иборат?

Қўшимча ички назоратни ташкил этишнинг мавзули турининг мақсади – турли фан ўқитувчилари ва синфларнинг алоҳида ўқув-тарбия жараёнини бошқаришдаги ишларини ўрганишдан иборат.

887. Мажмуавий (комплекс) назорат қандай мақсадда амалга оширилади?

Мажмуавий (комплекс) назорат бир неча ўқув фанлари бир ёки бир неча синф (гуруҳ)ларда турли ўқувчиларнинг ишларини ўрганишни ташкил этиш мақсадида амалга оширилади.

888. Таълим муассасасининг ички бошқаруви қандай вазифаларни ҳал қилишга йўналтирилади?

Таълим муассасасининг ички бошқаруви қуйидаги вазифаларни ҳал қилишга йўналтирилади:

1. Таълим-тарбия жараёнини педагогик таҳлил қилиш.
2. Мақсад қўйиш ва режалаштириш.
3. Ташкил этиш.
4. Мактаб ички бошқарувини назорат қилиш.
5. Тартибга солиш.

889. Таълим муассасасини бошқариш қандай тамойилларга асосланади?

Таълим муассасасини бошқариш қуйидаги тамойилларга асосланади:

- педагогик тизимни бошқаришни демократлаштириш ва инсонпарварлаштириш;
- бошқаришнинг тизимлилиги ва ягоналиги;
- бошқаришда марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган ҳолатларнинг рационал уйғунлиги;
- яқка ҳокимлик билан жамоатчилик бошқарувининг бирлиги;
- таълим тизимини бошқаришда ахборотларнинг объективлиги ва тўлиқлиги.

890. Педагогик тизимни бошқаришнинг демократлаштириш ва инсонпарварлаштириш тамойилига асосланганлиги қандай маънони англатади?

Педагогик тизимни бошқаришни демократлаштириш кадрларни танлов, шартнома асосида ишга қабул қилиш, қабул қилинаётган қарорларни очик муҳокама этиш, ахборотларнинг барча учун очик, тушунарли бўлишига

эришиш, таълим муассасаси жамоатчилиги олдида маъмуриятнинг мунтазам ҳисобот бериши, ўқитувчи ва ўқувчиларга таълим муассасаси ҳаётига оид ўз фикрларини билдиришларига имкон бериш, таълим муассасасида демократик ғояларнинг устувор ўрин тутишини англатади.

Таълим тизимини бошқаришда шахсга алоҳида ҳурмат билан муносабатда бўлиш, унга ишониш, педагогик фаолиятда субъектнинг субъектга муносабати даражасига эришиш, ўқувчи ва ўқитувчининг ҳуқуқ, манфаатларини ҳимоя қилиш, ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг ўз истеъдодлари, касбий маҳоратларини эркин намоён этиш учун шароит яратиш эса педагогик тизимни бошқаришнинг инсонпарварлик тамойилига асосланганлиги билдиради.

891. Педагогик тизимни бошқаришнинг тизимлилиги ва ягоналиги тамойилига асосланганлиги қандай маънони англатади?

Раҳбар таълим муассасасини бошқаришга нисбатан тизимли ёндашув асосида таълим муассасасини бир бутун яхлит тизим сифатида кўра олади, унинг белгилари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлади. Тизимнинг биринчи белгиси унинг ягоналиги ҳамда бўлақлар, таркибий қисмларга ажратиш мумкинлиги; иккинчи белгиси тизим ички тузилишининг мавжудлиги; учинчи белгиси тизимнинг интеграцияланиши саналади (ягона тизимнинг ҳар бир таркибий қисми ўзига хос сифатга эга бўлиши билан бирга ўзаро ҳаракат орқали қайтадан интеграцияланиши билан янги сифат ҳосил бўлади); тўртинчи белгиси эса таълим муассасаларининг ташқи муҳит билан чамбарчас боғлиқлигидир (таълим муассасалари ташқи муҳитга мослашиб, таълим жараёнини қайта қуради ва белгиланган мақсадларга эришиш учун ташқи муҳитни ўзига бўйсундиради). Бошқарувдаги тизимлилик ва ягоналик раҳбар билан педагогик жамоа ўртасидаги ўзаро ҳаракат ва алоқани таъминлайди, бир ёклама бошқарувнинг олдини олади.

892. Бошқаришда марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган ҳолатларнинг рационал уйғунлиги нима?

Бошқарувни марказлаштириш керагидан ортиқ бўлганда, албатта, маъмурий бошқарув кучаяди. Бу ҳолат ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг эҳтиёжлари, талаб-истакларини ҳисобга олмасликка, раҳбар ва ўқитувчиларнинг кераксиз меҳнат, вақт сарфлашларига олиб келади. Шунингдек, бирга бошқаришни марказлаштирилмаслик ҳам педагогик тизим фаолиятини сусайтиради. Шу боис бошқаришни марказлаштириш ва марказлаштирилмаслик ўртасида ўзаро уйғунликка эришиш зарур. Таълим муассасаси ичидаги бошқарувда марказлаштириш ва марказлаштирилмасликни уйғунлаштириш маъмурий ҳамда жамоатчилик бошқаруви раҳбарларининг фаолиятини жамоа манфаатига қаратиб, касб малакаси даражасида қарорларни қабул қилишга шароит яратади.

893. Таълим муассасасини бошқаришда якка ҳокимлик билан жамоатчилик бошқаруви бирлиги тамойилининг афзаллиги нимада?

Тамойилнинг афзаллиги таълим муассасасини бошқаришда якка

ҳоқимликка йўл қўймаслик билан белгиланади. Бошқариш фаолиятида ўқувчиларнинг тажрибалари, билимларига таянган ҳолда турли қарашларни таққослаш, оқилона хулосалар чиқариш муҳим саналади. Вазифаларни жамоа ёрдамида ҳал қилиш ҳар бир аъзонинг жавобгарлигини йўққа чиқармайди. Шу билан бирга бошқарувда яккаҳоқимликнинг намоён бўлиши ҳам маълум афзалликларга эга. Яъни яккаҳоқимлик педагогик жараёнда тартиб-интизом, ваколат доираси ва унга амал қилишни таъминлайди. Шу сабабли қарорни қабул қилишда коллегиял (лотинчадан “collegialis” – бирлашган, биргаликдаги; маълум ишни бир қанча киши билан биргалашиб, кенгашиб амалга ошириш) ёндашув маъқул саналса, қарорнинг ижросини таъминлашда яккаҳоқимликка бўйсунтириш зарурдир. Таълим тизимини бошқаришнинг давлат-жамоатчилик характери бу тамойилни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитни яратади.

894. Таълим тизимини бошқаришда ахборотларнинг объективлиги ва тўлиқлиги тамойили қандай имкониятларни юзага келтиради?

Таълим тизимини бошқариш самарадорлиги ахборотларнинг қанчалик аниқ ва тўлиқлигига ҳам боғлиқ. Агар ахборотлар аниқ бўлиб, тўлиқ йиғилса-да, бироқ улар ҳаддан зиёд кўп бўлса ҳам қарор қабул қилишда янглишишга олиб келади. Кўп ҳолатларда таълим муассасаларида ўқувчиларнинг ўзлаштиришлари тўғрисидаги маълумотлар йиғилади. Бироқ, уларнинг қизиқишлари, хулқ-атворлари, шахс сифатида шаклланаётганликларга эътибор берилмайди. Худди шу сабабли тарбия жараёнида ўқувчилар хулқида кўплаб оғишлар кузатилади.

895. Таълим муассасаси фаолияти самарадорлигини аниқлашда қўлланиладиган педагогик таҳлилнинг қандай турлари мавжуд?

Педагогик таҳлилнинг қуйидаги уч тури мавжуд:

- 1) кундалик таҳлил;
- 2) тизимли таҳлил;
- 3) якуний таҳлил.

896. Кундалик таҳлил қандай моҳиятга эга?

Кундалик таҳлил ўқув жараёнининг бориши ва натижаси ҳақида ҳар куни маълумот йиғиб, йўл қўйилган камчиликларнинг сабабларини аниқлашга қаратилади. Кундалик таҳлил натижасида педагогик жараёнга ўзгартиришлар, тузатишлар киритилади. Бу турдаги таҳлилнинг предметиға ўқувчиларнинг ҳар кунги ўзлаштиришлари, интизомлари даражаси, таълим муассасаси раҳбарларининг дарсга ва синфдан ташқари дарсларга қатнашишлари, мактабнинг тозалик ҳолати, дарс жадвалига риоя қилиш каби ҳолатлар киради.

897. Тизимли таҳлил нимага хизмат қилади?

Тизимли таҳлил дарслар ва синфдан ташқари машғулотлар тизимини ўрганишга қаратилади. Тизимли таҳлил мазмуни таълим методларини тўғри уйғунлаштириш, ўқувчилар томонидан билимларнинг пухта ўзлаштирилишига эришиш, ўқитувчиларнинг сифатли тарбиявий ишларни олиб боришлари,

уларнинг педагогик маданиятларини ошириш, таълим муассасасида инновацион муҳитни ташкил қилишда педагогик жамоанинг ҳиссасини таъминлаш кабилардан иборат.

898. Якуний таҳлил қачон ўтказилади?

Якуний таҳлил ўқув чораги, ярим йиллик ва ўқув йили якунида амалга оширилиб, асосий натижаларга эришиш йўллариини ўрганишга қаратилади. Якуний таҳлил учун маълумотлар кундалик ва тизимли таҳлиллар, жорий ҳамда оралиқ назорат якунлари, фан ўқитувчиларининг, синф раҳбарларининг ҳисоботларидан олинади.

899. Ўқувчиларни синфдан синф (курсдан курс)га ўтказиш тўғрисидаги қарор нимага асосан қабул қилинади?

Ўқувчиларни синфдан синф (курсдан курс)га ўтказиш тўғрисидаги қарор босқичли назорат натижаларига кўра белгиланган рейтинг кўрсаткичларига асосан қабул қилинади.

900. Таълим муассасасини бошқаришни режалаштиришнинг қандай шакллари мавжуд?

Таълим муассасасини бошқаришни режалаштиришнинг қуйидаги шакллари мавжуд:

- 1) муддатли (перспектив) режалаштириш;
- 2) йиллик режалаштириш;
- 3) якуний режалаштириш.

901. Муддатли режалаштириш неча йилга мўлжалланади?

Муддатли режалаштириш қоидага мувофиқ сўнгги йилларда таълим муассасасида амалга оширилган ишларни чуқур таҳлил қилиш асосида бир неча йилга мўлжаллаб қабул қилинади.

902. Муддатли режада қандай масалалар акс этади?

Муддатли режада қуйидаги масалалар акс этади:

1. Режалаштирилган муддатда таълим муассасаси олдида қўйилган вазифалар.
2. Гуруҳларнинг имкониятларидан келиб чиқиб, ўқувчиларнинг йиллик ўзлаштириш даражаси муддатлари.
3. Таълим жараёнига педагогик инновация (янгилик)ларни олиб кириш муддатлари.
4. Таълим муассасасини педагогик кадрларига қўйилган талаблар.
5. Педагог кадрлар малакасини турли шакллар (курслар, семинарлар, тренинглар) орқали ошириш.
6. Таълим муассасасини ташкилий-техник ва ўқув-методик (қурилиш ишлари, ахборотлаштириш, кўргазмали куруллар, кутубхона фондини бойитиш) кўламини ривожлантириш.
7. Ўқитувчи ва ўқувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш.

903. Йиллий режалаштириш қандай даврларни қамраб олади?

Йиллик режалаштириш бутун ўқув йили ҳамда ёзги таълимни қамраб олади. Йиллик режалаштириш ўқув йили давомида таълим жараёнини ташкил этилиши (чорак, семестр)га қараб бир неча босқичларни ўз ичига олган ҳолда амалга оширилади.

904. Якуний режалаштириш нима?

Якуний режалаштириш бир йиллик режанинг аниқланган кўриниши бўлиб, у ўқув чораклари учун тузилади. Режалаштиришнинг бундай аниқланган кўриниши ўқитувчилар, ўқувчилар, ота-оналар кўмитаси фаолиятини бошқаришга ёрдам беради. Бундай режалаштириш ўқитувчилар ва синф раҳбарларининг иш режалари билан алоқадорликда аниқлаштирилиб борилади.

905. Таълим муассасаларини бошқаришда қандай бирлашмаларнинг иштироки кузатилади?

Таълим муассасаларини бошқаришда таълим муассасасининг кенгаши, педагогик Кенгаш, директор бошқарадиган мажлис, директор ўринбосарларининг мажлислари, тезкор йиғилишлар, методик семинарларнинг иштироки кузатилади.

906. Педагогик Кенгаш қандай орган?

Педагогик Кенгаш – таълим муассасасининг бошқарув органи саналади.

907. Педагогик Кенгаш фаолиятининг мақсади нимадан иборат?

Педагогик кенгаш фаолиятининг мақсади таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини ривожлантириш, такомиллаштириш, муассаса фаолияти билан боғлиқ барча ташкилий масалаларни мувофиқлаштириш, ўқитувчи ва тарбиячиларнинг касбий маҳоратлари, ижодкорлик даражаларини ошириш мақсадида педагогик ходимларни бирлаштиришдан иборат.

908. Педагогик кенгаш қандай вазифаларни ҳал қилади?

Педагогик кенгаш қуйидаги вазифаларни ҳал қилади:

- таълим муассасаси (умумий ўрта таълим мактаби, академик лицей, касб-ҳунар коллежи) фаолиятига оид муҳим ҳужжатларни муҳокамадан ўтказди, тасдиқлайди ва уларда белгиланган вазифаларнинг бажарилишини назорат қилади;

- таълим муассасасининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда уни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини белгилайди;

- таълим муассасасида ўқув, тарбия жараёнини ташкил этиш, таълим самарадорлигини оширишда мақбул шарт-шароитларни яратишга қаратилган қарорларни қабул қилади;

- таълим муассасаси бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича йўл-йўриқларни ишлаб чиқади;

- педагогик жамоанинг маълум йўналишлардаги фаолиятини таҳлил қилади ва якуний хулоса чиқаради;

- таълим муассасаси педагогик жамоаси учун ўз ваколати доирасида меъёрий талабларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва уларнинг бажарилишини назорат қилади.

909. Педагогик кенгаш қандай ҳуқуқларга эга?

Педагогик кенгаш қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- таълим муассасасини ривожлантириш йўналишларини истиқбол режасини белгилаш;

- таълим муассасаси жамоаси олдида қўйилган мақсад ва вазифаларининг бажарилишини амалга ошириш;

- ўқув режада мактаб ихтиёрига берилган соатларни тақсимлаш, йиллик ва таквимий иш режаси мазмуни ҳамда дарс жадвалини муҳокама қилиш;

- ўқув жараёнини ташкил қилишнинг турли шакл ва методларини муҳокама қилиш, амалиётга татбиқ этиш;

- таълим муассасаси таълим жараёнига оид барча масалаларни ўз ваколати доирасида муҳокама этиш ва тегишли қарор қабул қилиш;

- педагоглар малакасини ошириш тизими, уларнинг ижодий ташаббускорликларини ривожлантириш бўйича ўз таклифларини бериш;

- ўқувчиларнинг билим даражасини аниқлашда оралиқ назорат бўйича қарор қабул қилишда қатнашиш, уни ўтказиш шакли ва вақтини белгилаш;

- таълим оловчиларни синфдан-синфга (курсдан-курсга кўчириш), битувчиларни якуний аттестацияга қўйиш бўйича қарор қабул қилиш;

- таълим жараёнини ташкил қилиш, таълим муассасасини ривожлантиришга доир масалалар бўйича мактаб раҳбариятининг ҳисоботларини тинглаш;

- таълим мақсадига мувофиқ ҳолда ўқувчиларни рағбатлантириш ва жазолаш бўйича масалаларни ҳал этиш;

- чорак, ярим йиллик “семестр”, йил якунига доир хулосалар чиқариш;

- педагогик Кенгаш аъзоларидан педагогик фаолиятни бир хил тамойилларга асосан амалга оширишни талаб қилиш;

- таълим-тарбия жараёнида алоҳида хизмат кўрсатган таълим муассасаси ходимларини рағбатлантиришга тавсия қилиш;

- якуний аттестациядан муваффақиятли ўтган ўқувчиларга ўрнатилган тартибда ҳужжатлар бериш тўғрисида қарор қабул қилиш.

910. Педагогик кенгаш фаолияти қандай ҳужжатларда ёритилади?

Педагогик кенгаш фаолияти қуйидаги ҳужжатларда ёритилади:

1. Иш режаси.

2. Кенгаш баённомаси ёзиладиган муҳрланган дафтар.

3. Кенгаш материаллари.

4. Ҳисобот.

911. Педагогик кенгаш фаолиятига ким раҳбарлик қилади?

Педагогик кенгаш фаолиятига таълим муассасасининг директори (олий ўқув юртларида ректор) раҳбарлик қилади.

912. Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига раҳбарлик ким томонидан амалга оширилади?

Мактабга бевосита раҳбарлик бошқаришнинг юқори органлар томонидан тайинланадиган директор, давлатга қарашли бўлмаган таълим муассасаларида эса муассасис томонидан амалга оширилади.

913. Таълим муассасаси директорининг вазифаси нималардан иборат?

Таълим муассасаси директорининг вазифаси қуйидагилардан иборат:

- давлат ва жамоат ташкилотлари олдида таълим муассасасининг манфаатларини ифодалаш;

- ўқув-тарбия жараёнининг муваффақиятини таъмин этиш;

- ўқув дастурларининг бажарилишини назорат қилиш, таълим-тарбия ишларининг сифати ва самарадорлиги, болалик ва меҳнатни муҳофаза қилиш талабларининг риоя қилиниши, таълим муассасасидан ташқарида маънавий ишларини ташкил қилиниши учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

- педагогик ва раҳбар кадрларни танлаб жой-жойига қўйиш, уларнинг вазифаларини белгилаш, педагогик кадрлар, кабинет ва устахона мудирларини белгилаш, синф ва гуруҳ раҳбарларини танлаш, педагог ва хизмат кўрсатувчи ходимларни ишга қабул қилиш ҳамда бўшатиш;

- таълим муассасаси педагогик ходимларини аттестациядан ўтказувчи комиссияга раҳбарлик қилиш;

- таълим муассасаси педагогик ходимларининг ижодий ишлари, таълим-тарбиянинг илғор шакл ва усулларини қўллашлари учун шарт-шароитларни яратиш;

- таълим муассасасига ажратилган молиявий маблағлар, сарф-харажат ҳисобини юритиш;

- таълим муассасаси меъёрий ҳужжатларининг тўғри юритилишини таъминлаш;

- таълим муассасаси Педагогик кенгаши, маҳаллий ҳокимлик органлари олдида ўз фаолияти тўғрисида ҳисоб бериб туриш.

914. Таълим муассасаси директорининг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосари томонидан қандай вазифалар бажарилади?

Таълим муассасаси директорининг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосари томонидан қуйидаги вазифалар бажарилади:

- ўқув ҳафтаси ва ўқув машғулотларининг давомийлигини таъминлаш;

- дарс жадвалини тузиб чиқиш, жадвалга биноан дарсларнинг ўз вақтида самарали ўтказилишини таъминлаш;

- ҳар бир чорак охирида, семестр давомида директор ва таълим муассасаси Педагогик кенгаши аъзоларига ўқув жараёнининг бориши хусусидаги ахборот ва маълумотларни бериб бориш;

- ёш мутахассисларга амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш;

- синф ва гуруҳ журналларини тўғри юритиш ва сақланишига жавоб бериш;
- ўқувчиларнинг билим даражасини режа асосида таҳлил қилиб бориш;
- ўқувчилар томонидан давлат дастурларининг бажарилишини таъминлаш ва назорат қилиш.

915. Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари қандай вазифаларини ҳал қилади?

Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари қуйидаги вазифаларни ҳал қилади:

- таълим муассасасида ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқариш, жамоат ташкилотлари, маҳалла, ота-оналар билан алоқани таъминлаш;
- таълим муассасаси ва ундан юқори миқёсда ўтказиладиган дарсдан ташқари тадбирларни режалаштириш ҳамда амалга ошириш;
- таълим муассасаси ўқувчиларининг синф, гуруҳ ёки таълим муассасасидан ташқари олиб бораётган машғулотларини кузатиб бориш, уларга амалий ва методик ёрдам уюштириш;
- таълим муассасасидаги “Ёшлар етакчиси”нинг ишини назорат қилиш ва унга йўл-йўриқ кўрсатиш.

916. Методик кенгаш нима?

Методик кенгаш таълим муассасасида таълим жараёнининг сифатини таъминлаш, ўқитувчиларнинг ғоявий-назарий жиҳатдан тайёргарлиги, педагогик ва методик маҳоратларини такомиллаштирилиб борилишига назарий-методик жиҳатдан раҳбарлик қилувчи орган саналади.

917. Методик кенгаш фаолияти қандай ҳужжатда ўз аксини топган?

Методик кенгаш фаолияти “Умумий ўрта таълим мактаби Методик кенгаши тўғрисида”ги Низомда ўз аксини топади.

918. Методик кенгаш қандай вазифаларни ҳал қилади?

Методик кенгаш қуйидаги вазифаларни ҳал қилади:

- таълим жараёнининг методик таъминот ҳолатини ўрганади, таълим муассасаси методик ишларини ташкил этади ва мувофиқлаштириб боради;
- таълим муассасасида олиб борилаётган методик ишларнинг истиқболини аниқлайди;
- йўналиш ва фанлар бўйича методика бирлашмаларига умумий раҳбарлик қилади, уларнинг фаолиятларини мувофиқлаштиради;
- таълимга доир меъёрий ва методик ҳужжатларни ўрганади, уларни ўқув жараёнига татбиқ этиш усуллари юзасидан тавсиялар беради;
- таълим муассасаси ўқув-методик ишларига эксперт сифатида баҳо беришни амалга оширади;
- ўқитувчиларнинг ғоявий-назарий билим даражасини оширади, уларни фан ютуқлари, педагогик инновациялар, илмий-оммабоп адабиётлар билан мунтазам таништириб боради;

- ўқитувчиларга иш режаларининг тузилиши ва бўлимлари мазмуни бўйича тавсиялар беради;
- таълим жараёнида қўллаш учун илғор педагогик технологияларни ишлаб чиқиб, уларнинг амалиётга жорий этилишини назорат қилиб боради;
- ўқитувчиларнинг педагогик ва методик маҳоратини оширишга доир ишларни амалга оширади;
- давлат таълим стандартлари талаблари, ўқув режаси ва дастурларининг бажарилиш ҳолатини таҳлил қилади, тегишли тадбирларни белгилайди;
- ташқи ва ички назорат натижаларига давлат таълим стандарти талабларининг бажарилишида аниқланган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини белгилайди ва уларнинг бажарилишини назорат қилади;
- ўқув жараёнига ўқитиш методикасининг замонавий ва самарали усуллари олиб кириш, педагогик кадрларни методик жиҳатдан билимларини ошириш мақсадида ўқув семинарларини ташкил қилиш;
- таълим жараёнида миллий мафкура ва ёшларда сиёсий онгни шакллантиришга доир кўрсатмалар бериб бориш;
- ўқувчилар билимини назорат қилиш ва уларнинг мустақил ишларини ташкил қилишга доир кўрсатмалар бериш;
- йўналиш ва фанлар бўйича методика бирлашмалари ҳисоботини эшитиш, муҳокама қилиш, уларнинг фаолиятини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар бериш;
- ўқитувчиларнинг самарали меҳнатларини инобатга олган ҳолда маънавий ва моддий рағбатлантиришга тавсия қилиш;
- педагогик ходимларнинг аттестациядан ўтказиш бўйича материалларни тайёрлаш;
- таълим муассасаси миқёсида фан ойликлари (ҳафталиклари), фанлар бўйича дарсдан ташқари (факультатив, тўгарак) ишлари, фан олимпиадаларининг 1-босқичлари, кўрик-танловларнинг ўтказилиши ва уларнинг самарасини назорат қилиб бориш.

919. Методик кенгаш фаолияти қандай ҳужжатларда ёритилади?

Методик кенгаш фаолияти қуйидаги ҳужжатларда ёритилади:

1. Иш режаси.
2. Кенгаш йиғилиши баённомаси.
3. Кенгаш томонидан таҳлил қилинган материаллар.
4. Эксперт қилинган материаллар ва ишлаб чиқилган методик ишлар.

920. Методик кенгаш фаолиятига ким раҳбарлик қилади?

Методик кенгаш фаолиятига Педагогик кенгаш қарорига асосан ижодкор, тажрибали ўқитувчилардан таълим муассасаси директорининг буйруғи билан тайинланган бошлиқ раҳбарлик қилади.

921. Методик бирлашмалар нима?

Методика бирлашмалари – бу ўқитувчиларга таълим жараёнини ташкил этишни яхшилашда ёрдам кўрсатиш, педагогик тажрибалар тўплаш ва уларни

таълим жараёнига татбиқ этиш, ўқитувчиларнинг педагогик малакаси ва назарий тайёргарлик даражасини ошириш мақсадида таълим муассасаларида фанлар ёки бир-бирига яқин бўлган фанлар туркумлари бўйича ташкил этилган уюшмалар саналади.

922. Методика бирлашмалари фаолияти қандай ҳужжатларда ёритилади?

Методика бирлашмалари фаолияти “Умумий ўрта таълим мактаби фан Методик бирлашмалари тўғрисида”ги Низомда ёритилади.

923. Методика бирлашмалари қандай вазифаларни бажаради?

Методика бирлашмалари ўзида Методик кенгашнинг вазифаларини ақс эттиради. Шу билан бирга методика бирлашмалари қуйидаги вазифаларни ҳам бажаради:

- фанлар бўйича тақвимий мавзуй режаларни тасдиқлашга тавсия этиш;
- оралиқ ва якуний назоратлар учун ўқитувчилар томонидан тайёрланган синов материалларини тасдиқлаш;
- илғор ўқитувчиларнинг иш тажрибаларини ўрганишни ташкил қилиш ва оммалаштириш;
- тегишли йўналиш ёки фан бўйича таълим муассасасида методик таъминотга бўлган эҳтиёжни аниқлаш;
- дарсларни ўзаро кузатишларни ташкил қилиш, натижаларни таҳлил этиш ва мутахассисларга амалий ёрдам бериш;
- таълим методларини ўрганиш мақсадида очиқ дарсларни ташкил этиш, илғор педагогик тажрибаларга доир таклифларни ўрганиш, умумлаштириш ва оммалаштириш;
- ёш мутахассисларга методик ёрдам бериш;
- кўргазма ва кўрсатмали воситалардан фойдаланиш бўйича методик тавсияларни бериш;
- фан хоналарининг меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида жиҳозланишини ташкил этиш.

924. Умумий ўрта таълим мактабларида Методика бирлашмалари қандай тартибда ташкил этилади?

Умумий ўрта таълим мактабларида Методика бирлашмалари бошланғич таълим йўналиши бўйича битта, V-XI синфларда эса ўқув режасидаги алоҳида фанлар бўйича ташкил этилади. Агар у ёки бу фан бўйича ўқитувчилар сони уч нафардан кам бўлса, у ҳолда фан ўқитувчилари шу туркумдаги фан ўқитувчилари билан биргаликда битта Методика бирлашмасига бирлашадилар.

925. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида Методика бирлашмалари қандай тартибда ташкил этилади?

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида Методика бирлашмалари ўқув режасидаги алоҳида фанлар бўйича ташкил этилади. Агар у ёки бу фан бўйича ўқитувчилар сони уч нафардан кам бўлса, у ҳолда фан

Ўқитувчилари шу туркумдаги фан ўқитувчилари билан биргаликда битта Методика бирлашмасига бирлашадилар.

Касб-хунар коллежларида эса кафедраларда ўқитиладиган фанлар бўйича Методика бирлашмалари ташкил этилади.

926. Методика бирлашмаларининг фаолияти қандай ҳужжатларда ёритилади?

Методика бирлашмаларининг фаолияти қуйидаги ҳужжатларда ёритилади:

1. Иш режаси.
2. Бирлашма аъзолари ҳақидаги маълумотлар.
3. Бирлашма фаолиятига алоқадор бўлган ўқув-методик ҳужжатлар нусхаси.
4. Бирлашма йиғилиши баённомалари.
5. Ҳисоботлар.

927. Методик бирлашмалар фаолиятига ким раҳбарлик қилади?

Методик бирлашмалар фаолиятига Педагогик кенгаш қарорига асосан ижодкор, тажрибали ўқитувчилардан таълим муассасаси директорининг буйруғи билан тайинланган бошлиқ раҳбарлик қилади.

928. Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг хорижий мамлакатлар таълим муассасалари билан халқаро ҳамкорлиги қандай шаклларда намоён бўлади?

Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг хорижий мамлакатлар таълим муассасалари билан халқаро ҳамкорлиги:

- педагогик ахборот ва тажриба алмашиш;
- педагог ходимларнинг тажриба ўрганишлари;
- малака ошириш мақсадида прогрессив халқаро жамғармалар ва ташкилотларнинг грантларини олиш каби шаклларда намоён бўлади.

929. Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишдан қандай мақсад кўзланади?

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишдан ўқитувчиларнинг ижодий имкониятларини ривожлантириш, уларнинг касбий билимларини такомиллаштириш орқали ўқувчиларга таълим-тарбия сифатини кескин яхшилаш мақсади кўзланади.

930. Педагогларнинг малакасини ошириш қандай шаклларда амалга оширилади?

Педагогларнинг малакасини ошириш қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

- 1) таълим муассасаси доираси;
- 2) таълим муассасасидан ташқарида.

931. Таълим муассасаси доирасида малака ошириш қандай шаклларда

олиб борилади?

Таълим муассасаси доирасида малака ошириш қуйидаги шаклларда олиб борилади:

- фанлар бўйича тузилган методбирлашмалар;
- Педагогик кенгаш;
- доимий ҳаракатдаги семинар ўқишлар;
- мақсадли очиқ дарслар;
- конференция ва педагогик ўқишлар.

932. Таълим муассасасидан ташқарида малака ошириш қандай шаклларда олиб борилади?

Таълим муассасасидан ташқарида малака ошириш қуйидаги шаклларда олиб борилади:

- педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари (факультетлари, марказлари);
- мактабгача таълим муассасалари ходимларининг малакасини ошириш Республика курси;
- туман методика кабинетини.

933. Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари (факультетлари, марказлари)да қандай курслар ташкил этилади?

Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари (факультетлари, марказлари)да қуйидаги курслар ташкил этилади:

- ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда марказ, вилоят ва туманда ўтказиладиган курслар;
- мураббийлик асосидаги курслар;
- экстернат кўринишдаги курслар;
- қисқа муддатли курслар;
- эркин тингловчилар курслари;
- сиртки, қатнаб таълим олинадиган курслар;
- шахсий режа асосида ташкил этиладиган курслар;
- муаммоли (мақсадли) курслар;
- муаллифлик курслари;
- доимий ҳаракатдаги курслар.

934. Туман методика кабинетини педагоглар малакасини ошириш қандай шаклларда амалга оширилади?

Туман методика кабинетини педагоглар малакасини ошириш қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

- илмий-методик, педагогик ёки амалий конференция, семинар, семинар-кенгашлар;
- муайян муаммо ёки мавзу асосида ташкил этилган доимий ҳаракатдаги семинарлар;
- туман фан ўқитувчиларининг методика уюшмалари;

- таянч ва илғор тажриба муассасаси ишлари;
- таълим муассасалари раҳбарларининг Методик уюшмалари;
- педагогик ўқишлар.

935. Педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш қандай мақсадда амалга оширилади?

Педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш уларнинг касбий маҳоратларининг ўсишини рағбатлантириш, таълим-тарбияда илғор педагогик технологияларни яратиш ва уларни амалиётда қўллаш, маънавий-маърифий йўналишлардаги натижаларни холис баҳолаш, эгаллаб турган ёки даъвогарлик қилинаётган тоифа ва лавозимларга муносибликни аниқлаш, таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёни сифатини ошириш мақсадида амалга оширилади.

936. Педагог кадрлар аттестацияси қандай муддатда ташкил этилади?

Педагог кадрлар аттестацияси 5 йилда бир марта Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест Маркази таркибидаги “Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармаси” ҳамда Халқ таълими Вазирлиги билан биргаликда ишлаб чиқилган жадваллар асосида ташкил этилади.

937. Педагог кадрлар аттестациясини ташкил этиш жараёнида қандай ишлар амалга оширилади?

Педагог кадрлар аттестациясини ташкил этиш жараёнида қуйидаги ишлар амалга оширилади:

- педагог кадрлар ўз мутахассислиги ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ва маънавий-маърифий йўналишлар бўйича тест синовидан, суҳбатдан ўтказиладилар;
- педагог кадрлар томонидан ўқитаётган фан бўйича ўқувчиларнинг билим ва ўзлаштириш даражалари ўрганилади;
- ўқувчилар ўртасида социологик сўровлар ўтказилади.

938. Аттестация жараёнида педагогнинг касбий сифатлари даражаси қандай кўрсаткичлар асосида белгиланади?

Аттестация жараёнида педагогнинг касбий сифатлари даражаси тест, суҳбат натижалари, ўқувчиларнинг билим даражалари, илмий, ўқув-методик ишлари ва ихтиролари, ижодий ишлари, иш стажи, педагогнинг комиссия томонидан ўрганилган касбий маҳорати ва раҳбарият томонидан берилган баҳолар кўрсаткичлари асосида белгиланади.

939. Аттестация жараёнида кимлар алоҳида суҳбатдан ўтказиладилар?

Махсус мактаблар, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим муассасалари, маданият, спорт, санъат соҳалари педагог кадрлари, муҳандис-педагог кадрлар ва ишлаб чиқариш усталари ўз мутахассисликлари бўйича алоҳида суҳбатдан ўтказиладилар.

940. Педагогларни аттестациядан ўтказиш учун мўлжалланган тест саволлари тўплами қандай масалаларни қамраб олади?

Педагогларни аттестациядан ўтказиш учун мўлжалланган тест саволлари тўплами Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”, давлат таълим стандартлари, миллий истиқлол ғояси ва маънавий асослари, янги педагогик технологияларга оид масалаларни қамраб олади.

941. Таълим муассасаларининг педагог кадрлар таркиби кимлардан ташкил топади?

Таълим муассасаларининг педагог кадрлар таркиби профессор-ўқитувчилар, ўқитувчилар, методистлар, тарбиячилар, психологлар, дефектологлар, логопедлар, спорт инструкторлари, мусиқа ва тўгарак раҳбарларидан ташкил топади.

942. Мутахассислик тоифасига эга педагог “аттестациядан ўтмади” деб эътироф этилганда ёки таянч маълумоти дарс бераётган фанига мос келмайдиган педагог кадрлар қайта тайёрлаш курсларидан ўтмаган бўлсалар уларга нисбатан қандай чора белгиланади?

Мутахассислик тоифасига эга педагог “аттестациядан ўтмади” деб эътироф этилганда ёки таянч маълумоти дарс бераётган фанига мос келмайдиган педагог кадрлар қайта тайёрлаш курсларидан ўтмаган бўлсалар тегишли таълим муассасаси раҳбари педагогга ўз мутахассислигига кўра аттестациядан ўтишни, қайта тайёрлаш ёки малака ошириш курсида малака оширишни таклиф қилади.

Мазкур таклифларга рози бўлмаган ўқитувчиларнинг меҳнат шартномаси амалдаги қонунчилик асосида бекор қилинади.

943. “Аттестациядан ўтмади” деб топилган педагоглар ҳамда қайта тайёрлаш ёки малака ошириш курсига юборилган педагогларга нисбатан қандай чора белгиланади?

“Аттестациядан ўтмади” деб топилган педагоглар ҳамда қайта тайёрлаш ёки малака ошириш курсига юборилган педагоглар бир йилдан сўнг қайта аттестациядан ўтказиладилар.

944. Таълим муассасаларида ёш ўқитувчиларга қандай шаклларда методик ёрдам кўрсатилади?

Таълим муассасаларида ёш ўқитувчиларга қуйидаги шаклларда методик ёрдам кўрсатилади:

- 1) барча ёш ўқитувчиларни жалб этиш орқали;
- 2) огоҳлантириш орқали ҳар бир ўқитувчининг дарсини кузатиш йўли билан;
- 3) ёш ўқитувчининг иши билан яқиндан танишиш орқали.

945. Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг хорижий мамлакатлар таълим муассасалари билан

халқаро ҳамкорлиги нима асосида амалга оширилади?

Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг хорижий мамлакатлар таълим муассасалари билан халқаро ҳамкорлиги давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро битимлар, шартномалар асосида амалга оширилади.

Бундан ташқари олий ўқув юртларини тамомлаб, мактабда ишлаётган ёш мутахассислар ва улар олиб бораётган таълим-тарбия ишларини ўрганиш, уларга тегишли методик ёрдам кўрсатиш, йўл-йўриқлар ва маслаҳатлар бериб бориш, турли мавзуларда ижодий кечалар, тажрибали ҳамда фахрий ўқитувчилар билан учрашувларни уюштириш мақсадида туман Методика кабинети қошида “Ёш мутахассислар мактаби”ни ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

ХII БЎЛИМ. МАХСУС (КОРРЕКЦИОН) ПЕДАГОГИКА АСОСЛАРИ

946. Махсус педагогика қандай фан?

Махсус педагогика (Дефектология, юнонча “defectus” – нуқсон, камчилик, “logos” – фан, таълимот) ривожланишда жисмоний ёки психик камчиликка эга, махсус, индивидуал тарбиялаш ва ўқитиш методларига асосланган, имкониятлари чекланган болаларни ривожлантириш жараёнини бошқаришни ўрганувчи фан.

947. Махсус педагогика ўз ичига қандай соҳаларни қамраб олади?

Махсус педагогика ўз ичига қуйидаги соҳаларни қамраб олади:

1. Сурдопедагогика ва сурдопсихология (эшитиш қобилияти бузилган болаларни ривожлантириш, ўқитиш ва тарбиялашни ўрганади).
2. Тифлопедагогика ва тифлопсихология (кўриш қобилияти бузилган болаларни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантиришни ўрганади).
3. Олигофренопедагогика ва олигофренопсихология (ақли заиф болаларни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантиришни ўрганади).
4. Логопедия ва нутқий бузилишлар психологияси (нутқида нуқсонлар бўлган болаларни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантиришни ўрганади).
5. Махсус педагогика ва махсус психология (таянч-ҳаракат аппаратнинг мураккаб нуқсонларини ўрганади).

948. Коррекция нима?

Коррекция (юнонча “correctio” – тузатиш) – педагогик услуб ва тадбирлардан иборат махсус тизими ёрдамида аномал болаларнинг психик ва жисмоний ривожланиш камчиликларини қисман ёки тўлиқ тузатиш.

949. Махсус педагогиканинг мақсади нима?

Махсус педагогиканинг мақсади турли тоифали аномал (“нотўғри”, жисмоний ёки руҳий нуқсонларга эга) болаларни ривожлантириш, ўқитиш ва тарбиялаш, белгиланган (нормал) ва аномал (юнонча “anomalos” – меъёрдан

четлашиш, муайян камчилик) фаолият ўртасидаги номувофиқликни йўқотиш ёки камайтиришдан иборат.

950. Махсус педагогиканинг асосий вазифалари нималардан иборат?

Махсус педагогиканинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- аномал болаларни аниқлаш ва ҳисобга олиш;
- ривожланиш аномалиясини барвақт ташхислаш методларини ишлаб чиқиш;
- болаларда ривожланиш нуқсонларини тузатиш, йўқотиш ёки камайтириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;
- аномал болаликнинг олдини олиш бўйича профилактик чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш;
- бола ривожланишидаги нуқсонларни тузатиш ёки тузатиш имкониятларини аниқлаш;
- аномал болаларни табақалаштирилган ҳолда ўқитиш ва тарбиялаш;
- аномал болани ривожлантириш ва ижтимоийлаштириш жараёни самарадорлигини ошириш.

951. Махсус педагогик фаолият нима дегани?

Махсус-педагогик фаолият:

- 1) яхлит таълим жараёнини қамраб оладиган, мураккаб психофизиологик ва ижтимоий-педагогик чора-тадбирлар амалга оширилишини назарда тутадиган педагогик тизим;
- 2) махсус таълим дастурига кўра мутахассислар ёрдамида аномал ўқувчиларни ўқитиш, тарбиялаш, ривожлантиришнинг яхлит жараёни.

952. Қадимда ривожланиши ва хулқида нуқсони бўлган болаларга қандай муносабатда бўлинган?

Қадимда ривожланиши ва хулқида нуқсони бўлган болаларга салбий муносабатда бўлинган. Физиологик ёки жисмоний нуқсонга эга шахслар “Худонинг қаҳрига учраганлар”, “ёвуз руҳ томонидан яратилганлар” деб ҳисобланган. Қадимги Спартада ривожланиши ва хулқида нуқсони бўлган болалар қатл қилинган. Хусусан, эр.ав. IV-V асрларда қабилаларнинг бошлиқлари қабиллада туғилган ҳар бир болани синчиклаб текшириб, унинг бирорта нуқсонга эга ёки эга эмаслигини аниқлашган. Нуқсонли болалар Тайгет жарлигига ташлаб юборилган.

953. Ўрта асрларда ривожланиши ва хулқида нуқсони бўлган болаларга қандай муносабатда бўлинган?

Ўрта асрларда Европада бола ривожланишидаги ҳар қандай нуқсон ёвуз кучларнинг “намоён бўлиши” сифатида қабул қилинган, руҳий касалликларга эга кишилар инквизиция гулханида ёндирилган.

954. Ривожланиши ва хулқида нуқсони бўлган болаларга ижобий муносабат қачондан шаклланган?

Ривожланиши ва хулқида нуқсони бўлган болаларга ижобий муносабат Уйғониш давридан XIX асрнинг ўрталаригача бўлган вақт оралиғида шаклланган. Худди шу даврдан Европада Дефектология фани ва амалиёти ривожлана бошлаган.

955. Ақлий ривожланишида нуқсони бўлган болаларга нисбатан инсонпарварлик тамойили ким томондан илгари сурилган?

Ақлий ривожланишида нуқсони бўлган болаларга нисбатан инсонпарварлик тамойили илк бор француз шифокори, руҳий касалликлар турларининг асосчиси Филипп Пинел (1745-1826 йиллар) томонидан илгари сурилган.

956. Ақли заиф болаларни махсус усуллар ёрдамида ўқитиш ва тарбиялаш ғояси ким томонидан асосланган?

Ақли заиф болаларни махсус усуллар ёрдамида ўқитиш ва тарбиялаш ғояси Иоган Генрих Песталоцци (1746-1827 йиллар) томонидан асосланган.

957. Ўзбекистонда педагог-дефектологларни тайёрлаш қачондан йўлга қўйилган?

Ўзбекистонда педагог-дефектологларни тайёрлаш 1967 йилдан йўлга қўйилган. Шу йили Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти (ҳозирда университети)нинг “Педагогика ва психология” факультетида “Дефектология” бўлими очилган.

958. Қандай таълим муассасалари махсус таълим муассасалари сифатида ривожланишида ва хулқида нуқсони бўлган болаларни ўқитиш ҳамда тарбиялашга асосланган?

Кўзи ожиз ҳамда қар болалар учун мактаб-интернатлар, ақли заифлар учун ёрдамчи мактаб-интернатлар ривожланишида ва хулқида нуқсони бўлган болаларни ўқитиш ҳамда тарбиялашга асосланган.

959. Махсус педагогика қандай категорияларга эга?

Махсус педагогика қуйидаги категорияларга эга:

1. Аномал болалар.
2. Аномал болаларни ўқитиш ва ривожлантириш.
3. Аномал болаларни тарбиялаш.
4. Коррекциялаш (тузатиш).
5. Коррекцион-тарбиявий ишлар.
6. Компенсация.
7. Ижтимоий реабилитация.
8. Ижтимоий адаптация.
9. Оила тарбияси.

960. Аномал болалар кимлар?

Аномал (юнончадан “anomaliya” – нотекислик, меъёрдан четлашиш)

болалар ривожланишида ва хулқида нуқсони бўлган болалардир. Бу каби болаларда эшитиш, кўриш, ақлий ривожланиш, таянч-харакат аппаратлари, сенсомоторик функциясининг бузилиши нуқсонига эгаликлардан бири кузатилади.

961. Аномал болаларни ўқитиш ва ривожлантириш деганда нима тушунилади?

Аномал болаларни ўқитиш ва ривожлантириш деганда бу каби болаларни ижтимоий ҳаёт ва меҳнатга тайёрлаш, уларда билим, кўникма, малакаларни шакллантиришга йўналтирилган мақсадли жараён тушунилади.

962. Аномал болаларни тарбиялаш нимадан иборат?

Аномал болаларни тарбиялаш нуқсон даражаси ва тузилишига мос келадиган метод, воситаларни танлаш орқали оила ва таълим муассасаси ўртасидаги ҳамкорлик, ўзаро қўллаб-қувватлаш, ёрдам кўрсатиш, талабчанлик ва меҳрибонлик асосида аномал болаларни фаол ижтимоий ҳаёт ва меҳнатга тайёрлаш, уларда ижтимоий сифатларни шакллантиришдан иборат.

963. Коррекциялаш нима?

Коррекциялаш (тузатиш) боланинг психик ва жисмоний ривожланишидаги нуқсонларни тузатиш, йўқотиш ва пасайтиришдан иборат.

964. Қандай ишлар коррекцион-тарбиявий ишлар деб юритилади?

Шахсининг аномал ривожланиши хусусиятларига кўра умумий педагогик таъсир кўрсатиш чора-тадбирлари тизими бўлиб, аномал болаларни ўқитиш жараёнида амалга ошириладиган ва меҳнат тарбиясини самарали ташкил этиш учун катта имкониятлар яратадиган ишлар коррекцион-тарбиявий ишлар деб юритилади.

965. Компенсация нима?

Компенсация (юнонча “compensatio” – ўрнини тўлдириш) организмнинг бузилган ёки ривожланмаган функцияларининг ўрнини тўлдириш, қайта қуришдир.

966. “Ижтимоий реабилитация” тушунчаси қандай маънони англатади?

Ижтимоий реабилитация (юнонча “rehabilitas” – қобилиятни тиклаш) аномал болаларнинг психофизиологик имкониятларига кўра ижтимоий муҳитда иштирок этиши учун шароит яратиш, уларни ижтимоий ҳаёт ва меҳнатга жалб этиш маъносини англатади.

967. Ижтимоий адаптация нима дегани?

Ижтимоий адаптация (юнонча “adapto” – мослашиш) аномал болаларнинг индивидуал, гуруҳли хулқларини ижтимоий қоидалар, қадриятларга мос келишини таъминлаш деганидир.

968. Махсус педагогикада оила тарбиясига қандай ёндашилади?

Махсус педагогикада оила тарбиясига оила ва махсус таълим муассасалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик асосида аномал болани ижтимоий фаолиятга жалб этиш, уларнинг меҳнат қобилиятларини аниқлаш, уларда имкон қадар касб кўникмаларини шакллантиришни таъминловчи муҳит ҳамда педагогик фаолият сифатида ёндашилади.

969. Коррекцион-педагогик ишлар қандай йўналишларда амалга оширилади?

Коррекцион-педагогик ишлар қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

1. Болаларнинг ривожланиши ва хулқидаги нуқсонлар моҳиятини аниқлаш, уларнинг юзага келиши сабаблари, шароитларини ўрганиш.

2. Ривожланиши ва хулқида нуқсонлар бўлган болалар билан коррекцион-педагогик фаолиятни ташкил этиш, ривожланиш тарихини ўрганиш.

3. Ривожланиш, хулқидаги нуқсонларнинг олдини оладиган ижтимоий-педагогик шарт-шароитлар, психофизиологик ривожланиш этимологияси (сабаб-оқибатли асослари)ни аниқлаш.

4. Ривожланиши ва хулқида нуқсонлар бўлган болаларга коррекцион-педагогик таъсир кўрсатиш технологияси, шакл, метод ҳамда воситаларини ишлаб чиқиш.

5. Оммавий умумий ўрта таълим мактабларда ривожланиши ва хулқида нуқсонлар бўлган болаларни умумий тарзда, махсус ўқитиш мазмунини таҳлил қилиш.

6. Болаларни реабилитациялаш, ҳимоялаш марказлари, махсус муассасаларнинг мақсади, вазифалари, йўналишларини аниқлаш.

7. Аномал болалар билан коррекцион-педагогик фаолиятни ташкил этадиган ўқитувчиларни тайёрлашда ўқув-методик базани яратиш.

970. Коррекцион-ривожлантирувчи таълим қандай мақсадга хизмат қилади?

Коррекцион-ривожлантирувчи таълим аномал болаларга ўз вақтида малакали педагогик ёрдам кўрсатилишни таъминловчи табақалаштирилган таълим тизими бўлиб, бола ривожланишини таъминлайдиган билимларни тизимлаштириш, ривожланиши ва ўқишидаги камчиликларни йўқотиш, етарлича шаклланмаган кўникма, малакаларни шакллантириш, боланинг идрок этишдаги камчиликларни тузатишга хизмат қилади.

971. Қандай ишлар коррекцион-тарбиявий ишлар деб юритилади?

Коррекцион-тарбиявий ишлар аномал болаларнинг камчиликларни йўқотиш, камайтиришга қаратилган махсус педагогик чора-тадбирлар тизими бўлиб, фақат алоҳида нуқсонларни тузатишга йўналтирилган бўлмай, балки уларни умумий ривожлантиришга ҳам хизмат қилади.

972. Коррекцион-педагогик фаолият нима?

Коррекцион-педагогик фаолият боланинг идрок этиш имкониятларини

ўзгартириш, ҳиссий-иродавий, индивидуал-шахсий сифатларини такомиллаштириш, қизиқиши, лаёқати, меҳнат, бадий, эстетик ва бошқа қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган педагогик хатти-ҳаракатдир.

973. Коррекцион-ривожлантирувчи таълим, коррекцион-тарбиявий ишлар, коррекцион-педагогик фаолият кимлар томонидан ташкил этилади?

Коррекцион-ривожлантирувчи таълим, коррекцион-тарбиявий ишлар, коррекцион-педагогик фаолият педагог, ижтимоий-педагог, психолог, логопед, тиббиёт ходимлари, жумладан, ортопед ва бошқалар томонидан ташкил этилади.

974. Бола ривожланишидаги нуқсонларни қандай турларга ажратиш мумкин?

Бола ривожланишидаги нуқсонларни қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

I. М.А.Власова, М.С.Певзнерлар ёндашувига кўра:

1. Сенсор хислати етишмайдиган (эшитиш, кўриш, нутқ қобилияти, таянч-ҳаракат аппарати, сенсомоторик функцияси бузилган) болалар.

2. Руҳий ривожланиши ортда қолган болалар.

3. Астеник ёки реактив ҳолатли, ташвишланишга мойил болалар.

4. Психопатик хулқли (хулқнинг ҳиссий бузилиши) болалар.

5. Ақли заиф болалар (дебиллик, имбециллик, идиотия даражасидаги олигофренлар).

6. Психик касалликнинг бошланғич кўриниши (шизофрения, эпилепсия, истерия) намоён бўладиган болалар.

II. О.Н.Усанова ғоясига кўра:

1. Органик бузилишлар сабабли ривожланишида четланиш бўлган болалар.

2. Функционал етук эмаслиги сабабли ривожланишида камчилик бўлган болалар.

3. Психик депривациялар асосида ривожланишида камчиликлар бўлган болалар.

III. В.Рахманованинг фикрига кўра:

1. Интеллектуал бузилишга эга болалар (ақли заиф ва руҳий ривожланишидан ортда қолган болалар).

2. Нутқи бузилган болалар.

3. Сенсорли (кўриш ва эшитиш қобилиятларининг бузилиши) нуқсонларга эга болалар.

4. Таянч-ҳаракатли аппарати бузилган болалар.

5. Ривожланишида комплекс бузилиш бўлган болалар.

975. Бола ривожланишидаги нуқсонларни ташхислаш тамойиллари қайсилар?

Бола ривожланишидаги нуқсонларни ташхислаш тамойиллари қуйидагилардир:

1. Инсонпарварлик (ҳар бир бола учун ўз қобилиятларини максимал даражада ривожлантира оладиган зарур шароитларни ўз вақтида яратиб беришдан иборат).

2. Болаларни мажмуавий (комплекс) ўрганиш (болага ташхис қўйишда зарур мутахассисликлар (тиббий, дефектологик, психологик ва педагогик) бўйича олинган маълумотларга танишни назарда тутати).

3. Болани ҳар томонлама ва яхлит ўрганиш (боланинг идрок этиш, ҳиссий-иродавий сифатлари ва хулқини текширишни кўзда тутати. Унга кўра боланинг ривожланишига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган жисмоний ҳолати ҳам ҳисобга олинади).

4. Болани динамик ўрганиш (текшириш давомида улар биладиган ва бажара оладиган ишларни эмас, балки уларнинг ўқитишдаги имкониятларини ҳам ҳисобга олиш муҳим эканлигини назарда тутати).

5. Сифатий-миқдорий ёндашув (бола бажарган топшириқни баҳолашда якуний натижанигина эмас, балки усули, масалани ечиш учун танланган йўлнинг рационаллиги, ҳаракатларнинг мантиқий кетма-кетлиги, мақсадга эришишдаги қатъийлик ва тиришқоқликни ҳам ҳисобга олиш зарурлигини асослайди).

6. Маълум турдаги патологияли болаларни бошқа болалар гуруҳларидан ажратиш (ҳар бир махсус таълим муассасаси ўз қоидаларига эгаллигини тавсифлайди).

7. Ривожланишдаги нуқсонлар даражасига кўра табақалаштирилган таълимни ташкил этиш (ривожланишида бир хил, лекин даражасига кўра турли четланишга эга болаларни ажратган ҳолда ўқишларини назарда тутати, бундай методикаларда сезиларли фарқлар мавжуд (мас., кўзи ожиз болалар тактил – Брайн тизими асосда ўқитилади).

8. Аномал болалар ёшини инобатга олиш (муайян гуруҳ ёки синфга маълум ёшдаги болалар қабул қилинишини ифодалайди).

976. Аномал болаларнинг ёши, нуқсонларининг турлари, даражаси нима асосида аниқланади?

Аномал болаларнинг ёши, нуқсонларининг турлари, даражаси психологик-педагогик текшириш асосида аниқланади.

977. Психологик-педагогик текшириш қандай методлар ёрдамида ташкил этилади?

Психологик-педагогик текшириш қуйидаги методлар ёрдамида ташкил этилади:

- 1) суҳбат;
- 2) расмларни ўрганиш;
- 3) кузатиш;
- 4) психологик тадқиқот;
- 5) тест.

978. Махсус педагогикада қўлланиладиган суҳбат методи қандай

хусусиятга эга?

Махсус педагогикада суҳбат шахс билан алоқа ўрнатиш воситаси бўлиб, аномал бола шахси, ҳиссий-иродавий сифатлари, хулқи ва ривожланишидаги нуқсонларнинг сабабларига оид маълумотларни тўплашга имкон беради. Агарда боланинг нутқида, эшитишида нуқсони бўлса ёки ижтимоий муносабатга қийин киришса суҳбат уюштириш тавсия этилмайди.

979. Расмларни ўрганиш методининг аҳамияти нимада акс этади?

Расмлар болани ўрганишда муҳим восита ҳисобланади. Болада педагог томонидан тавсия этилган расмлар хавотир уйғотса, унга эркин расм чизиш таклиф этилади. Боланинг мавзу танлай олиши, тасвирлаш хусусиятлари, расм чизиш жараёни якуний ташхис учун муҳим маълумот ҳисобланади. Бу эса расмларни ўрганиш методининг аҳамиятини асослайди.

980. Махсус педагогикада кузатиш методи қачон қўлланилади?

Махсус педагогикада кузатиш боланинг маслаҳатга келишидан аввал бошланиб, яхлит текширишларни ўтказиш жараёнида давом эттирилади; кузатиш ҳар доим аниқ мақсад асосида ўтказилади.

981. Махсус педагогикада психологик тадқиқотлар қандай дидактик-тарбиявий аҳамиятга эга?

Психологик тадқиқотлар методи махсус ўрганилиши талаб этилаётган руҳий жараённинг содир этадиган вазиятларни яратишга ёрдам беради. Тажриба методикалари ёрдамида у ёки бу ҳолат сабаблари, механизмлари тўғрисида маълумот олиш мумкин.

982. Махсус педагогикада тест методини қўллаш қандай имкониятларни яратади?

Махсус педагогикада тест методини қўллаш болаларни психодиагностик текширишдан ўтказиш имкониятини яратади. Айти вақтда Д.Векслер томонидан асосланган мослаштирилган тест оммавийлашган бўлиб, ундан фойдаланиш индивидуал-психологик текширишларни ўтказишда бола ҳақида кўшимча маълумотларни олишга ёрдам беради.

983. Ақлий ривожланишида нуқсони бўлган болаларда қандай хусусиятлар намоён бўлади?

Руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар ўзига хос хусусиятларга эга. Улар мактабда таълим олишга тўла тайёр бўлмайдилар, мустақил равишда ҳисоблашни, ўқишни, ёзишни ва мактаб тартиб-қоидаларига амал қилишни ўргана олмайдилар. Бундай болаларда руҳий толиқиш кузатилиб, тез чарчаш, иш бажариш қобилиятининг пасайиши, бошлаган ишини охирига етказмаслик ҳолатлари кузатилади, кўпинча бошлари оғрийди.

Руҳий ривожланиши ортда қолган болаларнинг хулқи ҳам ўзига хос. Ўзларини мактабгача ёшдаги болалар каби тутишади. Уларда ўқишга нисбатан қизиқиш йўқ ёки жуда паст. Ўйин улар учун асосий фаолият тури саналади.

XX асрнинг 60-йилларигача руҳий ривожланишда нуқсони бўлган болалар оммавий умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиларди. Улар билан индивидуал коррекцион ишлар олиб борилмасди. Натижада улар предметларни ўзлаштира олмасдилар.

984. Ақлий ривожланишида нуқсони бўлган болаларни ўқитиш қандай тартибда амалга оширилади?

Ақлий ривожланишида нуқсони бўлган болаларни ўқитиш қуйидаги тартибда амалга оширилади: XX асрнинг 60-йилларида Ўзбекистонда руҳий ривожланишда нуқсони бўлган болалар билан махсус педагогик ишлар амалга оширила бошланди. Ҳозирги кунда бундай болалар учун мактаб интернатлар ва махсус таълим муассасалари фаолият кўрсатмоқда. Шу билан бирга уларни оммавий умумий ўрта таълим мактабларда ташкил этилган коррекцион-ривожлантирувчи синфларда ўқитиш йўлга қўйилган.

Болаларни махсус таълим муассасаларига қабул қилиш психологик-тиббий-педагогик комиссияларнинг ҳулосаси бўйича ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босадиган шахсларнинг розилигига кўра амалга оширилади. Синфлар 12 нафар ўқувчидан иборат бўлади.

985. Руҳий ривожланишда нуқсоннинг келиб чиқиши нима билан боғлиқ?

Руҳий ривожланишда нуқсоннинг келиб чиқиши бош мия фаолиятини ишдан чиқарадиган экзоген (ташқи) ва эндоген (ички) омиллар билан боғлиқ.

986. Ақли заифликнинг қандай даражалари фарқланади?

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (БССТ) томонидан ақли заифликнинг тўрт даражаси ажратиб кўрсатилган. Яъни:

- 1) сезилмас (кам);
- 2) ўртача;
- 3) оғир;
- 4) чуқур.

987. Нутқий бузилишини келтириб чиқарувчи сабаблар нималар билан боғлиқ?

Нутқий бузилишини келтириб чиқарувчи сабаблар орасида экзоген (ташқи) ва эндоген (ички) омиллар билан боғлиқ. Бундан ташқари биологик (анатомик-физиологик, морфологик), функционал (психоген), ижтимоий-психологик (атроф-муҳитнинг салбий таъсири), психоневрологик (психик функцияларининг бузилиши сабаблари (ақли заифлик, хотира ёки диққатнинг бузилиши ва бошқалар)нинг ҳам таъсири сезиларли бўлади.

988. Логопедияда нутқий бузилишлар икки турга ажратилади?

Логопедияда нутқий бузилишлар қуйидаги икки турга ажратилади:

- 1) тиббий-психологик нутқий бузилиш;
- 2) психологик-педагогик нутқий бузилиш.

Нутқдаги нуқсонлар оғзаки ёки ёзма нутққа хос бўлиши мумкин.

989. Нутқда нуқсонлар бўлган болаларда қандай хусусиятлар кўзга ташланади?

Нутқда нуқсонлар бўлган болаларда қуйидаги хусусиятлар кўзга ташланади: уларнинг марказий асаб тизимида функционал ёки органик четланишлар кўзга ташланади. Миянинг органик зарарланиши сабабли иссиқда, транспортда юриш, арғимчоқда кўп вақт тебраниш болага ёмон таъсир кўрсатади, боши оғрийди. Тез чарчаб қолади, қаттиқ таъсирланади, жаҳли чиқади. Кайфиятлари тез ўзгаради, сержаҳл, агрессив, безовта бўлади. Уларда сустлик ва ланжлик кузатилади. Бундай бола тинч ўтира олмайди, бутун дарс давомида ишчанликни ва диққатини сақлаб туриш қийин бўлади. Жуда тез хафа бўлади, атрофдагиларга қулоқ солмайди. Танаффусдан кейин диққатини жамлаши қийин бўлади. Одатда бундай болаларда диққат ва хотира, нутқий хотиранинг заифлиги кузатилади.

990. Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларнинг нутқий бузилишларини ўрганиш ва бартараф этишга қаратилган амалий ҳаракатлар ташкил этиладими?

Ҳа, бундай ҳаракатлар ташкил этилади. Ана шу мақсадда умумий ўрта таълим мактаблари қошида логопедик пункт фаолият юритади.

991. Умумий ўрта таълим мактаблари қошида фаолият юритадиган логопедик пункт томонидан қандай вазифалар ҳал қилинади?

Умумий ўрта таълим мактаблари қошида фаолият юритадиган логопедик пункт томонидан қуйидаги вазифалар ҳал қилинади:

1. Ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқларидаги бузилишларни тузатиш.
2. Нутқий бузилишлар натижасида келиб чиқиш эҳтимоли бўлган иккиламчи нуқсонларнинг олдини олиш, нутқдаги бузилишларни ўз вақтида аниқлаш.
3. Педагог ва ота-оналар ўртасида коррекцион-логопедик билимларни тарғиб қилиш.

992. Логопедик пункт фаолияти қандай тартибда йўлга қўйилади?

Логопедик пункт фаолияти ўқув йили давомида индивидуал ва гуруҳли шаклда йўлга қўйилади.

993. Нуқтида бузилишлар бўлган ўқувчиларга ёрдам яна қандай муассасалар томонидан кўратилади?

Нутқдаги нуқсон жиддий бўлса, болани ўқитиш махсус таълим муассасаларида олиб борилади. Логопедик ёрдам кўрсатиш соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий таъминлаш тизимларида ҳам амалга оширилади. Поликлиникалар, психоневрологик диспансерларнинг логопедик кабинетларида нутқда нуқсони бўлган болаларга логопедик ёрдами кўрсатилади.

994. Эшитиш қобилиятининг бузилишига нималар сабаб бўлиши мумкин?

Эшитиш қобилиятининг бузилишига юқумли касалликлар билан оғриш, захарланиш, акустик ёки контузияли жароҳатлар ҳам сабаб бўлиши мумкин.

995. Қулоғи оғирлик ёки карлик қандай турларга ажратилади?

Қулоғи оғирлик ёки карлик келиб чиқиш сабабларига кўра қуйидагича турланади:

- 1) наслий;
- 2) туғма;
- 3) орттирилган.

996. Эшитишда нуқсони бўлган болалар қандай тартибда ўқитилади?

Оммавий умумий ўрта таълим мактабларида эшитишда нуқсони бўлган болаларни ўқитиш мумкин. Ўқитувчи боланинг эшита олишига эътибор бериши лозим. Болани биринчи ёки иккинчи партага, иложи бўлса ўрта қаторга ўтказиш керак. Шу билан бирга ўқитувчи бола дарсни тушуна олганлиги, топшириқни тўғри бажараётганлигини назорат қилиб туриши керак. Баъзида эшитмайдиган ёки ёмон эшитадиган болалар оммавий умумий ўрта таълим мактабларида эшитадиган тенгдошлари билан бирга муваффақиятли ўқийдилар.

997. Кўриш қобилиятининг бузилиши қандай турланади?

Кўриш қобилиятининг бузилиши қуйидагича турланади:

- 1) туғма;
- 2) орттирилган.

998. Кўришда нуқсони бўлган болаларда қандай хусусиятлар кўзга ташланади?

Кўришда нуқсони бўлган болаларда идрок этишнинг аниқ эмаслиги, секинлиги, торлиги предметларни таниб олиш, шаклини ажратиш, ўзига хос белгилари тўғрисидаги маълумотларга эга бўлишда маълум қийинчиликларни келтириб чиқаради. Болалар сатрлар, ҳарфлар ва рақамларни адаштирадилар. Ушбу ҳолатлар ўқиш техникасини эгаллаш, ўқилганларнинг мазмунини тушунишга ҳалақит беради. Оммавий умумий ўрта таълим мактабларида кўришда нуқсони бўлган бола қараб бажариладиган ишни ташкил этишда тез чарчайди, натижада иш қобилияти пасаяди. У тузатувчи кўзойнак тақиши керак. Лекин кўзойнак тақишда бола педагогнинг унга диққат билан муносабатда бўлишига эҳтиёж сезади. Мактабда ва уйда ўқув ишларини бажаришда санитар-гигиеник талабларга амал қилиши лозим.

999. Кўришда нуқсони бўлган болаларни ўқитиш ва тарбиялаш қандай тартибда амалга оширилади?

Кўришда нуқсони бўлган болаларни ўқитиш ва тарбиялаш қуйидаги тартибда амалга оширилади: оммавий мактабларда таълим олганда кўришда

нуқсони бўлган бола жиддий қийинчиликларга дуч келади, шу сабабли улар билан иш олиб бораётган ўқитувчи коррекцион ишларнинг ўзига хос жиҳатларини билиши зарур. Ўқитувчи ўқувчининг доска, жадвал ва харитадаги ўқув материалларини қабул қилиши ва тушунишини назорат қилиб бориши керак.

1000. Кўришда нуқсони бўлган бола учун иш ўрни қандай бўлиши лозим?

Кўришида нуқсони бўлган бола учун иш ўрни тўғри ва етарлича ёритилган бўлиши керак. Бундай бола дераза ёнидаги биринчи ёки иккинчи қаторга ўтказилади. Яқинни кўрадиган бола ҳам доскага яқинроқ биринчи ёки иккинчи партага ўтказилиши зарур. Узоқни кўрадиган бола эса, аксинча, доскадан узоқроққа охири партага ўтказилиши талаб этилади.

Кўриш қобилияти бузилган бола бўлган ўқитувчилар болага табақалашган ёндашув асосида муносабатда бўлишлари зарур. Бундай ҳолатда ўқувчиларнинг сони 15 нафардан ошмаслиги керак. Ўқув-тарбиявий ишлар жараёнида ўқитувчининг нутқи катта аҳамиятга эга бўлади. Унинг нутқи аниқ, тушунарли, ифодали бўлиши зарур. Ўқитувчи ўзининг ҳар бир ҳаракати моҳиятини сўз ёрдамида шарҳлаб бориши лозим.

Синфида кўр ёки ёмон кўрадиган бола бўлган ўқитувчи уларнинг индивидуал хусусиятлари, имкониятларини билиши, улар нормал кўрадиган тенгдошларидан фарқ қилишларини яхши англаши мақсадга мувофиқдир.

Ўқитувчиларнинг вазифаси кўришда нуқсони бўлган болани ўз вақтида аниқлаш, унга махсус таълим ва тарбия бериш масаласини ҳал этиш учун психологик-тиббий-педагогик комиссияга юборишдан иборат.

Ёмон кўрадиган болаларни ўқитиш ва тарбиялаш асосан махсус (коррекцион) мактабларда амалга оширилади. Баъзан кўришда нуқсони бўлган болалар оммавий умумий ўрта таълим мактабларига қабул қилинадилар. Бундай вазиятда аномал болалар учун махсус шароитларни яратиш зарурияти юзага келади.

ХОТИМА

Замонавий шароитда ишлаб чиқариш ва ижтимоий муносабатларда шахсуствор бўлган рақобат мутахассислардан ўз касбининг билимдони бўлишни тақозо этмоқда. Шу сабабли мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимида ҳам билимли, малакали мутахассисларни тайёрлашнинг пухта асосланган механизми мавжуд бўлишига алоҳида эътибор қаратилди. Айти вақтда узлуксиз таълим тизимининг барча босқичлари ўзида юксак маънавий-ахлоқий сифатларни намоён эта олган шахс ҳамда танлаган мутахассислиги бўйича чуқур билим, кўникма, малакаларга эга мутахассисни тайёрлаш йўлида фаолият олиб бормоқда.

Маълумки, малакали мутахассисларни тайёрлашда таълим муассасаларининг ўқув адабиётлари билан етарли даражада таъминланиши ҳам муҳим шартлардан бири саналади. Мустақиллик йилларида республиканинг барча турдаги таълим муассасаларини янги авлод ўқув адабиётлари билан таъминлаш борасида ижобий натижаларга эришилди. Мавжуд ўқув фанларининг барчаси бўйича мазмунан янгиланган, такомиллаштирилган дарсликлар, ўқув ва методик қўлланмалар, ёрдамчи манбалар яратилди. Бу борадаги амалий ҳаракатлар айти вақтда ҳам давом этмоқда.

“Педагогика: 1022 та саволга 1022 та жавоб” номли мазкур методик қўлланма тегишли йўналишда фаолият олиб бораётган олий ўқув юртлари, ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларининг талаба ва ўқувчилари томонидан ўзлаштираётган мутахассислик билимларини бойитишга хизмат қилади. Амалиётчи-ўқитувчилар ва педагоглар методик қўлланмада ёритилган саволар, уларга берилган жавоблар мазмунини таълим муассасаларида ўқув машғулотлари ҳамда дарсдан, таълим муассасасидан ташқари шароитда маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишда самарали фойдаланишлари мумкин. Методик қўлланма, шунингдек, турли таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган ўқитувчи ва педагогларга уларнинг аттестациядан ўтишларида ҳам ёрдам беради.

Методик қўлланма юзасидан фикр-мулоҳаза ва таклифларни куйидаги манзилга юбориш мумкин: 100070, Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси / Тузувчилар Ш.Курбонов, Ҳ.Саидов, Р.Ахлиддинов. Нашр учун масъул: Т.Рискиев. – Тошкент: Шарқ НМК Бош тахририяти, 1999. – 182 б.
2. Каримов. И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 62 б.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 173 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” / Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Шарқ нашриёт-матбаа концерни. 1997. – 31-61-б.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни (1997 йил 29 августда қабул қилинган / Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 214 б.
6. Большая психологическая энциклопедия. Самое полное современное издание. – Москва: Эксмо, 2007. – С. 163.
7. Джуринский А.Н. История педагогики / Учебное пособие. – Москва: ГИЦ Владос, 1999. – 430 с.
8. Каримова В.М. Ижтимоий психология / Дарслик. Педагогика олийгоҳлари талабалари учун. – Тошкент: “Fan va texnologiyalar”, 2007. – 176 б.
9. Иванов Р.И., Зуфарова М.Э. Умумий психология / Педагогика ва психология бакалавриат таълим йўналиши талабалари учун дарслик. – Тошкент: Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2008. – 480 б.
10. Mavlonova R., To'rayeva O., Xoliqberdiyev K. Pedagogika (kasb-hunar kollejlari uchun darslik). Ikkinchi nashri. – Toshkent: “O'qituvchi“ NM ijodiy uyi, 2008. – 496 b.
11. Мустақиллик. Изоҳли илмий-оммабоп луғат Муаллифлар: М.Абдуллаев, М.Абдуллаева, Ф.Абдуллаева, Г.Абдураззоқова ва бошқ. Р.Рўзиев ва Қ.Хоназаров умумий тахририда. Тўлдирилган учинчи нашр. – Тошкент: “Шарқ” НМ акционерлик компанияси, 2006. – 528 б.
12. Очиллов М. Янги педагогик технологиялар. – Қарши. Насаф, 2000. – 80 б.
13. Педагогика /Жисмоний тарбия институтлари учун дарслик. Рус тилидан таржима. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990. – 296 б.
14. Педагогика назарияси ва тарихи. 1-қисм. Педагогика назарияси. – Тошкент: “Iqtisod-moliya”, 2007. – 379 б.
15. Педагогика фанидан изоҳли луғат / Тузувчилар Ж.Ю.Ҳасанбоев ва бошқ. – Тошкент: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2009. – 671 б.
16. Психология. Қисқача изоҳли луғат / Тузувчилар: М.Г.Давлетшин ва бошқ. Масъул муҳаррир М.Г.Давлетшин. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 1998. – 46 б.
17. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технология: назария ва амалиёт. – Т.: Фан, 2005. – 205 б.

18. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А – Д / 5 жилдли. Биринчи жилд. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2006. – 679 б.
19. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Е – М / 5 жилдли. Иккинчи жилд. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2006. – 671 б.
20. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Н – Тартибли / 5 жилдли. Учинчи жилд. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2007. – 687 б.
21. O'zbek xalq maqollari. – Т.: “Sharq” NMA kompaniyasi Bosh tahririyati, 2005. – 510 б.
22. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Тартибот – Шукр / 5 жилдли. Тўртинчи жилд. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – 372-б.
23. <http://ru.wikipedia.org/wiki>.
24. http://conf.edu.yar.ru/docs/adult/rf411_256.pdf.
25. http://school_sector.relarn.ru.
26. <http://teen.fio.ru>.
27. <http://school.holm.ru/club>.
28. <http://school.holm.ru/holiday>.
29. <http://school.holm.ru/enciclopedia>.
30. http://infdeyatchel.narod.ru/inf_ob.htm.

МУНДАРИЖА

	Сўзбоши.....	4
I бўлим.	Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги давлат сиёсати ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”.....	5
II бўлим.	Тарихий тараққиёт ва педагогик фаолиятнинг такомиллашуви.....	31
III бўлим.	Халқ педагогикаси ва унинг устувор ғоялари.....	45
IV бўлим.	Педагогиканинг умумий асослари.....	56
V бўлим.	Шахснинг ижтимоий ривожланиши.....	74
VI бўлим.	Тарбия назариясининг асослари.....	81
VII бўлим.	Ўқувчилар жамоаси ва унинг шаклланиши.....	92
VIII бўлим.	Ижтимоий тарбия турлари.....	96
IX бўлим.	Оила тарбияси.....	115
X бўлим.	Дидактика (Таълим назарияси).....	117
XI бўлим.	Таълим муассасаси менежменти.....	157
XII бўлим.	Махсус (коррекцион) педагогика асослари.....	178
	Хотима.....	190
	Фойдаланилган адабиётлар.....	191